

ЯВУЗ БАҲОДИРӴЛИ

*ХОРАЗМ ҶТ  
ИЧИДА*

Роман


Туркчадан  
Бобохон МУҲАММАД ШАРИФ  
таржимаси

«Минҳож» нашриёти  
Тошкент  
2002

84(59)6-44

Ватан озодлиги, ҳурлиги миллат бирлигига, жипслигига боғлиқ. Бирлик барбод бўлган жойда ҳурлик бой берилади. Орадан неча асрлар ўтса-да, ҳалқ хотирасида мангу яшайди ган Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик каби ҳалқимизнинг улуғ фарзандлари ҳёти ва қураши ҳакида ҳикоя қилиувчи бу роман китобхонларни ўтмишни теран идрок этишга, Ватан истиқболи ва истиқтоли, ҳурлик учун қурашга чорлайди.

© Тарж. Б.М.Шариф, 2002й.



30570  
10 2

## ТАРИХ ВА БАДИЙ ҲАҚИҚАТ

Инсоният тарихи озод, ҳур яшаш учун кураш тарихидир. Озодлик, эрк түйгуси доимо миллатнинг қон томирларида жўш уриб, руҳиятини юксалтириб туради. Бу ният йўлида жон фидо қилган улуф фарзандларини халқ ҳеч қачон унутмайди. Тарихнинг энг қалтис, мушкул бир пайтида саҳнага чиқиб, ақл-идроқи, метиндек азму иродаси билан юрт бошини қовуштирган, бирликни таъминлаб, миллат руҳини кўтарган, уни мӯғул босқинчиларига қарши курашга сафарбар этган ва мустақиллик йўлида жон фидо қилган Жалолиддин Мангуберди жаҳон миқёсидаги улуф шахслардан биридир. Бу улуф сultonнинг ҳаёти у тириклигидаёқ афсонага айлангани, у ҳақда кўпдан кўп асарлар битилгани, ривоятлар тўқилгани бежиз эмас.

Жалолиддин Хоразмшоҳ ҳақида ўтган замонларда ўнлаб тарихий асарлар битилган. Унинг афсоналарга тўла ҳаёти кейинчалик дунёдаги кўпгина ёзувчилар учун илҳом манбаи бўлди. Жумладан, таникли ўзбек шоири Мақсуд Шайхзоданинг "Жалолиддин Мангуберди" драмасида, Покистон ёзувчиси Насим Ҳижозийнинг "Ахри Чатан" ("Сўнгги қоя") романида, Озарбайжон адабаси Азизанинг "Жалолия" романида, грузин ёзувчиси Григор Абашидшенинг "Лашарела", "Ялдо туни", "Цотне" трилогиясида, рус ёзувчиси В.Яннинг "Чингизхон" романида Жалолиддин Мангуберди образи яратилган.

Бу мавзудаги асарлар орасида ҳозирги замон машҳур турк ёзувчisi Явуз Баҳодирўғлининг "Хоразм ўт ичида" ва "Альвидо, Хоразм" романлари алоҳида ажralиб туради. Бу роман-дилогияни ўқир экансиз, ёзувчи Хоразмшоҳлар даври тарихини, реал шахслар ҳаёти ва фаолиятини тарихий манбалардан чукур ўрганганини ҳис қиласиз. Ёзувчи ўша даврга хос характерлар яратади.

Роман марказида Жалолиддин образи туради. Асарда Жалолиддин Мангуберди жонли, ўз руҳий дунёсига, ўз қарашларига эга инсон сифатида гавдаланади. Романда Жалолиддиннинг ийрик саркарда, давлат арбоби сифатидаги ҳарбий-сиёсий фаолияти, шунингдек, инсон сифатидаги кечинмалари, руҳий олами ишонарли ёритилган, Жалолиддин характеридаги ўзгаришлар тарихий воқеликка мос ҳолда тасвирланган. Адаб Мангуберди шахси билан унинг даври воқе-

лиги ўртасидаги муносабатни түгри илғаган. Воқелик билан бош қаҳрамон ўртасидаги номувофиқлик, зиддият чуқурлаша боргани, охир-оқибат бу қаҳрамонни ҳалокатта олиб келгани реал, ҳаққоний манзараларда очиб берилганды.

Ватан, халқ мустақиллигини асраш түйгүси, тарих олдиаги масъулият ҳисси уни фаол ҳаракатта ундаиди. Бироқ амалдору саркардаларнинг, шоҳ хонадонига мансуб кишиларнинг калтабинлиги, ҳатто қалтис пайтларда ҳам Ватан, эл-юрт манфаати эмас, ўз манфатини ўйлаши, пасткашлиги, хонилиги унга панд беради. Қабиҳликларга тўла ҳаётни ўзгартириш учун тенгсиз олишувда Жалолиддин мислсиз иродасию жасоратига қарамай курашни бой беради. Бунинг оқибатларни нималарга олиб келгани тарихдан яхши маълум: мамлакат мустақиллигини йўқотди, бутун ислом дунёси, жаҳон халқлари мўгул истибододига тушди, тараққиёт неча юз йиллар оржага улоқтирилди.

Ёзувчи Жалолиддин кураши ва мағлубиятининг сабабларини бадиий тадқиқ этишининг шундай йўлини топганки, қаҳрамоннинг ўлимидан қатъий назар, ватанпарварлик, имон, эрк ва ҳурлик түйгуси китобхон қалбидан чуқур жой олади, у бу фожиадан тегишли сабоқ чиқаради.

Ёзувлари Баҳодирўғли романда Темур Малик, Чингизхон, Ҳожиб Али сингари тарихий шахсларнинг тўлақонли ва жонли образларини ҳам яратган. Чингизхон характеристига хос маккорлик, ёвуздлик ва ваҳшнийлик жонли, ишонарли эпизодларда очиб берилганди. Айни чоқда ёзувчи унинг тадбиркор, билимдон ва айёр ҳокиму саркарда бўлганлигини кўрсатишни ҳам эътибордан соқит қилмайди. Яратилган қатор тўқима образлар ҳам эсда қолади.

Тарих ҳақиқатини бадиий ҳақиқаттага айлантиришда ёзувчи тўғри йўлдан борган. Бироқ, айни чоқда, баъзи тарихий воқеалар, фактлар талқинида, жой ва макон тасвирида айрим чалкашилклар ҳам учрайди. Масалан, “Алвидо, Хоразм” романидаги Жалолиддин Маҳмуд Кошғарийни қабул қилгани тасвирланган. Ваҳоланки, Маҳмуд Кошғарий Мангубердидан қарниб юз йил илгари яшаган. Унинг “Девону луготит турк” асари XI аср охирида яратилганди. Бу ўринда ёзувчи Жалолиддинни илм-фан ҳомийси сифатида гавдалантиради. Бу тарихий ҳақиқаттага мос. Насавийнинг ёзишича, султон вақти ниҳоятда тифизлигига қарамай олимлар билан учрашиб, уларни қўллаб турган. Унинг саройида илм аҳлиниңг эътибори ниҳоятда баланд бўлган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Муҳаммад ибн Қайс исмли бир олим “Тибян лугат ат-турки ало лисон ал-қангли” номли

асар ёзиб, Жалолиддинга түхфа қилган. Туркий мусиқа назарияси ҳақида бизга маълум бўлган энг қадимий ва энг мукаммал асар - "Шарафия" ҳам Сафиуддин исмли муаллиф томонидан ўша даврда яратилган.

Романда тасвирланишича, Жалолиддин Қандаҳордан Ғазнага кетаётганида бир гуржи қўшини билан тўқнашади. Бу ҳам тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди. Маълумки, Жалолиддиннинг гуржилар билан тўқнашуви 1226 йилдан кейин шарқда эмас, мамлакатнинг гарбида юз берган.

Парвон жангидан сўнг Жалолиддин қўшинининг бўлиниб кетишига сабаб бўлган воқеа - икки тарихий шахс Амин Малик билан Сайфиддин Иброқ ўртасидаги можаро ҳам асарда тўқима образ Сариқ Лагўт билан Сайфиддиннинг тўқнашуви тарзида берилган. Шунингдек, сultonнинг укаси Фиёсиддин ҳам тўқима образ - Малик Нусратни эмас, Исфахон шихнаси Ибн Ҳармилни ўлдирган, Алоуддин Қайқубод ҳузурига юборилган элчининг исми Тоҳир ибн Умар ал-Хоразмий эмас, балки Мужириддин Тоҳир бўлган. Шунингдек, асл тарихий манбаларга кўра, Алоуддин Хоразмшоҳ ҳузурига Чингизхон элчиси сифатида Маҳмуд Хоразмий (Ялавоч) келган. Самарқанд ҳокимининг исми Тўргайхон эмас, Тогайхон бўлган.

Синд дарёси ёнидаги жангдан кейин Жалолиддиннинг қаватида романда ёзилганидек 70 киши эмас, 4000 аскар (Насавийнинг айтишича) қолган. Чингизхоннинг вафоти ҳам 1226 эмас, 1227 йилда содир бўлган.

"Алвидо, Хоразм"да Жалолиддин Ҳиндистондан ўз мамлакатига қайтар экан, йўл устидаги Охлат қалъасини қамал қилгани тасвирланган. Аввало, Охлат қалъаси йўл устида эмас, у анча гарбда жойлашган. Қолаверса, Жалолиддин Ҳиндистондан 1224 йилнинг бошлирида чиқиб, Кирмонга юриш қилган.

Явуз Баҳодирўғли тасвирида Фиёсиддин акасига 1230 йилги Яссичаман жангига хиёнат қилган. Ваҳоланки, манбаларга кўра, бу воқеа 1228 йили Исфахон остонасида мўғуллар билан бўлган жанг вақтида юз берган. Шунингдек, Маҳмуд Ялавочнинг ҳашшошийлар халифаси бўлгани ҳам шубҳали. Шу каби Жалолиддин тўқима образ - Тўйхон эмас, курдлар томонидан ўлдирилган.

Албатта, ёзувчи тарихий фактларга бадиий сайқал беришда фантазия қилишга, тўқима образлар, эпизодлар киритишга ҳақли. Бироқ асосий тарихий шахслар, воқеалар ва фактлар тасвирида тарих ҳақиқатига риоя этиши лозим. Тарихий жанр тамойиллари шунинг тақозо этади. Явуз Баҳодирўғли ишлатган эпизодлар, манзаралар,

гарчи қаҳрамон характерини очишга, драматизмни чүкүрлаштиришга хизмат қилган бўлса-да, юқорида келтирилган ўринларда тарихий хақиқатга риоя қилинганида, шубҳасиз, асарнинг қиммати янада ошган бўйлурди.

Бу каби камчилликларидан қатъий назар, турк тилида 15 марта қайта нашр қилинган мазкур роман-дилогия ўзбек китобхони учун янгилик бўлиши билан бир қаторда, унинг маънавий-руҳий оламини бойинтишга хизмат қилиши шубҳасизdir.

Таржима жараёнида, муаллифнинг розилиги билан, асар матнига жузъий ўзгартириш, тузатишлар киритилди. Кези келганда муаллиф ҳақида икки оғиз сўз айтиб ўтишни истар эдим. Ёзувчининг асл исми Ниёзи Биринжи бўлиб, 1945 йилда Ризада туғилган. Меҳнат фаолиятини 1971 йилда газетачиликдан бошлаган. Ҳозирги пайтда “Moral FM” радиосида ишлайти. Ўттиздан кўпроқ романни, ўнлаб ҳикоялар тўпламлари нашр этилган.

Бобохон МУҲАММАД ШАРИФ

## БИРИНЧИ БҮЛЛІМ

Коракүм саҳросининг этакларига туташиб кетган бепоён түқай сукунат қўйнида. Сукунатни баъзан бойқуш товуши ёки шоқолнинг чийиллаши бузади, гоҳо бўрининг улиши қулоққа чалинади.

Хоразм ўлкасининг Коракүм ҳудудларига қиши эрта тушиди. Замин устига қордан юпқа гилам тўшалди. Ой нурида қор усти кумушдай товланиб, нур сочгандай бўлади.

Суворий совқотган эди. У аргумофининг жиловини бўш қўйиб, қўлларини пўстинининг ичига тиқиб олди. Бундай ҳавода овга чиқиб, аҳмоқлик қилгани учун ўз-ўзидан фижинди.

- Бир бошпана топмоғим керак, - дея сўзланди у. - Акс ҳолда бу изғиринда тонггача тарашадай қотиб қолишим турган гап.

Бу ерларни у беш бармоғидай яхши билса-да, бошпанабоп бир ғор топишига ишончи комил эмасди. Кошкийди Жалолиддиннинг сўзига кириб, овга чиқмаган бўлса. Аммо ишқибозлиқ кўп ёмон нарса-да, ов қилмаса туролмайди. Жалолиддин уни овдан воз кечишга уннади, бироқ у билганидан қолмади, аксинча, бор маҳоратини ишга солиб, уни бирга овга чиқишига кўндиради. Охир оқибат бир сайғоқнинг кетидан қувиб, тўпидан айрилди. Бу орада ҳаво айниб, қор ёға бошлади. Қайтиб келиб, шерикларини топмади. Изларни қор босгани учун ҳамроҳларининг қаёққа кетганини билолмади. Бунинг устига қош қорайди. Ёлғиз йўл босишдан бошқа чораси қолмади. Омади чопса бир ғор топиб, қаҳратон изғирин азобидан қутулар.

Кўкка назар ташлади. Булутлар орасидан ой мўралади. Ой атрофидаги юлдузлар ҳам муздек нур сочаётгандек. “Ҳар ҳолда ажойиб бир кеча, эт-этимдан ўтиб кетаётган шу совуқ бўлмаса нақадар соэ бўларди”.

От ёнида лўқиллаб кетаётган ов итига қараб кулимсиради.

- Сен ҳам шу фикрдамисан Бойдор, а? Совқотдингми? Ҳар ҳолда сенинг жунинг бор, совуқдан асрайди. Бунинг учун Оллоҳга шукр этмоғинг керак. Бизга ўхшаб латта-путта кийиб исинишга мажбур бўлганингдами, ҳолингга маймунлар йиғларди.

Ит, эгасининг сўзларини тушунгандек, вовуллаб қўйди. Бу итни икки йилча олдин бир мўйсафид унга ҳадя қилганди. Мўйсафидни у қароқчи

хитойлар күлидан қутқарған эди. Ов ҳидини олишда бу итнинг тенги йўқ. Энди ҳеч жонзод топилмади деб турган бир пайтда ҳам ит бирор ёввойи ҳайвон исини олиб, эгасининг олдига ҳайдаб солади. Жуда зийрак ҳайвон. Товуши оҳангидан, юз ифодасидан эгасининг не демоқчи бўлганини дарров сезиб, шунга кўра ҳаракат қиласди.

- Чарчадингми Бойдор, а?

Ит маминун эмаслигини билдиримоқчи бўлгандек, уч карра вовуллади, сўнг улий бошлади. Чавандоз олдин бунга эҳтибор бермади. Бойдор беҳудага улимас эди. Атрофда кимдир ёки бирор ҳайвон бўлса керак. Ҳар ҳолда инсон бўлмаса керак. “Ярим кечаси, бунинг устига қиёмат қишида одам киришга кўрқадиган бу катта тўқайда инсон не қилсин? Ҳар ҳолда бу бирор қашқир ёки бўридир”.

Суворий янгишган эди. Иккитаси пиёда, учинчиси отлик уч киши ярим соатдан бўён уни таъқиб этиб келаётганди. Ашаддий қароқчи эди улар. Қароқчилар суворийнинг отини ва этигини олиш ниятида. Улар суворийнинг шериги бор-йўқлигини билиш учун ярим соат кутишган, ниҳоят унинг ёлғизлигига амин бўлган эдилар. Энди бемалол ниятига эришишлари мумкин. Эси жойида бўлса қаршилик кўрсатмас. Мабодо, қаршилик кўрсатса, ҳеч иккиланмай оти ва этигига қўшиб жонини ҳам олишади.

- Ҳоой! - деда бақири қароқчиларнинг бошлиғи. - Бироз дам олгин.

Ит қаттиқ хурди, суворий чўчиб тушди. Сўл қўли билан отнинг жиловини тортиди, ўнг қўлинни қиличига юборди.

- Кимсиз?

Ҳамон жавоб келди:

- Биз бу тўқайнинг эгасимиз.

Отлик ўзини йўқотмай, совуққонлик билан яна сўради:

- Исмингни айт.

- Мен Сариқ Лагўтман, ёнимда укам Бойту билан жон дўстим Қуртча бор!

- Шундоғми... Қароқчимиз денг, муродингиз не?

- Отингни ва этигингни, қаршилик кўрсатсанг жонингни ҳам оламиз!

Суворий қах-қаха отиб кулди.

- Жонни менга сен берганимидингки, олсанг, эй ўрмон қашқири?! Аравантия торт!

- Ўзингни ўзинг ўлимга хукм этдинг.

Дараҳтлар ортидан бир отлик, икки пиёда қароқчи отилиб чиқди. Овчи отини ён томонга олди. Қўзларини қисиб, бурнини тортиди. Исиниб олишга баҳона топилди. Қароқчиларнинг иккитаси пиёда эканини кўргач, анча хотиржам бўлди. Қиличини қинидан сугурди.

- Ўғрилар, қани бу ёққа, ҳолингизни бир кўрайлик!

Аввало отлик қароқчига рўбарў бўлди.

- Мени танимайсан шекилли, бўзбола, - деди қароқчи. - Акс ҳолда исмимни эшишибоқ кўркувдан юрагинг тарс ёрилган бўларди.

- Аксинча исмингни кўп эшишганман. Бироқ довулнинг саси узоқдан

паст эшитилади. Нимага қодир эканлигингни бўлса, мана ҳозир билиб оламиз.

- Кут бўлмаса!

- Келақол!

Икки пўлат шиддат-ла тўқнашди. Тўқай жаранглаб акс садо берди. Айни чоқда ҳар иккала рақиб бир-биридан қолишмайдиган қиличбоз эканликларини фаҳмладилар. Сариқ Лагўт:

- Ёмон эмасга ўхшайсан,- деди.

- Сен ҳам тузук кўринасан, менга сендақаси керак. Одамларингга айт, нари турсинлар. Қаллобликдан нафрат этаман.

- Янглишдинг. Бизнинг ўз анъанамиз бор: бири урушганда бошқала-ри томоша қиласди. Бирга-бир урушамиз...

- Қароқчидаги ҳам номус бўларкан-да.

- Нима, сен бизни ор-номуссиз деб ўйловдингми? Қани, кел бери!..

- Умидланмай қўяқол. Менинг ўз усулларим бор. Аввало рақибим-нинг ҳужум этишини кутаман.

- Мана бўлмаса!

Қиличлар яна тўқнашди, аммо рақиблар бу сафар ажралиб кетмас-дан усталик билан урушишда давом этдилар. Икки қароқчи томошабин. Бири деди:

- Бу гал бошлиғимиzinинг бити тўқиладиган бўлди, шекилли. Кўпдан бери роҳат қилиб қилич уриширадиган рақиб учрамади, деб армонда юрганди.

- Бу одам аслзода бир бекка ўхшайди. Хитойда бундайлар бошқўмон-дон бўлишлари турган гап. Аммо Хоразмда олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, киши қадрини билмайдилар.

- Қара, қара!

Қиличларнинг ўткир учлари сўй нурида ялтирайди. Сариқ Лагўтнинг ҳарифи хийла мушкул вазиятга тушган эди. Томошабин қароқчиларнинг вақти чор.

- Бизники ғолиб чиқадиганга ўхшайди...

- Ҳали номаълум.. Бироқ ғолиб чиқмаса ҳайратланган бўлурдим. Негаки, ҳатто Темур Малик ҳам Лагўтчалик моҳир қиличбоз эмас.

- Ҳа-я...

- Қара, қарагин, кўрдингми?!

- Нега туртасан, айтмасанг ҳам, кўриб турибман.

Жанг қизигандан қизиди. Энди Сариқ Лагўт мушкул аҳволга тушди. Униси масхара қилди:

- Ҳа, битдингми, қароқчи.

- Отдан ийқилган чоқда ҳам шундай десанг, тасанно айтардим...

- Ташвиш чекмай қўяқол, албатта, айтаман. Чунки отдан думалайдиган мен эмас.

- Бу сенинг тахмининг, холос.

- Тахмин эмас, аниқ биламан. Чарчаган бўлсанг оғайниларингдан

бирига жой бўшатақол, а, нима дейсан?

- Сени оёқдан олмагунча чарчаш нелигини билмайман.

Лекин у ҳарсиллай бошлаганди. Бойдор ер кураг, эгасининг амрини кутарди. Бироқ негадир эгаси унга "Бос!" деган буйруқни бермаётганди. Ит бунинг сабабини англамас, фақат ириллаганича томошабин қароқчиларга тикилиб тураг, гоҳ-гоҳ қулоқларини динг қиласр эди.

- Манави бўрибосарни қара, бўғизимиздан олишга шай турибди.

- Бўрибосар дейсанми? Йўқ, ўхшамайди.

- Ҳар ҳолда бўри боласи бу.

- Бўлса бордир.

- Эҳтиёт бўл Лагўт!

Бироқ энди кеч бўлган, Лагўтнинг қиличи қўлидан учиг, беш қадам нарига тушган эди.

У "вой!" деб қичқиришга улгурди, холос. Жангга отилмоқчи бўлган шерикларига ўгирилди.

- Тўхтанг! - деди у. - Бу усулни фақат Темур Малик деган қиличбоз билади, деб эшигтан эдим.

Сўнг у шитоб билан рақибига юзланди.

- Сен Темур Маликмисан?

- Худди ўзи.

- Нега буни дарров айтмадинг?

- Фурсат бўлдими? Айтган билан бирор нарса ўзгарармиди?

Сариқ Лагўт бош эгди.

- Истасанг мени ўлдир.

- Енгилганингдан хафа бўлдингми?

Лагўт елкасини қисди.

- Нега хафа бўлай? Мен оддий бир қиличбозга ютқизсам аламимдан ўлган бўлур эдим. Бироқ Темур Малик...

- Хўш?

- Сенга бой берганимдан ифтихор этаман.

Темур Малик қиличини қинига жойлади. Сўнг деди:

- Хоҳласанг, бирга кетамиз. Биз-ку қизиниб олдик. Оғайниларинг ё ўзаро машқ қилиб, ёки югуриб қизиниб олишсин.

- Қаёққа кетамиз?

- Бир бошпана топгани.

- Менинг бошпанамга борақолайлик. У ер иссиққина, эртагача маза қилиб ухлаб оласан.

Темур Малик иккиланиб ўтирамди, бош силкиб, рози бўлганини билдириди. Орқага қайтдилар. Сариқ Лагўтнинг бошланасига боргунча биринки оғиз гаплашдилар, холос. Фор иссиқ эди. Гулхан туриллаши билан янада исиди. Гулхан атрофига чўқдилар.

- Яхши йигитга ўхшайсан. Аммо нега бу йўлга кирдинг?

Сариқ Лагўт бош чайқади, чуқур нафас олгач, деди:

- Тарихи узоқ. Айтишга арзимайди, чунки кўп эски гап.

- Майли, эшитайлек.
- Үндай бўлса айтганим бўлсин.
- Лағұт оташга тикилиб, сўз бошлади.
- Мен ўн ёшларда эдим. Ота-онам билан саҳро этагидаги кичик бир кулбада яшардик. Турмушимиз яхши эди. Мол-ҳолимиз бор. Бўш вақтлари отам овга чиқиб, ул-бул отиб келарди.

Бир куни саҳрони отлиқлар босиб кетди. Шовқин-сурон билан усти мизга бостириб келишди, ўтовимизни йиқиб, отамни ўлдиришди. Мендан беш ёш кичик укам Бойту билан онамни олиб кетдилар. Бир ўзим қолдим.

- Кимнинг аскарлари эди улар?
- Билолмай қолдим. Агар билсан, томчи қоним қолгунча улар билан урушган бўлардим. Пакана от мингандан эди улар. Кўпчилиги кўсанамо, иягининг у ер бу ерида яккам-дуккам тук бор, холос. Соchlари ўрилган. Кейин уларни ҳеч кўрганим йўқ. Қаердан келишган, ким ўзи, худо билади.

Кўзини гулхандан узиб, Темур Маликка боқди.

- Кўп йиллар хизматкорлик қилдим. Қорахитой савдогарлари, қипчоқ хонлари қўлида тутқун бўлдим. Охири чидай олмай, қочдим. Бироқ тезда тутдилар. Тўқайда бир дараҳтга боғлаб, ўлим қучоғига ташлаб кетдилар. Уч кун оч-наҳор қолдим. Ниҳоят Хоразм аскарлари мени қутқардилар, ўз сафига қўшдилар, қилич уриштириш, найза санчишни ўргатдилар.

Аччиқ кулди:

- Онам учун ўч олишга қасам ичгандим. Бу дард ичимни таталар, кечалари қўзимдан уйқуни қочирар эди. Сабр-тоқатим тугаб-битгач, Гурганждан чиқдим. Тоғлар, ўрмонлар ошдим. Тасодифан Бойтуни учратдим. Асирилдан қочиб қутулган экан.

Йўталди.

- Тутган йўлум яхши эмаслигини биламан, лекин на илож, шунга мажбурман. Ўз-ўзимча бир дунё барпо этдим, яшаб юрибман. Балки бу йўл тўғри эмасдир, аммо бошқа чорам йўқ. Бу тоғларда, шу тўқайда яшашнинг бошқа йўли йўқ. Оллоҳ шоҳиддирки, мазлумларга озор бермайман, менинг ишим бойлар билан. Савдо карвонларини босиб, яғмолайман. Қўлга киритган ғаниматнинг кўпини фақирларга улашаман. Ҳалқ мени яхши кўради, мен ҳам ҳалқни севаман, қувватим шунда, мени тутиб беришни ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмайди.

- Хўш нега менга ҳужум этдинг?

- Биз кўпчилик эдик, йигирматача. Орамиздан бири хиёнат қилди, одамларимни алдади, отларни ҳам олиб қочдилар. Қўлимизда ўзинг кўрган отдан бошқа ҳеч нарса қолмади. Ярим соат сени пойладик. Отингдаги эгар-жабдуқлар, уст-бошинг фақир эмаслигингни кўрсатиб турибди. Ёлғиз эканлигингни билгач, ҳужум этдик.

Сариқ Лағұт бошини кўтарди.

- Шаҳзода Жалолиддин қандай?

- Ёмон эмас, - деди Темур Малик. - Бироқ отаси билан муносабатла-  
ри унча яхши эмас. Отасининг хатти-ҳаракатларини маъқул топмайди.

- Қайси ҳаракатини? Айбга буюрмайсан, ҳаддимдан ошиб, савол бер-  
дим, шекилли. Хоҳламасанг жавоб берма.

Темур Малик бу сўзларни эшитмагандек сўзлади:

- Жалолиддиннинг отаси Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад атрофига  
нуқул қипчоқларни тўплади.

- Сен ким тарафдасан?

- Мен Жалолиддинни яхши кўраман, отасига ҳам ҳурматим чексиз.  
Ҳар ҳолда у шунча замондан бери бизни зафардан зафарга отлантириди.  
Бироқ кейинги йилларда феъли ўзгариб, баджаҳл бўлиб қолди. Онаси  
Туркон Хотуннинг таъсирида бўлмагур ишлар қилмоқда. Хоразмшоҳ  
яқинда Жалолиддинни валиаҳдликдан тушириб, онаси қипчоқ уруғидан  
бўлган кичик ўғли Ўзлоқшоҳни валиаҳд эҳлон этади, деган миш-миш-  
лардан кўнглим айнийди.

- У ҳолда...

Темур Малик ўйлаб ҳам ўтирумай жавоб берди:

- Жалолиддиннинг ёнида бўламан, албатта. Ўзлоқшоҳ ҳали она сути  
оғзидан кетмаган бир бола. Бизга ақлли, эс-ҳушли сардор лозим.

- Гапинг тўғри.

- Сен не дейсан?

- Мен бир қароқчиман. Хоразм сultonининг қўлига тушсам ҳам, бо-  
шқа бир хоқоннинг қўлига тушсам ҳам жазом айни: бошимни кесадилар.  
Мен бўлсам онам учун ўч олмасдан ўлишни истамайман.

- Ниятинг фақат шуми, холос?

- Яна нима ҳам бўлсин?

- Неча йиллар олдин ўтиб кетган бир гапни ҳамон кўтариб юриб-  
санми?

Сариқ Лагўт каловланди. Бу томонини ҳеч ўйлаб кўрмаган экан. У  
шу чоққача онаси учун қасос олишни ўйлаб келган эди, холос.

- Билмасам, - деди у.

- Ҳа, шундай, бу неча йил илгари бўлиб ўтган ҳодиса. Бўлар иш  
бўлган, интиқом олай деб осий бўлмоқча не ҳожат? Яхшиси, аскар сафи-  
га қўшил, омадинг келса, балки онангни олиб қочганларни ҳам топар-  
сан. Интиқом ҳеч қачон рояга айланмаслиги лозим. Бу ёмон бир туйғу.  
У инсон ақлини жиловлади, уни балога гирифтор этади, кўзини хира-  
лаштиради.

- Айтганларингда жон бор...

- Энди мизғиб олайлик.

- Ҳа, албатта, дам олайлик.

Чўэзилишди. Бош остига тўнка қўйишиди. Темур Малик хуржундан  
ёпинчийини олмади, бошқалар қатори кўрпасиз ётди. У чарчаганди, ҳамон  
уйқуга кетди.

## ИККИНЧИ БҮЛİM

Баҳайбат чинорлар, қалин япроқли аргувон дарахтлари орасидан ўтган мармар йўлка бўйлаб соқчилар, Волида султон кўрсатмасига мувофиқ, кўзга ташланмаслик учун пана ерлардан жой олишган. Туркон Хотун ўз саройининг муazzам боғида сайр қилиб юрганида аскарларга дуч келишини ёқтирилас эди.

Анча ёшни қоралаб қўйганига қарамай, Туркон Хотун ҳали тетик. Юзи ёш қизларникидай таранг, қўлларининг териси юмшоқ, силлиқ. Унинг бутун туриш-турмуши роҳатда ўтган сафоли умридан далолат берарди.

Туркон Хотуннинг бўйнида кумуш безакли қордай оппоқ ҳарир рўмол. Аёл ўз зарофатини кўз-кўз этиб, рўмолининг бир учини ўнг елкасидан ошириб орқага ташлаган. Рўмол уни унинг белида солланади. Туркон Хотуннинг боши устида мўъжазгина, аммо ниҳоятда нодир жавоҳирлар билан безатилган олтин тож. Устидаги қирмизи кўйлагининг узун этагини уч қадам орқада келаётган икки ходима кўтариб боради. Бир қадам орқада эса уй хизматчиси Гулниҳол. Унинг қўлидаги олтин тосда Туркон Хотун учун гулсуви бор. Туркон Хотун ўзига тез-тез гулоб селиб қўярди.

Туркон Хотун қўлларини узатиши билан Гулниҳол ҳушёр тортди ва олтин тосни яқин келтирди. Дарахтлар орасига хушбўй ҳид тараалди.

Баҳор қуёши аргувон дарахтлари орасидан сизилиб ўтиб, ҳовузда виқор билан сузиб юрган оққушларнинг симобранг патларида жилвала-нади. Туркон Хотун ҳовучини гулобга тўлдириб, пешонасини ҳўллади, сўнг бошини баланд кўтариб, кўкка назар ташлади. Эҳтиросли бир то-вуш-ла:

- Ер юзида мендан қудратли бирор аёл бормикан Гулниҳол? - деб сўради.

Хизматкор аёл ҳар доимгидай бош эгиб, таъзим бажо келтирди.

- Йўқ султоним, сиздан қудратли аёл подшо дунёда йўқ.

- Албатта йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас... Чунки мен Хоразм султонининг онасиман!

Шу пайт отларнинг оёқ товуши эшитилди.

Туркон Хотун бошини эгди.

- Ўғлимиш бўлса керак, - деб мингиллади у.

Дарҳақиқат, кўй ўтмай Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад маҳрамла-ри билан бокқа кириб келди. Ёнида икки отлик, бири қипчоқ беклари-дан Тўнгичхон, иккинчиси Темур Малик...

Темур Маликни кўриб Туркон Хотуннинг энсаси қотди.

- Яна ўша шайтон! - деди у ўзича.

Султон Алоуддин Муҳаммад бўй отга минган, отнинг эгар-жабдуқла-ри қимматбаҳо жавоҳирлар билан безатиғлиқ. Нўхта-жиловлари ҳам ол-тин-кумуш нақшлар-ла зийнатланган. Хоразмшоҳнинг салласида жига бўлиб, унинг ўртасида каттакон дур порлаб турарди.

Султоннинг эгнидаги заррин ипак тўн енгил солланади. Қиличининг олтин сопи қуёш нурида ялтирайди.

Хоразмшоҳнинг орқасидан узун найза кўтарган соқчилар кириб келди. Туркон Хотуннинг ичига кўркув оралади. Агар ниятидан ўғли хабар топгудай бўлса борми, соқчилар ҳамон уни илма-тешик қилиб, этини кўплакларга едирган бўлурди. Бироқ унинг хавотирга тушиши учун ѡеч қандай асос йўқ. Чунки неки қилмасин, у султоннинг онаси, бунинг устига Алоуддин Муҳаммад онасини жуда яхши кўради.

- Муҳтарам онамизга саломлар бўлсин, фозил гэлга, дунё хотинлари-нинг султонига шон-шарафлар бўлсин! - деди султон.

Хоразмшоҳнинг самимияти ва ҳурмат-эъзозидан Туркон Хотуннинг боши осмонга етди. Ўғлига енгил таъзим ила жавоб берди.

- Жаҳон шоҳига саломлар бўлсин. Сен каби бир жаҳонгирнинг онаси бўлганимдан баҳтиёрман. Жаноби Ҳаққа минг шукрлар.

Мармар ўйлекдан ёнма-ён юриб, саройга киришди. Соқчилар дарҳол эшикнинг икки ёнидан жой олиб, шамдек қотдилар. Темур Малик бир дараҳт остига бориб ўтирди. Тўнгичхон бўлса соқчилар ёнида қолди.

Султон онаси билан ҳашаматли қабулхонага кирди. Туркон Хотун ўғлига ёнидан жой кўрсатди.

- Қани, сўйла, шаҳаншоҳ, шарафингдан шарафланиб, илмингдан нур олайлик.

Султон онасининг ёнига ўтирди.

- Яхшиси, муҳтарам онамиздан эшиитсан.

- Оламларнинг офтоби, тингла, муштипар тул онангнинг сўзларини яхши эшитиб олгин. Падари бузрукворинг билан не-не қора кунлар кўрмадик дейсан. Биласан, у муҳтарам зот от устида туғилиб, от устида оламдан ўтди. Аммо бизга улкан бир давлат қолдирди. Оллоҳ рози бўлсин, сен бу давлатни янада кенгайтирдинг, душманларингни тиз чўқтирдинг, букилмайдиган билакларни букдинг, этилмайдиган бошларни эгдинг.

Алоуддин Муҳаммад онасининг мақсадини билиб олишга ҳарчанд уринмасин, гапнинг тагига етолмади.

- Энди улкан Хоразм мамлакатининг ягона султони бўлдинг. Ер юзида сендан буюкроқ султон йўқ. Аммо кунларнинг бирида бу давлатни сендан тортиб олмоқ истаганлар чиқиб қолиши мумкин. Сен ҳозирдан тадбирли бўлмоғинг даркор.

Султон ғазабланиб, оёққа турди.

- Менинг тахтимга кўз тикишга ким журъат қилиши мумкин? Бирон гапдан хабарингиз бўлса, дарҳол айтинг.

Волида султон ҳам оёққа қалқди. Ўғли билан юзма-юз бўлди.

- Ташвишланма, ҳозирча бундай бир гап йўқ. Мен келгусида бўлиши эҳтимол гаплардан сўйладим, холос.

- Нима бўлиши мумкин?

- Сен барча нарсани ҳар кимсадан кўра олдинроқ кўрасан ва сезасан. Сенга ҳамма нарса аён. Давлатнинг улуғлари, олимлари амрингда ҳозир ту нозир. Улар сени барча гап-сўздан боҳабар этиб туришибди. Мен бўлсан бор-йўғи бир ғарид тул хотинман. Атрофимни жоҳиллар босган. Ора-сира келиб, ҳолимдан хабар олмасанг сиқилиб ўлишим турган гап.

Онанинг бу сўзлари Хоразмшоҳнинг қулогига кирмади ҳам. Саволини такрорлади:

- Тахтимга кўз тиккан ким, онажон?

- Ҳозирча йўқ, ўғлим, аммо битта-яримтаси чиқиб қолиши мумкин. Атрофинингдагиларга кўз-қулоқ бўл.

- Ким бўлиши мумкин?

- Сенга энг яқин бўлганлар.

- Менга энг яқин бўлган ўғлим Жалолиддин, холос.

Туркон Хотун сирли бир тарэза кулимсиради. Бошини эгди, сўнг:

- Билмадим, - деди.

Султон Муҳаммад тириклигига ўғли бундай разил ишга қўл урмайдиган покида ва ҳалол йигит эканини яхши билса-да, ичидан зил кетди.

Туркон Хотун буни дарҳол пайқади. У ҳеч нарса билмагандай сўзида давом этди:

- Шавкатли султоним, Хоразмшоҳлар сулоласини давом эттироқ сенинг зиммангда. Бу юк кеча отангнинг зиммасида эди. У бу имтиҳондан яхши ўтиб, дорулбақога кетди. Сен тарихда Хоразмшоҳлар даврини тутагатиб-битирмоқ каби ёмон ном қолдиришни истамайсан, албатта. Шундай экан, менга қулоқ бер, сенга яхшиликдан бошқанираво кўрмайдиган кекса онаизорингга қулоқ сол. Биласанки, онанг қипчоқ уруғидан. Қипчоқлар кеча асиримиз эди, бугун эса тамоман бизга дўст. Уларни муҳофаза этмоқ бурчимиз. Табиийки, улар ҳам тоҷу тахтинг учун жонларини фидо этмоққа шайдирлар.

Султон Муҳаммад онасининг нима демоқчи бўлаётганининг тагига етолмади. Коса тагида ним коса борлиги аниқ. Аммо мақсад нима ўзи? Султон шунинг устида бош қотираради.

- Не демоқ истайсиз, онажон? Очикроқ сўзлассангиз.

- Бундан ҳам очиқроқ гапириб бўладими, давлатпеноҳ ўғлим? Қипчоқларни ҳимоя эт, шунда улар ҳам сени муҳофаза этадилар. Улар Хоразмшоҳлар хонадони бу замин, нафақат бу замин, балки янада кенгроқ заминлар устида илалабад бор бўлишини хоҳлайдилар. Улар сенга садоқатли, сен ҳам уларга шунга лойиқ мартабалар бергин. Шу йўл билан ўзингни муҳофаза этасан. Сезишимча, сафар тараддуидасан. Арслоним янги зафарлар кучмоқ ниятида. Ким бунга қарши тура оларди? Албатта, ғазот сенинг ҳаққинг, аскарларинг билан улуғ зафарлар қучасан. Сен замонанинг Искандари Зулқарнайисан, ҳатто ундан ҳам улуғсан.

Хоразмшоҳ бош силкиб, онасининг сўзларини тасдиқлади.

- Ҳақ гаплар айтдингиз, онажон...

- Албатта, ҳақиқатни сўзладим. Бироқ мухориба натижасини олдиндан айтмоқ мушкул. Қодир Оллоҳ не ёзган, ким билади? Оллоҳ умрингни узоқ қиласин, бироқ умринг жанг майдонида итмомига етмоғи ҳам мумкин.

Жим қолди. Алоуддин Мұҳаммад онасидан ранжиди. Шу онда ўлимдан сўз очмоқнинг не ҳожати бор эди? Бирдан совуқ ўлим шарпаси оралагандек бўлди. Гўё хонага Аэроил кириб келди.

Хоразмшоҳ бўғиқ овозда:

- Ҳўш? - деди.

- Оллоҳ қазони кеч берсин, мени кулфатдан йироқ қиласин. Раҳматли падарингнинг вафотидан сўнг на ўликман, на тирикман. Сенга бир гап бўлса ўламан қўяман.

Онаси ўлимдан сўз очганидан кейин Алоуддин Мұҳаммаднинг юрагига қўрқув оралаб, олазарак бўлди. Буни сезган ҳамоно ҳайрон бўлди. Не бўлди унга? Жанг майдонларида қўрқмаган, ўлимнинг юзига тап тортмай тик боқсан бу инсонга не бўлди ўзи? Ҳар ҳолда бу кексалик нишонаси эди. Не қилиб бўлса-да, ичига оралаган қўрқувдан халос бўлмоғи лозим.

Ўзини қўлга олишга тиришиб, деди:

- Давом этинг, снажон, қуловим сизда.

- Худо кўрсатмасин, мабодо шундай бўлса, тожу тахтинг Жалолиддинга қолади. Жалолиддин бўлса бирорлар билан бирлашиб, фасод қозонига ўт қалаштирмоқда. Сенга айтмай деб кўп уриндим, лекин энди айтмасам бўлмайди. Бор гапни билиб қўйганинг яхши. Билиб, шунга мос чора кўрасан. Ўғлимизни хабардор этмоқ бизнинг энг муқаддас бурчимиздир... Энди бўлса ўз-ўзимдан юзларча, ҳатто минг дафъа сўраган бир савол берай: ажабо, сендан кейин мамлакатимизни Жалолиддиндан ҳам яхшироқ бошқарадиган киши йўқми?

- Ҳўш, ким бор?

- Ҳамма гап шунда... Ким, ким бўлиши мумкин? Бу саволга мамлакатимизнинг оқилу доно кишилари жавоб топдилар.

Кўлинин қўйнига тиқиб, ўрголиқ бир қоғоз олди. Титраган бармоқла-

ри билан қоғозни очиб, мактубни ўғлига узатди.

- Олимларимизнинг жавоби шу. Ўқи!..

Султон шоша-пиша мактубни қўлига олди ва бир қур кўз югуртириди.

- Гап бу ёқда экан, - деб минғиллади у. - Оқилу доноларимизнинг фикри шундог экан-да! Тахтимни Жалолиддинга эмас, кичик ўғлим Кутбиддин Ўзлоқшоҳга муносиб кўришибди-да. Хўш, унда Жалолиддинни не қиласай? Ахир, уни валиаҳд тайин этган эдим-ку.

Кекса аёлнинг лабларида табассум ўйнади. Ўғлининг иродаси букил-ганини сезди.

- Бу жуда осон, - деди у. - Уни узоқ эллардан бирига волий этиб тайинлайсан, тамом-вассалом. Шу билан иш битади қўяди. Катта таҳлика туғдираётган Жалолиддиндан қутулиб, ором топасан. Шундан кейин кечалари ўйқунг қочмайдиган бўлади.

Шоҳ онасига ҳайрат-ла кўз ташлади.

- Онажон, кечалари уйқум қочишини қаердан билдингиз?

Туркон Хотун мушфиқона оҳангда деди:

- Мен онаизорман, шавкатли султоним, бунинг устига султоннинг онасиман. Султоннинг онасининг катта масъулиятлари бор. У ўғлига таалуқли ҳамма нарсадан, ҳатто уйқусидан ҳам боҳабар бўлмоғи лозим. Шу боис ўйқунгни қочираётган масалани ҳал этмоқ менинг бурчимдир.


Сўнг Туркон Хотун ҳалигина ўртага ташлаган масалани пухталаш мақсадида таҳдид ҳам қилиб қўйди:

- Агар Жалолиддинни валиаҳдликдан тушириб ўрнига кичик ўғлинг Кутбиддин Ўзлоқшоҳни тайинламасанг бутун қипчоқлар мамлакатингдан чиқиб кетишмоқчи. Мени ҳам ўйла, ўғлим, биласанки, мен ҳам қипчоқман. Худо ҳаққи, уларнинг орқасига тушиб, гарифу ноставон сифинди бўлиб кетиб қоламан.

Хоразмшоҳ Мұҳаммад тараддуд гирдобига тушди. Жалолиддиннинг нақадар маҳоратли саркарда эканлигини барча билади. Уни валиаҳдликдан туширган тақдирда мингларча ватандошларининг ёрдамидан маҳрум бўлиши турган гап. Ҳатто Жалолиддин истаса уларга бош бўлиб исён кўтариши мумкин. Хоразмликлар кўп жасур. Жанг майдонларида у буни ўз кўзи билан кўрган. Аммо онаси қипчоқлар билан. Онасининг катта обрў-эътибори бор. Қипчоқ хонлари Волида султоннинг амрини киприк қоқмай бажо келтиришади.

Туркон Хотун ўғлининг юзидан тараддуланаётганини билди. Тахтиминг ёнидаги хонтахта устидан олтин қўнғироқчани олиб, бир неча бор чалди. Ичкарига бир одам шоҳона кийинган етти ёшлардаги болани етаклаб кирди. Туркон Хотун болани бағрига босди. Сўнг уни Мұҳаммаднинг ёнига олиб борди.

- Қара, султоним! Валиаҳдинг Кутбиддин Ўзлоқшоҳ, уни эркалаб қўй-майсанми?



Хоразмшоҳ уйқудан уйғонгандек боқди. Рӯпарасида турган кичик ўғлини кўриб ҳайрон бўлди. Сўнг ўзини қўлга олди. Ўғлининг сарғиши сочларини сийпаб деди:

- Баракалла, анча бўй тортиб қолибди-я.

Волида султон кулди:

- Албатта, болагинам меҳрибон момосининг қўлида тез вояга етмоқда. Валиаҳд бўлганидан кейин янада тезроқ улғаяди, кўп ўтмай қўшинингга бош бўлади, моҳир кўмондан бўлиб, зафар устига зафар қозонади. Сен ҳам умрингнинг охирини роҳат-фароғатда ўтказасан.

Хоразмшоҳ гўё сеҳрлангандай, сўзининг маъносига эътибор ҳам бермай:

- Тўғри айтдингиз, - деди.

Туркон Хотун қувониб, келган одамга ўгирилди:

- Тез ташқарига чиқиб, жар сол: Хоразм мамлакатининг улуғ султони Алоуддин Муҳаммад кичик ўғли Қутбиддин Ўзлоқшоҳни валиаҳд тайин қилдилар. Чоп, илдам бўл...

Одам ташқарига чиқди. Шоҳ онасига бақрайиб қолди. Туркон Хотуннинг вужуди қулоққа айланди. Жарчининг сўзларини эшитгач, кўнгли жойига тушди.

- Эй одамлар, эй беклару, аскарлар... Эшитмадим деманглар. Шавкатли султонимиз Алоуддин Муҳаммад кичик ўғли Қутбиддин Ўзлоқшоҳни шу соатдан эътиборан валиаҳд тайин этдилар.

Олдин қўнғироқ товуши, сўнг яна жарчининг товуши эшитилди...

- Эй беклар, эй аскарлар, одамлару одамлар, эшитмадим деманглар...

Жарчининг сўзларини эшитгачниа Хоразмшоҳ ўзига келди. Бир муддат жарчини тинглаб турди. Сўнг атрофга олазарак боқиб, қўлларини ёзди ва:

- Қисмат, - дея минғиллади.

Дераза томон юриб, пардан кўтариб, ташқарига қаради. Темур Малик дераза тагида ҳайратдан лол қолиб турарди. Султон атрофга кўз ташлади. Даражатлар орасида бир тўда қипчоқ суворийлари бор эди. Ҳаммаси қуролланган. Султоннинг кўнглига гумон келди.

Ажабо, унга қарши фитна тайёрлашганикан? Онасига қаради. Ўзлоқшоҳ ҳамон бувисининг қучогида. Худди қўлидан тортиб олиб кетишларидан қўрқандек неварасини бағрига маҳкам босиб олган. Султон яна боққа назар ташлади.

Темур Малик гўё михлангандек қотиб қолган. Оёқларини керганича қипчоқ суворийларига тикилиб турибди. Хоразмшоҳ тинчланди. Чунки биргина Темур Маликнинг ўзи бир тўда қипчоқ суворийларига бас келишини билар эди. Азалдан шундай - ёнида Темур Малик бўлган чоқда султон ўзини бехавотир ҳис этарди. Шу боис уни доим бирга олиб юрар эди.

Темур Малик унинг янги қарорига не дер экан, ажабо? Юз ифодаси-

та қараганда ҳар ҳолда мамнун эмасга ўхшайди. Зотан мамнун бўлмаслиги турган гап эди. Чунки у Жалолиддиннинг энг яқин дўсти. Мабодо Жалолиддин исён кўтарса Темур Малик ким тарафда бўларди? Шубҳасиз, Жалолиддин тарафда!

Минг лаънат шу қарорга! Ўзлоқшоҳни валиаҳд тайинлаш қаердан келди калласига. Ахир, валиаҳдни ўзи танламади-ку, бундай қарор етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди-ку! Фақат гоҳи-гоҳида яқинларига бундан сўз очган, унда ҳам Жалолиддин ҳаддидан ошиб, тизгиндан чиқиб кетмаслиги учунгина бу усулни ем сифатида қўллаганди, холос. Бироқ онасининг истагига қарши чиқолмади, натижада бир лаҳзада бўёқ хуми синди кўйди.

Энди сўзидан қайта олмайди. Султоннинг сўзи отилган ўқ. Кейинчалик лозим бўлса, қарорини ўзгартиришга ҳаққи бор. Балки ўшандада Жалолиддинни танлар.

Қатъиятли бир тарэда онасига ўгирилди:

- Она, тилагингиз бажарилди, энди навбат меники. Қипчоқ хонларини чақиринг, гаплашайлик.

Кекса аёл ўғлини мағлуб этганидан ғуурланиб, қўлига олтин қўнғироқни олиб, бир неча бор чалди. Ичкарига кирган хизматкорга:

- Хонларни қабулхонага чорла, - деб амр берди.

Кўп ўтмай қипчоқ хонлари лапанглаганча ичкари кириб, салом бердилар ва кўрсатилган жойга чўқдилар. Туркон Хотун юзига ҳарир парданни тушириб, ўғли билан баробар сёққа қалқди.

Султон Мұхаммад хонларни бир-бир кўздан кечирди. Сўнг энг кекса бекка тикилди.

- Қипчоқ хонлари, - дея сўз бошлади у. - Тилагингизни бажо келтирдим. Аммо бир истагим бор. Биласизки, Бағдод халифаси Носир табаамни тўхтовсиз исёнга унダメқда, мамлакатимнинг у ер бу ерида ғавро чиқармоқда. Душман билан эмас, ўз мамлакатим фуқаролари билан шугулланишга мажбур бўлаётирман. Бағдодга қўшин тортишимиз муқаррар. Носирни ағдариб, ўрнига бизга содик бир халифа қўймогимиз керак. Бўлмаса мамлакатимиз тинчимайди.

Кекса қипчоқ хони сёққа турди. Бир-икки йўталиб олгач, палағда товушда сўзлай бошлади:

- Тўғри айтдингиз султоним! Бироқ қипчоқ хонлари аввало ўз юртими озод этишни истайдилар. Эшишишимча қораҳитой қўшини ўлкамизни харобага айлантирган, хотинларимизни чўрилиқка олиб кетган эмиш. Ўй-жойларимизга ўт қўйиб, оувулларимизни вайрон этибди. Олдин бизнинг ўлкамизга қўшин тортинг. Юртимиз устига келган балони даф этинг, сўнг айтган жойингизга кетайлик.

Ўтирганларнинг ҳаммаси уни маъқуллади.

- Аввало бизнинг элизимизни тозалайлик, сўнг Бағдод сафарига отланайлик, - дейишиди улар бир оғиздан.

Султон тишиларини қисди. Яна дераза томонга йўналди. Қипчоқ суворийлари кўпайишган, бироқ энди Темур Малик йўқ. Султонни ваҳм босди. Ўзини душман қуршовида ёлғиз ҳис қилди. У илк бор бундай ҳиссиётни бошдан кечираётган эди. Ҳақиқатан ҳам шундай эди. Ташқарида кутиб турган аскарлар Туркон Хотуннинг амрига мунтазир. Бир имо қиласа борми, улар саройга бостириб кириб, султоннинг қўлини боғлаб, судраб чиқишлиари ҳеч гап эмас.

Буни тушуниб етди, хонларга боқди. Уларнинг юз-кўзида қатъият ифодалари бор эди. Ноилож тасдиқ этди.

- Кўп аъло, сиз истаганча бўлсин.

Хонлар бараварига бақиришиб:

- Яшасин жаҳон султони, яшасин шоҳ Мұхаммад!..

Волида султон котибига имо қилди. Котиб ўрнидан турди, султонга яқинлашиб, қўлига қалам берди, сўнг ёзувга тўла қофозни тутқазди.

- Бу нима?

- Кутбиддин Ўзлоқшоҳ сиздан кейин салтанат таҳтига чиқиши тўғрисида фармони олий берган эдингиз. Фармонни битдик, имзонгиэга мунтазирмиз.

Султон сарғайди, қўллари титрай бошлади. Борса келмайдиган йўлга кирган эди. Кўз қири билан фармонни ўқиди.

Фармонда ундан кейин кичик ўғли Ўзлоқшоҳ Хоразмшоҳ бўлиши ёзилган эди. Валиаҳд вояга етгунга қадар унга Туркон Хотун васийлик қиласди.

Қамиш қалам қўлидан тушиб кетаёди. Имзолади, сўнгра узугини ҳўллаб, муҳр босди-да, фармонни котибга қайтариб берди.

Фармонни Туркон Хотун ҳам имзолади. Остига қўйидаги ёзувни битди: “Ер юзида яшаётган барча хотинларнинг султони Туркон Хотун”.

Мажлис охирига етди. Султон гоҳ худ, гоҳ беҳуд бир ҳолда ташқарига чиқди. Ҳатто онаси билан хайрлашишни ҳам унуди. Остона ҳатлаши билан қипчоқ суворийлари бақира бошладилар:

- Султонимизнинг умри узоқ бўлсин!..

- Оллоҳ давлатини зиёда қилсин!..

- Қиличини ўткир қилсин!..

Тил учида айтилаётган ҳамду саноларга султон эътибор бермади. Икки сайис етаклаб келган безакдор отига бир сакраб минди. Темур Маликнинг қораси кўринмади. Қипчоқ хони Тўнгичдан сўради:

- Темур Малик қаерда?

Хон бир сўз-ла жавоб қайтарди:

- Кетди...

\* \* \*

Темур Малик Туркон Хотуннинг саройидаги ҳодисаларни кўриб,

Жалолиддиннинг валинаҳдликдан туширилганини билгач, бир неча дақиқа ўзини йўқотди, саросимага тушди, не деярини билмади. Сўнг аччиқ кулди. Куриган лабларини ялади, атрофдагиларга бир назар ташлади-да:

- Фитначилар! - деди.

Дедиу отига миниб, боғдан чиқиб кетди. Шаҳар ташқарисидаги саройида бўлган Жалолиддинни хабардор этиш мақсадида от суриб кетди.

Кўчалар тирбанд бўлишига қарамай отини илдам ҳайдаб бораркан, кимдир уни чақираётганини эшилди.

- Темур Малик!..

Кимдир уйлар орасидан чиқиб унга яқинлашди.

- Кимсан?

- Мен Сариқ Лагутман...

Темур Малик ҳайратланмади. Чунки у бу шерюрак қароқчининг қачондир ўзини излаб келишини биларди.

- Мен билан юр, - деди у.

Тор кўчалардан юриб кетиши. Дўконларида чордана куриб ўтирган тужжорлар мижозларга лаби лабига тегмай молини мақтайди. У ер бу ерда хўroz қичқиради, ит хуради. Валинаҳ алмашганидан шаҳар аҳли ҳали бехабар. Акс ҳолда ғавро чиқиши, ҳеч бўлмаганда у ер бу ерга тўпланишиб, аскарларга эшилтирмай вазиятни муҳокама этишлари турган гап.

- Ярмини берасан, - дея кескин ўшқирди бирор. Темур Малик сас келган томонга ўгирилди. Уч аскар бир савдогарни ўртага олиб, дўк уришмоқда:

- Ярмидан камига рози бўлмаймиз.

Темур Малик бош чайқади. Улар Хоразмшоҳнинг солиқ маъмурлари эди. Нега молнинг ярмини бериши керак - Темур Малик бунга тушунмади. Отини шу ёққа бурди. Яқин бориб, қулоқ берди.

- Ярмини берасан, гап тамом. Султоннинг амри бу.

- Гапимга ишонинг, молнинг ярмини берсам бола-чақам оч қолади.

Неча йилдан буён тужжорлик қилиб, рўзгор тебратаман. Қандай қилиб султон бундай фармон беради?

- Ие! Ҳали сен султонга қарши чиқяпсанми?!

- Ол-а, бундай қилишга кимнинг калласи иккита? Марҳаматли султонимиз бундайadolatciz фармон бермаса керак. Шуни айтмоқчиман, холос.

- Ие, ие! Сен ҳали султонимизни золимликда айблаяпсанми?!

- Астағифурulloҳ, золим деганим йўқ. Аммо султон шундай фармон берган бўлса бу зулмдан бошқа нарса эмас.

- Ие!..

Аскарнинг кўлидаги қамчи баланд кўтарилиб, визиллаганча тужжорнинг елкасига тушди. Қамчи яна кўтарилди, аммо бу гал пастга тушмай қолди. Темур Малик кўл чўзиб қамчи учини ушлаб олганди. Аскар шид-

дат билан ўтирилди. Кўзидан олов сочиб, Темур Маликка тикилди.

- Кўйвор, бўлмаса тепкилайман, - деб бўкирди у. Сўнгра бирдан эси жойига тушди. У қаршисидаги одам катта амалдор эканини билиб қолди. Бош эгиб, таъзим қилди.

- Айбга буюрманг, аслзодам, - деди у. - Танимай қопман.

Темур Малик боши билан тужжорга ишора қилди.

- Бу одамдан не истайсиз?

- Солиқ тўлашини...

- Қанча олишингиз лозим?

Аскар тараддулланди. Сўнг ёйиб қўйилган молларни кўрсатиб деди:

- Шунинг ярмини...

- Нима, ярмини? Ҳар тожирнинг молидан ярмини оласиз деган амрни ким берди?

- Султон ҳазратлари.

- Фармонни кўрсат.

Аскар қўйнидан қоғоз чиқариб, Темур Маликка узатди.

- Мана...

Темур Малик диққат билан ўқиди. Фармонда тужжорлардан солиқ олиниши ёзилган, бироқ молнинг ярми олиниши тўғрисида ҳеч гап йўқ эди.

- Бу ерда молнинг ярми олинсин дейилмаган-ку.

- Бизга рухсат берилган.

- Бу одамнинг молини олиб кетсангиз у қандай аҳволга тушишини ўйламадингизми?

- Бу менинг вазифамга кирмайди.

- Оч-яланғоч қолса ҳам олаверасизми?

- Ҳа, оч-яланғоч қолса ҳам.

Темур Малик Сариқ Лагўтга умидсизларча қаради.

- Бу ишнинг охиривой, Лагўт. Бу ҳолга тушган давлатнинг умри узоқ бўлмас дейман.

Яна аскарга ўтирилди.

- Марҳаматсиз бўлма, - деди у. - Марҳаматсизлик мусулмон фарзандига ярашмайди. Ўзинга нимани раво кўрсанг, яқинларингга ҳам шуни раво кўргин.

- Бу менинг яқиним эмас...

- Нега?

- Мен қипчоқман, бу бўлса туркман.

Темур Маликнинг аъзойи бадани титраб кетди. Қавмлар орасига сачилган душманлик уруғлари ниш ура бошлаган эди.

Овозини кўтарди:

- Тупроғимиз бир, динимиз бир. Ҳеч бўлмаса мусулмонлигингиzinинг ўзи кифоя. Дин бирлиги бошқа ҳамма нарсадан устун эмасми?!

Аскар елкасини қисди. Оғзини чапиллатди. Эшитганларига аҳамият

бермаганини кўз-кўз қилиш ниятида тужжорга тик боқди.

Темур Маликнинг бошига қон урди.

- Қоч олдимдан - дея ҳайқирди у. - Йўқса, отимнинг оёғи тагида ўласан.

Аскар қаддини кўтарди.

- Мен султоннинг қулиман...

- Мен бўлсам Оллоҳнинг қулиман, қоч дедим!

- Мен факат ўз кўмондонимга итоат этаман, у ҳам қипчоқ бўлсагина.

Темур Малик бир силташда аскарнинг қамчисини тортиб олди. Шидат-ла кўтариб аскарнинг елкасига солди. Қамчи аскарнинг устига илондек узун тушди.

- Йўқол!...

Аскар унга адоват билан қаради. Кўлинни қиличига юборди.

- Бунинг учун қон тўкмоқ керак энди.

Темур Малик бир саркарданинг оддий аскар билан халқ ичидаги қилич-бозлик қилиши яхши бўлмаслигини ўйлади. Ўнг оёғини узангидан чиқарип, зарб билан аскарнинг кўкрагига тепди.

- Аҳмоқ!..

Аскар бақирганча ерга ағанади. Темур Малик отини ҳайдаб кетди.

Сариқ Лафўт билан олдинма-кейин Жалолиддиннинг ёнига етиб боришиди.

Шаҳзода бир курсида лочинининг бошини силаб ўтирган эди. Дўстига ҳайрат-ла боқди.

- Иншооллоҳ, ҳайрли хабар келтиргандирсан Темур Малик? - деди у.

Темур Малик олдинга ўтиб, салом берди.

- Илоҳим, ҳар кунингиз ҳайрли бўлсин Жалолиддин. Аммо бу гал яхши хабар келтирамадим.

- Ёнингдаги ким?

- Бу кишими, Қорақумнинг машҳур қароқчиси Сариқ Лафўт...

- Ие!..

- Товба қилиб, ҳуазурингизга бош уриб келди.

- Оллоҳ гуноҳидан ўтсин.

Ўтирилар.

- Қани сўйла, Темур Малик, ёмон хабаринг не ўзи?

Темур Малик чуқур нафас олди. Ўнг қоши сал керилди, бошини кўтарди.

- Султон падарингиз сизни валиаҳдликдан туширди.

Жалолиддин ҳайратдан донг қотди. Темур Маликнинг кўзларига тикилди.

- Қачон?

- Сал илгари, фармони Волида султон саройида эълон этилди.

Жалолиддин ўйга чўмди. Сўнг ним табассум билан дўстига қаради.

- Ўрнимизга кимни тайинладилар?

- Ўгай укангиз Кутбиддин Ўзлоқшоҳни...

- Демак Туркон Хотун падаримизни қўлга олибди-да. Не ҳам қилардик? Бизнинг мақсадимиз мансаб ва мақом эмаски, қайғурайлик. Мамлакатимиизга, динимиизга, миллатимиизга хизмат этишдан бошқа муродимиз йўқ. Керак бўлса укамиз Ўзлоқшоҳ қўли остида оддий аскар сифатида жанг қиласкерамиз. Худди отамизниң туғи остида урушганимиз сингари...

Темур Малик унга маъқуллаган нигоҳ ташлаб турарди.

- Гап бунда эмас, - деди у. - Ўзлоқшоҳ ҳали жуда ёш. Ҳар ҳолда у улғайгунча Туркон Хотун васийлик қилса керак, деб ўйлайман. У ҳолда нима бўлишини биласизми?

- Тахмин этишим мумкин. Давлат ишига хотин аралашади, қўшин бундан мамнун бўлмайди. Балки бирорлар оёқланар. Ёки мамлакатнинг ҳар тарафига қипчок хонлари ҳукмфармо бўлар.

- Қандай фикрдасиз?

- Сенинг фикрингдаман... Мамлакат учун бу фармон хайрли бўлишини тилайман. Аммо бир нарсани тушунолмаётирман. Падари бузрукворимиз не учун буни лозим кўрдилар? Яна бунинг устига сафар олдидан. Боз устига чегараларимизда пакана от мингнан босқинчилар пайдо бўлганлиги тўғрисида хабарлар келаётган бир чоқда. Не гап ўзи бу, тушуммадим.

Темур Малик жавоб бермади, тўғриси жавоб беролмади. Бошини эгди.

Пакана от мингналар тўғрисида анчадан буён хабарлар келаётган. бўлса-да, уларнинг ким эканлигини аниқлашга ҳали вақт топишмаган эди. Улар ким, душманми, дўстми, муроди не? Бехабар эдилар. Вақти келиб, албатта, буни билиб олишади.

Сариқ Лагўтга юзланди.

- Сен не хабарлар келтирдинг Сариқ Лагўт?

Сариқ Лагўт ҳурмат-ла жавоб берди:

- Ҳаққингга дуо қиляпмиз Темур Малик. Мени топгин деб айтгандинг. Сўзинг қалбимда муқаддас бир омонат, гуриллаган машъала бўлди. Орадан уч ой ўтди, мана, ниҳоят ҳузурингга келдим, амрингга мунтазирман. Сен ва сultonимиз Жалолиддин ўл деган ерда ўлмоққа ҳозирман.

Темур Малик Сариқ Лагўтнинг елкасига қоқди.

- Яқин кунларда сен каби садоқатли дўстларга эҳтиёжимиз катта бўладиганга ўхшайди. Омон бўл, хизматинг бизга мақбул бўлур, иншо-оллоҳ.

Хонага навбатчи кирди. Қўлини кўксига қовуштириб салом берди.

- Султондан чолар келди, Темур Маликни чақирибидалар.

Темур Малик Жалолиддинга савол назари билан қаради.

- Бор Темур, отамиз ёмон ниятда бўлмаса керак.

- Мен ҳам шундай деб ўйлайман.

Оёққа қалқди.

- Лагўт, сен Жалолиддиннинг ёнида қол. Мен саройга бориб тез қайтаман.

Шахдам қадам ташлаб, эшикдан чиқди.

\* \* \*

- Қани кел, Темур Малик, ўтириш шу ерга, сўйла не гаплар.

Темур Малик ўтирди. Ҳафа бўлганини билдириласликка ҳарчанд урин-масин, уddалай олмади.

- Жалолиддин биз тўғримида қандай фикрда?

Темур Малик ҳушёр тортиди. Жалолиддинни эиёрат қилганидан султоннинг хабари бор. Инкор этмасдан жавоб берди:

- Жалолиддин умидвор, султоним. Фармонингиз хайрли бўлишини тиламоқда.

- Сен-чи?

Темур Малик бир лаҳза тутилди. Сўнг шоҳга қараб деди:

- Мен каби бир фақир киши фикрининг ҳеч қандай аҳамияти йўқ, султоним.

- Ҳафа ва қизишган кўринасан.

- Йўғ-э, султонимиздан хафа бўлишга ҳаддим йўқ!

- Аммо солиқчимни урибсан-ку...

Гап бозордаги солик маъмури устида бораётган эди.

- Қилмишига яраша бўлди, султоним.

- Менинг амримга қарши чиққанингни билмайсанми?

- Мен фақат адолатсизликка моне бўлмоқ истадим.

- Шу боис солиқчимни урдингми?

- Агар бир аскар қўмондонининг гапини икки қилса, унинг жазоси калтак бўлур.

Султон кулгидан ўзини тия олмади.

- Қулоқ сол, Темур Малик. Сени ўз ўғилларим қаторида кўришимни яхши биласан. Шу боис айбингдан ўтдим. Сенга ишончим чексиз. Яқинда қипчоқ элларига юриш қиласман. Ундан кейин Бағдодга қўшин тортмоқчиман. Халифа Носир бизга қарши иш кўрмоқда. Уни бир ёқли қилгандан сўнг яъжуж-маъжувлар масаласини ҳал этамиш.

- Яъжуж-маъжуж деганингиз ким?

- Мен ҳам билмайман, чегара томонлардан шундай хабарлар келмоқда. Чегарарадагилар хавотирга тушган. Пакана от минган бир сурув аскарлар тўғрисида гапиришмоқда. Олдин қорахитойлар, кейин халифа, сўнг эса пакана от минганлар устига! Ҳаммасига кўрсатиб қўяман. Дунёда мендан улуғ султон йўқлигини исбот этаман.

- Зўрдан зўр кўп. Куч-қуввати ҳақида маълумот олмасдан нега душманга нописанд қарайпсиз, султоним?

Султон Муҳаммаднинг жаҳли чиқди.

- Нима, менинг жаҳон подшоҳи эканлигимга шубҳанг борми?

Темур Малик бироз сукут этиб, жавоб берди:

- Ҳазрати Умар бир одамга ҳар тонгда: "Эй Умар, қиёмат кунини унутма, мағрур бўлма" деб эслатишни тайинлаган эканлар. Чунки у киши беҳуда фуурурнинг оқибати не бўлишини билар эдилар. У киши ҳеч вакт фууруга берилмадилар ва умр бўйи адолат билан ҳукмфармолик қилдилар.

- Яъни, нима демоқчисан? Менинг золим эканлигимга ишора этмоқ чимисан?

- Бунга ким ҳам журъат эта оларди? Ҳаддим сифмаса-да, фууруга берилши ўринли бўлмаслигини эслатмоқ истадим, холос. Қолаверса бир тужжорнинг молининг ярмини солиқ деб олиш талондан бошқа нарса эмас.

- Демак, сен шундай фикрдасан.

- Биласизки, султоним, ожизингиз умри бўйича фақат ростини сўйлаб келади. Ҳатто энг қалтис ҳолларда ҳам... Ҳозир ҳам шундай қилдим, айбимдан кечишингизни сўрайман.

Темур Малик оёққа қалқиб, қўл қовуштириб, таъзим қилди.

Султон ўйга толди. Ора-сира соқолини тортқилаб қўярди. Темур Маликдан бошқа бирон киши унга бундай сўзлашга журъат эта олмасди. Темур Малик тўғри деб ўйлаганини тап тортмай очиқ айтадиган одам сифатида ном чиқарган эди. Бунинг салбий жиҳатларидан ташқари кўп фойдаси ҳам бўлар, жилла қурмаса баъзи манфий қарорларнинг олди олинарди.

Султон соқолидан қўл тортириб. Кимхоб тўнининг этагини кўтариб, тахтига чиқиб ўтириди.

- Ҳар доимгидайсан Темур Малик. Ҳар доимгидай ҳозиржавоб ва бепарво. Ҳар ҳолда шунинг учун ҳам сени кўп яхши кўраман.

- Марҳаматингизнинг чеки йўқ султоним.

- Менга жуда садоқатли эканингни биламан, ўл деган еримда ўлишингга аминман. Сен ўзгаларга ўхшамайсан. Бирорвга содиқ бўлдингми, ўлсанг ҳам йўлингдан қайтмайсан.

- Шундай экан, нега қипчоқларга ён босяпсиз, султоним?

- Бу дард ичимни кемиряпти, аммо қўлимдан не ҳам келар эди? Онам улардан чиқкан. Отамиз Такашхоннинг юз-хотири бор. Онамиз жуда ёшлигига тул қолди. Бизни улғайтириди, қувватидан қувват берди. Хизмати кўп сингди. Қипчоқлардан айрилсам, уларга қўшилиб кетиб қолишини айтиб, менга таҳдид ҳам қилди. Жалолиддин ҳам ўғлим, Ўзлоқшоҳ ҳам ўғлим. Мендан кейин тахта у чиқди нима-ю, бу чиқди нима, бирон нарса ўзгарармиди? Жалолиддин чегарани душманлардан ҳимоя этса, Ўзлоқшоҳ Хоразм мамлакатини адолат билан бошқарар.

Темур Малик бош чайқади.

- Бир мамлакатда икки султон бўлса фитна қозонига ўт қаланади. Икки қўчкорнинг боши бир қозонда қайнамайди. Ака-ука биргаликда

давлатни бошқариши мумкин эмас.

- Жалолиддин бошқўмондон бўлади.

Темур Малик бош эгди.

- Аҳвол бундай бўлди деб Жалолиддин ўғлингиз тарафдорларини олиб, бошка диёрларга кетмайди, албатта. Содик бир бандангиз ўлароқ хизматингизда қолишини ўз оғзи билан айтди. Очигини айтай, унинг ўрнида мен бўлсам бошқача иш тутган бўлардим. Ўғлингиз бу тутуми билан сultonликка лойиқлигини яна бир карра кўрсатди.

- Балки сен ҳақдирсан, Темур Малик. Аммо бўлар иш бўлди, энди кеч. Сўзимиздан қайтсан ғавво чиқади, ака-ука ёқа бўғишади. Қипчоқлар ҳам шу давлатнинг фарзандларири, диндошдирлар. Энди улар қипчоқ юртига юриш қилиб, у ерни озод этишимни истамоқдалар.

- Ана холос!..

Бу ҳайрат нидоси Темур Маликнинг оғзидан беихтиёр чиқиб кетди. Бунчалик журъат кўрсатиш унинг ҳаёлида ҳам йўқ эди. У саросима ичида сulton Мухаммаднинг юзига тикилиб қолди.

- Ҳа. Ҳоҳиш-истаклари шундай. Ҳайрон бўлишинг турган гап. Аммо мен уларнинг айтганини қилмасам, турли фитна-фасод чиқарадилар, мамлакат тинчи бузилади.

- Тинчлик қолдими ўзи, сultonим?!..

- Яна тўғри гап айтдинг. Аммо нотинчлик учун сабаб кўрмаётирман.

- Ижозат берсангиз, билганимни айтай.

- Қани сўйла, эшитайлик.

- Сultonим, кўпдан бери ҳалқ орасига чиқмадингиз. Авваллари қандай яхши эди, маҳрамларингизни эргаштириб кўча-кўй, бозор кезардингиз. Ҳалқ сизни олқишиларди.

- Бугун ҳам шундай.

Темур Малик ачиқ қулди.

- Гапингиз тўғри, шундай қилишяпти. Аммо илгаригиси билан ҳозиргиси орасида катта фарқ бор. Одамлар кеча буни дилдан қиласар эдилар, бугун бўлса золим соқчиларнинг қамчисидан кўрқканлари учун қилишяпти.

Сulton яна соқолини тутамлади.

- Шундай дегин...

- Ҳа, сultonим, ҳалқ ичига кирсангиз, ўзингиз бунга шоҳид бўласиз.

- Ҳалқ ичига одамларимни юборяпман.

- Нотинчликнинг сабабларидан бири ҳам шу. Одамларингиз ёлғоняшиқ, тухматлар билан бегуноҳ фуқароларингизни зиндонга ташлатмоқдалар. Ўз шахсий манфаатлари ёки хусуматлари ўйлида давлат обрўсини тушироқдалар.

- Бу ҳақда ҳеч гапирмаган эдинг.

- Ҳозир ҳам бу ҳақда оғиз очмоқчи эмасдим, аммо мажбур бўлдим.

Виждан азобидан қутулиш, ичимни кемираётган бу туйғудан ҳолос бўлиш

учун айтдим. Зоти олийларингиз бу журъатимни нимага йўйиншларини билмадим, эҳтимол, жазом ўлим ҳам бўлар. Аммо менинг ягона истагим - Хоразм мамлакатининг заволга юз тутмаслигидир. Хоразмнинг заволилини кўргунимча ўлганим минг баробар яхшироқ.

- Давом эт, Темур Малик...

- Солиқлар оғирлашиб кетди, сultonим. Ҳалқнинг сабр косаси тўлди, қарғиш кўпайди. Илгари дуо чиққан оғизлардан энди заҳарли сўзлар айтилмоқда. Борган сари фақирлашмоқдамиз. Давлат арбоблари бўлса...

- Хўш?

- Бир қошиқ қонимдан кечишингизни сўраб айтаман, давлат аркони гафлат ичидা.

Сultonнинг жаҳли чиқди, қўли беихтиёр олтин тўқмоққа чўэйилди. Кўш тавақали эшик ортида ҳозир нозир жаллодларини эслади. Бир қалима айтса бас, рўпарасида тик туриб сўзлаётган бу одам икки дақиқадан сўнг қонига беланиб, жон таслим этади.

У ана шундай кудрат соҳиби. Ҳаёлидан шу гаплар ўтди. Аммо сulton жаллодларни чорламади, тўғрироғи чорлай олмади. Темур Маликнинг сўзлари қалбига наштардек ботган бўлса-да, унинг кўзини очди. Билмоқчи бўлган ҳақиқат унинг бошига тўқмоқдек тушди. Ҳақиқат қаерда бўлмасин ҳақиқатлигича қолади, уни ардоқламоқ лозим...

- Ҳақлисан Темур Малик, ҳар ҳолда гапларингнинг кўпі тўғри. Дунёда ҳеч бир сultonнинг бошига менини қадар бало ёғмаган. Бир томонда кимлиги номаълум пакана отлиқлар, иккинчи томонда бизга чоҳ қазиётган халифа Носир, бошқа томонда онамиз ва унинг дўстлари бўлган қипчоқлар, боз устига Жалолиддин. Ҳузур-ҳаловат йўқ, одамлар қашшоқлашди, раият тўнғиллашга ўтди. Ҳўш, мен не қиласай?

Не-не давлатларни тиз чўқтирган сulton ноиложликдан кўлини ёэди, боши ҳам бўлди. Қандай ажойиб кунлар бўлган эди. Душманларини битта-битта енгди, ўлкаларини қўшиб олди, мамлакат ҳудуди уфқларга чўэйилди.

Не-не хонлар, коқонлар унинг олдиди тиз чўқдилар. У ўзини Искандар Зулқарнайндан ҳам буюкроқ жаҳонгир ўлароқ ҳис эта бошлаган эди. Аммо шу онда Темур Маликнинг рўпарасида ожизлигини эътироф этишдан бошқа чора топа олмади. Ҳайҳот, наҳотки бунинг бир иложи йўқ?

Кўп ўтмай фақат ўзи эшитадиган бир тарзда шивирлади:

- Бир юриш керак...

Бу ич-ичдан чиққан, жони чиқаётган одамнинг сўнгги нафасида айтган гапига ўхшар эди. Ҳа, қаёққадир юриш қилмоғи даркор. Офатлардан кутулишнинг бирдан-бир йўли шу. Куч-қудратини яна бир бор кўрсатиб кўйиши лозим. Ўшанда раият яна унинг атрофида жисплашади, ўзаро адоварни унутиб, бир жону бир танга айланади.

Бошини кўтарди. Нимадир демоқчи бўлди. Эшик очилганини кўриб жим қолди. Кутди. Навбатчи ичкарига кириб, таъзим қилди.

- Кечиргайсиз султоним, - деди у. - Узоқ эллардан келган бир сайёх сиз билан тез күриштиришимизни сүраёттир.

Султон құл силтади.

- Ҳозир бандман, күрмаяпсанми?

- Бандлигингизни айтдым, султоним, аммо у сүзида туриб олди. Пакана от минган аскарлардан хабар көлтирганмиш, сизга тез етказиши керакмиш.

Хоразмшоқ Мұхаммад сесканди. Пакана от минган аскарлар түғрисида гап кетгудай бұлса юраги үйнаб кетарди.

- Чақириңг, күрайлик, - деди у. - Муроди не экан?

Соқчи чиқди. Темур Малик султонни холи қолдириш мақсадида үрнидан құзғалди.

- Ижозат берсанғыз, султоним...

- Үтирган жойингда үтирип Темур Малик, сендан яширадиган сири миз үйқ.

- Амрингіз бош устига султоним.

Темур Малик жойига үтириб, кута бошлади. Күп үтмай икки аскар ҳориб-тұзған, афтодақол бир кишини олиб кирди. Улар султонга таъзим қилиб, кутиб туриши.

Алоуддин Мұхаммад құли билан аскарларға рухсат ишорасини берди. Келгувчига қюзланди:

- Исминг нима?

Келган киши тавозе билан жавоб берди:

- Исмим Қутлуқ, султоним.

- Қайси мамлакаттансан?

- Соғыи давлатингизда мамлакатимиз Хоразм бўлди, султоним, аммо асли Кўниёданман. Кўп йиллар олдин Ҳамадонга кўчиб боргандим. Илм олдим. Ҳалаб, Шом, Мадина ва Маккани кўрдим. Қашқарга бордим. Кўп юртларни кездим. Кунларнинг бирида Чинга йўлим тушди. Буюк Хитой деворини кўрдим. Чиннинг ашаддий душмани кимлигини билиб олдим.

- Ким экан?

- Ижозат беринг, султоним, айтай. Чиннинг ашаддий душмани ҳозирга қадар биз танимаган, сезмаган, билмаган...

Хоразмшоҳнинг саси бу гал дағал чиқди:

- Сўйла дедик-ку, ахир!..

- Чингизхон!

- Ким, ким?

- Чингиз, Чингизхон... Унинг исми шундай. Асл исми Темучин. Ишни қароқчиликдан бошлаган. Атрофига бир қанча татарларни тұплаб, тоғларға кетган. Үндан олдин Чин хонларидан бирининг қўлида асир бўлган, сўнг қочган. Чинликлардан қасос олишга қасам ичган. Үчини ҳам олибди... Енгилмас дейилган хонларни, хоқонларни енгиби, итоат қилдирибди.

- Демак, у бу қадар кучли экан-да?
  - Чингизхондан сўз очилса чинликлар япроқдек титрашади. Улар Чинни бу балои азимдан қутқаришини сўраб тўхтовсиз Буддага илтижо этишади, курбонлик сўйишади. Будда уларни жазолаш учун Чингизхонни юборгани тўғрисида гапиришади. Шу боис Чингизхондан кўркишишади ҳам, ҳурмат ҳам қилишади.
  - Таажжуб, бу қандай инсонки, ҳам қўрқитган, ҳам ҳурмат қозонган. Бу одам кимлигини билишни хоҳлардим. Сен унинг ўзини кўрдингми?
  - Саркардаларидан бири билан кўриша олдим.
  - Хўш, қандай одам экан?
  - Дароз, паҳлавонкелбат бир киши. Авзойи бузук, инсонни бир лаҳзада бурда-бурда қилишга тайёр, дейди киши. Бир кўзи сўқир. Исли Субутой экан. Чингизхоннинг энг яхши кўрган одамларидан бири. Урушларда кўп қаҳрамонликлар кўрсатган. Айни вақтда уни жуда золим дейишиди.
  - Сўзлашдингми?
  - Ундан кўп нарсаларни сўраб билмоқчи эдим, аммо турқининг совуқлигидан чўчидим. Бутун билганим, бермоқчи бўлган саволларимни бир лаҳзада унудим. Лол бўлиб қолдим.
  - Қўрқоқ экансан.
  - Бўлса бордир, султоним.
  - Яна нималарни билдинг?
  - Чингизхоннинг одамлари саҳро қуми сингари беҳисоб дейишиади. Отлари пакана, ўз кўзим билан кўрдим. Аскарлари абжир, ақл бовар қилмас дараҷада абжир. Жанг вақтида ажойиб бир қийқиришади. Биз билмайдиган бир тилда гаплашишади.
  - Бу қандай тил?
  - Мўгулча дейдилар. Хоразм тилига ҳеч ўхшамайди.
  - Арабча, форсчага ҳам ўхшамайдими?
  - Ҳеч қайсисига ўхшамайди. Мен бироз ўргандим.
  - Ие, демак, сен у тилни биларкансан-да...
  - Соянгизда, султоним.
  - Яхши. Сени уларга элчи этиб юборсак не дейсан?
  - Бош устига, султоним, бироқ бу ерга тўғри йўлдан келдим. Султонимизга бу хабарни тезроқ етказай, боҳабар бўлсинлар, эҳтимол, тадбир кўришлари керакдир, деб ўйладим.
  - Офарин, кўп яхши иш қилдинг. Энди бориб дамингни ол. Не қарорга келганимни сенга кейинчалик етказаман.
- Султон олтин тўқмоқни олиб, олтин лаганга икки карра урди. Кирган навбатчига мәҳмонни кўрсатиб деди:
- Олиб боринг, истироҳат қилсин. Чақирган заҳотим дарров ҳузуримга олиб келасиз. Хоҳлаган жойига бориши, хоҳлаган ишини қилиши мумкин. Унга яхши муносабат кўрсатилсин.

Кўниёлик Кутлуқни ташқарига олиб чиқишиди.

Темур Малик билан султон ёлғиз қолишиди. Темур Маликнинг сўзламай, жим ўтиргани султоннинг эътиборини тортди. Султон майин овозда деди:

- Нега жим қолдинг Темур Малик, сабаби недур?
- Султонимиз гапирган жойда бизга жим туриш фарзdir.
- Аммо керак бўлса булбулдай сайрайсан...
- Шундай қилиш кераклигига ишончим бўлганда сўйлайман, султоним.
- Бу одамнинг гапларига нима дейсан?

- Нима ҳам дердим? Кўрганини айтди. Маълум бўлдики, пакана отликлар мўғул қўшини аскарлари экан. Энди, ҳеч бўлмаганда, уларнинг кимлигини билиб олдик. Бироқ уларнинг давлати, куч-қудрати ҳақида аниқ маълумотлар олмоғимиз даркор.

- Мени улар билан урушади, деб ўйлајпсанми?
- Бундай демоқчи эмасман, султоним. Фақат ким биландир урушмоқ ниятингиз борлигини ўзингиз айтдингиз.
- Мен халифа билан урушмоқчиман.
- Бундай қилсангиз бутун ислом олами бизга қарши бўлади. Шуни билатуриб халифага уруш очасизми?

Темур Малик султонга савол бериш қимматга тушишини биларди. Бироқ у бугун ичida борини тўкиб солишга қарор берди. Туркон Хотуннинг саройида бўлиб ўтган ҳодисалар сабр косасини тўлдириб юборди.

Ажабки, султоннинг жаҳли чиқмади. Фақат боши ҳам бўлди. Ҳақиқатни очиқ эшитгач, бошқа вақтлардагидан фарқли ўлароқ, чуқур хаёлга чўмди. Яна соқолини тутамлаб, бир неча мўйни юлиб олди.

- Менга барибир, - деди у. Сўнгра қўшимча қилди: - Ислом ўлкалари орасида энг қудратлиси Хоразмдир. Бошқалар Хоразм билан ҳисоблашишга мажбур. Қолаверса, бизни боғлайдиган бирон-бир шартнома ҳам йўқ. Уларнинг буни нимага йўйишлари ва қандай иш тутишлари билан менинг ишим йўқ.

- Устимиэга бостириб келсалар ҳамми?
- Қириб ташлайман... Менга қарши қилич кўтарганлар дўст эмас.
- Расууллоҳнинг: "Мендан кейин бир-бирингизнинг бўғзингизга тифурядиган коғир бўлиб кетмангизлар" деган ҳадисига қарамасдан-а?

Султон жим қолди. Темур Маликдан яна бир бор мағлубиятга учради. Виждонига қулоқ осди. Виждони: "Ха, у тўгри айтяпти, - дерди. - Халифага ҳужум этсанг, ислом элларининг қарғишини оласан. Ҳатто сенга қарши қўшин тортишлари мумкин. Урушга сен сабабчи бўлганинг учун гуноҳ сенинг бўйнингда бўлади. Қолаверса салжуқийлар давлати борган сари куч-кувватга тўлиб бораётир. У билан ёқа бўғишишинг мумкинлигини ўйламайсанми?"

Виждон амри шундай деркан, нафси тамоман тескари гапларни уқтипарди: "Йўқ, виждонинг янгишаپти. Халифа сенинг бош душманинг. У

балки мұғулларни ҳам қайраб, устингга бостириб келади. Құшниларингни ҳозирдан гиж-тижлашга киришди-ку. Үнга бир дарс беріб қўймогинг керак. Сен улуғ султонсан, халифа қўлида қўғирчоқ бўлма. Майдонга чиқ. Қўшинларинг мўр-малаҳдай бўлса. Бағдод. Макқаю Мадинани қўлга киритишинг керак. Мусулга от ўйнатиб кир. Халифа Носирни ағдариб, ўрнига ўз одамингни қўй. Ўшандагина давлатинг ҳам, салтанатинг ҳам абадиятга эришгуси".

Виждонидан сўради:

"Бунга не дейсан?"

"Сафсата дейман. Салтанатинг ва давлатингнинг абадиятга эришмоғи бир афсона. Дунёда боқий бирон нарса йўқ-ки, сен боқий бўлсанг. Искандар Зулқарнайн неча йиллар шон-шавкат билан ҳукм сурди. Хўш. энди у қаерда?"

Султон қарама-қарши ўйлар гирдобида хийла иккиланиб қолди. Виждон ва нафс орасида талмовсиради, бир қарорга кела олмади. Оёққа турди:

- Темур Малик, хизматингдан мамнунман, бироқ менинг ишларимга бурун тиқишинг маъқул эмас. Бугун жуда бўлмаганда беш карра бошинг елканг устидан учеб кетиши мумкин бўлди. Эҳтиёт бўл, разабланган пайтимга тўғри келиб қолма. Сўнг бутун умр пушаймон бўлиб юрадиган бир иш қилишга мени мажбур этма.

Темур Малик бош чайқади. Изн истади. Хоразмшоҳга тавозе билан таъзим айлаб, хонадан чиқди.

Ўйига қандай борганини билмади ҳам. Ўзини тўшакка отди. Миясида турли-туман ўй-фикрлар гужгон ўйнайди. Султон Муҳаммад қандай қилиб қишлоқ хонлари қўлидаги қўғирчоққа айланганига лолу ҳайрон эди. "Ол, келди" деганда сичқоннинг ини минг танга бўлган бу кишилар қандай қилиб султонга бунчалик таъсир ўтказишга муваффақ бўлдилар. Султоннинг волидаси Туркон Хотуннинг кучли таъсири бўлганига шак йўқ. Жалолиддинни тушириб, она сути оғзидан кетмаган болакайни валиахд қилдиришга эришган бу хотин келажакда яна қандай ҳунарлар кўрсатар экан?

Эшик очилиб, хаёли бўлинди. Остонада икки киши турарди.

- Нима гап Тогай?

Тогай Темур Маликнинг содиқ хизматкори. У ёнидаги одамга ишора қилиб деди:

- Сиз билан кўришмоқ истаяпти, хўжайин.

Темур Малик меҳмонга синовчан боқди. Кийими афтодаҳол. Чарчоқдан йиқилай-йиқилай деб турибди.

- Ҳа, ҳа, - деб минғиллади меҳмон. - Сиз билан кўришмоғим керак.

- Кимсан?

- Исмим Ҳасан, самарқандликман. Ҳат-саводим бор.

- Қани, кел бу ёққа...

Меҳмон кирди. Соқолини силаб, пешонасидаги реза-реза терларни артди.

- Самарқандда ёмон ишлар бўлмоқда, Темур Малик.

- Мени қаердан танийсан?

- Самарқандда сизни билмайдиган одам йўқ. Юзингизни кўриб, хушомад учун айтиётганим йўқ. Айтмоқчи бўлган гапим шуки, Самарқанд волийси Усмонхон исён кўтарди.

Темур Малик қаддини ростлади, қулоқларига ишонмади.

- Нима деяётганингни биласанми ўзи?! Усмонхон Хоразмшоҳнинг күёви-ку, исён кўтариши мумкин эмас.

Бу гапларга Ҳасан парво ҳам қилмади.

- Исён кўтарди, гапнинг пўсткалласи шу. Раият мол-мулкини талади. Қорахонийларни атрофига тўплаб, шаҳарга даҳшат соляпти. Шаҳар аҳли омонлик тилаётир, тез бориб Самарқандни қутқаринг.

- Хўш, нега мол-мулкингизни тортиб олди?

- Унинг айтишича, Султон Муҳаммаднинг идора усули бойларни янада бойитишдан бошқа ишга ярамади. Камбағалларни тожирлар талади, ҳунармандлар эзди. Катта заминдорлар ерсиз йўқсулларни қулга айлантириди.

Кўзларida ёш айланди.

- Раият олдин уни қўллаб-қувватлади. Натижада у кучайди. Энди раиятнинг кўзи очилди, аммо кеч бўлди. Самарқанд зулм, даҳшат гирдо-биди қолди. Гўдаклар оналарининг кўзи олдида тириклай гулханга ташланди. Ҳомиладор хотинларнинг қорнини ёришди, бой-бадавлат кишилар бўйнига сиртмоқ тушди.

- Вой, номард!

- Олиму уламоларимиз қилаётган ишлари исломиятга зид эканини айтиб, уни адлу инсофга даҳват этдилар. Усмонхон бўлса уларни қозиқча ўтқазди.

- Тарбиясиз!..

- Кўрганларимни айтдим, бегим, қолганларини ўзингиз билиб оласиз. Қиличингизнинг таърифи Самарқандда машҳур. Уламоларимиз шу боис мени сизнинг ҳузурингизга юборишли. Ўн киши эдик, қолганлар кўлга тушди. Хуллас, аҳвол ана шундай.

Темур Малик эшикка тикилиб, ўйга чўмди. Анча ўйлади, кейин ўрнидан турди. Девонанинг ишини худо ўнглабди, дейдилар. Энди султонни қипчоқ юртига қўшин тортиш фикридан қайтариш имкони туғилди. Самарқандда фитна олови қайнаб турган бир пайтда султон ҳар ҳолда қипчоқ юртига йўл олмаса керак...

- Навбатчи! - деб қичқирди у. Сўнг кириб келган соқчига меҳмонни кўрсатиб деди: - Бу кишини олиб бор, яхши дам олсин.

- Бош устига бегим.

- Мен султон ҳузурига кетдим.

Ташқарига чиқди.

\*\*\*

Темур Малик қайтиб келгани тұғрисида хабар беришди. Султон Абу Таммоннинг "Табрикномаси"ни мутолаа қилмоқда эди. У саркарданинг қайтиб келганига ҳайрон бўлди. Китобни ёпиб, токчага қўйди.

- Кирсин, нима гап экан, - деди у.

Темур Малик ташриф қоидаларига ҳам рноя этмай шошиб кириб келди. Шахдам қадамлар билан султон Муҳаммадга яқин бориб, қўлини кўксига қовуштириди.

- Ваалайкум ассалом, Темур Малик. Тўғрисини айтсам, мени ҳайратга солдинг. Яқиндагина ёнимдан чиқиб кетгандинг. Қани ўтири, кўрайлик-чи, нима гап.

Темур Малик ўтиришгача сабр этолмади.

- Ҳодисалар шиддатидан менинг бошим ҳам айланиб кетаяпти, султоним. Афсуски, ҳуэурингизга ёмон хабар келтирдим.

Султоннинг ранги киёл оқарди, дудоқлари титради.

- Ҳўш, не экан бу ёмон хабар? Жалолиддинми ё?

Темур Малик юзини буруштириди.

- Ўғлингиз ҳақида ёмон фикрга борманг султоним, султон отасига бош кўтариш унинг хаёлига ҳам келмайди. Жалолиддиннинг бутун фикри-зикри сизга содиқ аскар бўлмоқдир. Мен бошқа масалада келдим.

- Шуни айтмайсанми бўлмаса.

- Ижозат берсангиз сўйлай.

- Сўйла.

- Самарқанддан бир одам келди, ҳориб-чарчаган. У куёвингизнинг исён кўтарганини айтди.

Султон шиддат билан учиб турди.

- Ёлғон гап! Куёвимиз Усмонхон ҳеч қачон бизга қарши бош кўтарамайди, ҳеч қачон!

- Мен ҳам шу фикрда эдим, султоним.

- Унда нега мени безовта этдинг.

- Султонимизни хабар этишни лозим топган эдик, хато қилган бўлсак, авф этинг.

Сўнг енгил таъзим қилиб, деди:

- Рухсат берсангиз, мен борай.

Султон Муҳаммад қўй ишораси билан Темур Маликни тўхтатди.

- Қаёққа? Ўртага бир гап отиб, чиқиб кетаверасанми? Муродинг бошимни ғовлатишми ёки куёвимнинг устига юриш қилдиromoқми?

Энди Темур Маликнинг юзи оқарди. Аламдан титраб деди:

- Мени ўз отамдан ҳам яхши биладиган султонимиз ҳақиқатан ҳам шундай бир ният билан ўртага чиқишимга ишонадиларми?

- Бошқа не дей? Күёвимга гайб қўймоқдасан.

- Айблаётган мен эмас, самарқандлик бир қулингиз келтириди бу ха-

барни.

- Опкел уни хуэуримга.
- Амрингиз бош устига.
- Кўп яхши, илдам бўл.

Темур Малик сultonга таъзим бажо келтириб, ташқарига чиқди. Хоразмшоҳ ёлғиз қолди. Куёви бундай ножӯя иш қилишга журъат этол- маслигига ўзини ишонтиришга ҳарчанд уринмасин, уддалай олмади.

- Бошимга нелар ёғилмоқда ўзи, - дейа минғиллади у. - Бир ёнда қора- хитой, бир ёнда қинчоқлар, бошқа томонда Чингизхон деган пакана от- лиқларнинг хоқони, яна бир томонда халифа Носир. Булар етмагандай энди куёвим Усмон ҳам чиқдими?

Жаҳл билан олтин тўқмоқни олиб, олтин лаганга урди. Ичкарига навбатчи кириб, таъзим қилди.

- Дарҳол қипчоқ хони Нишобурни бу ерга чақир!

Навбатчи чиққач, у ёқ бу ёғини тартибга келтирди. Нишобур уни паришон бир аҳволда кўришини истамас эди. Нишобур киргач, унга жой кўрсатди.

- Кел, қипчоқ хони. Ҳозир айтадиган гапларимга ҳайрон бўлма. Куё- вимиз Усмонхон исён кўтарди, дейишлияпти...

Нишобур кўрсатилган ерга ўтирмасдан ҳайратдан донг қотди. Икки- ланиб сўради:

- Чинданми сultonим?

- Чин дейишимоқда. Хабар келтирган одамни ҳали кўрганим йўқ. Темур Маликни уни опкелишга жўнатдим.

Нишобур кинояли илжайди. Муҳим бир нарсани кашф этгандай кўзла- ри чақнади. Курсига ўтиргач, деди:

- Ўйин қилишмоқчи, сultonим.

- Ким ўйин қилмоқчи?

- Ҳар ҳолда Темур Малик. Кейинги вақтларда димоги кўтарилиб кет- ди. Солиқчи маъмурларни дўппослайди, давлат аркони ва бизни оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар билан ҳақорат қиласиди. Сиз булардан хабардор бўлсангизда, негадир уни ҳамон ўз ҳимоянгизда тутасиз.

- Темур Малик катта саркарда.

- Бўйса бордир. Аммо саркарданинг сultonни ҳақорат этишга ҳаққи йўқ.

- Темур Малик тўғри гапни очиқ айтиши билан ном чиқарган.

- Тўғри сўзнинг ҳам чегараси бор, бу ҳақоратга айланмаслиги керак.

- У бизга яхшилиқдан бошқа нарсани раво кўрмайди.

Нишобур сultonга қараб тиржайди.

- Қалбингиз покиза бўлгани учун теварангизда бўлаётган ўйинларни кўрмаяпсиз, сultonим. Темур Малик кўпдан бери ўғлингиз Жалолид- дин билан тил бириктириб, фитна тайёрламоқда. Улар қипчоқ юртига кўшин тортмаслигингиз учун қўлидан келганини қилишмоқда. Жало-

лилдин ҳам, Темур Малик ҳам шу фикрда. Бизга адсоватлари бор. Бизни яхши күришингиз уларга ҳеч мақбул эмас. Қипчоқ хотинингиздан туғилган кичик ўғлингиз Кутбиддин Ўзлоқшоҳни валииҳд деб эълон этганингизга улар ҳануз рози эмаслар. Давлат идорасини ўз қўлларига олиш учун улар сиз орқали иш кўришни энг қулай йўл деб билмоқдалар.

Шу онда эшик очилиб, Темур Малик кириб келди. Оёқлари керилган, қўллари мушт бўлиб тугилган.

- Ёлғон бу! - деб ҳайқирди у.

Нишобурнинг томирларидаги қон музлаб қолгандай бўлди. Лом-мим бўлди. Темур Маликнинг қўли қиличи томон кетди. Султон Муҳаммад вазият кескинлашганини англаб, қўлини кўтарди:

- Жим бўлинг! Менинг ҳузуримда айтишишга қандоқ ҳаддингиз сифди?! Ҳар иккovingизни ҳам жаллод қўлига топширишга мажбур этманг мени.

Темур Малик тўхтади. Султон ҳузурига қиличи билан киришга рухсат берилган саноқли саркардалардан бири эканлиги эсига тушди. Бу ишончни сунистеъмол қилмаслиги лозим. Қўлларини кўксига қовуштириб таъзим қилди.

- Ассалому алайкум, улуғ султонимиз.

- Ваалайкум ассалом, улуғ саркардамиз, у кишини олиб келдингми?

- Шу ерда.

Султон ишорат берди. Ҳасан ичкарига кирди. Устидаги янги кийимлари унчалик қовушмай, апил-тапил ҳозирланганлиги билиниб турар эди. У подшоҳнинг этагини ўпди.

- Ҳаққингизга дуо қилмоқдамиз султоним.

- Исминг нима?

- Исмим Ҳасан, самарқандликман.

- Куёвимиз Усмонхон исен кўтарганмиш, шу гап ростми?

- Ори, рост, султоним.

Темур Малик эшикни ёпиб, бир четга бориб турди ва суҳбатга қулоқ тутди.

Султон савол устига савол бериб, хабарнинг тўғри-нотўғрилигини билиб олишга ҳаракат қилди. Қипчоқ хонининг ранги тобора бўзарди. У Самарқанддаги исен хабари рост чиқсан тақдирда султон ўша ёқса қўшин тортишини, қипчоқ юрти қорахитойлар кўлида абадий қолиб кетишими ўйлар эди.

Султон Алоуддин Муҳаммад керак нарсаларни сўраб билиб олгач, деди:

- Зигирча ёлғон гапирган бўлсанг калланг кетди деб хисоблайвер.

- Онт ичаманки, айтганларимнинг барчаси рост.

Султон ўз-ўзига деди:

- Нега исен кўтаришганини тушунса бўлар, аммо унинг барчани тенг қиласман деган иддаосига тушунмадим. Ахир, Оллоҳнинг ўзи инсонлар-

ни тенг яратмаган-ку.

Темур Маликка ўгирилди:

- Кетишингиз мумкин Темур Малик. Чопарни ҳам олиб кетинг. Бугун иккита ёмон хабар олдик, ишиқилиб, охири баҳайр бўлсин.

Темур Малик қипчоқ хонига ерга киргизвorgудек бир назар ташла-ди-да. Ҳасанга бош иргади. Улар султонга баравар таъзим бериб, ташқа-рига чиқдилар. Темур Малик йўлда сўзланди:

- Султон иккита ёмон хабар олганини сўзлади. Менга бўлса учта ёмон хабар келди, энг ёмони Жалолиддиннинг валиаҳдликдан тушири-лиши...

## УЧИНЧИ БҮЛİM

Темур Маликнинг муроди ҳосил бўлди. Султон Алоуддин Муҳаммад қипчоқ хонларининг сўзини олмади. У қипчоқ юртига эмас, Самарқандга қўшин тортди. Султон дарғазаб. Кўёви Усмонни ва унинг ҳамтоворкларини қўлга туширса калласини олдиради. Ахир, куёвига бу қадар нозунеъмат ва иқбол берди, у бўлса кўрнамакларча исен кўтарди - бу ақлга сифадиган гапми?

Узоқ юриб, кимсасиз саҳролардан, тик қоялардан ошиб, ниҳоят шаҳар ёнига етиб келдилар. Султон бармоғи билан қалъя деворларини кўрсатиб деди:

- Қара, Темур Малик, шу баланд деворлар отларимизнинг оёғи остида қоғоздек кунпаяқун бўлишини ўз кўзинг билан кўрасан.

- Мен бунга аминман, султоним.

Қипчоқларнинг қовоғидан қор ёғарди. Гапи ўтмагани учун аламзада эди улар. Аммо ҳали умид бор. Негаки юришга чиқкан қўшин Самарқандни бир ёқли қилгач, қипчоқ элига йўл олиши ҳеч гап эмас. Бунга султонни кўндиришларидан умидворлар.

Вақтни қўлдан бой бермай, шаҳарни қуршаб олишди. Кута бошлидилар.

Усмонхон бақир-чақирдан уйғониб кетди. У ақволдан хабар топгач, довдираб қолди. Хоразмшоҳнинг яшин тезлигида етиб келиши мумкинлиги Усмоннинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди. Демак Хоразмшоҳ ҳамон қудратли.

Талвасага тушиб, дуч келганни уриб-йиқди. Бир неча кишини қамчилади, бир нечтасини осиб ўлдиришни буюрди.

Хонасига қамалиб, обдан ўйлади, сўнг девор устига чиқиб, қайнотасининг қўшинига назар ташлади.

- Кўпчилик экан, - деб сўзланди у.

Оқ байроқ кўтарган уч киши қалъага яқинлашгани тўғрисида хабар беришганида қўрқувдан ўпкаси оғзига тиқилди. Қалъя деворининг энг баланд буржига чиқиб, келган кишиларга тикилиб қолди. Ёнидаги маслаҳатчиси Саркашга қараб деди:

- Ҳар ҳолда ўлимимиз түғрисида фармон келтиришган бўлса керак.  
Сен не дейсан, не тадбир олмоқ керак?
  - Чўчиманг жаноби олийлари.
  - Чўчимай бўладими? Кўрмаяпсанми, шаҳарни қамалга олишди.
  - Ҳеч қиси йўқ. Не бўлганда ҳам сиз сultonнинг куёвисиз, ҳар ҳолда гуноҳингиздан ўтади. Аммо биз соғ-омон қолмаслигимиз беш қўлдай аён.
  - Мен омон бўлсам, сен-да тирик қоласан.
  - Майли, кўрайлик-чи, бу одамлар не деркан?
- Байрок кўтарган уч хоразмлик Усмонхон турган қалъа буржи остига етиб келганди. Олдинда турган аскар қўлни кўтариб қичқирди:
- Эй аскарлар! Усмонхонга хабар беринг, у билан гаплашгани келдик.
- Усмонхон Саркашдан:
- Гапирайми? - дея сўради.
- Саркаш деди:
- Сиздай бир ҳоннинг оддий аскар билан гаплашиши вожиб эмас.
- Рухсат беринг, мен сўзлашай.
- Рухсат, бор, гаплаш.
- Саркаш бурж шинагидан бошини чиқариб:
- Не истайсиэ? - дея қичқирди.
- Хоразмлик деди:
- Кимсан сен? Биз Усмонхон ёки у тайинлаган одам билан сўзлашамиз, холос.
- Усмонхон кўзга яққол кўриниш мақсадида ён томонга сурилиб, жавоб қилди:
- Усмонхон мен бўламан. Саркаш менинг вакилим. Гаплашишларингиз мумкин.
- Хоразмликларнинг лабида кинояли табассум ўйнади. Гуруҳ бошлиғи овозини кўтарди:
- Диққат билан эшитинг. Дунёнинг энг буюк сultonни, шавкатли Алоуддин Муҳаммаднинг амрини эшитинг: қалъа дарҳол таслим бўлсин, акс ҳолда барча исёнчилар қиличдан ўтказилади, уйлари вайрон этилади, этлари бурда-бурда қилиниб, кўплакларга ташланади. Дарбозаларни дарров очинг, бўлмаса аҳвол биз айтгандек бўлади.
- Усмонхон докадай оқарди, томоги қақради, Саркашга қаради. Саркаш элчилардан сўради:
- Хўш, таслим бўлсак нима бўлади?
  - У тақдирда сultonимиз балки жазоингизни енгиллатар.
  - "Балки" дегин...
  - Ҳа, балки.
- Элчилар бошқа ҳеч нарса демай, орқага қайтдилар. Усмонхон тишиларини гижирлатди.
- Шайтон уч ўқ билан учковини ҳам йўқ қил, деяяпти.
- Саркаш унинг қўлни тутди.

- Зинҳор базинҳор! Шайтонга қулоқ берманг, акс ҳолда ҳаммамиз-нинг кунимиз битади.

- Гапинг түғри Саркаш. Бироқ кўрмаяпсанми уларни, жуда бамайли хотир сўзлашди...

- Ўзига ишонган доимо хотиржам сўйлайди, хон ҳазратлари.

- Қарши чиқишимиз мумкинлигини ҳеч ўйлаб кўрмаганга ўхшайди, булар.

- Ўйлаб бош қотиришга не ҳожат.

Усмонхон ғазаб билан деди:

- Не демоқдасан ўзи?! Нима сени жаллод қўлига топширайми?

- Эшитинг хон ҳазратлари, раият бизнинг тарафимизда эмас. Атрофимиздагилар манфаат қуллари; ўз чўнтагини қаппайтиришдан бошқа нарсани ўлламайди. Кўлимиздан келганича зулм ўтказдик, одамларнинг ер-сувини, бор-шудини тортиб олдик. Шу боис ҳеч ким бизни деб урушмоқни ҳоҳламайди. Бу аҳволда Хоразм султонини қўятуринг, мўғул ҳоқони Чингиз келса ҳам улар учун катта байрам бўлажак. Ягона орзулари биздан қутулмоқ.

- Нонкўрлар!..

- Ноҳақлик қилдик, хўжайин, кўп зулм этдик. Яна била-кўра...

Усмонхон чорасизликдан елка қисди.

- Ҳўш, энди не қиласайлик? Тириклай таслим бўлайликми?

Саркаш саволга савол билан жавоб берди:

- Ўлмоққа тобингиз борми, хон ҳазратлари?

Усмонхон чўчиб тушди, саросима ичиди:

- Ҳали жуда ёшман, - деб ингради.

- Шундай экан, таслим бўлмоқдан ўзга чора йўқ. Бориб султондан узр сўранг, эҳтимол, марҳамат кўргазар. Керак бўлса хотинингизни султон ҳузурига юборинг. У узр сўрасин, сиз ва бизнинг айбимииздан ўтишлари учун ҳаракат қилсин. Жонимизни қутқаришнинг бундан бошқа йўли йўқ.

- Ҳар ҳолда сенинг гапинг тўғрига ўхшайди.

Дарҳол саройга қайтди. Ҳарамга кирди. Исен кўтарганидан буён хотини билан ораси бузук эди. Хоразмшоҳнинг қизи Хонсултон ичкари қалъада бир нечта содик хизматкори билан бирга эди. Эри бирдан кириб келганини кўриб чўчиб кетди. Эри уни ўлдиргани келди, деган хаёлга бориб, орқага тисланди. Кўли кўксига яшириб қўйган олтин сопли ханжарига узанди.

Усмонхон беўхшов тиржайди.

- Чўчима, Султоним, мен эрингман-ку!

Жувон жавоб бермади. Яна бироз тисарилди.

Усмонхон кишининг раҳмини келтирадиган ва ишонтирадиган аянчли товушда сўзлай бошлиди:

- Бир ёстиққа бош қўйганимизга анча бўлди. Яхши кунларни ҳам

күрдик, ёмон кунларни да. Ширин-шакар фарзандларимиз бор. Аммо анча бўлди орамизни буздилар. Оллоҳ шоҳид, сендан бошқа бир хотинга қайрилиб боқмадим. Фақат сени яхши кўраман, холос. Бироқ нифоқ уруғи сочадиганлар мени сенга, сени менга ёмонладилар. Мен бу мишишларга ишонмадим, аммо сен ҳам шундай қилдингми-йўқми билмаганим учун ёнингга келишга тараффудландим.

Жувон бу сўзларга эътибор бермади. Совуққина қилиб деди:

- Муродингиз не, шундан сўйланг.

Усмонхон бирдан бўшашибди қолди. Бундай муносабатни кутмаганди. Ҳар ҳолда аёл, заифа, заиф томонларидан усталик билан фойдаланиб, хотинимни отасининг ҳузурига юбораман, шу йўл билан авф этишларига эришаман, дея умид қилган эди. Энди бу режа ҳам пучга чиқди.

Фурур кўлдан кетди. Икки одим отди.

- Хонсултоним - деди у. - Жоним сенинг қўлингда, истасанг ўламан, истасант қоламан. Султон падарингнинг ёнига бориб, менга омонлик тила...

Тиз чўкди. Қўлларини орқасида бирлаштириб, бош эгди.

- Хато қилдим. Сени ҳам шу туфайли ранжитдим. Энди бу йўл като бўлганини англадим. Кулогимга эриган қўрғошин қўсалар, тан-баданимни бир-бир чопсалар, кўзимга мил тортсалар ҳам бу қадар азоб чекмаган бўлурдим. Ёлвориб айттай: отанг ёнига бориб, менга омонлик тила. Сени яхши кўради, ранжитмайди. Шундай қилақол. Ўтган яхши кунларимиздан бир хотирот бўлиши учун шундай қилгин.

Хонсултон бошини кўтарди. Оллоҳ адолатини кўриб, саждага бош ургиси келди. Бир вақтлар ўзи эрининг олдида тиз чўкиб, оёқларини ўпид, отасига қарши исён кўтармасликни ўтинган эди.

Кўлини очди:

- Оллоҳим, сен нақадар буюксан!..

Сўнгра Усмонхонга ўгирилиб деди:

- Бир жон учун ялтоқланиш сизга ярашмайди Усмонхон. Оёққа турингиз ва бу ерда айтганингизни ҳузурига бориб падаримга ҳам сўйлангиз. Балки қилмишларингизни унутиб, сизни авф қилар.

Усмонхон уриниш бефойда эканлитини тушунди. Неки қилмасин, Хонсултон юмшайдиган кўринмайди. Гандираклаб, ташқарига чиқди. Эшик олдида кутиб турган Саркашга:

- Умид йўқ, - дея бир оғиз гап билан аҳволни баён этди.

Баравар кетдилар.

- Қабул қилмадими?

- Йўқ. "Отамнинг ёнига ўзинг бориб ёлвор, балки авф этар", дейди. Бундан бошқа чора ҳам йўқ, шекилли.

- Ҳужумга ҳозирланишяпти. Берилган муҳлат ўтай деб қолди. Мабодо бориш ниятингиз бўлса, тезлашинг.

Усмонхон Саркашдан кўзини олиб қочиб, жавоб қилди:

- Ҳа, бораман, Саркаш, бошқа чорам йўқ.

Кўп ўтмай устига тобут ортилган отни етаклаб қалъадан чиқди. Ҳалқ қаттиқ зулм ўтказган бу одамнинг ҳозирги аянчли аҳволига қараб турар, баъзилар кулмоқ истаса-да, кула олмасдилар. Чунки улар мансуб бўлган ислом динининг ҳатто золим бўлишига қарамай мағлуб устидан куладирмайдиган шафқатли қоидалари бор эди...

Усмонхон от етаклаб қалъадан чиққани тўғрисида хабар олган Темур Малик олти киши билан унга пешвуз чиқди. Бир тепа устида Усмонхонни кутди. Яқинлашгач, от устига тобут юкланганини кўрди, лабларига табассум югорди.

- Осий, авф сўрагани келаётир, - деди у аста.

У Усмонхонга бир оғиз сўзламай, тўғри султоннинг чодирига бошлаб кетди.

Усмонхон қайнотасини кўрар-кўрмас ўзини ерга отди. Оёқларига юзини сурди. Темур Малик ва бошқа беклар жонини қутқариш учун паст кетган бу кишига ачиниб назар ташлаб туришарди. Бирортасининг кўнглида кину адоват ҳисси уйғонмади. Бир неча дақиқа сукут ичидаги ўтди. Ниҳоят султон Алоуддин Мухаммад бир-бир сўзлади:

- Ҳеч бир хоннинг султонга саломи сеникидай бўлмас, Усмонхон. Хонликни икки пул қилдинг.

Усмонхон йиглади. Ҳиқиллай-ҳиқиллай:

- Авф қилинг султоним, сиз буюксиз, сиз улуғсиз. Мен каби ожиз бир қумурсқани зэманг, - дея илтижо этди.

Султон оёққа қалқди.

- Қумурсқами, - деди у, - ёки чаёнми?

- Султоним...

- Сўйла, нодон!..

- Тобутим отим устида. Ичидаги ўтқир қилич бор. Агар авф қилмасалар, султоним тобут ясатиб, ўзини уринтириб қўймасинлар дея тайёр ҳолда келдим. Бошим қўлингизда, не қилсангиз ихтиёрингиз, султоним.

Бу сўзлардан кейин султон Алоуддиннинг қўнгли юмшади. Чодирдан чиқиб отни кўрди. Устидаги тобутни туширишни буюорди. Қопқоғини очтириди. Ҳақиқатдан, тобут ичидаги ўтқир қилич бор эди. Султон қиличи олиб, чодирга қайтди. Усмонхонга ўгирилди:

- Қизимиз нечук?

- Ҳаққингизга дуо қилмоқда, султоним.

- Агар унинг бир тола мўйи...

- Ким бунга журъят этади, султоним? У соғ-саломат, канизаклари билан қалъаи дарунда ўтирибди.

- Энди даф бўл, дарҳол қалъа дарбозаларини аскарларимга оч. Сенинг тақдирингни кейин ҳал этамиз.

Усмонхон тислана-тислана чодирдан чиқди. Қандай келган бўлса шундай - сассиз-садосиз қалъага қайтди.

Омон қолгани учун боши осмонда. Аммо унга бериладиган жазо қанча вақтта кечикириларки? Қайнотаси ҳеч қандай күрсатма бергани йүқ, фақат кутишни буюрди, холос. Уни қатлга ҳукм этса-чи? У ҳолда Усмонхон мансуб бўлган қорахонийлар сулоласи тугаб битади. Эҳтимол, шундан кейин қорахонийлар давлат ҳам барпо этолмас, эл ҳам бўлолмас эди.

Ўйлади-ўйлади, кейин қалъа дарбозаларини очтириди. Хоразм аскарлари қалъага куондек ёпирилиб кирди.

Султон тўлпа-тўғри ичкари қалъага кетди. Султоннинг қизи билан кўришуви ҳар қандай тош юракни ҳам эритиб юборарди. Темур Маликнинг кўзлари ҳам ёшланди, у кўз ёшларини яшириш учун бошини чеккага буришга мажбур бўлди.

Ёш аёл бўлиб ўтайдиган барча ҳодисалардан боҳабар эди. Бироқ у қалъа урушсиз таслим бўлади, деб ҳеч ўйламаганди.

Отасини кўриб севинчдан аёлнинг юраги ҳапқириди.

- Султон отажоним! - дея қичқирганча у ўзини отасининг қучогига отди, ҳўнг-ҳўнг йиғлади.

Султоннинг кўз ёшлари шашқатор бўлди. Кўз ёшларини бошқалар кўрмаслиги учун барчага хонадан чиқиб кетишни буюрди. Қизи билан бир соатча ёлғиз сухбатлашди.

Султон ташқарига чиққанида разабдан бўғриқиб кетганди. Қизи Хонсултон Усмонхонни авф этмаслик кераклигини, айбидан ўтилган тақдирда эри келгусида яна исён кўтаражагини айтган эди.

Қизининг айтишича, Усмонхон хоразмликларга паст назар билан қараган, фурсат етди дегунча қорахонийлар давлатини янгидан тиклашини айтиб роса оғиз кўпиртирган.

Султон дарғазаб бўлди. Эшик ёнида ҳозиру нозир Темур Маликка:

- Тезда Усмонхонни топиб келинг! - дея амр берди.

Темур Малик маҳрамлари билан Самарқанднинг кенг кўчаларини оралаб кетди.

Бу орада Усмонхон тайёргарлик кўриб бўлган эди. У султоннинг марҳаматига ишонмади. Шу боис Саркаш билан ҳочиб қолишини режалаштирганди. Ҳазинасини туяга ортиб, қалъанинг орқа дарбозаси томонга олиб бориб қўйганди. Тўс-тўполон тинчимасдан илгари қалъадан чиқиб кетмоқчи эди у. Ўз-ўзини боғлаб, тақдирни қандай ҳал бўлишини кутиб ўтириш фирт нодонлик-да, ахир! Келгусида имконият пайдо бўлиши билан қорахонийлар давлатини барпо этади, ўшанда Хоразмшоҳга қон қустиради.

Бахта қарши Темур Малик уни қидириб топди. Дарбоза остонасидан энди ҳатлаган ҳам эдики, орқадан "Тўхта!" деган товуш келди.

Усмонхон тўхтамади. Саркаш дарҳол садоғидан ўқ чиқариб, Темур Маликни мўлжаллаб отди. Темур Малик чапдастлик билан эгилиб қолди. Ўқ унинг устидан визиллаб ўтиб, орқадаги соқчининг кўксига қадалди.

- Оооох!..

Темур Малик отини ниқтади. Яшин тезлигиде Саркашга ташланди.

- Мана сенга, бузгунчи!..

Усмонхон қиличини суғурди. Овозининг борича қичқирди:

- Аскарларим, тез келинг бу ёққа!

Усмонхон ўзига қорахонийлардан соқчи олган эди. Соқчилар қалъанинг орқа дарбозаси ёнида навбатчилик қилишар, мушкул вазиятга тушудай бўлса Усмонхонни қочириб юборишга шай турадилар.

Усмонхоннинг овозини эшишиб, соқчилар югуриб чиқиши. Улар қийқиришганича Темур Маликнинг йигитларига ҳужум қилдилар. Соқчилар сон жиҳатдан кўпчилик бўлса-да, Темур Малик бўш келмади. Темур Маликнинг бутун фикри-зикри Усмонхонни қўлдан чиқармасликда. Султоннинг ҳузурида ҳеч қачон боши хам бўлмаган. Бундан кейин ҳам у хижолатдан ер чизмаслиги керак.

- Уринг арслонларим! - дея ҳайқирди у. Узун қиличини суғуриб, рақиблар бошига солди.

Кўп ўтмай Усмонхоннинг теварагидаги жонли ҳалқа бузилди. Қорахоний соқчилар қон қуса бошладилар.

- Солинг, ҳа, шундай! Кўз очирманг!

- Э, булар қашқир галасидай кўп, тугаб битмаётир...

- Ол буни, бир татиб кўр!

Темур Маликнинг жангчилари абжирлик билан қилич уришириши, турли усувлар қўллаб, рақибларини шошириб қўйишиди.

Темур Малик Усмонхонга анча яқинлашди.

- Қиличингни ташла! - дея ҳайқирди у.

Усмонхон даҳшатли бир қаҳ-қаҳа отди-да, деди:

- Келиб олақол!

- Тўнғиз қўпасан, бадбахт!

- Олдин ўзингни у дунёга жўнатаман.

- Бунга кучинг етмайди...

- Ол, бўлмаса!

Усмонхон бирдан ҳамла қилди. Темур Малик шу онда отини ён томонга олди, айни замонда эгилиб, чап берди.

- Эпломадинг, энди кўр буни!

Шашт билан кўтарган қиличини шиддат-ла Усмонхоннинг бошига солди. Дубулға тунукадай эзилди. Усмонхоннинг оғиз-бурнидан қон кетди. Юзтубан йиқилди.

Темур Малик ҳайрон қараб деди:

- Оллоҳ! Оллоҳ! Мен қиличинг орқаси билан урган эдим-ку...

От устида туриб эгилди. Усмонхоннинг камаридан ушлаб тортиб, отга ўнгарди. Йигитларига юзланди:

- Буларнинг ишини битириб, қалъага боринг.

Исёнкорни султон ҳузурига тириклай етказиш учун отини елдириб,

күчалардан йилдирим тезлигига ўтиб, ичкари қалъага етиб борди.

Усмонхонни қучогига олиб отдан туширди. Уст-боши қонга беланганига парво ҳам этмай, зинапоялардан ҳатлаб, султон ҳузурига кириб борди. Усмонхонни султоннинг оёқлари остига ташлади.

- Қочиб кетаётган экан. Яхшиямки, улгурдик. Бироқ устимизга соңғиларни ташлади. Урушдик, натижада бу ҳолга тушди.

Султон Алоуддин Мұхаммад күёвига анча тикилиб турди. Сўнг сўради:

- Тирикми?

Шу ерда турғанлардан бири эгилиб, Усмонхоннинг кўкрагига қулоқ босди.

- Ҳали тирик.

Султон бошини ўғирди.

- Исёнкорлар қилмишига яраша жазо олур!

Сўнг аскарларга:

- Олиб кетинг! - деб буюрди.

Аскарлар Усмонхонни судраб чиқишиди.

Султон анчагача жим қолди. ўйга толғандек кўринарди. Кейин аста оёққа турди. Бошини магрур кўтарди.

- Самарқандликларнинг жазоси не? - дея ўртага савол ташлади у бирдан.

Тўнғич дарҳол жавоб берди:

- Ҳаммасини қиличдан ўтказмоқ керак.

Нишобур уни қувватлади.

- Балли! Шундай қилмоқ керакки, яна бир бор бош кўтаришга журъат этмасинлар.

Темур Малик уларни кузаттанича жим турар эди. Султон бу гал унга хитоб қилди:

- Сен не дейсан, Темур Малик?

- Тўнғичхон шошқалоқлик қиласпти, султоним, менинг фикрим бошқа. Ҳалқ зулм остида эзилган. Адолат билан ҳукм чиқарган яхши. Шу ўй билан раиятни ўз томонимизга тортамиз. Ҳатто исёнга қўшилганлар ҳам афсус-надомат этгуси.

- Исёнчиларни ҳам авф этиш керак дейсанми?

- Авф султонимизнинг иродасига боғлиқ.

Султон соқолини тутамлади.

- Балки раиятни авф этарман, аммо исёнчиларни асло кечирмайман! Уларнинг калласи кетади.

- Бундай қилсангиз неча йиллар давомида қайнашдан тўхтамайдиган фитна-фасод қозони остига оловни ўзимиз ёқкан бўламиз, султоним.

- Не демоқчисан?

- Ўлдирилган ҳар бир исёнчининг боласи султон ва давлатга душман бўлажак, отаси ёки яқинларининг қассосини олиш ниятида улгаяжак. Кулай фурсат келди дегунча бош кўтаражак.

Султоннинг юзига заҳарли ва маккорона бир табассум югурди. Темур Малик султонни бу ҳолда ҳеч кўрмаган эди.

- У тақдирда исёнчилар ўғиллари ва яқинлари билан бирга қатл этилади.

- Бу ниҳоятда катта фожеа!

Тўнгичхон рухсат ҳам сўраб ўтирумай орага суқилди.

- Султоним, бу киши сизга ақл ўргатмоқчилар, етар, ҳаддини билсин!

Темур Малик Тўнгичхонга эт жунжиктирадиган бир табассум билан тикилди.

- Ҳаддим қаерда эканини кўрсатиш сенга қолдими, Тўнгич?

Султон жаҳл билан ер тепди.

- Жим бўлинг. Ҳуазуримда айтишмоқ катта айб эканини билмайсизларми? Ёки каллаларингиз оғирлик қилиб қолдими?

Тўнгичхон қалтиради, елкасини қисиб, орқага тисланди. Бироқ Темур Малик сесканмади ҳам. Ҳурмат оҳангиди, қатъий сасда жавоб берди:

- Давлат, раият йўлида тикилган бошни фақат коғир қиличи кесиши мумкин холос... Ижозатингиз билан...

Темур Малик орқага тисланиб, ташқарига чиқмоқчи бўлди.

- Тўхта, Темур Малик!

Темур Малик шу заҳоти эшик ёнида ғоз қотди.

- Амрингизга ҳозирман, султоним!

Султон бир лаҳза тараддулланди. Сўнг қатъият-ла Темур Маликка яқинлашди. Дағал товушда деди:

- Кейинги вақтда ҳаддингдан ошиб кетдинг. Сени аллақачон жаллод қўлига топширмоғим керак эди, аммо қилган хизматларингни унотолмайман. Бор, ўз-ўзингни зиндонга ташлат. Сен тўғрингда кейинчалик ҳукм чиқараман. Лекин умидвор бўлмай кўяқол, негаки ўлим ҳукми ҳам чиқиши мумкин.

Темур Малик аччиқ кулди. Қўлларини кўксига қовуштириб, Алоуддин Муҳаммадга таҳзим қилди.

- Биз сиз учун ўлмоққа шаймиз, аммо сиз биз учун тирик бўлсангиз бас, султоним!..

Бошқа бир сўз демай, хонадан чиқди.

Кипчоқ хонлари ҳайратдан бақрайиб қолдилар. Бундай жасорат ва фидойилик уларнинг тушига ҳам кирмас эди.

Бироқ улар хурсанд. Қипчоқ хонлари ўзларига энг катта душман деб билган Темур Малик зиндонга тушди, эҳтимол қатл этилиши ҳам мумкин.

\* \* \*

Қора Човуш исмли зиндонбоши Темур Маликни кўриши билан ирғиб туриб, шамдек қотди. Ямаётган кўйлаги ҳам ерда қолди.

- Амрингизга мунтазирман, қўмондоним.  
Темур Малик уни кўпдан бери танир эди. Кўп йиллар жант майдонларида биргалиқда қиличбозлик қилишиди, иссиқ-совуқни баробар та-тишиди. Аммо Темур Маликнинг кўнглида унга нисбатан на меҳр, на дўстлик туйгуси уйғонмаганди. Қора Човушнинг зинданбоши эканлиги-ни кўриши билан "Энди ишини толиби" деган хаёл ўтди кўнглидан. Сўнг унга деди:

- Энди қўмондон эмасман, Қора Човуш.
- Нега энди, сўрасам бўладими?
- Майли, сўрайқол. Рутbamдан туширилдим ва бу ерга зинданга тушиш учун жўнатилдим.
- Бу бўлиши мумкин эмас.
- Дунёда бўлмайдиган иш борми, Қора Човуш? Ҳар қандай иш бўлиши мумкин.
- Ахир, султонга кўп хизматингиз сингган.
- Мен султонга хизмат қилганим йўқ.
- Ие, кимга бўлмаса? Шунча йил ким учун қилич кўтардингиз?
- Алоуддин Мухаммад учун деб ўйлаяпсанми?
- Бўлмаса-чи, ундан бошқа ким бўларди?
- Ундан бошқаси бор.
- Султондан ҳам устун кўрганингиз ким ўзи?
- Халқ!
- Халқ дейсизми? Эвоҳ, халқ учун бошимни таҳликага қўйдим деңг, шундайми? Ҳо,ҳо,ҳо. Айбга буюрманг, ўзимни тутолмадим. Кўп ажаб гап айтингиз, ҳазиллашаётурсиз чоғи.

Темур Маликнинг кўзлари порлади.

- Аксинча, жуда жиддий айтяпман. Султон ҳам халқнинг хизматкоридир.

Қора Човуш чўчиб, атрофга олазарак бокди.

- Жим, жим, бирор эшишиб қолмасин...
- Менга барибир!..
- Билишимча, султондан қаттиқ хафа бўлгансиз.
- Йўқ, унга ачиняпман холос.
- Нега энди?
- Мантиқ эмас, ҳиссиётига кўра ҳукм чиқармоқда. Шундай кетаверса келгусида бошига кўп иш тушиши турган гап.

- Бундоқ гапларни айтишга қандай журъят этдингиз, Темур Малик!  
- Дилемда борини айтдим қўйдим...

Ўртага жимлик чўқди. Сукунат узоқ сурди. Хонада пашша учса ово-зи эшитиларди. Ниҳоят зинданбоши сукунатни бузди. Осилиб қолган мўйловини бураб-бураб деди:

- Валлоҳу биллоҳи айтганларингиз Лавҳул Маҳфуздаги ёзувлар сингари тўғри.

Яна жим қолиши... Бу сафарги сукутда ёқимсиз бир нарса бордай эди. Зиндон ичидағи рутубат ва моғор ҳиди димоққа урилаётганидан шундай туюлгандир әхтимол.

- Тұғриликка тұғри-куя, аммо бу мамлакатда тұғри сүз айтганның уйи куяди. Ё шундок эмасми, Темур Малик?

- Шундай бўлса-да, мен тұғрисини айтаман.

- Султонга құрслық қилгандирсиз-да...

- Султон шундай деб үйлаган бўлса керак.

- Ҳа, биламан. Аввалдан шундоқсиз, кимсадан тап тортмай тұғриси-ни сүзлайсиз. Ичингиздагини яшириб үтирумай, шартта айтасиз құясиз. Ҳар ҳолда султон ҳам шу туфайли сизни ёқтиради шекилли...

- Балки шундай бўлгандир...

- Энди султоннинг сабр-косаси тошибди-да...

Яна жим қолиши. Бироқ бу гал сукунат узоқ сурмади. Бўғиқ, киши-ни сескантирадиган бир фарёд дахлизда акс-садо берди.

- Бу недир? - сўради Темур Малик.

- Бу бир дарвеш. Бир йилдан бери қамоқда. Ҳушига тушса ана шун-дай бақиради. Ҳар ҳолда шундан ҳузурланади.

- Айби не?

- Айбими? Эслаб кўрай-чи. Ё, Раббий, не эди у? Ҳа, топдим: унинг ҳеч бир гуноҳи йўқ! Исми Абдулкарим, кўп доно киши. Ҳоҳласангиз сизни унинг ҳужрасига олиб борай. Дунё кезиб, озиб-тўзган бир банда. Ҳибсга тушганидан сўнг эси кирав-чиқар бўлиб қолган, ярим жинни. У ҳадеб яъжуж-маъжуж чиқади, бу ерларни истило қиласи, деб вайсайди. Султон ҳақида куракда турмайдиган гаплар айтади, ном-нишонсиз бир оролда ўлади, дейди.

- Йўғ-е?

- Ҳа, шундай, Темур Малик. Бу ерга тушган одам ақлдан озмай қол-майди. Қамоқ ана шундай бир жой. Ҳатто мен ҳам бу ишдан мамнун эмасман. Очиқ ҳавога чиққиси, оламни кўргиси қелади кишининг. Каерда дейсиз, имкон йўқ, худди маҳбуслар сингари доим шу ерда бўлишга маҳ-кумман. Фақат менинг маҳкумиятимга пул тўлашади, фарқи шу холос.

- Майли, мени ўша одамнинг ёнига қама.

- Дали Дарвеш ёнигами?

Темур Маликнинг овози бўғилди.

- Дали Дарвеш дейсанми, Абдулкарим дейсанми, хуллас ўша одам-нинг ёнига қама мени. Бунга бир монелик йўқдир ҳар ҳолда.

- Қанақа монелик бўларди? Фақат бу ҳужраларга қамаладиган маҳ-бусларга кишан урилади. Сизга кишан уролмайман.

- Нега энди?

- Ё худойим-ей, нақадар совуқкон бир одамсиз!..

- Қон қизиса мияга уради, тұғри фикрлашга халақит беради.

- Кўрмаганимдан буён файласуф ҳам бўпқопсиз.

- Қария, ғапни чүзма. Тұғрисини айт, мени Дағы Дағвешнинг ҳужрасынан санаңынан, йүкмө?

- Сизни қамашым мүмкінлігінде чиндан ишоняпсызмы?

- Бу не деганынг?

- Яхши-ёмон күнларда бирга бўлганмиз. Бу зинданга тушган осонликча чиқмайди, чиқса-да соғ чиқмайди. Кўп ҳолда унтишади. Ахир, сизни ўз қўлим билан ажал қўлига топширолмайман...

Темур Маликнинг кўзларида учқунлар чақнади.

- Шу ғапни билиб гапиряпсанми?

- Албатта...

Зинданбон ишшайди. Темур Малик бир тортишда қиличини сугурди.

- Султонимизнинг амрини дарҳол вожиб этмасанг, каллангни сапчадай узиб ташлайман.

Қора Човушнинг ранги ўчди, дудоқлари титрай бошлади.

- Мен сизни қутқармоқчиман, ахир, - дея минғиллади у.

- Яъни султонимизнинг амрига қаршимисан?

- Алҳазар, алҳазар...

- Ундей бўлса, мени ҳибсга ташла. Мени шунинг учун юбориши, вазифангни бажар.

Қора Човуш ҳайратдан қотиб туради. Темур Малик қиличини тескари томонга ўтириб, учидан тутган ҳолда узатди.

- Қиличимни ол. Маҳбусда қилич бўлмайди.

- Аммо...

Темур Малик овозини бир парда кўтарди:

- Вазифангни бажар, дедим.

Зинданбон кўрдики, бошқа чораси йўқ. Бу киши не қилиб бўлса-да, ҳибсга тушмоқчи. Иккилана-иккилана қиличга қўл узатди.

- Беринг...

Темур Малик хотиржам бўлиб, чуқур нафас олди.

- Энди қўлингдаман. Истасанг, мени Дағы Дағвешнинг ёнига обор...

Қора Човуш ҳайратдан мўйловини тортқилади. Кирланиб кетган салласини бошининг орқасига сурди.

- Эҳ, - деди у. - Модомики, шуни истар экансиз, сиз айтганча бўлсин.

Қани, олдимга тушинг.

Олдин эт жунжиктирадиган бир фарёд, кейин бўкирган товушлар эшитилди. Аммо ҳеч нарсани англаб бўлмади. Зинданбон деди:

- Агар хоҳлассангиз бошқа ҳужрага қамай.

Темур Малик бош чайқади.

- Йўқ, ўша ҳужрага олиб бор.

- Ўзингиз биласиз.

Кўп ўтмай ҳужра эшигига етиб келишди. Зинданбон темир эшикни каттакон калит билан очиб, Темур Маликка йўл берди.

- Бу ер сарой эмас, Темур Малик. Аммо бошқаларидан анча яхши.

Оёғингиздаги кишанга узун занжир урдираман, шунда хужра ичидә қийналмай кезиш мүмкін бўлади. Бирор нарса керак бўлса, овоз беринг, ҳамон етиб келаман. Энди айтадиган биргина тилагим бор холос: "Бошингиzin Оллоҳ балодан кутқарсинг".

Темур Малик зинданбонга диққат билан тикилди. Томдаги туйнукдан тушган гира-шира ёргуға зинданбоннинг юзини кўра олмади. Бироқ овозидан унинг йиглаётганини сезди. Қўлини елкасига қўйди.

- Омон бўл, дўстим. Қўринининг бошқа, қалбинг бошқа экан.

Қора Човуш тиз чўкди. Пайпаслаб, занжирнинг ҳалқасини топди. Ҳафақон бир сас-ла сўради:

- Қўринишдан жуда золим одамга ўхшасам керак, а?

- Тўғрисини айтганда, мен ҳам сени куш кўрмас эдим. Энди билсан, бадрўй юз орқасида гўзал бир қалб яширинган экан.

- Олдинлари бунаقا эмасди, ботирим. Ҳар ҳолда бу ерда изтироб чекканларни кўравериб қалбим юмшади. Бор гап шу. Сизни Оллоҳга топширдим.

- Яхши боргин, Қора Човуш...

Зинданбон охирги марта эски оғайнисига тикилди.

- Оллоҳ нажот берсин, - деди у яна.

Сўнг эшикни ғижирлатиб ёпди, қулфлади-ю кетди.

Эшикнинг ғижирлаши асабларини қақшатди. Қулф ичидә айланган калитнинг шиқирлаган товуши гумбурлаб, қулоғини қоматга келтирган-дек бўлди. Эндинга уйғонган одамдек уйқусираган товушда ўз-ўзидан:

- Нега бу ерга тушдим? - деб сўради.

Бирон айб иш қилган бўлмаса. Ваҳоланки зинданга айби борлар тушади. Айби йўқ экан, уни нега ҳибсга ташлашди?

Қалбига қулоқ тутди. Айбдор кишиларда бўладиган беҳузур этадиган беҳаловат ҳислардан асар ҳам йўқ. Қалби ҳар доимгидай ватан ишқи, дин шижоати илиа лиммо-лим. Хўш, унда бу гўзал туйғуларининг мукофоти зиндан бўлдими?!

Йўқ, йўқ. Бундай эмас. Султон уни айбдор деб топдими, бинобарин, қандайдир айби бор. Гуноҳи не эканлигини балки ўзи ҳам билмас.

Унга зинданга тушгани алам қилаётгани йўқ, асло. Юрагини ўртаётган, миясини пармалаётган бошқа нарса!

Темур Малик раиятни, мамлакатни ўйлаб ичдан зил кетмоқда эди. Боз устига Султон Алоуддин Мұҳаммад ўйламай-нетмай, гуноҳи бор-йўқлигини суриштиrmай одамларни зинданга ташлашга одатланса оқибат не бўлур, дея ҳавотир олаётганди у. Темур Малик султоннинг золимга айланишини, тўғриларни эъзозламай, эгриларни тақдирлашини ҳеч истамас эди. Султон бўлган киши мукофот ҳам, жазо ҳам бериши керак, албаттa. Аммо бу борада адолат йўлидан тойиб, зулм ҷоҳига тушмаслик лозим. Алоуддин Мұҳаммадни бу тубсиз чоҳ ёқасида кўришдан Темур Маликнинг дили вайрон эди.

Шубҳасизки, энди султон қипчоқ хонларининг ноғорасига ўйнайди. Тўғрисини айтган кишиларни зинданга ташлатиб, кишанбанд этиш давом этаркан, султон зулм ҷоҳининг тубида қолаверади. Ажабо, шаҳзода Жалолиддин отасини ўз вақтида огоҳлантириб, зулмдан тия олармикан? Ягона умид Жалолиддиндан. Бироқ султон унга қулоқ осишига кўпам ишонмас эди. Султон Жалолиддинни давлат ишларидан узоқлаштириш мақсадида валиаҳдликдан туширди-ку. Бунинг тагида қандай таҳлика борлигини ўйласа юраги орқасига тортади. Оллоҳ сақласин, агар султон Мұхаммадга бир кор-ҳол бўлса, бутун идора ишлари кичик ўғли Ўзлоқшоҳга, яхни Туркон Хотунга қолади. Бунинг натижаси ёмон бўлиши аён. Ҳар томон алғовдалғов бўлиб турған бир вақтда мамлакат бўйлаб сепилган айрмачилик уруғлари ниш уриб, ёмон оқибатларга олиб боради. Бир томонда бу ғавролар, иккинчи томонда исёnlар, яна бир томонда Чингизнинг пакана отликлари... Бунинг устига у зинданда...

- Ҳой!..

Бу сасдан Темур Малик ўзига келди. Ёнгинасида бир кўланка турарди.

- Сен ҳам ўша золимнинг қўлига тушдингми-а?

- Қайси золимнинг?

- Султон деган одамнинг!..

Темур Малик қатъий эътиroz ила қичқирди:

- У золим эмас!

- Ие! Ундан бўлса бу ерда нима қилиб ўтирибсан? Ё қотиллик қилдингми?

- Уруш майдонидан ташқари бир пашшани ҳам ранжитмаганман.

- Балки қароқчилик қилгандирсан?

- Тилингизни тишлаб гапиринг! Мен қароқчи эмасман.

- Ҳа, билдим, билдим. Сен султоннинг ҳарамига кирган бўлсанг керак...

- Ўйлаб сўйланг дедим-ку, оқсоқол!..

- Нега жizzакилик қиласан? Уни қилмагансан, буни қилмагансан, нима бу ерга ўз оёғинг билан келдингми бўлмаса?!

- Худди шундай, топдингиз.

- Кулогим яхши эшитмади чорги...

- Йўқ, эшитганингиз тўғри.

- Яъни, бу ерга ўз хоҳишинг билан келгансан, шундайми?

- Султон буюрди, мен келдим.

- Соқчиларсиз?

- Султоннинг амри менинг соқчимдир.

Мўйсафид узун қалин соқолини сийпади, оёғидаги занжирни тортиб, шақирлатди. Ерга тиэ чўқди.

- Эй Оллоҳим! Мени жинни деган ақлли қулларингга бир оз ақл эҳсон этгилки. улар ўз оёғи билан зинданга тушмасинлар.

Зўрга қаддини кўтариб, Темур Маликнинг кўксига бармоғини нуқиди.

- Сенга бунинг не кераги бор эди, йигит?

- Буни сultonимиз биладилар.

Икки қадам тисарилди.

- Сен жинни бўлсанг керак.

Темур Малик кулимсиради.

- Балки жиннilar ўз орасидаги ақлли кишини жинни дейишар.

- Яъни, сенингча, ташқаридагилар ақлдан озганми?

- Жуда бўлмаганда, телбанамо ҳаракатлар бошлишган.

- Ҳа, шундог бўлиши керак эди!

- Нима?

- Ўз вақтида менга ишонганиларида бу аҳволга тушмаган бўлишарди.

Султон Муҳаммад илгари бундай эмасди. Энди у зулм қилишга ўтди.

Оғир солиқлар билан раиятни эзди. Ёмонларга кўп амал-марtaba бериб, қўйини узайтирди. Шундай бир бош оғриғи орттиридки, илалабад ундан қутуолмайди. Зотан бошининг ўзи ҳам омонат.

- Сиз жуда қатый сўйляяпсиз, ваҳоланки, ғайб фақат Оллоҳнинг ўзигагина аёндир.

- Ҳа шундоқ. Лекин ақли сўқирлашган мендай дарвешларга Оллоҳ баъзи нарсалардан мұжда беради.

Дарвеш унинг кўлидан тортди.

- Қани, ўтири, бир дардлашайлик. Мени дали дейишади. Буларда валий билан далини фарқлайдиган даражада фаросат йўқ.

- Яъни сиз авлиёмисиз?

- Йўқ, мен фақат ташқаридагилар дали билан валийни фарқламайдиган сўқир кимса эканлигини айтдим холос. Уларнинг ақли етмайдиган бир гапни сўйласанг сенга дарров “жинни” ёрлигини ёпиширишади. Чунки ҳеч ким тинчини бузгиси келмайди, иш қилиш машақкатидан қутулади.

- Сиз не дедингизки, дали дедилар?

- Қани, ўтири, айтиб берай.

Ёнма-ён ўтириши.

- Кўп кездим, - дея сўз бошлади Дали Дарвеш. - Ўн ёшли бола чоғим-да отамдан хафа бўлиб, уйдан чиқиб кетдим. Яъжуж-маъжуж ўлкасига ҳам йўлим тушди, Чингизхон кимлигини билиб олдим.

Темур Малик сакраб турди.

- Чингизхон дедингизми?

- Ҳа, Чингизхон. Ўша лайтлари унга Темучин дейишарди. Ботир йигит бўлган. Айтишларича, туғилган пайти ҳовучининг ичидаги бир томчи қон бор экан. Коҳинлар бу бола улгайса кўп қон тўқади, деб каромат қилишган. Кўп қон тўқди ҳам... Яна қанчадан қанча қон тўқажак...

Чуқур нафас олди.

- Сўраб-сuriштиридим, уни билганлар билан танишдим, кўришганлар билан учрашдим ва етарли маълумот тўпладим.

Бир йұталиб олгач, сүзіда давом этди:

- Чингизхон беш юз әллигинчі тұнғыз йилида Үнун дарёсінің үнг соҳилемдә жойлашған Дулун Бұлдоқ деган жойда туғилған. Учинниклар "қора татар" деб атайдыған қавмға мансуб. Отасининг исми Ясугай Баҳодур. У үлған вақтда Темучин үн икки ёшда бўлған. Ясугай Баҳодур үлгач, унинг қўли остидаги қабилалар тарқалиб кетган. Кичик Темучин онаси ва укалари билан Үнун дарёсіда балиқ тутиб кун кечирған. Темучин вояга етгач, отасининг қўли остида бўлған қабилаларни бирлаштиришга киришиди. Бироқ у бир нечта қабиланинг бошини бириктиришга эришиди холос. Шундан кейин төгларда қароқчилик қилди. Тарафдорлари борган сари кўпайди. Охири уни хон деб эълон этишиди. Навкарлари унга қасамёд қилдилар. Улар бундай деган:

"Сен бизга ҳукмдор бўлсанг қаршимизга саҳродағи қум зарралари қадар кўп душман чиқса ҳам қочмаймиз. Олдинги сафда туриб, мардона урушамиз. Йўлингда ҳеч иккимиз жон берамиз. Гўзал аёллар, кўхлик қизлар ва зотдор отларни қўлга киритсак, уларнинг ҳаммасини сенга берамиз".

Бунга жавобан Чингизхон шундай деган:

"Сурув-сурув отлар ва қўйлар, хотин-халаж ва болаларни қўлга тушириб, сизларга тарқатаман. Сиз учун ов уюштириб, турли-туман ўрмон ҳайвонларини қошингизга ҳайдайман. Эпчиллик билан шаҳарларни босиб оламан. Истаган жойингизни яғмолатаман, хоҳлаган кишингизни ўлдираман. Енгилган ҳар бир душманнинг отини ва хотинини олишга ҳақли бўласиз".

Бу сўзлардан кейин мўғуллар: "Лу...лу...лу...лу!" дея бақиришиб, мамнун бўлганликларини билдиришган. Сўнг Кўктангри номи билан қасам ичганлар.

- Кўктангри нимаси?

- Мўғуллар яккаю ягона Оллоҳга ишонмайдилар. Улар Ертангри, Кўктангри деган маъбудларга ишонадилар.

- Астағуруллоҳ...

- Ағсуски, шундай. Мавзуға қайтайлик. Ҳа, мўғуллар қасам иди. Ӯшандан кейин Чингизхоннинг тарафдорлари янада кўпайди. Чингиз ўтовининг олдига ҳонлик аломати ўлароқ тўққиэта бўз от қўйргидан тут тикиди. Олдинига ўзини чинликларнинг тарафини олгандай кўрсатди. Керайтлар билан бирлашиб, ўз ургидан бўлған буйирнор қабиласи билан урушди. Сўнг улар билан иттифоқ тузиб чинликларга қарши чиқди.

Ўн йил қонли уруш бўлди. Товуқ йилининг бошида қардоши Жамуқа билан бирлашди ва уни Гўрхон унвони билан ҳукмдор эълон этди. Кейинчалик уларнинг ораси бузилди. Кўпчилик Чингизни ташлаб кетди. У ўзига содик бир нечта киши билан қочди. Болчжун саҳросида сарсону саргардан тентираб юрди. Анча вақт шўр сув ичишга мажбур бўлди.

Охири ҳийла ишлатди, Жамуқанинг қўшини орасига нифоқ ташла-

ди. Аскар йигиб, бир куни Жамуқанинг устига босқин уюштириди ва уни тор-мор этди. Жамуқа навкарларининг кўпи Чингизнинг хизматига киргач, у янада қувватланди. Ўнгу сўлга ҳужум этди, дуч келганни босиб янчди, ёқди, йиқди, вайронага айлантириди. Мўгулистан шарқидаги қабилалар унинг итоатига киришга мажбур бўлдилар.

Дали Дарвеш чуқур нафас олди.

- Ҳикоям сени зериктирмадими, эй, ўз оёғи билан зинданга кирган дали? - деб сўради у.

Темур Маликнинг кўзлари қоронгиликка ўргангани учун қаршисида турган кишини кўздан кечириш имконига эга бўлганди. Дали Дарвеш нинг мовий кўзлари нурга тўлиқ. Телба эмас, ниҳоятда ақлли киши эканлиги кўзларидан маҳлум.

- Давом этинг, Дарвеш ота, - деди Темур Малик. - Айтаверинг, билмоқчи бўлган нарсаларим ҳақида сўзламоқдасиз.

- Зотан бу гапларни айтганим учун зинданда чиритишаёт. Бундан ортиқ не келарди қўлларидан. Эши...

Ютинди.

- Чингизхон йўлбарс йилида найманларга қарши уруш очди. Найманлар энг кучли қабилалардан эди. Чингизхон голиб чиқди. У найман қўшинини тор-мор этиб, Мўгулистаннинг фарбига ҳам ҳукмдор бўлди. Ўша йили хоқон унвонини олди. Бу унвонни унга чинликлар беришди. Аммо Чингиз шаҳарда ўтириб ҳукм сурадиган ҳукмдорлар сирасидан эмасди. У чодирда яшаб, муттасил жанг қилди. Уруш унинг асосий маҳфулоти эди.

Чингиз ботир, жасур, айёр эди. У ерга тўшалган пўстакда ухлар, йиртиқ-ямоқ чопон киярди. Аскари не еса у ҳам ўшани ерди. Табаасидан фарқи йўқ эди. Бу феъли-хўйи туфайли у муҳаббат қозонди. Ўз динига эҳтиқодли. Тез-тез баланд тепаликка чиқиб, Кўктангрига илтижо этиши тўғрисида гапиришади... Зеҳни ўткир. “Оиласини бошқара олган киши қўшинни ҳам бошқара олади. Ўн киши билан юз минг кишини бошқаришнинг фарқи йўқ. Ўғил отасига, ука акасига, келин қайнонасига, хотин эрига, навкар қўмандонига итоат қўлган мамлакатнинг курагини ерга тегизиб бўлмайди”, - дейди у.

Ўзи истаган бундай давлатни барпо этиш учун зулм ҳам қилган. Хуллас, ўз табаасини қаттиқ интизомли қилишга эришди у. Хўш, бу мақтovга лойиқми ё койишга?

Дали Дарвеш пешонасини тириштириб, бармоқлари билан соқолини таради.

- Чингизнинг хизматида мусулмонлар ҳам бор. Масалан, Донишманд Ҳожиб унинг ўнг қўли. Чингизнинг тарихини асосан ундан эшидим. Унинг карвонини Чингизнинг одамлари талон этган, одамларини банди этиб, хоқонга элтишган. Чингиз Ҳожибга бир қанча савол берган, жавобларидан мамнун бўлган, бошини кестириш ўрнига ўз хизматига ол-

ган. Ўшандан буён Ҳожиб унинг ёнида.

- Мусулмон одам мажусийга хизмат қилиши мумкинми, ахир?! Тушунмадим...

- Мен ҳам... ўзидан сўраганимда кўзига ёш олди, сабаби кўп эканини айтди. Кавлаштириб ўтирадим.

- Чингизни кўрдингизми?

- Атиги бир марта кўрдим.

- Қандай экан?

- Узун бўйли, дароз одам. Зотан мўғулларнинг кўпи новча. Бироқ Чингиз ҳаммасидан новча. Балки шунинг учун ҳам аскарлари уни ҳурмат қилишади.

Кўзлари кўм-кўк. Яна қандай кўз де, нақ дўзах олови сочади. Бир неча тукдан иборат узун соқоли ҳам бор. Баъзан, ўйга толган кезлари соқолини қулогининг орқасига ташлайди...

Ҳай, майли, асосий гапга қайтади. Ҳикоям ҳали битгани йўқ. Ичимда бир туйғу сен яқинда зиндандан созод бўлишингдан дарак бермоқда. ўшанда, эҳтимол, бу маълумотлар кор-ҳолингга яраб қолар. Мени ҳам эсга оларсан. Бизникилар Чингизхонни назар-писанд қилишмаяпти. Уларнинг энг катта хатоси ҳам шунда.

- Қани, ўзингиз айтинг бўлмасам...

- Қулоғингга қўйиб ол... Донишманд Ҳожибининг айтишига қараганда Чингизхон ўқиш-ёзишини ҳам билмайди. Мўғулчадан бошқа тилда гапи-ролмайди. Мен ҳам мўғулча сўзлаша оламан. Бошқа тилларга қоришган, аммо кўп гўзал тил. Чингиз ўша тилда сўзлашади. Муҳр ишлатиш не эканлигини илк бор найманлардан ўрганди ва бу унга маъқул тушибди. Энди унинг шаҳодат бармоғида муҳрли каттакон узук бор. Фармонларига ҳам, уруш сафарбарлиги тўғрисидаги эълонларининг остига ўша муҳрни босади... Аммо кўпинча уруш эълон этмай, бирдан ҳужум қиласди.

Биринчи катта юришни чинникилар Ҳси-Ҳсиа дейдиган, биз Танқут деб атайдиган давлати устига қилди. Голиб чиқишига мувваффақ бўлди. Ҳси-Ҳсиа хоқони қизини Чингизга хотинликка бериб омон қолди. Чингиз ундан кейин Ҳонбалиқни олди. Бир йилдан кейин Мўғулистонга қайтди.

Ўша йили қарлуқлар ҳукмдори Арслонхонни мағлуб этди. Бу у енгган биринчи ислом давлати бўлди. Ундан кейин Или водийсидаги Олмалиқни яксон қилди. Ҳукмдорини асир олди. Бу орада Моварауннаҳр Хоразмшоҳ томонидан тўла забт этилди. Шу йўсинда қорахитойлар тарқалиб кетди. Бир қисми найман ҳукмдори Кучлук итоатига кирди.

Дали Дарвеш хийла чарчади. Жулдур чопонининг енги билан соқолини силади, пешонасидаги реза-реза терни артди.

- Гапнинг бори шу, - деди у. - Аммо айтмоқчи бўлган гапларим ҳали бор.

Темур Малик бу одам қандай қилиб бу қадар кенг маълумот соҳиби

бўлганига ҳайрон қолди. Ундан яна кўп нарсалар билиб олиш умидида деди:

- Давом этсангиз мамнун бўлардим.

Мўйсафид қаҳ-қаҳа отиб кулди.

- Дали Дарвешни тинглашга иштиёқманд одамни энди кўришим, - деди у. - Очигини айтганда, мени бироз шоширдинг, йигит. Ҳатто исмингни сўрашни ҳам унудим.

- Исмим Темур Малик.

- Нима?..

- Темур Малик, дедим.

- Энди тамоман ҳайратдаман. Ҳайрон қолмай бўладими, негаки исмингни Чинда эканимда эшитгандим. Қаҳрамон, ботир, ҳеч нарсадан тап тортмайдиган хоразмлик саркарда улуғ Темур... Демак, охири зин-донга тушдинг?

- Ҳа, шундай...

- Таажжубланмаса бўлади, аммо тақдир ўйинига ҳайрон бўлмаслик иложи йўқ. Султон энди дин, миллат йўлидаги кишиларни ҳибсга ота бошладими?! Ҳўш, айбинг не?

- Айбимми... Ҳар ҳолда кўрсатган бир журъатим айб саналди, шекилли...

- Ўринсиз журъат... Аслида ўринли, аммо ўринсиз деб топилган бир журъат, топдимми?

- Топдингиз, топдингиз.

- Кўп оғир савдо бу, йигит. Инсон дини учун киприк қоқмай жон фидо этади, аммо бирор учун ўлиши кўп қийин. Илгарилари султон аскар тўплаганида "Оллоҳ йўлида ўлмоққа келингиз" дея жар солдиради. Энди бўлса, зинданбонларнинг айтишича, "Султон йўлида ўлмоққа келинг" дея жар солдираётганниш. Тўрими?

- Афсуски, тўғри...

- Кайф-сафога муқкасидан кетган, уруш тўғрисида эшитишни хоҳламайдиган даражада айш-ишратга берилган дейишади, чинданми?

- Бу бор гап!

- Оҳ! Бу давлат барбод бўлади, дўстим.

- Нима деялпиз ўзи?

- Нима ҳам дердим, тарихнинг бориши шундай... Чингиз тўғрисида бехуда гапирганим йўқ. Айик пўстаги устида ухлашини, навкар еган таомдан ейишини, кийган кийимини кийишини бекорга айтдимми? Аскар ана шундай ҳукмдорни севади, унинг учун ўлимга тик боради. Султон кайф-сафо, айш-ишратга, илагу олтинга берилган бўлса ҳолигавой! Ўзини ҳам, раиятини ҳам фалокатга етаклайди бундай султон.

- Аччиқ гаплар айтиётисиз, оқсоқол, аммо сўзларингизда қилча ёлғон йўқ. Ҳақлисиз. Бироқ султонни огоҳлантироқчи бўлсангиз, ёқмайсиз. Қўлимииздан не ҳам келарди?

- Ким бунга журъат этса ҳибсга тушади, шундай эмасми?
- Шундай, албатта. Фақат зиндан эмас, калла кетиши ҳам ҳеч гап эмас.
- Бу давлат ағдарилади...
- Оғзингиздан ел учирсын.

- Кулоқ сол. Күп кездим, күп күрдим ва күп нарсаны билдим. Чингиз билан талашманг. Бу одам инсоф не эканини билмайди. У катта жаҳонгирдир, аммо улуг ҳукмдорларга хос раҳм-шафқат, хоқон викори унга мутлақо ёт. Инсон ўлдириш унинг учун шунчаки бир эрмак. Бегуноҳ одамларни қоплонларига едиришдан ҳузурланади. Бу томонга юриш қиласа қаттиқ туриб ўлкамизни ҳимоя этинг. Акс ҳолда ҳамма ёқни ёқиб, кулини кўкка совуради. Хоразм илм бешиги. Чингиз бўлса илм душмани, қўлига тушган китобни гулханг отади. Бунинг устига мусулмонларни кўргани кўзи йўқ. Масжидларимизга от устида кириши, имомларимизни отбокарга айлантириши, қизларимизнинг номусини поймол этиши турган гап. Бунга чидай оласанми, саркарда?

Темур Малик ўрнидан сапишиб турди. Беихтиёр қўли белига кетди. Аммо қиличи йўқ эди. У мингиллади:

- Оллоҳнинг ўзи сақласин!

- Иншооллоҳ, ўзи сақлар. Бироқ айтайки, қилинаётган хатолар фалокат йўлини очади. Неча йилларки, огоҳлантиридим, аммо мени кимса тингламади. Охир-оқибат телба деб бу ерга тиқдилар. Сени менга Оллоҳ юборди. Ақлдан озишим учун ҳеч бир сабаб йўқ. Мен султондан хафаман. Мени зинданга ташлатгани учун эмас. Аслида мени зинданга ташлатган султон ҳам эмас. Ҳай, майли... Нега султон ислом амалларига риоя этмаялти? Ана шунга жаҳлим чиқяпти.

- Қаердан билдингиз буни? Султон Алоуддин Муҳаммад намоз ўқийди, рўза тутади.

- Мўйсафид қўл силкиди.

- Опқочма, болам, опқочма... Ислом дини фақат намозу рўза билан белгиланадими? Ислом бир низомнома, тузук... Дунё тузуги... Тўғри татбиқ этилса ислом ҳал қилмайдиган масаланинг ўзи йўқ... Ҳатто Чингиз ҳам ўзича қонунлар чиқарди. Бизнинг қонунимиз Қуръон... Ундан қилча айрилмасанг ҳар нарсага жавоб топасан. Қуръонда зарарли ишлар ҳаром этилган. Ҳар бир кишига матлуб бўлмаган нарсалар ҳаром. Қўшнинг оч бўлганда сенга тўқлик ярашмайди... Нақадар ажойиб қонда. Ўқи, илм ўрган. Илм олмоқ учун Чинга ҳам бордим, Мочинга ҳам. Бу ерга қайтиб келсам, мени зинданга отдилар. Бир йилча бўлди бу ерда тупроқ чайнаб, могор ҳидлаб ётибман. Ҳақиқатни эшитадиган киши йўқ. Нега зинданга отиши? Қош қўяман деб кўз чиқардимми ё?

Йўқ, Оллоҳга беадад шукур, таяммум этиб бўлса-да, намозимни канда қилмадим, ўз вақтида ўқийман. Таҳоратга сув етмайди, зинданбон бир қултум сув беради, холос. Гоҳо сув беришни ҳам унутади...

Бош чайқади.

- Унтулишдек ёмон бир нарса йўқ дунёда. ўғлим, - деди у. - Ундан ёмон нарса йўқ.

\* \* \*

Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад Темур Маликни унугтган эди. Улуг саркарда зинданда оёғи занжирбанд ҳолда кекса дарвешдан баҳра олаётган бир паллада у қипчоқ хонларига гап уқтириш билан овора эди.

Орадан олти ой ўтган бўлса-да, султон ўтирган жойидан жилмади. Онасидан келган мактублардан тасалли олиб, роҳат-фароғатини бузмай ётаверди.

Туркон Хотун Гурганжда ишлар жойида эканлиги, бош кўтаришга уринган айрим бекларни қипчоқлар ёрдамида янчиб ташлагани, султоннинг истироҳатини бузишга ҳожат йўқлиги ҳақида ёзар эди.

Бироқ қипчоқ хонлари бошқа фикрда. Уларнинг юртидан бир-биридан ёмон хабарлар, дашту саҳроларга тўлиб кетган қорахитой отлари яшил яйловларни топтаётгани ҳақида миш-мишлар етиб келмоқда. Бундан қипчоқ хонлари жуда безовта.

Тўнгичхон билан Нишобур яна бир марта Алоуддин Муҳаммад ҳузурига бориб, дардларини тўкиб солдилар.

- Султоним, шоҳим, олампаноҳ, - деди Тўнгич, - юртимизни қорахитойлар топтамоқда, шу боис қачондан бери бу Самарқанд деган ерда бизнинг бошимиз ҳам. Амрларингиз бошимиз устига. Бироқ юртимизни ҳам ўйламасак ҳам бўлмайди. Ўша томонга юриш қиласайлик, душманларимизнинг адабини бериб, уруғдошларимизни кутқарайлар. Сизнинг буюклигиниз шарофатидан баҳраманд бўлайлик. Сиздан бошқа ким бизнинг бошимизни силайди? Бизни гарibu нотавон ташлаб қўйиш сизнинг шаънингизга ярашадиган ишми?

Султон одатдагича жавоб қилди:

- Сабр этинг, сабр... Бу ердаги ишлар итномига етмади. Хабарингиз борки, Самарқандни пойтахт қилишга қарор бердик. Қасрлар, улкан масжидлар барпо этмоғимиз керак. Ҳозир бўлса ўзимиз ўтирадиган бир сарой ҳам йўқ. Саройсиз султон султонми?

Шу онда ўғли Жалолиддин ичкарига кириб келди.

- Ассалому алайкум, олампаноҳ! - деди у. - Сарой бўлмаса-да, султон бемалол иш битириши мумкин. Аммо табааси бўлмаган султоннинг қўлидан ҳеч нарса келмайди. Табаа бўлмаса султонлик ҳам бўлмайди.

Султон бу лукмани ўринисиз деб топди. ўғлига тикилиб қаради.

- Темур Маликка ўхшаб гапиряпсанми?

- Ундей бўлса менинг жойим ҳам Темур Маликнинг ёнида бўлса керак. Ё нотўрими султоним?

Султон сесканди. Илк дафъа Темур Маликни эслаган эди. Ичи зил

кетди. Боши ҳам бўлди, ўғлига тан берди.

- У ҳали зиндандами?

- Сояи давлатлари остида...

- Шу боисдан кўринмаётган экан-да. Биз бир пўписа қилиб қўймоқчи эдик, холос. У бизга керак. Буюраман, дарҳол зиндандан чиқарилсин ва хузуримизга хизматга келсин.

Жалолиддин қачонлардан бери аламзада эди. Энг яқин оғайниси, жон дўсти зинданда экан, у ўзини қўярга жой топмасди. Дўстидан тез-тез хабар олиб туради. Ҳозир ҳам ўша ердан келган эди.

Отаси Темурни авф этгач, қучогига отилди, қўлини ўпиб, пешонасига сурди. Султон кулди.

- Шунчалик эканини билсак, аввалроқ чора кўрган бўлармидик. Нега эслатмадинг? Тўғриси, ўзимиз ҳам соғинник. ўғлимиздан яхши кўрган саркардамиз бир сўзимиз билан ўзини зинданга ташлатди-я.

- Амрингизга мувофиқ, султоним.

- Ҳа, шундай, бироқ... Майли, энди... Айтгин, озод этсинглар. Шопкамарини тақиб, хузуримга келсин. У менга жуда керак.

Жалолиддин таъзим бериб, ташқарига чиқди. Тўғри зиндан томон йўл олди. Боши осмонда, йўлда кўринган тиланчиларга садақа улашиб борарди.

## ТҮРТИНЧИ БҮЛИМ

Майин эсган шабада саҳро тафтини юзга уради. Саҳро офтоб нурига кўмилган. Хоразмшоҳ суворийларининг оёғи остида кўм барханлари илмашик бўлади, баъзи барханлар текисланиб кетади.

Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад қипчоқларнинг юзидан ўтолмай, ниҳоят йўлга чиқсан эди. Султон Гурганжга бориб, катта қўшин тўплаш, қипчоқ юртини қорахитойлардан озод этиш, ундан кейин эса ҳали ўзи кўрмаган, душман дея гумон этган пакана отли аскарларнинг пайига тушиш ниятида эди.

1216 йил баҳори иссиқ келди. Ёзга етмасдан дарахтлар кўм-кўк либос кийди, баъзи кунлари қуёш олов пуркайди.

Узоқ юришдан сўнг Гурганжга етиб келишди. Султонни қўшин бошида кўрган раият гина-кудуратни унутиб, жўшиб кетди. Ўтиб бораётган султонни олқишиладилар.

Бироқ султоннинг қовоги солиқ. Бошлиган ишидан ўзи ҳам мамнун эмаслиги бир қарашда маълум. Номаълум душмандан кўрқаётганими, ажабо? Қариб қолди, истироҳатдан бошқа нарсага хуши йўқ, деган мишмишлар бежиз эмасми ё? Ким билади дейсиз. Ҳар ҳолда бу гапларда жон бор, султон урушмоқни истамас, бу ишга мажбуран киришган эди. Раияти олдидаги обрўсини туширмаслик учун янги зафарлар қозониши лозим.

Султон ўз саройига кетди. Уч кун ҳеч ким билан кўришмади. Тўртинчи куни маҳрамларига ҳозирланишни буюрди. Уларнинг ҳозир эканликлари тўғрисидаги хабарни олгач, саройдан чиқди ва онасининг кўшкига қараб кетди.

Туркон Хотун кўпдан бери ўғлининг зиёрат этишини кутар, у кела-вермагач, асаблари дош беролмай, ётиб қолган эди.

Султон келгани тўғрисида хабар беришгач, аҳволи баттар бўлди. Туркон Хотун ўғлини ўз аҳволига ачинтиришни, ўзи ётаркан шоҳни оёқда қолдириш ёки олдida тиз чўқтиришни истаётган эди. Шу билан унинг фурури таскин топар эди.

Дарҳақиқат, султон Алоуддин Муҳаммад ичкарига кириб, ўтиришга

жой топмади. Курсилар битта қўймай хонадан олиб чиқиб кетилган эди. Султон оёқда қолишига мажбур бўлди.

- Салом дунё хотинларининг улуғи! - деди у.

- Салом дунё султонларининг энг буюги Алоуддин Мұхаммад, муштипар онаизорингни кўриш учун шунча кун ўтишини кутишинг шартми-ди? Ё сени яна бирор бечаловат этдими?

- Йўқ, тинчлик, онажон. Чарчаб келгандик, бироз дам олдик. Соғли-гинзиг қандай?

- Кўп ёмон.

- Оллоҳ шифо берсин.

Туркон Хотун ўғлини оёқда тутишдан завқланмоқда эди. Анча вақт шу ҳолда сўзлашдилар. Охири оёғининг оғриғига чидаматан Хоразмшоҳ деди:

- Катингизнинг бир четига ўтирсам бўладими?

Туркон Хотун улуғ султон узоқ вақт оёқ устида қолганини энди сезгандай, тилёғламалик билан жой кўрсатди.

- Ўтир, султоним. Бош учимга ўтира қол. Сўйла, нега бунча узоқ келмадинг? Кўзим йўлингда қолди.

Султон катнинг четига ўтири.

- Самарқанд гўзал шаҳар экан. Уни мамлакатимизнинг пойтахти қилишини мақбул топдик. Пойтахт қилгач, баъзи ишларни бажаришга тўғри келди.

- Зоти олийларига муносиб бўлгандир?

Султон кулди.

- Албатта...

- Бизнинг юртимизни озод этишини нега кечиктирмоқдасан?

Султон оёқ учига қаради. Паришон ҳолда сўзланди:

- Кимлиги номаълум бўлган душман билан уришиш эҳтимоли бор. Айтишларича, Чингизхонда раҳм-шафқатнинг уруғи ҳам йўқ эмиш. Ўғли Жўжихон ундан бешбаттар экан. Аскарлари мўр-малаҳдай кўп эмиш...

Хотун ўғлига қараб кинояли табассум қилди:

- Қўрқяпсанми?

Хоразмшоҳ чўчиб тушди.

- Қўрқув? Бу не демак? Яхшиям онамсиз. Сиздан бошқа бирор шундай деса, аллақачон калласи кетган бўларди.

- Сўзларингни нимага йўйяй бўлмаса?

- Бу тадбир учун бир мулоҳаза, холос. Ҳа, тадбир учун. Урушдан илгари тадбир олинади. Уруш тадбир билан, жасорат билан бўладиган иш. Шукрларки, жасоратимиз етарли. Аммо тадбир бўлмаса жасорат икки пулга қиммат...

Волида султон тирсагига таяниб, қаддини кўтарди.

- Юрагингизни олиб қўйишибди, султоним.

- Бекор гап. Биласизки, мен қўрқоқ эмасман. Давлатни бу ҳолга ким

олиб чиқди?

- Сен...

- Шундай экан, недан хавотир оласиз?

- Сенинг буюклигингга шак-шубҳа йўқ. Албатта ҳали кўп зафарлар қозонасан.

Шипга тикилди.

- Бирорлар фикрингни ўзгартирар, бундай урушнинг кераги йўқлигига сени ишонтиришар деб қўрқаман холос. Шундоқ бўп чиқса қипчоқ элига юриш қилишдан воз кечишинг мумкин.

Султон ғазаб билан қаддини ростлади. Онаси унинг ғурурига текканди.

- Она, онажон! Шуни билингки, Хораэмшоҳ Алоуддин Мұхаммад ўз сўзидан қайтадиган султонлардан эмас. Қарор бердим. Бир ой ичидагу кўшинимни тўплаб, юришга чиқаман.

Туркон Хотун маккорона жилмайди.

- Яша, султоним! Сенга ана шундай қатъият ярашади. Чингиз нақадар кучли бўлса ҳам қудратинг олдидаги бош эгишга мажбур бўлади. Қоралитойларни янч. Бор, сени зафар кутмоқда.

Султон Алоуддин Мұхаммад хонага кўз югуртириди. Истаганини топмагач, онасидан сўради:

- Ўғлимиш Ўзлоқшоҳ кўринмайди. Иншосolloҳ, соғ-саломат бўлса керак.

- Соппа-соғ, султоним! Неварам тул бувисининг қаноти остида ўйнаб юрибди. Ҳозир чақираман.

Бош учидаги олтин тўқмоқ билан олтин лаганни урди. Ичкарига кирган хизматкорга Ўзлоқшоҳни келтиришни буюрди.

Кўп ўтмай кичкина валиахд ичкарига кирди. Заррин чопони товонига тушиб турарди. Бошидаги саллачага парли жиға осилган. Бола отасининг олдидаги ғоз туриб, қўлларини кўксига қовуштириб, салом берди.

- Ассалому алайкум, султоним.

- Ваалайкум ассалом, Ўзлоқшоҳ.

Хораэмшоҳ ўғлини қўлларидан тортиб бағрига босди ва “Оллоҳ сенга узоқ умр берсин, Ўзлоқшоҳ” дейа дуо қилди.

Сўнг шоҳ онасидан рухсат сўраб, ташқарига чиқди. Маҳрамлари билан кўшкни тарқ қилди.

Эртасига ҳарбий кенгаш чақириб, қипчоқ юртига юриш кераклигини сўзлади. Унинг сўз оҳангидан қарори қатъий экани билиниб турарди. Мажлисга қатнашаётган беклар эътиroz билдириш бефойда эканлигини сездилар. Султонга яна онаси сўзини ўтказган, истаган қарорини чиқартирган. Демак, сўзлашдан не фойда?

Бироқ Темур Маликнинг фикри бошқача эди. Зиндондан чиққанидан бўён у Дали Дарвешни ҳеч унутолмади. Оёққа қалқди.

- Ижозат берсангиз, бир гап айтай, султоним.

- Сўйла, Темур Малик...
- Дали Дарвешнинг айтганларини сизга сўйлаб бергандим, султоним. Бу одам далими ёки авлиёми, ҳалигача билмайман. У айтгандикি... Султон қўлини кўтариб, Темур Маликни тўхтатди.
- Телбалар билан шуғулланишга вақтимиз йўқ, Темур Малик. Маънили бир гап айтмоқчи бўлсанг сўзла...

Темур Малик уни сўзлатмоқчи эмасликларини пайқади, бироқ ён бермади.

- Сўзни бундай бошлаганимнинг боиси бор, султоним. Бугун бизни галиргани қўймасангиз эртага содир бўладиган ҳодисаларнинг бутун масъулиятини олдиндан ўз зимманизга олган бўласиз. Шуни хоҳлайсизми?

Темур Малик дикқатни кенгашнинг аҳамиятига қаратмоқчи эди. Бироқ бу султоннинг парвойига ҳам келмади.

- Султон ўз хатти-харакати учун ўзи олдида ўзи масъуллир, - деди у. Бу тушунча Темур Маликнинг тушунчасига тамоман эид эди.
- Янглишяпсиз, олампаноҳ, - деди у босиқлик билан. - Султон ўзидан олдин энг аввало Жаноби Оллоҳ олдида масъуллир.

Султон хуэуридагилар суяқ-суягигача титрадилар. Бетгачопарлиги учун қанча вақт зинданда ётган Темур Маликнинг ақли кирмаган кўринади. Қипчоқ хонлари тишларини ғижирлатиб аланглашди, баъзилар бўлса кўркув аралаш маъқуллаш маъносида бош силкидилар.

Султон хаёлга толди. Бу йигитни зиндандан чиқариб хато қилдими-кан, ё? Ниҳоят у:

- Сўйла, сўйлайдиганингни, - деди.
- Шуни сўйламоқчиманки, олампаноҳ, Дали Дарвеш Чингизнинг кучли ва қудратли эканлигини айтган эди. У буюк Чин подшоларини тиз чўктирибди. Олиб бўлмайдиган шаҳарларини олибди, йиқилмас қалъаларни ийқибди, ўтган ерининг кулини кўкка совурибди.
- Эски гап, буларни анча илгари эшитгандим, яна нега такрорляяпсан? Ниятинг бизни қўрқитиб, сафарни бекор қилдириши?

- Бундай ниятим йўқ асло, султоним. Мен қипчоқ юритига юриш қилиш тарафдори эмасман, аммо йўлингизда ўлмоққа тайёрман. Менинг жойим султонимнинг ёнида. Фақат душманга нописандлик билан қарамаслик кераклигини айтиётирман. Керагидан ортиқча аскар тўплайлар. Бир муддат уларни ҳарб ишига ўқитиб-ўргатайлик. Қорахитойларни босган вақтимизда Чингиз устимизга бостириб келса...

- Маълум бўлди, ниятинг вақт совурмоқ экан.
- Темур Малик кулди.
- Султоним, айтганларимни ёмонга йўйганингизга қараганда менга ишон-чингиз йўқолган кўринади. Бир амрингиз билан зинданга борганим каби, яна бир оғиз сўз билан бошимни ҳозироқ жаллоднинг ойболтаси остига қўймасам номардман! Менинг керагим бўлмаса очиқ айтинг қўйинг.

Мардана айтилган бу сўзларни эшишиб кўпларнинг оёғи қалтиради. Султон кулди. Унга бу сўзлар ёкиб тушганди. Темур Маликка ўхшаганлардан ўн минг кишилик қўшини бўлсайди, у аллақачон бутун дунёни забт этган бўларди. Темур Маликка меҳр билан қараб деди:

- Темур Малик, айтганинг тўғри, аммо бунча кутишга не ҳожат? Зотан, бизнинг халқимиз онадан аскар бўлиб туғилади. Самарқандда қилган ишларимизни ўзинг кўрдинг-ку!

- Султоним, у бир исёнчи эди, холос, бу бўлса хоқон.

- Сен кўп гапирдинг, Темур Малик. Энди ўтири, бошқалардан ҳам эшитайлик.

Темур Малик қўл қовуштириди.

- Амрингиз бош устига, султоним.

Қипчоқ хонига сўз тегди. У қипчоқ юртига қилинадиган юриш қўшиннинг руҳини кўтариши, Чингизнинг ичига кўркув солиши тўғрисида сўз юритди. Қипчоқлар султоннинг қарорини маъқулладилар.

Жалолиддин чурқ этмади. У Темур Маликнинг сўзларини ичида маъқуллаётган бўлса-да, отасига қарши чиқишни мақбул топмади. Кенгаш тарқагач, Темур Маликни уйига олиб кетди. Остонада Сариқ Лагўтга дуч келишди. Ёнида икки олманинг бир палласидай ўзига ўхшаш бир йигит бор эди. Темур Малик:

- Сени қандай шамол учирди? - деб сўради.

Сариқ Лагўт жилмайди. Ёнидаги йигитта ишора қилиб деди:

- Укам Бойту билан хизматга келдик. Агар қабул қилсалар умримизнинг охиригача Жалолиддинга қул бўлмоқни истаймиз.

Жалолиддин йигитларни қучоқлади.

- Товба қилган ҳар бир кишига эшигимиз очиқ, Лагўт, - деди у. - Сиз менга кул эмас, оғайни бўласиз.

Овоз ўтказмаслиги учун деворларига қалин гиламлар осиғлиқ хонага кирав-кирмас Жалолиддин ўз хавотирини очиқлади.

- Тинчим йўқ, оғайнилар, - деди у. - Султон отамиз онасининг таъсири остида бу ишга қўл урди. Бу ишнинг охир қандай тугашини ким билади. Чингизнинг куч-куввати ҳақида аниқ маълумот олганимиз йўқ. У ҳақда миш-мишдан бошқа нарса эшифтадик. Афсонага ўхшайди. Агар бу гапларнинг ярмини чин деб қабул қилсан ҳам Чингизнинг катта куч-қудрати борлиги маълум бўлади. Бу мўғул кўп хонларни тиз чўқтирган-миш. Қорахитойларга дарс бериш лозим дейлик. Лекин ҳа йўқ, бе йўқ мўғул устига юриш қилишга не ҳожат? Балки улар бизга душман эмасдир. Қолаверса мўғуллар ҳозиргача Чин томонларда урушган, бизга зарари тегмаган. Айтишларича, Чингиз аскари не еса ўшани ейди, не кийса шуни кияди. Бундай хоннинг курагини ерга теккизиш осон кечмайди. Чунки аскарлари бундай хоқонни кўз қорачигидай асрашади. Биз бўлсан...

Жим қолди. Кўзлари қайғудан намланди. Унинг сўзини Темур Малик

давом эттиреди:

- Олтин-кумушга гарқ бўлдик, ҳашаматли саройларда яшаймиз. Чингиз айиқ пўстагида ухлаган бир чоқда биз партўшакларни писанд қилмаймиз. Чингиз қора ёвғон ичган пайтда биз овқат танлаймиз. Даҳшат!..

Сукунат чўқди. Анчагача ҳеч ким чурқ этмади. Сукунатни Жалолиддин бузди:

- Темур Малик, айтмоқчи бўлган гапларингни султон отамизга баён этдингми?

Темур Малик уйқудан энди кўз очгаи одамдай Жалолиддинга қаради.

- Кўпини айтдим, - деб жавоб қилди у. - Аммо бир гапни айтишни унутдим. Ҳеч бўлмаса бу қўшинга сен қўмондонлик қилсанг яхши бўларди. Хатога йўл қўймас эдинг...

- Отам моҳир саркарда.

- Ҳа, шундай эди... Биласан, кейинги йилларда у анча ўзгарди. Ёш бола каби таъсирчан бўлиб қолди. Валиаҳд алмаштиришга бир лаҳзада шошиб фармон берган, хотинлар таъсирида уруш очишига бир онда қарор берган султон энди...

Сўздан тўхтаб, андиша билан дўстларига қаради. Сариқ Лагўт беҳаловат бўлиб қўзгалиб қўйди, Жалолиддин Темур айтмаган сўзларни пицирлади:

- Энди султонликка номуносиб демоқчимисан?

- Бундай демоқ учун бу далиллар етарли эмас. Энди бўладиган урушда барчаси яққол аён бўлғуси.

- Чингиз одамлар айтганидек кучли эканига ишонасанми?

- Дали Дарвеш ёлғон сўзламайди. У не деган бўлса ҳаммаси тўғри. Бунинг устига кўниёлик Қутлуқ ҳам айни шу гапларни айтган эди.

- Бу даҳшат!..

- Даҳшат эканилиги ўз йўлига. Аммо асосий даҳшат уйқудаги илоннинг қўйругини босиш учун ҳаракат бошлиётганимиз. Ишон, қўрқа-нимдан айттаётганим йўқ. Жонимдан бошقا йўқотадиган нарсам йўқлиги сенга яхши маълум, жоним мен учун ширин эмаслигини ҳам биласан. Бир машъум хато туфайли Хоразм давлатининг барбод бўлишидан қўрқаман холос.

- Сенингча, таҳлика бунчалик каттами?

- Балки бундан ҳам каттароқдир. Мамлакатимиз илму урфон бешиги. Чингизнинг илми эса хурофот. Айтишларига кўра, қўлига тушган китобни гулханга отади. Чинда жуда кўп китобларга ўт қўйган, гуриллаган китоб гулхани атрофида рақс тушган эмиш. Шаҳарларимиз бундай ваҳшийнинг қўлига тушиши мумкинлигини ўйласам тўпигимгача музлаб кетаман.

Жалолиддин ҳам титради.

- Оллоҳ паноҳида сақласин!

Сариқ Лагўт билан укаси ҳам баланд овозда такрорладилар:

- Оллоҳ сақласин!

Темур Малик ака-үкага боқди.

- Оллоҳ сақланганни сақлади. Аммо анчадан буён Оллоҳнинг амрларини лозим даражада бажармай қўйдик. Истроф ҳаром қилинган, аммо биз истроф этмоқдамиз. Дабдаба ман этилган, аммо биз дабдабаю асъаса ичиди яшаемиз. Кибр тақиқланган, бироқ бизнинг бурнимиз осмонда. Натижада ҳатто бурнимизнинг тагида турган кучли душманни назарга илмайдиган ҳолга тушдик.

Қаддини ростлади.

- Фақатгина шу эмас. Кенгаш суннат этилган. Биз бунга ҳам аҳамият бермайдиган бўлдик. Олтин-кумушга, кимхобга ружу қўйдик. Бизга ҳамма нарсадан қўпроқ совут ярашади. Лекин биз совут ўрнига савсар мўйна пўстин кийдик. Оллоҳ учун, қаломуллоҳ учун жанг қилиш ўрнига бирорвларнинг ерини тортиб олдик, мулкини яғмоладик.

Аlam билан бош чайқади.

- Оллоҳ унинг амрларига риоя қилган вақтимиздагина бизни ўз паҳоҳида асрайди холос!..

Пешона терларини артди.

- Акс ҳолда у бизни жазоламоқ учун устимиизга мўғул хонини юборадики, қаноатимга кўра, биз бу жазога мустаҳақмиз...

Ҳаммаси бу гаплар рост эканига дилдан ишонар ва айни чоқда шафқ-атсилиги билан бутун Осиёда ном чиқарган Чингиз каби бир қонхўрнинг жазоловчи бўлиб келмаслигини тилар эди.

Жалолиддин дўстининг қўлинини ушлаб деди:

- Гапларинг тўғри. Темур Малик. Лекин қўлимиздан не келарди.

\* \* \*

Хоразмшоҳ Муҳаммад қўшин бошида кетиб борарди. Олтин безаклар билан зийнатланган тулпор, эгасининг кимлигини билгандек, виқор ва жиддият-ла йўргалайди, гоҳ-гоҳ бошини баланд кўтариб, жинсдошлигига фурур билан қараб қўяди.

Қўшин ҳар бири олти минг кишидан иборат ўн фавж ҳолида юришга чиқкан эди. Ҳар бир фавжнинг ўз қўмандони бор.

Минглаган найзалар учиди, қалқонларда қуёш нури ўйнайди, қайтган нур кўм зарраларини биллур рангиде жилвалантиради.

Аскар ва найзадан бошқа нарса кўринмайди, "Оллоҳу акбар"дан бошқа садо эшитилмайди.

Кетма-кет, саф-саф бўлиб мавжланиб келаётган фавжлар завқ уйғодади кишида. Султон Алоуддин Муҳаммад гоҳ-гоҳ от бошини тортиб, фурур билан қўшинини кўздан кечириб қўяди.

Султоннинг атрофида қипчоқ хонлари. Жалолиддин ва Темур Малик ўз фавжларининг бошида. Шу паллада ҳар иккovi ҳам аскарларининг

таълим-тарбияси устида бош қотиришмоқда. Бошқа нарса уларни қизиқтиirmайди. Энди султонга гап уқтириш бефойда, чунки сүзлари қипчоқ хонларидан иборат ҳиссиз деворга урилиб, тариқдек сочилиб кетиши турган гап.

Султон Мұхаммаднинг ичидә андеккина құрқув ҳисси йўқ эмасди. Ҳар ҳолда номаълум душман устига қўшин тортиб кетаётир. Қорахитойларни янчишига ишончи комил, бироқ бу пакана от мингандар билан уруш натижаси ёлғиз Оллоҳга аён.

Султон Темур Маликни ёнига чорлади. Куч-қудратини тасдиқ эттириш ниятида деди:

- Қарагин! Бу аскарларни мағлуб эта оладиган бир қўшин бормикан ер юзида?

Қипчоқ хонлари таъзим қилишди. Темур Малик олтмиш минг отлиқни жаҳон қўшинларига тенг деб билган султоннинг мантиғига ҳайрон қолди.

- Зўрдан зўр топилади, олампаноҳ, - деди у.

Хоразмшоҳ ўзи кутган жавобни олмагани учун ранжиди.

- Сен доим ноумидсан.

- Чингизни ниҳоятда кучли дейишади.

- Қайси Чингиз? Аммо-лекин тоза юрагингни олибди у. У кофирни отимнинг туёқлари остида эзаман. Ўшанда ер юзида Хоразмшоҳ Мұхаммаддан қудратли султон йўқлигини ўз кўзинг-ла кўрасан. Бўлган ҳам эмас... Менинг кучим ва даҳомга ҳатто Искандар Зулқарнайн ҳам молик бўлган эмас.

- Кучга ишониб мағрурланиш ўрнига тадбир олмоқ афзалдир, султоним.

- Сендан не қилмоғим керак, деб сўрамадим, шекилли.

- Бир одам ҳамма нарсани билолмайди, султоним.

- Нима?.. Не демак бу?

- Кенгашиб иш тутмоқ зарур эканлигини эслатмоқ истадим, султоним. Ожиз бандангиз султонга ақл ўргатадиган даражада закий эмас.

Султон зўрға ўзини босди. Темур Маликнинг калласини олиш тўғрисида фармон беришига сал қолди.

- Бор, аскарларингнинг бошига ўт.

- Бош устига!

Ўз қисмига қайтди. Сариқ Лагўтга яқинлаши.

- Султоннинг маҳрамларига қара, Сариқ Лагўт, ишга ярамаган бир тўда...

Сариқ Лагўт диққат билан тикилди. Султон ошхонасини, керакли-кераксиз лаш-лушларни олиб чиққан эди. Қанча гапиришмасин, султон буларни қолдиришга кўнмаган эди.

- Томоқ бандаси бўлса керак, - дея минғиллади Лагўт.

Темур Малик деди:

- Бу турган гап. Бироқ у ўз дабдабасини душманларига кўэ-кўэ қилмоқчи.
- Ошхонасиними?
- Ҳа, ошхонасини ҳам, заррин чодирию хизматкорларини ҳам...
- Астагфууллоҳ, астагфууллоҳ!

\* \* \*

Жалолиддин ўнинчи фавж қўмондони бўлиб, энг орқада келаётганди.

Отаси уни жанг майдонига киритмаслик учун бу ишни маҳсус қилгандек эди. Шунга бироз хафа. Нима бўлганидан қатъий назар, модомики, урушга чиқдими, манглайдан жой олиб, душман билан биринчи бўлиб жанг қилмоқни истарди. Жилла қурмаса қиличининг зангини кетказмоқчи эди. Бироқ отаси ўғлиниң орзуларидан бехабар бўлгани учунми уни орқа қисмга тайинлади.

Жалолиддиннинг аскарлари хушнуд ва хушҳол кетиб боришади, Оллоҳга ҳамду сано ўқишида, ора-сира ўзаро бақириб гаплашишида, ҳазиллашишида. Тўхтаган пайтларида машқ ўтказиб, янги усусларни ўрганишади.

Жалолиддиннинг фавжи қўшиннинг энг кучли қисми эди. Темур Маликнинг фавжи бу жиҳатдан иккинчи ўринда. Султон қўли остидаги марказ бўлса ҳарбий ишга яроқсиз кишилар, сарой мансабдорлари ҳамда маҳсус тан соқчиларидан таркиб топгани учун, эҳтимол, энг заиф қисм эди...

Хоразм деңгизи соҳили бўйлаб юриб, Сирдарёни кечиб ўтдилар. Чарноқ кўрфази ёнида тўхтадилар.

Султон атрофга хабаргири қисмлар жўнатди. Султон Темур Малик ва Жалолиддиннинг қистови билан келадиган хабарларни шу ерда кутишга қарор берди. Ўзига қолса хабаргири қисмларни жўнатиб ҳам ўтирамай, душманган дуч келгунга қадар дабдаба билан юриш қилмоқчи эди.

Хабаргири гуруҳлардан бири кўп ўтмай қайтиб, Чалқар кўли бўйида қорахитой аскарлари кўринганидан дарак берди.

Оқшом чорги ҳарбий машваратта йигилишиди. Аввало қорахитойларни, сўнг мўғулларни бир ёқли қилишга қарор берилди. Қўшин уч бўлакка бўлинниб, шоҳ марказни бошқарадиган бўлди.

Ўнг ва сўл қанот қўмондонларини тайинлаш масаласида ихтилоф чиқди. Қипчоқлар ҳар икки қанотга-да ўз уруғдошларининг қўмондон бўлишини хоҳлашди. Қипчоқлар бу замин уларнинг юрти бўлгани учун шундай бўлиши керак деб ҳисоблашарди. Темур Малик жаҳлдан лабларини тишлиб қонатиб юборди. Охири чидай олмай оёқга турди.

- Модомики, бу замин қипчоқларники экан ва улар бизни ёт деб четлатишар экан, ўзлари урушаверсинлар. Бу хусусда султонимизнинг амр беришларини хоҳлайман.

**Султон Мұхаммад ҳайратдан бош чайқади.**

- Нима деяпсан ўзи, Темур Малик?

- Шавкатли султоним, жуда оддий гап бу. Қипчоқлар бу ерлар ўз юрти эканлиги, бинобарин, бу заминни мудофаа әтадиган аскарларга құмандон бўлишга фақат ўзларининг ҳаққи бор эканини дъяво қилишаётир. Майли, қўйиб берайлик, ўз ишларини ўзлари ҳал этсин.

- Бу гап кетмайди... Бир қанотга сен қўмандон бўласан.

**Султон Мұхаммад шу бир оғиз гап билан Темур Маликни тинчитмоқчи эди. Темур Малик масалани дарҳол тушунди.**

- Уэримни қабул айланг султоним, - деди у. - Шаҳзода Жалолиддин турган жойда мен қўмандон бўлолмайман. У ҳаммамиздан моҳир саркардадир.

**Султон эътиroz билдирмади.**

- Демак, билишимча, мақбул бир қарор олдик, - деди у. - Сўл қанотга қипчоқ хонларидан Тўргай, ўнг қанотга ўғлимиз Жалолиддин қўмандонлик қилсин. Мен марказда бўламан.

Эрта тонгда яна йўлга тушдилар. Қорахитойлар яқин атрофда эканлиги тўғрисида тез-тез хабар келиб тургани учун ҳозир тарэда уч кун йўл босдилар. Ниҳоят Иргиз дарёсининг этагидаги қалин ўрмонга етиб, ўша ерда қароргоҳ қурдилар. Ботқоқликлардан чиқаётган сассиқ ҳид чўл гиёҳларининг ёқими бўйига аралашиб, аскарларнинг кўнглини бех-уаз этарди. Ҳаво исиб кетганига қарамай дарё устидаги муз ҳали эримаган.

Қарши соҳилда қорахитойлар кўриниши билан Султон Мұхаммад дарёдан кечиб ўтишини буюрди. Буйруқ шу заҳоти бажарилди, ҳеч бир талафот бермасдан нариги қирғоққа ўтиб олишди. Сафга тизилиб, юришга ўтдилар.

Оқшомга яқин келган бир хабар Хоразм қўшинини тўлқинлантирди. Олдинда чодирлар кўзга ташланган эди. Аммо улар кимники ва нимага тикилганини ҳеч ким билмас эди.

Хабарни эшигтан заҳоти Жалолиддин нима гаплигини билиб келиш учун Темур Малик, Сариқ Лагўт ва Бойтуни олиб от чоптириб кетди. Бир тепанинг устига чиқиб, белоён чўлни кузатдилар. Узоқда чодирлар элас-элас кўринди. Бироқ чодирлар атрофидаги қимирлаган жон зоти йўқ. Жалолиддин:

- Оллоҳ, Оллоҳ! - дея ҳайратланди. - Ҳали ухлайдиган вақт бўлгани йўқ. Ҳар ҳолда ташлаб кетишганга ўхшайди.

**Темур Малик:**

- Мен тез бориб билиб қайтаман, - деди ю отига қамчи босди. Жалолиддин орқасидан қичқириди:

- Ўзингга эҳтиёт бўл, Темур Малик!..

Темур Малик жавоб бермади. Кўз очиб юмгунча овоз етмайдиган масофани ошиб ўтишга улгурган эди.

Кўп ўтмай у чодирлар ёнига етиб келди. Ҳайратдан ҳангумант бўлди. Чодир ёғочлари устида илма-тешик кигиз парчалари осилиб ётар, ҳар тараф мурдаларга тўлиб кетган. Гўё яшин уриб, офат тушгандек ҳаммаёқ остин-устун. Қидира-қидира бир тирик одамни топди. Отидан тушиб:

- Сизга не бўлди? - деб сўради.

Бу кекса маркит аскари эди. Елкаси қилич билан чопилгани кўриниб турарди. Аскарнинг лаби базўр қимиirlади.

- Биз маркитлармиз. Тўғрироғи, маркит эдик, энди йўқ бўлдик.

Бир амаллаб тирсагига таянди. Жасад қалашиб кетган майдонга маҳзун тикилди. Кўзларидан ёш оқди.

- Хонимизни Тункухон дейдилар. Ўғлининг исми Хўлтухон... Иккови ҳам қочиб қутулди. Бизни аждарнинг оғзиға ташлаб кетдилар.

- Устингизга бостириб келган ким?

Ярадор тутила-тутила сўзлади:

- Чингиз!.. Ўша қизилсоқол иблис, ёки унинг ўғли Жўжихон. Отайғил қаттолликда бир-бирига пахса қўяди... Борган жойининг кулини кўкка совуради... Улардан эҳтиёт бўлинг... Чингизни ранжитадиган иш қилманг... Унинг моҳир саркардалари бор. Бир кўзи сўқир Субутой, Қурт Жебе, Тўқучар нўён... Уларнинг ҳаммаси ўтакетган қонхўр, фирт ваҳший... Биз қочишига улгурмадик. Иргиздан ўтаман деганлар муз тагига тушиб ғарқ бўлди. Куршовда қолдик. Ҳаммамизни қиличдан ўтказдилар, хотинлар, кексалар, болаларни ҳам ўлдирдилар... Тирик жон қўймадилар. Чорвамиз, яйловларимиз уларнинг қўлига ўтди.

Нафаси тутилди. Олайган кўзларини йиртиб, у ёқ бу ёққа аланглади.

- Кўзим кўрмаяпти, - дея ингради у. - Ҳеч нарсани кўрмаяпман... На биродарларимнинг бурдаланган жасадларини, на қуёшни... Энди ҳеч қачон кўрмайман. Ажал ёқамдан олди. Жоним бўғзимга келди...

Биз... баҳтли эдик... Ям-яшил яйловларимиз, кенг ўрмонларимиз бор эди... Қизилсоқол иблис... Чингиз... Ўғли Жўжи... Бир кўзли Субутой Баҳодур... Қурт Жебе... Сариқ чодир... Пакана отлар...

Қалтиради:

- Менга... менга қиличимни беринг... Мен...мен...

Маркитнинг сўзи оғзида чала қолди. Қовоқлари қошлирининг остига кириб кетди. Даҳшатдан бақрайган кўзлари Темур Маликнинг юзига михланганича қотди қолди.

Маркит ўлган эди.

Темур Малик вақтни бой бермай отига миниб, дарҳол орқага қайтди. Тепаликка чиқиб, бўлиб ўтган фожеадан Жалолиддинни хабардор қилди:

- Маркитларнинг ҳаммасини қиличдан ўтказишибди, баҳодирим.

Жалолиддин даҳшатдан сесканди.

- Нима? Ким қилган буни?

- Чингиз ёҳуд унинг ўғли Жўжи... Барибир эмасми?

Орқага қайтиб, сultonга хабар бердилар. У ҳам ҳайратдан донг қот-

ди. Сүнг ўзига келиб, ғазаб билан қаддини ростлади.

- Буни шундай қолдирмайман, уларнинг адабини бераман! - деб ҳай-қирди у.

Кипчоқ хонлари бир овоздан бақиришди.

- Ўлжамизни ўғирлаган, мамлакатимизни вайронага айлантирган ко-фиirlарнинг жазоси ўлим!..

Алоуддин Мұхаммад соқолини сийпади.

- Уларни топамиз. Топамиз ва жазосини берамиз. Энди ҳеч ким менга моне бўлолмайди. Ҳозирланинг, устига бостириб борамиз.

- Ижозат беринг султоним, - дея Жалолиддин сёёққа қалқди.

- Сўйла, Жалолиддин.

- Аввало хабаргириларни жўнатиб, душман қаерда эканини, куч-қувватини билайлик. Шундан кейин жангга қарор берамиз.

Султон ўғлига тик қараб деди:

- Жангга сен ва Темур Малик эмас, мен қарор бераман. Мен қарор бериб бўлдим, жангга кирамиз.

Жалолиддин ноилож жим бўлди. Темур Маликка боқди. Бироқ у бошқа томонга маъносиз қараб турарди.

\* \* \*

Хоразмшоҳ қидираётган душман Чингизхон эмас, балки Чингизхоннинг катта ўғли Жўжикон қўшини эди.

Жўжи маркитларни қатли ом этгач, шимолга юриб, бир тоғ этагига қўнган эди.

Ҳар томонга юборган дидбонларидан бири мўр-малаҳдай катта қўшин бостириб келаётганидан хабар берди. Буни эшишиб Жўжиконнинг сап-сариқ юзи янада сарғайди. Саркардаларидан сўқир Субутой Баҳодурга юзланди.

- Ким экан булас, Субутой?

Субутой ханжари билан тирноқларини тозалаб ўтиради. Одати шундай - бўш қолдими тирноғини кавлайди. Субутой бош кўтармасдан жавоб берди:

- Ким бўлса бўлаверсин. Ҳеч кимдан кўрқмаймиз.

- Сен нуқул уруш тарафдорисан.

Субутой елкасини қисди. У кўп гапиришни ёқтирмасди. Мақсадини икки жумлада айтар, узоқ гапиришга тоқати йўқ эди. Унингча, ҳарбий кенгашлар, машваратлар беҳудага вақт сарфлашдан бошқа нарса эмас. Хон деган киши бир онда ё урушга ёки сулҳга қарор бериб, ҳаракатга ўтмоғи лозим.

Жўжикон унинг одатини билса-да, атайлаб жигига тегмоқчи эди.

- Нега жимсан, эй одам?

Субутой яна елка қисди.

- Гапир!..

Бу сафар у бошини кўтарди, юзини буруштириди. Чаккаси узра тушган қилич тириғи янада чуқурлашди. Бир кўзи билан Жўжига маъносиз бақрайди. Охири унинг оғзидан икки калима чиқди, холос.

- Ўзингиз биласиз...

- Урушайликми?

- Бўлади.

- Урушмайликми?

Субутой жавоб бермади. Жўжихон бош чайқади.

- Сен каби тилсизни отам менга нега бош оғриғи қилган ўзи, билмайман. Ўзим мустақил уруша олишимни неча бор исбот этдим. Бироқ ҳануз жангга мени ҳомийсиз юбормайди.

Субутойга анчагача истеҳзо билан қараб турди, сўнг деди:

- Сен ҳам ҳомий бўлдинг-у...

Қарс урди. Ичкарига кирган навбатчига деди:

- Тезда Донишманд Ҳожибни топиб кел!

Аскар тиз чўкиб таъзим қилди, сўнг тислана-тислана чодирдан чиқди.

Кўп ўтмай ўрта ёшлардаги қорасоқол бир киши чодирга кириб келди.

У ҳам тиз чўкиб, салом берди.

- Чақиртирган экансиз, буюк хоқоннинг ўғли.

- Қани, ўтири-чи, Донишманд Ҳожиб. Устимизга кимлардир бостириб келаётган эмиш. Дубулғасининг устига газмол ўраган, қора байроқли мўр-малаҳдай аскарлар. Булар ким, биласанми?

Донишманд Ҳожиб икки марта бош силкиди.

- Хоразмликлар бўлса керак.

- Хоразмликлар дедингми? Улар билан талашадиган молимиз йўқ-ку...

- Шундай. Ҳатто буюк хоқоннинг ўзи ҳам улар билан урушмаслик лозим деган эди. У киши ҳозир Хоразмшоҳ Муҳаммад билан урушишни хоҳламаятилар.

- Хўш, унда нега бу одам устимизга бостириб келяпти?

- Маркитларнинг аҳволини кўриб жаҳли чиққан. Эҳтимол сизни енгиш кўйига тушган бўлиши мумкин. Зотан бу ерлар унга қарашли ҳисобланади.

- Ажойиб гап-ку. Ер дегани Ертангрисиники-ку, унинг не иши бор?

Донишманд Ҳожиб бош эгди. Жўжихонга Оллоҳдан бошқа худо йўқ-лигини сўзлагани, борингки, ҳатто исбот этгани билан бирон нарса ўзгармиди? Бунга кўп уриниб кўрди, аммо ҳеч иш чиқмади. Жўжихон ҳар гал кинояли илжаяр, бошини ликиллатиб, “Бўлса бордир. Аммо мен отам ишонган тангридан бошқасига ишонмайман”, дер эди.

- Нега индамайсан, Донишманд Ҳожиб? Қани айт-чи, Султон Муҳаммад қанақасига бу ерларга эга бўлиши мумкин?

- Бунга жавоб бермоқ учун уни ўзимизга мұқояса этмоғимиз даркор, хоқоннинг ўғли.

- Ўзимиизга? Қандай қилиб?
  - Чингизхон бутун Мӯғулистон ва Чиннинг ҳукмдори...
  - Ҳа, шундай.
  - Хоразмшоҳ ҳам бу ерларнинг ҳукмдори.
  - Бўлмаган гап! Отам улуғ ҳоқон. Хоразмшоҳ деганинг ким бўпти?
  - У ҳам ўз миқёсида улуг.
  - Барча мусулмонларнинг ҳукмдорими у?
  - Бир қисмининг...
  - Ундан бўлса, уни янчиб ташлайман. Фақат отам ризолик берса бўлди. Ҳайронман отам нега бу одам билан талашишни хоҳламаялти. Бирон сабаби бўлса керак.
  - Гапингиз тўғри.
- Жўжихон ўйлаб қолди.**
- Ҷиннга ўн киши олиб, унга пешвоз чиқ. Бир нечта туяни ҳадя этиб олиб бор. Биз урушни истамаслигимизни, улар билан ишимиз йўқ эканни айт.
  - Маркитларни нега қатл этганимизни сўраса не деб жавоб берай?
  - Қилмишига яраша жазо слганларини айт. Бизга қарши чиққанларини тушунтир. Яқинда бу ерни тарқ этиб, ўзларига қолдиришимиизни сўйла. Бехудага қон тўклишини истамайман.

Аслида Жўжихон кучи камлигидан қўрқаётган эди. Диdbонлар хоразмликлар саҳродағи қум зарраларидан ҳам кўп дейишганди. Жўжихонни чўчитган ҳам шу эди.

Донишманд Ҳожиб чодирдан чиқди. Буюрилганидай ёнига ўн отлиқ олди. Султонга ҳадя этиш учун ўнта бақувват туяни олиб йўлга тушди...

\* \* \*

Хоразм қўшини тезроқ душманга этиб олиш учун шитоб билан от қўйиб келарди.

Султон Алоуддин Муҳаммад: “Отлар чарчаса алмаштиринг, фақат тўхтосиз йўл босинг”, дея буйруқ берган эди.

Ўнг қанот қўмондони Жалолиддин отасининг бу амрини ўринсиз деб топди ва ёнида от суриб кетаётган Темур Маликка ҳасрат қилди:

- Бемаъни иш бу. Отлар ҳам, аскарлар ҳам чарчайди. Ҳориб-чарчаган бир аҳволда душман билан жангга кирсанк натижага қандай бўлади?

Темур Малик кўз қараши билан бу гапни маъқулласа-да, чурқ этмади. Сўзласа ширин гап айттолмаслигини билгани учун сукут сақлашни афзал топди.

Шу орада ҳарсиллаганича иккита дидбон этиб келди. Улар оқ байроқ кўтарган бир тўда отлиқлар келаётганидан хабар беришди. Дўстлар шу заҳоти от чоптириб, султон ёнига этиб боришли. Жалолиддин:

- Султоним, оқ байроқ кўтариб келишяпти, амрингизга мунтазир-

миз, - деди.

Султон күзини қисганча узоқларга тикилди, сұнг:

- Кім экан? - деб сұради.
- Мұғул әлчилари бұлса керак.
- Тұппа-тұғри бу ерга опкелинг.
- Бош устига.

Султон күшинга тұхташни буюрди. Саркардаларига тайёр туришлары тұғрисида хабар жүнатди. Султон ўз дабдабаю асъасаси билан әлчилярни тонг қолдирмоқчи эди. Бироқ келгандарнинг лоқайд назарига күзи тушиши билан бекордан бекорга овора бұлганини тушунди.

Донишманд Ҳожиб олдинда. Бошида оппоқ салла, ҳамма қатори султон ҳам ҳайрон бұлды. Бу одам мусулмончасига кийинган. Ҳұш, ундаи бұлса, у Жұжихон ёнида нима қилиб юрибди?

Оқ саллали киши яқынлашгач, отидан түшди. Бир неча одим стиб, тұхтади. Күлларини күксига қовуштириб тавозе билан таъзим бажо келтирди.

- Мұғулистан ҳукмдори Чингизхоннинг катта ўғли ва саркардаси Жұжихоннинг әлчиси Донишманд Ҳожиб буюк Хоразмшохга саломлар йүллади.

Хоразмшох от устида эди. Ұнг құлни күтариб алик олди.

- Саркарданғ не истайди?

- Саркардамыз: "Бизнинг хоразмликлар билан ҳеч ишимиз йўқ. Маркитларни бұлса қилмишига яраша жазоладик. Сиз билан урушиб бехудага қон тұқишини истамаймиз", дейди.

- Үзинг мусулмонға үхшайсан, мажусийларга хиэмат қилишга уялмайсанми?

Донишманд Ҳожиб сесканди.

- Бу ҳақоратнинг боиси недур, султоним?

- Мусулмон эканинг. Шунинг ўзи етарлы әмасми?

- Мусулмонлигим ҳақоратта сабаб бұлади, деб ўйламайман. Ўз динимни бирөвға топтатиб қўйганим йўқ. Мен асириман, холос. Сиз ҳимоя қилолмаган мусулмон Чингизхонга асир тушади-да.

Хўрсинди.

- Асир ҳам олди, ишлатяпти ҳам. Диним, эътиқодимга содиқман, ҳеч кимга имонимни соттаним йўқ.

Темур Малик әлчига ич-ичидан қойил бұлса-да, султон ҳузурида шак-коклик қиласётганидан жаҳали чиқди.

- Бу одам ҳаддан ташқари эзмалик қиляпти, султоним, - деди у.

Донишманд Ҳожиб Темур Маликка ўгирилди.

- Савол бердингиз, жавоб қилдим.

Қипчоқ хони Нишобур ғазабланиб бақирди:

- Овозингни ўчир! Сұради деб вайсайверасанми?!

- Мұғулларда: сұрамагунча сўзлама деган бир гап бор. Шу гап менга

күп маңқул.

Султон тортишув алангаланиб кетмаслиги учун орага кирди.

- Ҳаммангиз жим бўлинг. Элчи, айт-чи, саркарданг менинг куч-кувватимдан хабардорми?

- Албатта, дидбонларимиз саҳрордаги қум зарралариdek кўп эканлигингиз тўғрисида хабар бердилар.

- Демак, шунинг учун урушдан қочяпсиз.

- Жанг қилишни истамаслик бошқа, жангдан қочиш бошқа, султоним. Жўжихон сизникидан каттароқ қўшинлар билан урушган.

- Ва ҳали сопла-соғ, шундайми?

- Сопла-соғ, аскарлари ҳам ёнида.

Султон Мұхаммад қаҳр билан узангига оёқ тиради.

- Бас қил! - дея ўшқирди у. - Сиз мени маркит ёки қуёнюрак чинлик деб ўйладингизми? Жўжими, худо урган бошқа бир кимсами олдимга чиқсин-чи! Кумурсадек эзиб ташлайман.

Донишманд Ҳожиб бош этди.

- Айтгандарингизни унга сўзма-сўз етказаман. Фақат яна бир бор айтганинг зарари йўқ: Жўжихоннинг сиз билан талашадиган нарсаси йўқ, у беҳудага қон тўкилишини истамаяпти.

- Ие! Ҳалигача гап сотяптими бу?! Айтиб қўй, оқизган қонларининг хунини тўламай бир қадам ҳам жилолмайди ўша Жўжи деганинг.

Элчи яна бир бор таъзим қилиб, маҳрамлари билан от чоптириб кетди. Жалолиддин уларнинг орқасидан анча қараб турди-да:

- Жасур экан, - деб қўйди.

Элчи келтирган хабардан Жўжихон мамнун бўлмади, аммо Субутой Баҳодурнинг якка кўзи порлади. Буни кўрган Жўжи ҳазиллашди:

- Яна кўзинг чақнаб қолдими, Субутой Баҳодур, нима, димогингга қон ҳиди урдими? Иштаҳанг очилмай қўяқолсин, барибир урушмаймиз.

Субутой нимадир деб тўнғиллаб қўйди, холос.

Хоразм аскарлари ҳориб-чарчаган, отлар зўрга қадам ташлар эди. Темур Малик анчагача ялиниб-ёлворгач, султонни қўшинга дам беришга кўндириди. Қош ҳам қорайиб қолган, жанг учун қулай фурсат ўтган эди. Тонг отар-отмас хужумга ўтсалар, тушгача масала бир ёқли бўлади.

Бир тепалик устига қўндилар. Тепадан Жўжихоннинг қароргоҳи кўзга яққол ташланиб турарди. Чор атрофга соқчилар қўйилди. Темур Малик мабодо қуш учиб ўтса ҳам тез хабар беришни тайинлаб, Жалолиддин ва Сариқ Лагўт билан бирга чодирга кирди.

Кечакинч-осойишта ўтди. Темур Малик билан Жалолиддин бир неча бор чодирдан чиқиб, Жўжихон қароргоҳида ёнаётган гулханларни томошаш қилишди. Ҳар ҳолда душман аскарлари кўпга ўхшайди. Шу боис уни назар-писанд қилмаслик тўғри бўлмайди. Агар жанг бошида енгилгудай бўлишса, аскарларнинг руҳи тушиб, мағлубиятга учрашлари турган гап.

Икки дўст анча вақтгача эртага бўладиган жанг вақтида қандай иш

тутиш кераклиги тұғрисида узоқ сұхбатлашдилар.

Аскарлар гурух-гурухларга бўлинib, биргаликда бомдод номозини ўқидилар. Сўнг тайёргарлик кўриш тұғрисида буйруқ берилди. Чодирлар йиғиштирилди, аскарлар интизом билан сафланди.

Саркардалар ўз фавжларининг бошига ўтдилар. Тепалар ортидан қуёш эндигина мўралаган бир пайтда Жўжихон қароргоҳидаги гулханлар ҳам сўнди.

Хоразмшоҳ ғурур билан атрофиға кўз ташлади. Отини тоҳ үйнатиб, тоҳ тўхтатиб, қўшинни тафтиш қилди. Жалолиддиннинг олдида бироз кўпроқ тўхтаган султон ўғлини бошдан-оёқ кўздан кечиргач, деди:

- Бу жангда ўзингни кўрсат ўғлим. Ўз ҳоҳишингга кўра сени манглайга ўтказдим. Мени уялтириб кўймассан.

Сўнг Темур Маликка ўғирилди:

- Сен ҳам, Темур Малик...

Ҳар иккови бир вақтда жавоб беришди:

- Бош устига, султоним.

Султон марказдаги аскарларнинг бошига ўтди. Қиличини суғуриб, баланд кўтарди. Бироз тургач, қиличини шиддат билан олдинга чўэди.

- Бисмилло, ҳужуум!..

Хоразм қўшини тепаликдан шитоб билан пастга отилди. “Ё Оллоҳ, ё Оллоҳ!” хитоблари еру кўкни тутди. Қўшин кўп ўтмай душман қароргоҳига етиб бориб, чодирларга ҳужум қилди. Аммо...

- Бу не ҳол?

Барча ўз-ўзидан сўради:

- Бу не ҳол?

Чодирлар бўм-бўш, чор теваракда кимсадан асар йўқ. Фақат иккита озғин ит емиш қидириб, изғиб юарди.

Бирдан гап тагига етдилар.

- Кечаси жуфтак ростлаб қолишган.

- Гулханлар-чи? Эрта тонггача ёниб турди-ку.

- Бу Жўжихоннинг ҳийласи. Қўшинларнинг қароргоҳда турганига бизни ишонтириш учун ҳар томонга гулхан ёқтирган. Бунга муваффақ ҳам бўлди. Ҳийлага учдик.

- Чодирларини ҳам буздирмапти...

- Албатта буздирмаган. Аммо лаш-лушкини супуриб-сидириб олиб кетган. Қара, олишга арзигулик бир чўп ҳам йўқ.

Султон Алоуддин Мұҳаммаднинг жони ҳалқумига келди. Алданганидан ўзини қаёққа кўйинши билмади. Аламига чидай олмай жизғанак бўлди.

- Кўрқоқлар, кўрқоқлар! - дея устма уст бақирап, отини ниқталаб, ташлаб кетилган қароргоҳ атрофида тўхтовсиз гир айланар эди.

Ниҳоят тўхтади.

- Душманни таъқиб этамиз, - дея амр берди у.

Темур Малик Жалолиддинга пичирлади:

- Қочган душманин қувиш ножоиз-ку! Нега султонимиз бундай қилмоқчи, Жалолиддин? Жўжихоннинг қўшини илфор қисм бўлса керак. Бизни пистирмага туширишлари мумкин. Бориб султонга айт, бир йўлини топ.

Жалолиддин отасининг ёнига от сурди.

- Султоним, қочганин қувиш шартми? Модомики, биэдан қўрқдими, кетаверсин. Биз қипчоқ хонларининг муродини ҳосил этиш учун юришга чиқдик-ку. Бориб, қорахитойларни топайлик. Уларни қипчоқ ютидан ҳайдайлик. Жўжихонни ўз ҳолига қўяйлик, кетаверсин.

Султон ўғлига жаҳл билан қаради.

- Ёш боладай гапирасан, Жалолиддин. Душман қўрқиб қочдими, демак ўзиға ишонмайди. Орқасидан етиб олиб янчиб ташлашимиз мумкин бўлса-ю, кувмайликми?

- Шу пайтгача қочганин қувламаган эдик. Булар катта қўшиннинг илфор қисми бўлмасайди, деб қўрқаман. Уларни қувиб, Чингизнинг тузогига тушсак, тамом бўламиз.

Султоннинг аччиғи чиқди. Бор овози билан бақирди:

- Сени қўмондонлиқдан туширишим керакка ўхшайди. Бор йўқол, кўзимга қўринма!

Жалолиддин миқ этмай, орқага қайтди. Темур Маликнинг ёнига бориб:

- Ҳаммаси беҳуда бўлди, - деди. - Қипчоқ хонлари султоннинг қўлтиғига сув пуркаб, роса шиширишибди. Катта ғалаба қозонмай Хоразмга қайтса обрўсининг янада тушиб кетишидан қўрқаётир.

Темур Малик бosh чайқади, юзини буруштириди.

Султонга Жалолиддиннинг бу гап-сўзлари мутлақо ёқмаган эди. Бу бола тобора ўзбошимча бўлиб бораётир, отасининг азму иродасини ҳеч маъқул топмаётир. Маслаҳатчиси Темур Малик. Аслида бу гаплар Темур Маликдан чиқкан. Ўзини султондан ақллироқ ҳисоблаб, ақл ўргатишга ўтдими у? Ўз вақтида чора кўрмаса, ким билади, бу кетиша у яна қандай хунарлар кўрсатар экан?

Маҳрамларидан бирига дарҳол Темур Маликни олиб келишни буюрди. Темур Малик етиб келгач, юзига ҳам қарамасдан буюрди.

- Ўн йигит ол-да, олдинга ўт, хабаргирилик қил.

- Бош устига султоним..

Султон Темур Малик бу кичик вазифани рад этар деб ўйлаганди. Шундай қилса, жазолаш учун баҳона топилган бўлурди. Бироқ акси бўлиб чиқди, Темур Малик бу кичик ишга иккиланмай дарҳол рози бўлди.

Султон ҳайрат билан сўради:

- Демак, розисан?

- Нега рози бўлмай? Бу ислом қўшинида каттами-кичичими, исталган

бир рутбада хизмат қилиш мен учун шарафдир. Бошлиғи ким бўлишидан қатъий назар, ҳар бир мусулмон Оллоҳ ризоси учунгина жиҳодга чиқади. Ислом қўшинининг ҳар бир қисми савоб жиҳатдан бирдир.

Султоннинг боши ҳам бўлди. Ўз-ўзидан уялган эди.

- Оллоҳ сени қўлласин, - деди у.
- Омон бўлинг.

Қўшин роса ҷарчагани боис суръат бўшашибган. Шу топда душманга дуч келгудай бўлса мағлуб бўлиши ҳам ҳеч гап эмасди.

\* \* \*

Темур Малик қисқа фурсат ичида анча узоқлашиб кетди. Бироқ ҳеч кимни учратишмади. Қум усти тақа изларига тўлиб кетган.

Ўт қўйилган бир нечта қишлоқдан ўтдилар. Мўғуллар ҳеч кимни, ҳатто хотин-халаж, бола-чақани ҳам аямай ёппасига қирғин қилган эдилар. Ҳатто тошюрак деб ном чиқарган Сариқ Лагўт ҳам бу манзарани кўрмаслик учун юзини четга бурди. Соқоли кўксига тушган бир мўйса-фидни қозиққа ўтқазиб кетишганди. Сариқ Лагўт бу манзарани умрининг охирига қадар унтутолмайдиган бўлди. Мўйсафидни қозиқдан чиқарип олишди. Бечора бир кур уларнинг юзларига маъносиз боқди, сўнг оғиздан қон билан бир жумла чиқди:

- Иблислар изғиб юрибди, эҳтиёт бўлинг!..

Мўйсафиднинг боши ёнига тушди, кўзлари олайиб қолди.

Сурункасига икки кун тўхтовсиз йўл босиб, душманни қувишиди. Фақат намоз ва овқатланиш учун тўхташди, холос. Ора-сира ўтган йўллари устига маълум масофа оралиғида боши йўнилган қозиқ қоқиш учун отдан тушишарди. Орқадан келаётган Хоразм қўшини шу қозиқларга қараб йўл босарди.

Учинчи куни туш пайтида ўрмон оралаб кетаётгандаридан отлар бирдан безовта бўлиб қолди. Темур Маликнинг зотдор тулпори депсинаверди, олға юргиси келмади. Тажрибали жангчи бунинг сабабини ҳамон тушунди.

- Яқин атрофда бир ҳавф бор, - деди у. - Эҳтиёт бўлинг.

Қиличларини суғуриб, қўлга олишди. Ҳар бир дарахт орқасида душман пойлаб тургандек, эҳтиёткорлик билан илгарилай бошладилар.

Бирдан дарахтлар устидан патир-путур этиб, аскарлар ёғилиб туша бошлади. Темур Малик:

- Эҳтиёт бўлинг! - деб қичқирди.

У устига тушган одам билан ерга юмалади. Омонсиз олишув бошланди. Темур Малик отдан ағанаган пайтда қиличи қўлидан учиб кетган эди. Аммо қиличи қўлида бўлган тақдирда ҳам бу вазиятда уни қўллай олмасди.

Душмани билан ёқа бўғишиб, гоҳ у, гоҳ бу томонга думалашди. Ра-

киби ора-сира бир нарса деди, аммо Темур Малик унинг тилини билмагани учун ҳеч нарса тушунмади.

Ниҳоят қўллари билан душманинг бўғзидан олишга муваффақ бўлди. Бўғди... Бироқ рақиби абжир экан. Бир силтаниб, қўлдан чиқди. У қаддини ростлаб, белидаги эгри қиличини сугурди ва ҳали туришга ултурмаган Темур Маликнинг устига солди.

Темур Малик яшин тезлигида четга юмалади, айни заҳоти ўрнидан сапчиб турди. Бироқ қиличи йўқ. Калта ханжарини қўлига олди. Оёқларини керди.

- Қани кел, бир кўрайлик...

Мўғул ўқдек отилди. Темур Малик чап берди. Қўлидаги ханжарини зарб билан урди. Ханжар сопигача мўғулнинг қорнига кириб кетди. Темур Маликнинг қўли қонга беланди. Жон ҳавлида урилган фарёд ўрмон ичидаги акс-садо берди.

Илдам бориб, қиличини олди. Бу орада аскарлари ҳам оёқга туриб олишга ултурган ва жанг қилаётган эдилар.

- Булар кўп эмас экан, - дея қичқирди Темур Малик. - Бўш келманг!

Кўп ўтмай жанг якунланди. Икки йигитни бой беришиди, бироқ мўғуллардан беш кишини ўлдиришиди.

Темур Малик пешона терини кафтининг орқаси билан артди.

- Яқинлашдик шекилли, - деди у. - Булар душманинг дидбонлари. Жўжи қўшини яқин атрофга қўнган. Қочганлар биздан унга дарак беришади. Тез қайтиб, ўзимизниkilарга аҳволни билдирайлик.

Олдин турган жойларини аниқладилар. Аниқлаб, ҳайрон бўлдилар. Улар Иргиз дарёси соҳилига келиб қолишганди. Демак, Жўжихон қўшини юқоридан айланиб, яна дарё ёқасига қайтган. Сабаби номаълум, аммо у сув ёнидан узоққа кетишни истамагани аниқ.

Темур Малик:

- Энди вақт зиқ, - деди. - Тезда орқага қайтиш керак.

Орқага қайтишиди.

\* \* \*

Хоразм қўшини яқинлашгани тўгрисида хабар келтиришган пайтда Жўжихон чодирида шароб ичиб ўтирган эди. Юпқа лабларини кафтининг орқаси билан артиб, бўш қадаҳни чўри қизга узатди.

- Эҳ, - деди у. - Модомики, бу ерларгача орқамиздан келдиларми...

Сўзини чала қолдирди. Ханжари билан тирноқларини кавлаётган Субутой Баҳодур маккорона тиржайди. Жўжихон унга юзланди:

- Тайёргарлик кўр, Субутой, - деди у. - Хоразмшоҳга дарс бериш вақти келди.

Субутой оёққа қалқди. Хонга таъзим қилиб, чодирдан чиқди.

Шу дақиқаларда Хоразмшоҳ ҳам Темур Маликдан хабар олган эди.

- Жангга ҳозир бўлинг, - буюрди у.

Кечаси билан йўл юрдилар. Эрта тонгда душман қароргоҳида гуруллаб ёнаётган гулханларни кўриши.

Ҳамма жангга шай. Султон ўнг қанот қўмондонлигини яна Жалолиддинга топшириди. Ўзи марказда, сўл қанотда эса Тўргай.

Қуёш уфқдан аста бош кўтариб, майсалар устидаги шудрингда жилваланди. Ёқимли чўл шамоли эсди. Хоразмшоҳ саркардаларини ёнига чақириди.

- Икки томондан босамиз. Бир ёндан Жалолиддин, иккинчи томондан Тўргай бостириб боради.

Жалолиддин билан Тўргайхонга хитоб қилди:

- Ёғийни ўраб олишга ҳаракат қилинг. Мен марказдан ҳужум қилиб, Жўжихонни асир оламан. Сизлардан жасорат ва матонат кутаман. Задар бизники. Ҳаммамизни Оллоҳ қўлласин.

Имом қисқа дуо ўқиди. Султон Мухаммад бир тепа устига чиқди. Душман қароргоҳида уймалашаётган аскарларга узоқ тикилди. Сўнг фармойиш кутаётган одамларига ўгирилди:

- Дастурхон ёзилсин, ноз-неъматлар келтирилсин...

Дарҳол дастурхон ёзиши. Майсалар устига эрон гиламлари тўшалди. Дастурхон усти ноз-неъматга тўлдирилди. Бу манзарани Чингизхон кўрганида эҳтимол ерга юмалаб кулган бўларди.

Жўжихон бу пайтда саркардаларига кўрсатмада бераётганди.

- Ваҳимага тушиш учун ҳеч бир сабаб йўқ. Ҳар доимгидай бу гал ҳам биз зафар қозонамиз. Қозонишимиз ҳам керак. Жангда голиб чиқиш асосий масала эмас. Гап кам талафот бериб, қуршовни ёриб чиқиб кетиш-да! Ҳали бу ерларга қайтиб келамиз. Ўша вақтда Хоразмшоҳга сичқоннинг ини минг танга бўлади. Ўлсангиз, ўлинг, аммо навкарингизнинг бошидан айрилманг. Асир олган хоразмлик аскарлар билан отлари сизники, хоҳласангиз сотасиз, хоҳласангиз хизматингизга оласиз.

Отига миннадан олдин унинг қўйругини боғлаб, ёлини силади. Саркардалари Субутой билан Тўқуҷарга қараб кулимсиради. Ҳар иккала саркарда ҳам отларининг қўйругини боғлади.

Жалолиддин айни лаҳзада отига миниб, аскарларининг олдидан жой олди. Қиличини суғурди.

- Қаҳрамон хоразмликлар, арслонларим! Душман олдимизда турибди. Оллоҳ буюрса, уларни бу заминдан улоқтириб таштаймиз. Фалаба бизники бўлгуси. Олғааа!

Тоғдан кўчган сел каби пастга ёғилиб, кўз юмиб очгунча текисликка тушдилар.

Жанг бошланди. “Ё Оллоҳ, ё Оллоҳ!” товушлари мўғулларнинг бақир-чақирига қоришиб кетди. Қилич еганларнинг оҳ-фарёди отларнинг кишиншига кўмилди.

Мўғул отларининг устига қалин чарм ёлинчиқ ташланган. Аскарлар

ҳам чарм совут кийгән. Улар минт кишидан саф-саф бўлиб, ўн фавж шаклида жангга киришди. Мўғулларнинг интизоми дикқатни тортар эди. Улар буюрилган тақдирда киприк қоқмай ўлимга тик борардилар. Мўгуллар биринчи ҳалқани осонгина ёриб ўтдилар.

Жалолиддин ўз қисмлари билан мўғулларнинг сўл қанотини тобора сикувга олиб, дуч келганни босиб-янчиб борарди. Бироқ қипчоқ хони қўли остидаги сўл қанот муваффақият қозона олмади. Султон бўлса дастурхон устида бамайлихотир қорин тўйдириш билан овора. Кўз қири билан жанг майдонини кузатади. У Жалолиддинга тан берди.

- Дарҳақиқат моҳир қўмандон бўлибди, - дея эътироф этди у.

Бир вақт марказда чанг кўтарилди. Султон Муҳаммад ўрнидан туриб, қўлинин пешонасига соябон этганича, шу томонга дикқат билан қарди. Тўрт мўғул қисми сўл қанотни тўзитиб, у турган жойга шитоб билан бостириб келар эди. Оғиз очиб, анграйиб турадиган пайт эмас.

- Отимни келтиринг! - дея қичқирди у.

Сакраб отига минди. Марказ қўшинларининг бошига ўтди. Тепага тобора яқинлашиб келаётган мўғулларга ишора этиб, деди:

- Менинг орқамдан олға! Бисмиллоҳ, ҳужум!..

Шитоб билан пастга тушиши. Душман устига яшиндек ёпирилиши.

Мўғуллар бундай бўлишини кутишмаганди. Кўп сонли қўшинга дуч келгач, саросимага тушдилар. Ҳатто баъзи қисмлари тўзий бошлади.

Сўқир Субутой вазиятни дарҳол сезди. Еру кўкни бошига кўтариб бақири:

- Ким қочса қозиққа ўтқазаман!..

Мўғул навварининг ичига ўлимдан ҳам кучлиросқ қўрқув кирди. Бир томонда Иргиз дарёси, иккинчи томонда Субутойнинг қозиги бор. Улар осонроқ ўлимни танладилар. Мўғуллар хоразмликлар қиличи остида жон беришни афзал билиб, олдинга ташландилар.

- Лу! Лу! Лу! Лу!

Бор овози билан бақириб боришарди. Қаерданdir уларда жасорат пайдо бўлди. Ўзларини қўлга олиб, ўлим қучогига тикка отилдилар.

Жанг қонли бўлди. Султон Муҳаммад қисқа бир фурсатда ғалаба қозонаман деб ўйларди. У қилич яланғочлаган юзта хос соқчиларининг орасида, бўз отида турар, гоҳ-гоҳ аскарларини ружлантириш учун қичкириб қўярди:

- Уринг арслонларим, босинг лочинларим, янчинг!..

Бироқ вазият султон ўйлаганчалик яхши эмасди.

Жўжихон Хоразм қўшинининг Тўрғайхон қўмандонлиги остидаги сўл қанотини бузиб ўтиб, Субутойга ёрдамга етиб келган эди. Айни чоқда эҳтиёт қисмларнинг барчасини жангга ташлади.

Хоразмликлар жангга кирган янги мўғул кучлари олдида бўшашдилар. Султон лабини тишлиб қонатиб юборди.

- Неча йиллардир жанг қилиб, бундай уруш усулини кўрмадим. Инсу

жинсга ўхшайди булар...

Ўз қаватидаги соқчи қисмнинг ярмини олға юборди.

- Мени қўриқлашнинг кераги йўқ. Боринг диндошларингизга ёрдам қилинг.

Аммо бу иш наф бермади. Қайтага султоннинг ўзи хавф остида қолди. Жалолиддин бўлса қоча бошлаган мўғулларни қиличдан ўтказмоқда эди.

Темур Малик жон-жаҳди билан олишар, ўйнаётган қиличи ўлим сочар эди. Олдида биронта душман қолмагач, бош кўтариб, атрофга разм солди. Бирдан ҳовлиқди, султон хавф остига тушган эди. Отини буриб, овозининг борича қичқирди:

- Қаҳрамон хоразмликлар, орқамдан олға. Султонимиз хавф остида!..

Бу сўзлардан аскарлари ғайратга келди. Улар фавқулодда шижоат кўрсатиб, тобора камайиб бораётган марказ қисмларига ёрдамга етиб бордилар.

- Ё Оллоҳ, ё Оллоҳ, ё Оллоҳ!..

- Лу! Лу! Лу!..

- Ур ҳо, ур! Ур ҳо, ур!

Темур Малик бошчилигидаги Хоразм аскарлари интизомда мўғуллардан қолишмасди. Боз устига улар шаҳодатни ўз бўйнига олиб жангга кирган мусулмонлар эди. Улар жонини жабборга бериб, олишдилар.

Жўжихон бу имон-эътиқодли аскарларга қарши туролмаслигини тушунди. У шу заҳоти буюрди:

- Төг томонга чекининг!

Мўғуллар уруша-уруша тисарилдилар. Кўл талафот бердилар. Сўнг улар жанг майдонидан бирдан қочдилар. Пакана отларининг ёлига ёпишиб олган кўйи төг томонга қараб от чоптиридилар. Кўз очиб юмгунча кўздан гойиб бўлдилар.

Жанг майдонида ўлган ва ярадор бўлиб фифон чекаётган мўғуллар қолди, холос. Султон Муҳаммад ғалаба қозонганидан мамнун. Душманни қочирди, зафар қозонди. Бироқ у уйқудаги илонни уйғотганидан, неча йиллаб ўзидан лахта-лахта қону сон-саноқсиз мурда қолдирадиган урушга уруғ ташлаганидан бехабар эди.

- Зафар қозондик, алҳамдуиллоҳ!..

Кўл очиб узундан узоқ дуо ўқиди. Қўлинни юзига тортаётганида ёнида кимдир гапирди:

- Ҳали зафар қозонганимиз йўқ, султоним.

Аччиғи чиқди, кайфиятини бузмоқ истаган бу уятсиҳ ким ўзи?

- Ҳа! Сенмидинг, Темур Малик? Офарин, яшиндай етиб келдинг.

Аммо нега бундай аччиқ сўйлайсан?

- Ҳақиқат аччиқ-да, султоним.

- Зафар қозондик, ёғий қочди. Аскарларим уларни қувиб кетди, ҳамасини қиличдан ўтказишиди. Яна не керак сенга?

- Бу бир ибтидо, султоним, ишнинг ибтидоси холос.

- Таажжуб, сен ненинг ибтидосидан сўзламоқдасан?
  - Урушнинг ибтидосидан.
  - Уруш тугади, ўз кўзинг билан кўрдинг-ку.
  - Йўқ, султоним, уруш эндигина бошланди. Бунга Чингиз индамай кетаверади деб ўйлайсизми?
  - Нима ҳалиям қўрқяпсанми?..
- Темур Маликнинг юзидан қон қочди.
- Ҳайҳот! Сени тўғри тушунмасликларидан ёмон нарса борми жаҳонда?!

Султон унга чақчайди.

- Чарчабсан Темур Малик. Бор, дамингни ол.
- Бош устига, султоним.

Жалолиддиннинг ёнига кетди.

- Булар катта қўшиннинг илғори холос, - деди у дўстига. - Енгдик, аммо бу билан фахрланишга арзимайди. Каттакон Хоразм қўшини бир ҳовуч мўғул аскарини тор-мор келтирди, холос. Асосий жанг энди бўлади. Модомики бу йўлга кирдикми, энди тез тайёргарлик кўрмоғимиз даркор.

Жалолиддин ҳам шу фикрда эди. Зотан улар худди эгизаклардек, бир хил ўйлаб, бир хил фикрлар эдилар.

\* \* \*

Иртиш дарёси бўйига ўтовлар тикилган. Ёгаётган майда ёмғир томчилари ўтов устида ингичка ирмоқчадек из қолдириб, ерга оқади. Ўтовларнинг ҳаммаси бир хил. Улар орасида фақат биттасигина алоҳида ажралиб туради. Сариқ ипакдан тикилган бу чодир олтин қозиклар устига тортилган. Эшигининг олдида от қўйруғидан ясалтган тўққизта туғ ҳил-пирайди.

Бу сариқ чодир сариқ юзли Чингизхоннинг чодири. Чодирда Чингизхон билан унинг Қулон Хотун исмли ёшгина хотинидан бошқа кимса йўқ. Улар ўзаро сухбатлашаётган эдилар.

- Буюк хоқон, истаганингизга эришдингиз, тилакларингиз ижобат бўлди, - деди Қулон Хотун, - етар энди. Мен учун азоб бўлаётган бу урушларнинг охири борми ўзи? Қачон қараса ваҳший бургутдек ўзингизни шоҳдан шоҳга отасиз, йиртқич бўридек тоғдан тоқقا чопасиз. Ёнимда ўтирадиган пайтингиз бўладими ёки йўқми?

Чингизнинг лочинникига ўхшаш кўзлари оловланди.

- Бошқа хотинлар каби нафсингга қурбон бўлиш сенга ярашмайди Қулон Хотун, - деди у. - Сен хотинларнинг султонисан, бутун дунё хотинларининг подшосисан. Сен ўзгалардан ўзгача фикрламоғинг лозим! Аммо топиб айтинг: ваҳший бургутдек шоҳдан шоҳга, йиртқич бўридек тоғдан тоқقا... Ҳа, шундай, бутун дунёга ҳоким бўлмагунимча уруш-

нинг охири йўқ.

- Бундан не фойда?

- Фойдами?.. Мағлуб этган ҳар бир хоқоннинг отини мениш ва хотинини олишдан ортиқроқ завқ йўқ мен учун, билдингми? Бу йўлдан қайтолмайман. Чунки навкарларимга шундай деб сўз берганман. Бутун дунёни олдимда тиз чўктиргумагунимча қиличим қинига кирмайди.

- Кунларнинг бирида разил ўқ сизни мендан айиргудек бўлса яшай олмайман, ахир.

- Ундаи бўлса, тирик қолишингни мен ҳам истамайман. Бироқ ҳозирдан ёмон ният қилма. Дўстларим ўлимга чора топиш учун ҳаракат этишмоқда. Топмай ҳам кўришсин! Мен дунёдаги энг буюк хоқонман. Бошқалардек ўлиб кетавермаслигим керак. Яшашим керак, мангу яшашим керак.

Қўлларини олдинга чўзиб, ҳовучини юмди. Худди абадий ҳаётни тутиб олгандай қувонди. Тирноқлари этига ботгунча ҳовучини қисди...

- Дунёда ҳаётдан азиз нарса йўқ. Мен мангу ҳаётга эришаман, ҳеч қачон ўлмайман.

Хотин унга ишоқирамай боқди.

- Ўлимнинг чораси бор эканми?

Чингизхон жаҳл билан хотинига ўғирилди.

- Бор! - деда ўшқирди у. - Бунга хотинларнинг ақли етмайди. Шомонларим буюк афсунгарлар, ҳакимлар борлигини айтдилар. Уларни топгани кетишиди, яқинда оби ҳаёт келтиришади. Ўша вақтда...

Жим қолди. Кейин қарс урди.

- Ўшанда “сўнг” деган бир гап бўлмайди мен учун, ўлимдан қўрқмайман. Ажалга тиз чўкмайман.

Қарс овозини эшишиб, ичкарига кирган соқчига бошдан оёқ тикилди. Сўнг буюрди:

- Бош шомонни чақириб кел!

Зум ўтмай бош шомон келди. Кўрсатилган жойга ўтириди. Кўл ишоратидан сўнг хотини ташқарига чиққач, Чингиз шомондан сўради:

- Ўлимнинг чораси қачон топилади, шомон?

Шомон қўлларини бир-бирига ишқалаб:

- Ўлим қўрқинчли бир тушдир, буюк хоқон, - деди. - Биродарларимиз бу рўёни даф этмоқ йўлида ишламоқдалар, тахминимча яқин кунларда чора топилади.

- Тахминимча, деганинг нимаси шомонбоши, қатъий эмасми?

- Йўқ, қатъий, улуғ хоқон!

- Яхши. Ўлим хавфини йўқ қилинг, мен сизни бутун дунёга ҳоким этаман.

Анчагача жим қолишиди. Шомон ҳам сукут сақлади. Бироздан кейин Чингизхон яна сўз бошлади:

- Хоразмшоҳнинг қылғулигига не дейсан?

Шомон уйқудан уйғонғандек киприк қоқди.

- Охирги босқинни айтапсизми?

- Бириңчиси ва охиргиси. Бундан кейин у на босқин қилолади, на галаба қозона олади.

- Нега? Үнга ҳужум қилмоқчимисиз?

Чингиз маккорона тиржайды.

- Бу табиий эмасми? Димоги шишиб кетди унинг. Банд эканлигимдан фойдаланиб қолмоқчи бўлди. Уруш очиш учун шу сабаб етиб ортади. Арзимаган баҳонани рўкач қилиб, неча-неча давлатларни ағдариб ташлаган бўлсан.

Шомон ўзини ўйлаётганга солди.

- Нега ўйлаб қолдинг? Ёки юлдузлар уруш вақти эмаслигини кўрсатяптими?

- Ҳа, хоқоним, худди шундай...

Чингизнинг юзи бурушди. У юлдузларга қаттиқ ишонарди.

- Не дейсан? Бу яхшилик аломати эмас-ку.

Шомон жиддий қиёфасини ўзгартирмай, сўзида давом этди:

- Бу кеча юлдузларга боқиб, ром кўрдим. Юлдузлар бизга хайриҳоҳ эмас. Йил охиригача шундай бўлади.

Чингизхон юлдузлар доим тўғри йўлни кўрсатади деб ўйларди.

- У ҳолда Султон Мұҳаммаднинг толеи бор экан, анча вақтгача боши омон қолди, - дея ғудранди у. - Мен учун бўлса кўп ёмон...

- Яна бир гап бор, буюк хоқон.

- Ҳўш?

- Ҳозирча султон Мұҳаммад билан дўстлашиб олсангиз яхши бўларди.

- Буни ҳам юлдузлар айтдими?

- Албатта. Ҳамал буржи Ёй буржининг тўғрисига келган. Чәённинг думи Арслоннинг оғзи ичиди. Сулҳ тузмасак, биз учун фалокат бўлғуси.

- Чәён Арслонни оғзидан чақиб ўлдириши мумкин.

- Бу эҳтимолдан узоқ. Ўрганган илмимга кўра худди шундай. Нечача йил чинлик Ҳа-Си Юнгнинг оёқларига бош уриб, осмону фалак асрорини ўргандим. Бор илму салоҳиятимни эса сизга бағишлидим. Ҳозир бўлса менга аён бўлган гапларни айтапман, аммо негадир ишонгингиз келмаяпти.

Чингиз шомондан чўчир эди. Шомон истаса чақмоқ чақтириб, қиёматни қоим қилишига ишонарди.

- Сенга ишонаман, - деди у. - Бироқ Ҳоразм билан дўстлашиш йўлини билмайман.

- Бундан осони йўқ. Қўл остингизда бир тўда мусулмон бор. Уларни бир карвон билан султонга жўнатинг. Қимматбаҳо ҳадялар пешкаш этсинлар. Султоннинг вақти чоғ бўлади. Бир нечта жория ҳам юборинг. Биз учун асосий хавф султон эмас, бироқ шундай бўлса-да, кўнглини олайлик.

- Хўш, хавф кимдан бўлмаса?
- Ўғли Жалолиддин ва саркардаси Темур Маликдан...
- Она сути оғиздан кетмаган гўдак улар, шомон. Мен бирон жўяли гап айтармикансан девдим.
- Бундай деманг, буюк хоқон. Ҳар иккви ҳам катта баҳодир саркарда эмиш.

- Сен буларни қаердан билдинг?

Бош шомон сирли табассум қилди-да, деди:

- Юлдузлар доим рост сўйлади.

Аслида бу гапга юлдузларнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ эди. Шомон буларни Хоразмшоҳ қўшини билан урушган мўғул аскарларидан эшигган. Аммо унинг иши шундай - билгани тўғрисида юлдузлар номи билан сафсата сотади.

Чингизхон бош эгди. Не-не буюк фотихлар, хоқонларни тиэ чўқтирган даҳшатли Чингизхон оддий бир шомонга бош эгди. Во ажаб!..

Шомон сўзида давом этди:

- Хоразм ниҳоятда бой мамлакат. Яйловлари кенг. Шаҳарлари маъмур, атрофи баланд деворлар билан ўралган. Буюк олимлари бор. Дунёning юраги у жойлар. Гурганжнинг ўзи илм-маърифатда бутун дунёга бас келади.

Чингизнинг қисиқ кўзлари сузилди.

- Кўп яхши, - деди у. - У ерлар бизники бўлиши керак, ё шундай эмасми?

- Вақти, соати бор. Бу йил юлдузлар бизга қарши. Айттанимдек, тужжор карвони жўнатинг. Карвон билан сultonга ҳадялар юборинг. Мактуб ҳам жўнатинг. Ҳеч қандай адватингиз йўқлигига ишонтириш уни.

- Карвоннинг не ҳожати бор?

- Айғоқчилик учун хоқоним. Хоразм савдогарларининг тилига кучи этмайди.

Чингизхон ўрнидан иргиб турди. Ҳайратдан оғзи очик.

- Ақлингга балли, шомонбоши! - деб қийқирди у. - Буни ўйламаган ҳам эдим. Сўзинг тўғри. Ҳақиқатдан жосуслик учун карвон юбориш керак. Кўп яхши... Кимни юборсам экан, ажабо?

Шомон қилган яхши ишидан хушҳол жилмайди.

- Дошишманд Ҳожибни бош элчи тайинланг, ёнига бир нечта мусулмон қўшинг. Бошқалари ўзимизнилардан бўлсин. Хоразм тилини билганлар борсин.

- Яхши, кўп матькул гап. Элчиларнинг ҳаммасини бизга тобе мусулмонлардан тайинласак бўлмайдими?

- Афсуски, бундай қиломаймиз. Чунки мусулмон мусулмонга осонликча хиёнат этмайди. Хоразмшоҳ мусулмон. Шу боис мўгуллар орасидан жосус топмоғимиз керак.

- Бўлади бу иш. Ҳозироқ амр бераман. Бир карвон юбораман. Алоуд-

дин Мұхаммадни зиёрат этсінлар. Бошқалари савдогар қиёфасида юриб, маълумот түпласин, шаҳарларнинг заиф жойларини билиб олсин. Кейинчалик бизга осон бўлади. Бироқ карвоидаги мусулмонларнинг жосуслик ишидан хабари бўлмайди.

- Худди шундай, буюкxoқон.
  - Омон бўл улуғ шомон, сендан миннатдорман. Ҳазинабонга учраш, истаганингча олтин, жавоҳир берсин.
  - Давлатингиз барқарор бўлсин буюк xoқон!..
  - Давлатим-ку барқарор бўлади, лекин сен умримнинг узоқ бўлиши ни тила шомон.
  - Кўктангри сизга чексиз умр берсин!
  - Омон бўл, кетишинг мумкин.
- Севинчдан оғзи қулоғига етган шомон чопонининг узун этагини кўтарганича ташқарига чиқди.

## БЕШИНЧИ БҮЛİM

Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад Буюк девонни тўплади. У хона узра у ёқдан бу ёққа юриб, зафардан сармаст ҳолда дам ура бошлади. Буюк Искандар уддасидан чиқолмаган ишларни қилади. Чин мамлакатини кўшиб олади. Қипчоқлар тез-тез бош иргаб, сўзларини маъқуллашди. Орада Жалолиддин Темур Малик билан маънодор кўз уриштириб кўярди.

Султон Муҳаммад бу кўз уриштиришларни пайқаб қолди. Охири чидай олмай, Темур Маликнинг олдидаги тўхтади.

- Мени масхара қиляпсанларми эй нодонлар? - дея ўшқирди у.
- Темур Малик ўзига хитоб қилинган заҳоти сакраб ўрнидан турди.
- Йўғ-э, султоним, бу ҳаддимизга сиғармиди?
- Ундей экан, нега Жалолиддин билан кўз уриштираётисан?
- Амр этсангиз, энди бир-биришимизга қарамаймиз, султоним.
- Бу қанақаси?.. Мен буюк султон эмасманми? Мамлакатимнинг худудини Чин-Мочинга қадар кенгайтира олмайманми?
- Оллоҳ буюрса, кенгайтирасиз, султоним.
- Оллоҳ мусулмонлар билан биргадир.
- Оллоҳ ишлаган, тинглаган, феъли-атвори билан буни исбот этган билан биргадир.

- Эътирозинг борми?

- Амр этсангиз, эътиroz билдиrmай...
- Ундей бўлса, буюраман, эътиroz этма!

Жаҳл билан қипчоқ хонларига ўгирилди. Улар ҳамон бош иргаб, маъқуллаб турадилар.

- Сизнинг фикрингиз қандай?
  - Кипчоқ хонларидан бири жавоб берди:
  - Султонимизга монанд, унга тенг одам дунёда йўқ.
  - Сизнинг фикрингиз яхши.
- Чидай олмаган Жалолиддин ўрнидан турди.
- Султоним, наҳотки бу хушомадлар сизга маъқул бўлса?
  - Султон ажабланиб ўғлига қаради.
  - Не демоқчисан?

- Яъни ҳазрати Умар ҳам сиздан буюкроқ ҳукмдор эмасмиди?

Шоҳ эсанкиради.

- Тушунмадим?

Жалолиддин бармоги билан сўзлаган хонини кўрсатди.

- Бу хон дунёда сизга тент, сизга монанд ҳукмдор бўлмагани тўғрисида сўйлайди. Яъни дунё дунё бўлганидан буён сиздан буюкроқ бир жаҳонгир ўтмаган. Сизга ҳам бу сўз маъқул бўлди. Мен шуни билмоқчи эдим: Сиз ҳазрати Умар ёки ҳазрати Алидан ҳам устунмисиз?

- Уларнинг йўриги бошқа, - деб минғиллади султон.

Сўнг қадамини судраб босиб, тахтига чиқиб ўтириди. Анчагача сукунат ҳукмрон бўлди. Султон ўзини йиқилиб тушгандек хис қиласади. Ичичдан ўғли ҳақ эканини билса-да, жаҳли чиққан эди. Бу сўзлар тўғри бўлишидан қатъий назар, кўпчилик олдидা отасининг обрўсини тўкишдан бошқа нарса эмас-ку! Наҳотки, Жалолиддин айтган гаплар рост бўлса? Қипчоқ хонлари ҳақиқатдан тилёғламалик қилаётирми? Ҳа, шундай! Уларнинг сўзлари хушомаддан бошқа нарса эмас. Бу сўзларга учиб хотага йўл қўймоқда. Бироқ ишонгиси келарди. Нега?

Бошини оғир кўтариб, барчани бир-бир назардан ўтказди. Темур Малик билан Жалолиддинга гўё юзларидан нусха кўчирмоқчидек узоқроқ тикилди. Сўнг қуруққина қилиб деди:

- Самарқандни пойтахт қилдик. Катта бир масжид ва мадраса иншо этдик. Ниятимиз дунёning энг кучли олимларини бу ерга келтириш. Билган-таниган олимингиз бўлса айтинг.

Темур Маликнинг эсига лоп этиб Дали Дарвеш тушди. Султонга ўгирилиб деди:

- Дали Дарвеш бор!

- Ким?

- Дали Дарвеш, зиндондаги одам.

- Ким у одам?

- Мен зиндонга тушган вақтда у мўғуллар тўғрисида баъзи маълумотларни берган эди. Уларнинг тилини ҳам яхши билади. Кўп кезган, кўпни кўрган ва кўп ўқиган доно киши. Фойдаси тегади деб ўйлайман. Сизга у ҳақда илгарилари ҳам гапириб берган эдим.

Султон дарҳол амр берди:

- Дали Дарвеш озод этилсин!

Зиндон ишлари билан шуғулланадиган амалдор ташқарига чиқди.

Бошқалари ҳам билган-таниган олимларни айтдилар. Султон котиби-га ёздирди. Сўнг уларга мактуб ёзишни буюрди.

Мактублар битилгач, шаҳар қурилиши устида гап кетди. Бу орада ҳожиблардан бири кириб, султоннинг қулоғига ниманидир пичирлади. Султоннинг юзида ажабланиш ифодаси зоҳир бўлди. Соқолини тутамлаб бироз ўйлагач, ҳожибга ўғирилди ва:

- Чакирилсин! - деб буюрди.

Саркардаларни хабардор этди:

- Мұғул ҳұмдори Чингизхон даста-даста ҳадя билан әлчи юборибди. Демак, Чингизхон біздан роса күрқади. Қани, әлчилари кирсін, не гап әкан.

Сүз шу ерга етганда әшик ортидан ҳожибнинг дүриллаган овози эши-тилди:

- Осиё ҳұмдори, мұғул ҳоқони Чингизхоннинг әлчилари буюк Хо-разм мамлакатининг сұлтони, Искандарі соний, исломнинг шавкатли қиличи, шавкатли ва давлатли Алоуддин Мұҳаммад Хоразмшоқ ҳузури-га кирмоқ шарафига мұяссар бўлдилар...

Әшик очилиб, ҳожиб кўринди. У бир неча одим олға юрди, сўнг ор-қадаги одамга ишора қилиб деди:

- Мұғул хони Чингизнинг әлчиси ва ишончли вакили Донишманд Ҳожиб.

Донишманд Ҳожиб қўлларини кўксига қовуштириди.

- Ассалому алайкум...

- Ваалайкум ассалом әлчи, хуш келдинг, сафо келдинг.

Донишманд Ҳожиб сұлтоннинг этагини ўпди, бекларга таъзим қил-ди, сўнг қўрсатилган ерга чордона қуриб ўтириди. Маҳрамлари унинг икки томонига тизилишиди. Орқада келгандар кимхоб бўхчаларга тугил-ган қимматбаҳо ҳадяларни сұлтоннинг оёғи остига қўйдилар. Жавоҳир-лар ва кимхоблар ўюлиб кетди. Сұлтон мамнун бўлиб, кулимсиради. Сўнг Донишманд Ҳожибга ўгирилиб:

- Танишга ўхшайсан, - деди.

- Балли, сұлтоним. Иргиз дарёси бўйида сиз билан танишиш шара-фига ноил бўлган эдим. Жўжихоннинг әлчиси ўлароқ, сизга сулҳ такли-фини келтиргандим.

- Эсладим, эсладим. Яна шундай тилак билан келдингми?

- Ҳудди шундай, сұлтонимизга аён бўлди.

- Демак Чингизхоннинг вакилисан.

- Балли...

- Истаги не?

- Ҳоқоним уруш бўлишини истамайдилар.

- Уруш бўлди-ку...

- Бу янгиш туфайли содир бўлган бир ҳодиса. Ҳоқонимиз уни унут-моққа ҳозирлар. Бошқа тақрорланмаса бўлди.

- Мұғуллар мамлакатимиз ҳудудига кирмаса тақрор учун сабаб йўқ деб ҳисобласа бўлади.

Сўнг сұлтон Мұҳаммад овозини бир парда кўтарди:

- Ўз ўй-фикри ўзига. Мен ўз фикримни сўйлаяпман.

- Фикрингиз ҳоқонимизга мақбулдир, сұлтоним.

- Үндай бўлса келишдик. Пешона ғурра бўлмагунча ақл кирмайди, деган гап бор.

Чингизхоннинг элчиси билинар-билинмас илжайди.

- Тўғри айтасиз, султоним.
- Кўп аъло, элчи, кетишинг мумкин.

Элчи ўрнидан турди. Қўйнига қўл солиб, бир мактуб чиқарди. Мактубни ўпид, пешонасига сурди, сўнг султонга узатди.

- Хоқонимиз кўпдан-кўп саломлар билан бирга ушбу номани ҳам юборди. Хоқонимиз ўз савдогарларига мамлакатингизда тижорат қилиш хуқуқини беришингизни сўраяптилар. Бу ишга изн берсангиз, дўстлигимиз янада мустаҳкамланган бўлурди.

Султон котибига ишора қилди. Котиб мактубни олиб, очди. Ўқий бошлиди.

Нома шириңсўёзлик билан битилган эди. Салом-каломдан сўнг хоқон ўз муваффақиятларини бир-бир санаган, сўнг Хоразмшоҳнинг номини кўпдан бери эшитганлигини, танишмоқдан хурсанд бўлишини билдириганди. Дўстлик абадий бўлиши учун ҳар икки мамлакат тужжорларининг савдо билан шуғулланишига кенг имконият яратиб беришга рухсат сўраганди. Ўзи шунга шай эканини ёзган эди.

Султон Алоуддин Муҳаммад ўйлаб ҳам ўтиромай қарор берди.

- Жуда яхши. Хоқонингга сўйла, тижоратга рухсат бераман. Мўғуллар мамлакатимнинг исталган шаҳрида савдо билан шуғулланишлари мумкин. Бу ҳақда сенга фармон ҳам бериб юборман.

Фармонни шу онда ёздириб, муҳрлади ва элчига узатди.

- Ол буни. Бир-икки кундан кейин котибим жавоб мактубимизни сенга беради. Хоқонингга элтасан. Энди бориб дамингни ол ва фармойишимизни кут.

- Амрингиз бош устига, султоним.
- Кетишингиз мумкин.

Донишманд Ҳожиб маҳрамлари билан ташқарига чиқди.

\* \* \*

Хоразмшоҳ Чингиз элчиларини қабул қилгач, ўзи ҳам мўғул юртига элчи жўнатди. Султоннинг вазирларидан Баҳоуддин Розий элчиларнинг бошлиғи этиб тайинланди. Элчилар орасида Дали Дарвеш ҳам бор эди. Чингиз бу ҳайъатни 1216 йили Ҳонбалиқда қабул қилди, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатди. Хоқон икки давлат орасидаги қардошлиқдан сўз очиб, султон Муҳаммадни роса мақтади. Бироқ унинг сўзлари истеҳзога тўла эди. Шу боис Баҳоуддин Розийнинг кўнглида шубҳа уйғонди. Чингизхон ичидан нималарнидир режалаштирганини пайқади. Аммо бу режалар нима эканини аниқлаш имконини топмади. Гумонларини Хоразмшоҳга бир-бир сўйлади.

Агар султон Баҳоуддин Розийнинг шубҳаларига жиндай эътибор берганида эди, бутун бошли Хоразм мамлакатини ёқиб битирган оташни ўз

вақтида сўндириши мумкин бўларди. Бахтга қарши султон Розийнинг сўзларини ортиқча ваҳима деб билди ва парво қилмади. Бунинг устига Чингизхоннинг тожирлари мамлакат бўйлаб кезиб, жосуслик қилаётган эдилар.

Йил кетидан йил ўтди. Султон катта қўшин тўплаб юриш бошлади. Нияти халифа Носирнинг эсини киритиб қўйиш. Бу ишни битиргач, бой-бадавлат яъжуҷ-маъжуҷ мамлакатига қўшин тортади.

Бироқ қўён йилининг қиши ниҳоятда оғир келди. Оғир ва бевақт. Хоразм қўшини Эрон тоғларида қор тагида қолди. Султон Муҳаммад кўрқиб чекинди. Халифага қарши бошлаган уруши улуғ Оллоҳга маъқул тушмади чоғи? Хато йўлга кирдими?

Султон орқага қайтди. Қўшин катта талафот кўрган эди. Шоҳ ҳориб-чарчаган, тугаб-битган ҳолда Бухорога кириб борди. Бироқ ҳалқ султонни ва қўшинини олқишиламоқ учун уйидан чиқмади. Султоннинг жаҳли чиқди. Аскарларига уйма-уй юриб, соғлом эркакларни аямай қамчилаб, хайдаб чиқаришни буюрди.

Аскарлар уч кун даҳшат солдилар, раиятга жабр-ситам ўтказдилар. Ниҳоят Жалолиддин билан Темур Маликнинг сабр косаси тўлиб, султон ҳузурига боришиди. Оддин Темур Малик сўз олди.

- Бу не ҳол, султоним? Ўз табаамизни ўзимиз эзаётirmiz. Чингиз деган мажусий шаҳарни олса шундай муомала қилган бўлурди. Бу раиятдан фақат яхшилик кўрдик-ку! Солиқ тўлаган шулар, аскарлик қилган шулар, хизмат қилган шулар, уруш жафосини тортган ҳам шулар. Боз устига зулм қилмоқ!.. Шуни раво кўрасизми? Бу иш мусулмончиликда борми?

Султон жаҳл билан Темур Маликка ўқрайди. Ёмон бир гап айтишга чоғланди. Бироқ шу онда ўғлининг кўзига кўзи тушди. Жалолиддиннинг нигоҳи қатъий ва қаттиқ эди. Султон ҳадиксиради. Боши ҳам бўлди.

- Қамчиласни тўхтатишсин, - дея минғиллади у. Бошини қўллари орасига олиб, ўйга толди.

\* \* \*

Яна ўша сариқ чодир... Чодир ичиди Чингизхон билан шомон сухбатлашмоқда. Чингизхон асабий ҳолда чодир ичиди кезар, чопонининг этағи ҳалпилларди.

- Мени майна қилмоқчимисан, а? Неча йил илгари юлдузлар биз томонда эмас деб, Хоразмга қилмоқчи бўлган юришимни тўхтатган эдинг. Ундан кейин ҳам юлдузлар нуқул бизга қарши бўлди. Аммо негадир бошлаган бошқа урушларда ғолиб чиқдим.

Шомон кўрқувдан титради. Тўғри, Чингиз унга заҳмат етказишга ботинмайди. Аммо яна ким билади дейсиз... Истаса амр бериб, калласини сапчадай уздириши мумкин. Шомон бир неча одим отиб, Чингизхоннинг

рўпарасига борди.

- Сизнинг муваффақиятингиздан бошқа бир истагимиз йўқ асло! - деди у. - Неча йилдирки, юлдузлар Хоразм мамлакатига бостириб боришизни хоҳлашмаяпти. Юлдузлар хоҳламаса қўлимдан не ҳам келарди? Уларнинг айтганини ўқийман, холос. Бу оқшом яна бир бор тиллашиб кўрай-чи.

Чингиз шомонга қараб кўзидан ўт сочди.

- Тиллаш, тиллаш, шомон, - деди у. - Аммо юлдузлардан рухсат ол. Акс ҳолда юлдузларга қарши уруш очаман.

Шомон қўрқувдан тисарилди.

- Оғзингиздан ел учирсин, буюк хоқон, бу қандай гап?..

- Бор гап шу, сабрим тошди. Хоразм бойликларини эгаллашни кейинги суришга тоқатим йўқ. Аста-секин умрим охирлаётганини сезмоқдаман. Кексайдим. Томирларимдаги қон қуриб қолаётганга ўхшайди. Сенинг аҳмоқларинг бўлса ҳалигача мангуда ҳаёт дорисини топгани йўқ.

Чолни ёқасидан тутиб силкиди.

- Шомон, эй шомон! Агар юлдузлар бу кечада ҳам оқ йўл бермасалар ўлдим дейвер.

Ҳайрат ва қўрқувдан шомоннинг оғзи карракдек очилди. Сап-сариқ, майда тишлари кўзга ташланди. Пастки лаби осилиб, ияига тушди. Ноиложликдан қўлини ёзи.

- Гаплашиб кўрай, буюк хоқон, - дея ингради у.

- Ҳозироқ бориб гаплаш.

Шомон кетди.

Чингиз анчагача ер тепиниб айланди. Фоят асабийлашган. Вайсади:

- Бир тўда каллаварам, бир сурув аҳмоқ булар. Агар бошида мендек буюк хоқон бўлмаса ҳоли не кечарди бу каллаварамларнинг. Қулдан фарқи йўқ буларнинг. Қўлидан зигирча иш келмайдиган аҳмоқлар!

Саркардаларидан Қурт Жебе нўён ичкарига кирди. Тиз чўкиб, хоқонга салом берди.

- Не керак сенга, Қурт Жебе?

- Соғлиғингиз керак, хоқоним. Изн берсангиз, аскарларингизнинг орзусини сизга билдириш учун келдим.

- Ҳўш, аскаримнинг орзуси не?

- Бу ерлар қисир бўлди. Сурувларимиз ўтларни еб битирди. Яйловларда ўт қолмади. Аскарларимиз қўйларини еб битирай деб қолди. Навбат кейин отларга келиши турган гап. Бошимизга фалокат тушмасдан олдин урушга отлансанк нима дейсиз?

Чингизнинг кўзлари порлади.

- Яхши хабар келтирдинг, Жебе, - деди у. - Аскар қанча оч қолса душман устига шу қадар шиддат билан бостириб боради. Кўшинни ҳозирла, яқинда юриш бошлаймиз. Хоразм элини талон-торож этамиз.

Қурт Жебенинг кўзлари ёнди.

- Кўп яхши, буюк хоқон, бироқ юлдузлар не дейди?
- Нима ҳам дерди, юлдузлар кучлилар билан бирга. Аммо бизнинг аҳмоқ шомонлар тўғри ўқишини билишмайди. Бош шомонни юлдузлардан руҳсат олиб келгани юбордим.

- Кўп яхши, кўп яхши!..

Чингизхон иржайди. Сўнг қаҳ-қаҳа отиб кулди. Жебе ҳайрон бўлди. Хоқоннинг кулгуси жуда сунъий ва сохта чиқарди. Чингизхон кулган вақтда фақат тишлари илжаяр, авзойи бузуқлигича қолаверарди. Бундай пайтлари хоқоннинг афти янада қўрқинчлироқ тусга кираради.

- Каердан бошламоқчисиз?

Чингиз ўйлаб ҳам ўтиrmай жавоб берди:

- Ўтрордан. У ер ниҳоятда бой эмиш. Кулини кўкка совураман.Хоразмнинг қизлари сариқ чодиримда ўйнайдиган кунлар яқин қолди.

Жебе ўрнидан туриб, оҳистагина эшик томон йўналди. Остонада шомонга дуч келди. Бир-бирига тикилишиди. Жебе сўради:

- Юлдузлардан не хабар?

- Мен ҳозиргина улар билан гаплашдим, Жебе нўён, улар яхшиликдан мужда бермоқда. Юриш қилиш вақти етган.

- Ҳозир гаплашдингми?

- Ҳа, ҳозиргина.

Қурт Жебе осмонга қаради. Кўкда қуёш порлаб турарди. Жебе шомонга ўғирилди.

- Кўкда қуёшдан бошқа нарса йўқ-ку! Сен юлдузларни қандай кўрдинг?

Шомон бу томонини ўйламаганди. Саросимага тушиб, довдиради. Бир сўз демай орқага қайтди. Оёғини қўлга олиб югуриб кетди.

Қурт Жебе унинг орқасидан қаҳ-қаҳа отди.

- Аҳмоқлар, бизни алдашдан бошқа нарсага ярамайсанлар.

Энди кетай деб турганида бир аёл йўлини тўсди.

- Жебе нўён...

- Хўш?

- Хоқонимизга арзим бор эди.

- Қандай? Хоқон банд, у ўйлаяпти.

- Биз ҳақда ҳам ўйласин хоқонимиз. Эрим менга азият бермоқда. Устидан арз этмоқчиман.

- Кимнинг хотинисан?

- Қўмондон Тўқучар нўённинг.

Чодир эшиги очилиб, Чингизнинг ялпоқ башараси кўринди, сўнг эшикдан бесўнақай гавдаси чиқиб келди.

- Сўйлаётган сенми, эй хотин?

Аёл ўзини хоқоннинг оёғи остига отди.

- Қутқаринг мени улуғ хоқон! Эрим Тўқучар кунига уч дафъа мени темир калтак билан савалайди. Ортиқ чидаш беролмайман, қутқаринг.

- Демак сен Тўқучар Баҳодурнинг хотинисан?..

- Кошки шундай бўлмасайди.
  - Бундан сўнг унга хотин бўлмайсан.
- Чингизхон аёлга қарамай овоз берди:
- Соқчи!..
  - Амрингизга ҳозирман, буюк хоқон.
  - Ол, бу хотинни сенга бердим. Кейин калласини уз.
- Хотин оҳ-фарёд урди, қарғади. Бироқ ҳеч ким қулоқ ҳам солмади. Аёлнинг овози борган сари сусайди, охири сўнди.

Чингизнинг кўзи Жебега тушди. Қўли билан имлаб уни ичкарига чорлади. Ҳеч гап бўлмагандай, сўзни яна бошидан бошлади:

- Ўтрорни босамиз, Жебе. Бу ишни сен бажарасан. Ўтрор кўпга бормайди. Жосусларимиз ҳозиргача яхши ишлади. Шаҳарнинг заиф жойларини аниқладилар, ҳалқ ўртасига миш-мишлар ёйдилар, элни бирбирига қарши гиж-гижладилар. Баъзи амирларни бизнинг қўл остимизда янада яхшироқ яшашларига ишонтиридилар. Бизни кўзлари тўрт бўлиб кутишяпти.

- Нима қилмоқчисиз?
- Олдининг тожир қиёфасида бир неча юз кишини юбораман. Қимматбаҳо моллар ортилган түяларга миниб кетишиади. Молларни ҳалқа арzon сотиб, ишонч қозонишади, маълумот тўплашади.

- Яна жосус юборасизми?

- Ҳа, яна жосус жўнатаман. Бу ишнинг йўли шундай бўлади, Жебе. Урушнинг энг кучли қуроли ҳийла. Мен буни барчадан яхшироқ қўллайман. Ҳа, ўтган ва бўладиган барча жаҳонгирларнинг ҳаммасидан яхшироқ қўллайман... Сен боргунча шаҳар таслим бўлишга тайёр бўлиб қолади.

Чингизхон осмонга мушт дўлайтириди.

- Мен доим ҳақман. Шу хотинни жаллодга таслим этганимда ҳам ҳақ эдим. Тўқучар Баҳодур яхши саркарда. Бундай шикоятчи хотин билан яшаб, асаби бузилиб ўтирасин. Уни балодан қутқаришдан ташқари навкарнинг кўнглини ҳам олдим. Меникидай калласи бўлган хоқонни ағдариш мушкул, Жебе нўён.

Жебе бу иш зулмдан бошқа нарса эмаслигини биларди, албатта. Лекин бу ҳақда оғиз очиб бўлмайди. Акс ҳолда ўзининг калласи ҳам кетади. **Маъқуллади:**

- Сизники тўғри, буюк хоқон.

- Энди бориб аскарларга айт: яқинда юришга чиқамиз. Сабр этишсин, отларини еб қўйишмасин. Оч қолса қолсин, аммо минадиган ҳайвонни емасинлар. Яқинда яйловлари кенг, мол-ҳоли кўп бўлган эллар томонга юриш қиласиз.

## ОЛТИНЧИ БҮЛИМ

Ўтрор чегарадаги илк мусулмон шаҳри бўлиб, ниҳоятда маъмур. Муҳашам саройлари, жомелари, ҳаммомлари, чашмалари билан машхур. Чинга кетаётгандар ҳам, Чиндан қайтаётгандар ҳам бу ерда тўхтаб, хордиқ чиқаришади.

Шаҳарда катта-катта бозорлар бор. Тожирлар бу бозорларда мақтаб-мақтаб молини сотар ёки кўнглига ёқсан нарсага айирбошлар эди.

Мўғул карвони шаҳарга киргач, тўғри бозорга бормади. Карвонбоши Тигин маҳалла гузарида туяларини чўқтириди. Одамлари жар солди:

- Эшитмадим деманглар. Чингизхон юртидан катта карвон келди. Не истасангиз бор. Фаранг рўмоли, Чин атласларию мўғул кўзалари. Хоҳлаганингизни арzon-гаров оласиз. Кеп қолинг!..

Бир лаҳзада карвон атрофи уйларидан чиқсан кишилар билан тўлди. Қизиқсиниб қараб туришди.

Шаҳарга мўғул карвони келгани тилдан тилга ўтиб, ҳар томонга ёйилди.

Натижада бозорга бормасданоқ карвон атрофига тумонат одам йиғилди. Йўллар тирбанд, одам одамга қоқиладиган бўлди.

Кўчалар тўлиб-тошди. Аскарлар оломонни тарқатиш учун ҳарчанд уринмасинлар, муваффақ бўлолмадилар. Охири бу ишни ўз ҳолига ташладилар.

Карвон бир амаллаб бозорга етиб борди, зўрга жой топиб, молларини туширди. Чодирлар тикилди.

Халқ тўхтовсиз келиб ул-булларни харид эта бошлади. Молларнинг арзонлигини кўрган маҳаллий тужжорлар кўтарасига сотиб олмоқчи бўлдилар. Чунки улар бу молларни янада қимматроқ сотиб, мўмай фойда олишлари мумкин эди.

Орага шаҳар волийси Фойирхон аралашди. У тужжорларнинг мўғул карвонидан мол олишини тақиқлаб қўйди. Арzonчиликдан халқ фойда кўрсинг деди.

Волийнинг фармони мўғулларнинг жаҳлини чиқарди. Негаки карвонбоши Тигин карвон келмасдан буруноқ Ўтрор тужжорлари билан

келишиб қўйган, молининг кўпини тужжорларга сотиш ниятида эди. У тужжорлар орасидан битта-яримтасини жосусликка тортиш, бундан ташқари раиятда ҳукмдорлардан норозилик уйғотиши кўзлаганди. Бироқ Ўтрор волийсининг фармони унинг режаларини барбод этди.

Мўгуллар Ўтрор тужжорларини қайраб, оёққа турғиздилар. Айни чоқда ўз молларини талашга ундалилар...

Тужжорлар халқ ичига қутқу солдилар. Оломон мўгул карвонига ҳужум этиб, молларни талон-торож қилди. Катта ғавғо кўтарили, бозор бошидаги чодирларга ўт қўйишиди. Имолчиқ Фойирхон исённи зўрга бостирди. Мўгул тожирларига зарарни қоплашга сўз берди. Бироқ карвонбоши Тигин, Чингизхон кўрсатмаларига амал қилиб, зарарни қоплашни эмас, молларни қайтариб беришни талаб қилди.

Имолчиқхон буниинг имкони йўқлигини, бироқ тужжорлар хоҳласа зарарнинг икки баробари миқдорида бошқа мол беришини, тужжорлар кўнглига ёққан молни танлаши мумкинлигини айтди.

Тигин ўзини жаҳли чиққандек кўрсатиш ниятида ер тепди. Фаламислик билан Имолчиқхонни издан чиқариш мақсадида юзига қарат бақири:

- Сен хонлик у ёқда турсин, чўпонликка ҳам арезмайсан!..

Имолчиқхон бўзарди. Кўзлари ғазабдан оловланди. Ўрнидан иргиб туриб:

- Оғзингни юм, эй нодон! - дея ҳайқирди. - Зарарингизни қоплаймиз десак ёқмайди, узр сўрасак қабул қилмайсиз. Сизга қилич ярашади холос!

Тигин қўполлик билан дўқ урди.

- Биз сен у ёқда турсин, сенинг султонингдан ҳам қўрқмаймиз.

Бу сўзлардан волийнинг ғазаби миясига урди.

- Ҳаммасини жаллодга топширинг! - деб бақири у.

Фишт қолипдан кўчганини пайқатган Тигин жонини қутқариш учун ёлворишга, тилёғламалик қилишга ўтди. Аммо қарор берилган, волий энди сўзидан қайтмас эди.

Тигин бошқа чора қолмагач, умидсиз журъат билан таҳдид қилиб кўрди. Чингиз шаҳарга бостириб кириб, ҳар тарафга ўт қўйишини айтди.

Волий таҳдиддан қўрқмади. Карвондагиларнинг ҳаммаси қатл қилинди. Фақат бир киши: Faффорхўжа омон қолди. Мусулмон бўлгани учунгина унга тегмадилар. Faффорхўжа Мўтулистанга қайтиш нияти борлигини билдириди, аммо қаерга боришини аниқ айтмади.

Назоратсиз қолган кечаси от топиб, шаҳардан гойиб бўлди.

\* \* \*

Отини аямай чоптирган Faффорхўжа от алмаштириладиган дастлабки ёмга етиб келганида сал туртса йиқиладиган даражада ҳолдан тоғлан

эди. Бироқ дам олишга фурсат йўқ. Ўтрорда мўғул карвони учраган фалокат ҳақида хўжайини Чингизхонга тезроқ хабар бериши керак.

Ём бошлиғи бўлган мўғул сипохийсига вазиятни қисқача тушунтиргач, унга бошқа от бериши. Faффорхўжа чўлда от елдириб кетди.

Чингизхон маълум масофа оралатиб от алмаштирадиган ёмлар барпо этгани кўп яхши иш бўлганди. Агар бу иш қилинмаганида Faффорхўжа вақтни бой берган, хабарни кечикиб етказган бўлурди.

Куштоғ деган ерда жойлашган қароргоҳга қош қорая бошлаган вақтда етиб борди. Faффорхўжа сурункасига тўрт кун тўхтамай йўл босган, ҳориб-тўзиган эди. Ҳатто отидан тушишга ҳам мажоли етмади. Бир неча навкар уни суваб отдан туширди.

- Мени ҳоқоннинг ҳузурига элting, - дея минғиллади у.

Дарҳол олиб бориши. Чингизхон пўстак устида ўтириб овқат еяётганди. Ўтрорга юборган карвоннинг таржимони Faффорхўжани кўриб, тарааддуланиб бошдан-оёқ тикилди. Чопарнинг ҳолидан не бўлганини тушунди. Совуқнина қилиб сўради:

- Барчасини ўлдиришдими?

Faффорхўжа бош силкиб, тасдиқлади.

- Хўш, сен қандай қутулдинг?

- Мусулмон бўлганим учун менга тегмадилар.

Чингизхоннинг кўзлари нурсизланди.

- Мусулмон бўлганим учун дегин... Қани, сўзла, ҳаммасини миридан-сиригача билишни ҳоҳлайман.

Faффорхўжа бўлиб ўтган ҳодисаларни бир-бир сўзлади. Ора-сира нафас ростлаб, бир соатча ҳикоя қилди. Чингизнинг сап-сариқ юзи яна-да сарғайди. Қирғийникидек кўзлари намланди. Оғзидағи овқат ерга тушди.

- Булар учун улар ҳисоб беради! - дея хириллади у. - Аммо бундан олдин элчи юбориб, Хоразмшоҳнинг узр сўрашини талаб қиласман. Шу тариқа бутун дунёнинг назаридаги уни разил қилганимдан кейин, бешбаттар ахволга тушириш учун қўшин тортаман. Қайғурма, Faффорхўжа. Юлдузлар бу гал биз томонда. Шомон шундай деди. Урушамиз. Биродарларимиз учун ўч олами.

Faффорхўжа миқ этмади. Буларга рўпара бўлган кунга лаънат ўқиди. Бироқ Чингизнинг хизматига кириш осон, чиқиш душвор. Бўйнига бўйинтуруқ урилган, бўйинтуруқдан чиқаман деса калласи кетади.

Хўрсинди. Чингизхон унга тешиб юборгудай ўқрайди.

- Нима гап? Мамнун эмасссан шекилли?

Faффорхўжа бошини кўтарди. Ростини айта олмасди.

- Сиз яхши биласиз, буюқ ҳоқон, - деди у.

- Албатта, мен яхши биламан. Агар билмаганимда қуёшининг қучогига сиғмайдиган бу катта мамлакатга ҳукмдорлик қила олармидим? Нима қилиш кераклигини ўзим яхши биламан. Билганим учун ҳам Хоразм мамлакатини отимнинг туёқлари остида эзаман. Кетишинг мумкин.

Гаффорхўжа чиқди. Ўз ҳодирига кетиб бораркан, Чингизхоннинг ақли жойидами-йўқми деб ўйларди.

Мўғулистанда ишлар ана шундай бўлиб турган вақтда Самарқандга мактуб келди. Уни Ўтрор волийси Имолчиқ Фойирхон ёзганди. Мактуб султон номига юборилган эди. Волий акс ҳаракат қилганида султоннинг обрўсини туширган бўлишини айтиб, ўзини оқлашга уринганди.

Котиб мактубни ўқиб бўлгач, султон Муҳаммад унга рухсат берди. Котиб хонадан сассизгина чиқди. Хоразмшоҳ соқолини тортилади. Узоқ ўйлади. Нихоят оёққа турди. Олтин қўнгироқчани бир неча бор чалди. Ичкарига кирган соқчининг юзига қарамасдан буюрди:

- Отимни ҳозирлашсин!

Соқчи таъзим қилиб чиқди. Кўп ўтмай қайтиб келиб, от тайёр эканлигини айтди. Султон ташқарига чиқди. Маҳрамлари тайёр туришарди. Қўли билан ишора қилиб, уларнинг қолиши мумкинлигини англатди. Сўнг отига миниб, шахар ўртасидан елиб кетди.

Сиқилган, ким биландир ҳасратлашгиси келарди. Аммо ким дардкаш бўлиши мумкинлигини ўзи ҳам билмасди.

Султонни кўрган кишилар ўзларини дарҳол четга олишарди. Султон бунга олдинига ёътибор этмади. Сўнг бирдан миясига урди. Ҳалқ ундан қочяпти, демак ундан кўрқади!.. Ваҳоланки, ҳалқ ўз султонини севиши, ҳурмат қилиши лозим.

Не қилдики, табааси ундан бу қадар кўрқади. Ноҳақ зулм қилганини эслай олмади. Эҳтимол унга билдиrmай зулм ўтказишаётгандир?..

Чингизхон ҳам ўзидан кетди. Молини кўз-кўз қилган карвондан мақсад не? Гўё Хоразмда бундан ҳам яхшироқ моллар топилмайдигандек. Нафсиламбрини айтганда, йўқ ҳам. Ҳа, шундай, нима, Хоразмшоҳ Чингизхон каби Чин мамлакатининг бойликларини қўлга киритдими?.. Чинни фатҳ этса ёмон бўлмасди-я! Модомики, Бағдодни ололмади, бу ёққа тавакkal қилса бўлади...

Бунинг учун олдин Чингизни синдириш керак. Чунки Чин мамлакатининг ярмидан кўпроғи Чингизнинг қўлида.

Карвонининг талангани, одамларининг ўлдирилганига не дер экан? Уруш очармикан? Балки у ҳам шу йўлни тутиб, Хоразм карвонларини яғмолар.

Бу ўчи олишнинг энг оддий йўли эди. Бироқ Чингиз бундай оддий ўчи олиш билан кифояланадиган одам эмас. Бинобарин, таҳлика қўнгироғи занг ура бошлади. Аскар тўплаш керак.

Имолчиқ Фойирхон тужжорларни ўлдириб, яхши қилмади, албатта. Бироқ унга ҳеч нарса дея олмайди. Имолчиқхонни мансабидан туширса онаси билан ораси бузилади. Негаки, Фойирхон онасининг жияни. Туркон Хотун билан олишишга эса султоннинг кучи етмайди.

Яхшиси ҳодисаларни ўз ҳолига қўйиб бериш керак. Чингизхоннинг муносабатига қараб, иш кўргани яхши. Бироқ, шунга қарамай, аскар

тўпласа ёмон бўлмайди. Дарҳол саройга қайтиб, бу хусусда фармон бериш керак.

Жалолиддин билан Темур Малик, эҳтимол, бунга ҳам қарши чиқишар. Чингизхонга қарши туриш ўлим билан баробар дейишар. Майли, бўлганича бўлар. Улардан сўраб иш қилмайди. У бутун Хоразм мамлакатининг ўз номига, шон-шуҳратига эга бўлган ягона ҳукмдори бўлса. Истаган вақтида кенгашиб олиши мумкин, бироқ охирги қарорни унинг ўзи беради...

- Саройга қайтишим керак, - дея сўзланди у.

Тулпорининг бошини қайирди. Аммо...

- Не бу?!

Бешта отлиқ ёнма-ён туриб, султоннинг йўлини тўсди. Айёrona боқишилари уларнинг нияти ёмон эканлигини кўрсатиб турибди. Султоннинг йўлини тўсишга қандай журъат этишди?

Атрофга кўз ташлади. Тор кўчаларнинг бирада у ёлғиз қолган эди.

Рўпарасидагиларга қаҳр билан тикилди. Қўли аста-секин белига узанди.

- Кимсиз? Бунга қандай журъат этдингиз?

Жавоб беришмагач, хавотири ошди.

Демак, улар Чингизнинг одамлари. Шу йўл билан ўч олмоқчими бу манфур?

- Кимсиз дедим?..

Яна жавоб йўқ. Гўё уларнинг тили томоғига тиқилган. Бироқ аста-секин яқинлашиб келаверишди.

- Тарқалинг! - дея ҳайқирди султон. Қиличини сұғурди. Отининг жиловини сиқди. Узангига оёқ тираб, қичқирди:

- Тарқалинг!..

Отлиқлар парво ҳам этмай, яқинлашиб келаверишди. Султон бешкиши билан бемалол жанг қила олади. Ҳали билагида қуввати бор. Қўлини қайиришга қурби етадиган йигит бу орада топилмаслигига султоннинг ишончи комил.

Бироқ пойтахтда султонга ҳужум этишга жасорат кўрсатадиган бу беш одам ким? Нега уни ўлдирмоқчилар? Ким буюрган бу ишни?

Хозирча бу гаплар султонга номаълум... Ўйлашга ҳам вақт йўқ. Бу паллада бўладиган жанг устида бош қотириши керак. Аввало бу бадкирдорлардан кутулиб олиши даркор.

Ҳужумга ўтди. Бир зарбда энг олдинда турган одамни ярадор этди. Бироқ ҳалқани ёриб ўтолмади, ўртада қолиб кетди. Султон шиддат билан ўнгу сўлга қилич солди. Ёшлигини эслаб, ғайратига ғайрат қўшилди.

- Виждансизлар! Султонни осонгина ўлдирмаз, деб ўйлаганмидинглар? Ма, ол буни!

Бири йиқилди. Энди тўрт киши қолди. Султон совуқсонлик билан жасорат ва шижоат кўрсатиб олишди. Голиб чиқишига ишончи комил.

Бироқ бу орада душманлари сафига яна беш киши қўшилганини кўргач

ранги оқарди. Атрофи ҳалқадай ўраб олинган. Қутулиб чиқиш жуда қийин. Эҳтимол қутула олмас. Кимдир ёрдамга келмаса ҳоли танг.

Кимсасиз кўча қиличларнинг жаранг-журунгига тўлди. Бир киши ўн кишига қарши жанг қиласди. Шунга қарамай султон қўрқмади, қиличидан ўлим сошиб, ҳеч кимни яқинига йўлатмади.

Бу орада Темур Малик, Жалолиддин ва Сариқ Лагўт шаҳарда сайр қилиб юришганди. Улар ҳозиргина овдан қайтиб келишган, обдан очик-кан эдилар. Аммо сўз овқат эмас, уруш ҳақида борарди. Охирги ҳодисадан бехабар бўлганликлари учун некбин эдилар.

**Жалолиддин деди:**

- Чингизхон билан муносабатимиз яхши, аммо бу қанча вақт давом этиши номаъум. Мўғул ҳоқони гирт телба. Қачон қандай фармон берини ҳеч ким билмайди. Биз билан яхши муносабат ўрнатганининг сабабини ҳам тушунолмадим. Ахир, улар билан урушган эдик-ку. Индамаганига қараганда, у бунга кўз юмди ҳар ҳолда...

Темур Малик кулимсираб, дўстининг сўзини бўлди:

- Чингиз ўч олишга шошмайдиган кўринади.

Сариқ Лагўт жим. Ҳалидан бери қулоғига баъзи товушлар эшитилгандек бўлади. У янгишдимми-йўқми деб овоз келган томонга дикқат билан қулоқ солди. Ниҳоят янгишмаганига қаноат ҳосил қилиб, дўстларидан:

- Ҳеч нарса эшитмаяпсизларми? - деб сўради.

Тўхтадилар. Темур Малик:

- Дарҳақиқат қилич жарангига ўхшаш саслар эшитилмоқда. Не бўлди бу? Бориб кўрайлик-чи.

Отларини ниқтаб, қиличларнинг жаранги эшитилаётган томонга елиб кетдилар.

Кўз очиб юмгунча воқеа содир бўлаётган жойга етиб боришиди. Дастроб султонни танишмади. Бир нечта киши бир кишини ўртага олганини кўриб Темур Малик ерга тупурди.

- Номардлар! - деб қичқирди у. - Бошларингга рўмол ўрасаларинг бўлмайдими?

Шунча одамнинг бир кишига хужум қилаётгани Темур Маликни ач-чиқлантирган эди.

Султон Алоуддин Муҳаммад мушкул вазиятга тушиб, хийла сиқилган эди. Рақиблари борган сари устун келаётган, султон чарчай бошлиган эди.

- Қани, ур! - дея ҳайқирди у. Уч дўст сасни танидилар. Ҳаммаси бирданига:

- Султон! - деди.

Улар кутиб ўтирамай, шу ондаёқ ҳайқиришганича ўқдек отилдилар.

- Йўл бер!

- Тарқал!..

Яшин каби бостириб бориши. Йўлтўарлар аввалига нима бўлганини билмай довдираши. Эс-хушини йигиб олгунча тўрт киши қолди, холос. Бироқ улар қочмади. Гўё ўлса ҳам қочмаслик тўғрисида онт ичганга ўхшардилар.

Султон уч киши ёрдамга етиб келганини кўргач, енгил нафас олган, кучига куч қўшилиб, қилич ура бошлаган эди.

- Уринг йигитлар, босинг арслонлар!..

- Уринг султоним, уринг!..

Султон ўғлини эндиғина таниди.

- Сенмисан Жалолиддин?

- Менман, султоним!

- Вақтида етиб келдинг, бироз кечиксанг отасиз ва султонсиз қолган бўлур эдинг...

- Худо сақласин!..

Жанг узоқ давом этмади. Узоққа бормасди ҳам. Уч дўст султонлари-га манфурана кўл кўтарган кишини ҳеч қачон кечирмас эдилар. Йўлтўарлар ҳам қочмади. Ўн киши ўлим зарбаси еб ерга йиқилди. Бир киши ҳам омон қолмади. Бироқ ҳаммасининг хаёлида бир киши эди.

У ҳам бўлса Чингиз.

## ЕТТИНЧИ БҮЛІМ

Буломча қишлоғи бөг-рөглари, мәхнаткаш деңқонлари билан машұр бўлиб, Ўтрорга яқын эди. Қишлоқ нақ чегаранинг устида жойлашган. Ёз ойларида қишлоқ аёллари дарё бўйидаги кир ювишар, экин-тикин ҳақида сўзлашишарди.

Эркаклар эрта тонгдан то қош қорайгунча далада. Баъзилари тўқайдан ўтиқ кесиб, Ўтрорга олиб бориб сотади.

1219 йил Буломча қишлоғи учун бехайр келди. Ерга уруғ ташланганидан сўнг бошланган ва бир неча кун давом этган қурғоқчилик далаларни курилди, ўт-ўланни жизғанак қилди. Қиёмат қойим бўлгандек офтоб ҳамма ёқни қовуриб ташлади. Экинларгина эмас, дараҳтлар ҳам қурий бошлади. Экин-тикин бўлмагани сабабли деңқонлар фақирлашди. Барча қишдан қандай ўтиш тўғрисида бош қотирарди. Ҳамманинг кайфияти тушган, ҳатто тўйиб нон емагани учун болалар ҳам ўйинни йиғиштириб қўйишган.

Ҳамманинг дарди ичидаги, ҳеч ким тишининг оқини кўрсатмайди.

Бу ҳам етмагандай султон Алоуддин Мұхаммаднинг солиқчилари қишлоқма қишлоқ айланиб, икки йиллик хирожни ундира бошлади. Бундан хабар топган буломчаликлар тирноғигача қақшадилар... Қақшамай бўладими, улар борини қоқиб-суқиб бу йилги хирожни зўрга тўлаган эдилар, агар бола-чақани зор қақшатиб, насибасини олиб кетадиган бўлишса, барча очликдан ўлади.

Султон дарғазаб эканлигини ҳамма эшиштган. Султонга суиқасд қилинганини тўғрисидаги хабар Буломчага ҳам етиб келган эди. Шу боис мингларча кишилар текширилди. Бироқ масала ойдинлашмади. Мишишларга қараганда, бу ишда Туркон Хотуннинг кўли бор эмиш, султон онасига тиши ўтмагани учун терговни тўхтатган эмиш. Ҳар ҳолда Туркон Хотун султон Мұхаммаднинг ўлишини ва тахтга Ўзлоқшоҳ ўтиришини хоҳлаган бўлса керак. Ўшанда, шаҳзода ҳали ёш бўлгани учун, васий сифатида ўзи мамлакатни идора қилган бўларди.

Қишлоқдагилар кўркув ичидаги кутаётган дам ёзининг энг жазирама кунига тўғри келди. Заррин чопон кийған хўппа семиз, олакўз таҳсил-

дор йигирматача қуролли аскар билан ҳар тарафга совуқ назар билан боқиб, қишлоққа кириб келди. Бу хабар Буломчага дарҳол ёйилди. Болалар таҳсилдорни кўриш учун чопдилар. Таҳсилдорнинг совуқ нигоҳига кўзлари тушиши билан қўрқиб тисарилдилар ва қўрқа-писа эллик қадамча орқадан келавердилар.

Таҳсилдор келгани тўғрисидаги хабар тарқалиши билан қишлоқда ғалва бошланди. Икки йиллик хирожни тўлашга ҳеч кимнинг қурби етмагани учун ҳамма фармондан қаттиқ норози. Барчанинг авзойи бузилган, эътироэлар эшитила бошланди.

- Бу қандай гап? Ўзимиз бир тишлам нонга зор бўлиб турсагу султон икки йиллик хирожни олса? Ор-номусимиз бор - бу йилги солиқни, қийналсак-да, тўладик. Энди давлатга берадиган бир капса буғдойимиз ҳам йўқ.

- Оллоҳ шоҳид, менинг аҳволим ҳаммангизнидан ёмон. Хотиним хаста, бу йил ишга чиқмади. Даладаги экинларим қовжираб қолди. Оч қолсак-да, бу йилги хирожни тўладим. Уч қоп буғдой, ўн қоп арпа топширдим, ҳеч вақом қолмади. Хоҳласалар жонимни олишсин энди!..

- Кейинги вақтда султон ўзгариб кетган дейишади. Олдинги одамгарчилигидан асар ҳам қолмаган, йиртқич қузғунга айланган дейишади. Мен бунга асло ишонмайман. Султонимиз яхши одам, мушфиқ, табаасини жонидан ортиқ кўради. Аскарларининг олдига тушиб, шердек олишади. Бироқ бундай фармон берган бўлса ...

Одамлар ўзаро сухбатлашганча таҳсилдорнинг орқасидан кетиб боришарди. Ҳеч кимнинг ичига чироқ ёқса ёрнишмайди. Мажолсизгина одим отишади.

Башараси ялпоқ, нигоҳи совуқ таҳсилдор ниҳоят тўхтади. Орқасидан келаётган дехқонлар ҳам тўхтади. Яқин боришга ҳеч ким журъят қилмади.

Таҳсилдор уларни қўл ишораси билан ёнига чақирди. Сескана-сеска на яқин боришиди. Таҳсилдор уларга бошдан оёқ тикилди. Сўнг палағда товушда сўзлай бошлади.

- Айтиб қўйай, ҳеч қандай эътироэга йўл йўқ! Мен Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммаднинг таҳсилдориман.

Кўйнидан бир фармон чиқарди.

- Бу фармонда ҳамма гап ёзиб қўйилган. Ватанпарвар дехқон бўлсангиз икки йиллик хирожни олдиндан тўлаб қўясиз. Сўнг икки йил мобайнида кимсадан солиқ олинмайди. Султон сўзидан қайтмайди, сизга мазза бўлади.

Ҳеч ким жойидан ҳам жилмади, оғзини ҳам очмади. Ҳеч кимнинг сўзлагиси келмади. Таҳсилдор бир неча одим отди. Одамлар тисарилди. Таҳсилдор кулди.

- Нега мендан қўрқяпсиз, азизлар, еб қўймайман... Бор-йўғи бир таҳсилдорман холос. Султоннинг вакили сифатида келдим бу ерга. Менга

берадиган қоп-қоп буғдоју арпалар султонга берилган бўлади. Биринчи бўлиб хирож тўлаш шарафига ноил бўлмоқ истаган киши олдинга чиқсин.

Ҳеч ким бу шарафга мұяссар бўлишни истамади. Деҳқонлар таҳсилдорга маъносиз қараб туравериши.

Таҳсилдор аччиқланди.

- Билдим, сизлар ҳам бошқа қишлоқлардаги тиррақи бузоқлардан экансиз. Уларнинг эсини жойига туширган эдим, сизнинг кўзингизни ҳам мөшдек очиб қўяман. Энди сизларга дарс бермаса бўлмайди, гуноҳни зиммамдан соқит қилдим...

Сакради. Дуч келган бирининг ёқасидан тутиб, силтади.

- Исминг нима?

Бу анча кекса киши эди. Исмини эслолмагандек соқолини қашиди, қошини чимириб, мўйловини тортқилади. Ниҳоят:

- Соди, - деди.

Таҳсилдор узун рўйхат тутган одамига ўгирилди.

- Қара, Соди исмли бу мўйсафиднинг қанча қарзи бор?

Рўйхат тутган одам ўқиди:

- Бир йиллик хирожи олти қоп буғдоју икки қоп арпа. Икки йиллик хирож эса бунинг икки баробари миқдорида бўлади.

Таҳсилдор мўйсафиднинг йиринг боғлаган кўзларига совуқ назар ташлади.

Мўйсафид бош чайқади.

- Бунча ғаллам йўқ.

- Йўқми?

- Ҳа, йўқ!..

- Еб-ичмай ўтирибсанми?

- Борини бир-икки ойдан сўнг еб битирамиз.

Ҳамқишлоқлари бир овоездан кексанинг сўзини тасдиқлашди.

- Отахон тўғрисини айтди.

Аскарлардан бири дўқ урди:

- Жим бўлинг!

Деҳқонлар чўчиб, бир-бирининг пинжига киришди.

Таҳсилдор мўйсафиднинг ёқасини қаттиқроқ сиқди.

- Қани айт, буғдојингни қаерга кўмдинг?

Мўйсафид беихтиёр кулимсиради.

- Ҳеч қаерга...

- Айтмасанг сени йўқотаман, султоннинг фармони бор.

Кекса Соди таҳсилдорга қаттиқ тикилди.

- Султон буғдоји бўлмагани учун хирож тўламаганларни йўқотинг дедими?

Таҳсилдор жаҳл билан ер тепди.

- Бу ерлар султонники, билдингми? Султонники бу ерлар!..

Кекса минғиллади:

- Ер Оллоҳницидир...

- Нима? Нима дединг? Султонники эмас, дедингми?

- Олдин Оллоҳники, сўнг султонники. Оллоҳ улуғларнинг улуғи, султонларнинг султонидир. У ўзи берган неъмат учун ҳақ сўрамайди. Буғдой, арпа, сули, мевадан солик олмайди. Хоразмшоҳ Мұхаммад бўлса пешона теримиз билан суборган бу ерга эга чиқмоқла, бу ҳам етмагандек икки йиллик хирожни олдиндан тўлатмоқчи.

Бу сўзларнинг маъносини чақиш учун ориф бўлмоқнинг ҳожати бўлмаса-да, таҳсилдор англамади. Қарияни ерга йиқитиш учун итарди. Бироқ уни қўзғата олмади ҳам. Мўйсафид ерга чуқур илдиз отган чинордек тим-тик турар, кулар эди.

- Не-не душманлар мени йиқолмаганди. Энди дўст деб ўйлаган кишилар йиқмоқчи бўляпти-я!

Таҳсилдорнинг кўзига тешиб юборгудай тикилди.

- Эй, болам, - деди у. - Рўпарангдаги мўйсафи давлатимизнинг та-  
мал тошларидан бўлган. Тан-баданимда қилич тегмаган жойнинг ўзи  
йўқ. Сен, кечагина жуббангнинг орқасини туғиб юрган ёш бола, мен  
билан беллашмоқчимисан? Биламан, қўлингда султоннинг фармони бор.  
Бироқ одамларга нисбатан салгина бўлса ҳам иззат-ҳурмат кўрсатсанг  
бўлмайдими?..

Таҳсилдор саросимага тушди, талмовсиради. Буни сездирмаслик учун  
аскарларига дағал бир овозда буюрди.

- Нега бакрайиб турибсиз? Бу вайсаб тураверсинми? Султонни ҳақорат  
эттанини кўрмаяпсизми?

Аскарлар иккиландилар. Таҳсилдорнинг жони халқумига келди.

- Ҳаммангизни остираман! - деб ўшқирди у.

Ўлим кўрқуси ғолиб чиқди. Аскарлар кекса Содининг устига ташла-  
ниб, судайиб қолгунча калтакладилар.

Навбат бошқаларга келди. Ким эътироz билдирса тепкилашди. Таёқ-  
дан кўрқанлар омборининг калитини берди.

Таҳсилдор ўз одамлари билан қишлоқдан чиқаётган пайтда кекса  
Соди ўзига келди. Мўйсафид айтган илк сўзлар шу бўлди:

- Чингизхон бостириб келармиш, бизни тутқун этиб, зулм ўтказар-  
миш. Шу боис шаҳар мудофааси учун хирож тўлашимиз керакмиш...  
Нега?.. Чингиз деган мўғул хонидан ортиқми булар...

\* \* \*

Эртасига қишлоқка яна бир тўда отлиқлар келди. Олдинда қирмизи  
либос кийган киши бор. Қўлида бурғу.

Қишлоқ аҳли кечаги фалокатнинг такорланишидан қўрққани учун  
пастқам ерларга яширинди. Ҳадиксираб кузатишиди.

Қирмизи либосли киши қишлоқнинг ўртасидаги майдонга етгач, отининг жиловини тортди. Қўлидаги каттакон бурғуни оғзига келтириб, жар солди:

- Одамлару одамлар, эшитмадим деманглар. Қилич кўтаришга қодир ўн саккиз ёшидан эллик ёшига қадар бўлган кишиларнинг барчаси ўн кундан кечикмай Ўтрорга бориши лозим. Султонимиз жиҳод эълон этдилар. Мамлакатимизнинг муборак тупроғини мўғуллардан ҳимоя этамиз. Одамлару одамлар, эшитмадим деманглар...

Кишлоқ аҳли қирмизи чопонли киши хирож эмас, бошқа ниятда келганини билгач, аста-секин яширинган жойидан чиқиб тўпланди. Болалар қирмизи чопонли кишига яқин бордилар. У бақиришда давом этарди:

- Эшитмадим деманглар. Шахримизни мудофаа этмоқ учун муқаддас жиҳод эълон этилди. Динини, халқини, султонини севган ҳар бир киши, ўн саккиз ёшидан...

- Мўғуллар келаётганмиш, келаверсин. Улар булардан золим эмасдир ҳар ҳолда.

- Биз аскарликка бормаймиз, бу ерда қолган туғишганларимиз очликдан ўлсинми?

- Майли хизматга борайлик, юртимизни ҳимоя этайлик. Бироқ бу мамлакат кимники? Султон Мұхаммадникими ё бизникими? Кечагина султоннинг мамлакати дедилар, дон-дунимизни қоқиб олдилар, кекса Содини оёқ остига олиб тепкиладилар. Энди султоннинг бошига иш тушиб, аскар керак бўлиб қолдими...

- Борган бораверсин, биз аллақачон ўлиб бўлганмиз.

Аскарлар орага суқулди. Улар қўлларидағи хивични ўйнатиб таҳдид қилдилар. Жарчи бақиришда давом этди:

- Эшитмадим деманглар...

## САККИЗИНЧИ БҮЛİM

Чингизхон ғазабнок. Ноёб ноз-неъматлар, жанубий мамлакатлардан келтирилган анвойи меваларга тўла дастурхонга қўл ҳам урмади.

Дастурхон атрофида мўғул нўёнларидан ташқари чинлик элчи ҳам бор. Мен-Хун исмли элчи қўлидаги қоғозга нималарни дир ёзиш билан банд.

Чингизхон шароб ҳўплади. Эрондан маҳсус олдирган бу ичимликни яхши кўрарди. Хоқон учун қимиздан кўра шароб яхшироқ.

Чингизхон асабий. Мўйлови иягига осилиб тушган. Оғзи очилди де-гунча мўйловининг уни тўфонга дуч келган қамишдек титрайди.

Чодир ичидаги қўлга ўргатилган қоплон айланниб юрар, гоҳ-гоҳ Чингизхон ёнига келиб, оёғига суйканарди. Чингиз йиртқични жуда яхши кўрарди. Унинг яна учта қоплони бор эди. Хоқон баъзан асиirlарни қоплонга ташлатар, йиртқичларнинг маҳкумни тилка-пора этиб, ейшини ҳузурланиб томоша қиласди. Чингиз учун ов ва урушдан кейинги энг севимли эрмак шу эди.

Дастурхон атрофидагилар ўзаро сухбат ораси той ва хачир гўштидан тановул қилишади, устма-уст шароб ичишади.

Ниҳоят Чингизхон ўрнидан туриб, таҳтига чиқди. Таҳтнинг икки томонида олтиндан ишланган иккита қоплон ҳайкали ўрнатилган. Чингизхоннинг бу ҳаракати зиёфат охирига етганини билдиради.

Саркардалар ҳам оёққа қалиди. Чинлик хизматкорлар ҳар доимгидай сас чиқармай дастурхонни йигиштириб олишиди.

Барчанинг кўзи Чингизхонда. Уларни бу ерга муҳим қарор учун тўплашганини билишади. Ҳар ҳолда хоқон янги босқинга азм этган. Ажабо бу гал қайси бадбаҳт мамлакатга ўт қўйилади, қайси толесиз сultonнинг боши кетади?

Ниҳоят Чингизхон салмоқлаб сўзлай бошлади.

- Қаҳрамон мўғул қўмондонлари. Чин хукмдорининг элчиси доно Мен-Хун... Бурқа хоқоннинг элчиси Ашиғабу нўён... Эшитинг. Хораэмшоҳ тижорат учун борган бегуноҳ одамларимни ўлдирди. Пасткашлик қилди. Уни жазолашга қарор қилдим. Не қиласлик?

Сукунат чўқди. Сукунатни Жебе нўённинг саси бузди.

- Тожирларни ўлдирган, молларни талаган мамлакат жазоланиши шарт. Хоразм устига қўшин тортинг, кулини кўкка совурайлик. Султонни соқолидан судраб опкелайлик.

Тўқучар нўён бошқача фикрда эди.

- Жебе нўён бироз ҳаяжонда, - деди у. - Ваҳоланки, масалани ҳис-ҳаяжонга берилмай, ақл билан ҳал этмоқ лозим. Мен Хоразм султонига яна бир имкон бериб кўриш тарафдориман. Элчи юбориб, узр сўрашини талаб қиласйлик, тожирларимизни қатл этган волий Фойирхонни бизга таслим қилсин. Кўнмаса, у ҳолда шунга мос чора кўрилар.

Чингиз аввал Жебега қаради.

- Сендан худди шундай сўз кутгандим, Жебе, - деди у.

Сўнг Тўқучарга ўгирилди.

- Сендан ҳам шуни кутгандим, Тўқучар.

Шундан кейин Чингизхон барчага хитобан деди:

- Курт Жебе ҳали ёш, қизиқон, ботир. Шу боис уруш тарафдори. Тўқучар бўлса анча кексайди, тажрибаси ошди, мантиқ билан иш кўришга ўрганганд, шу боис Хоразм султонига яна бир имкон беришни хоҳлади. Хўш, сиз ким тарафидасиз?

Қўллар кўтарилиди. Уруш тарафдорлари кўпчилик эди. Чингизхон бош чайқади, хунук тиржайди.

- Йўқ, дўстларим. Уруш очадиган вақт ҳали келгани йўқ. Кўшинларимиз тўрт томондан йўлга чиқди, яқинда бу ерга етиб келади. Ўшанда юриш бошлаймиз. Унга қадар Тўқучар айтгандек қиласиз.

Орқага ўгирилиб, овоз берди:

- Донишманд Ҳожиб...

Донишманд Ҳожиб таҳт орқасидан айланиб, олдинга чиқди, тиз чўқди.

- Амрингизга мунтазирман, буюк хоқон.

- Дарҳол Хоразмшоҳга мактуб ёз. Муносиб элчи ҳайъати жўнат. Айтки, Фойирхонни бизга таслим этсан. Тужжорларимизни ўлдирганиллари учун султон узр сўрасин. Фақат шундагина авф этишимиз мумкин. Акс ҳолда уруш очамиз.

- Бош устига, буюк хоқон.

- Дарров ёзив опкел, муҳрлаб бераман. Кейин мактубни зудлик билан Самарқандга юборасан. Элчига тайинла, имкон борича иғвогарлик этсан.

Яна саркардаларига юзланди:

- Уруш очмаганим учун хафа бўлманг. Ҳаммангиз мени деб ўзингизни ўтга ҳам, чўққа ҳам уришга тайёр эканингизни биламан. Хоқонингиз сизга яхшилик ва муваффақиятдан бошқа нарсани раво кўрмайди. Ҳозирча тийилиб турганимиз яхшироқ деб ўйлайман. Кўп ўтмай мусулмон ўлкаларида истаганингизча ўйнаб-куласиз. Бу турган гап. Хоразмшоҳнинг жавоби қандай бўлишидан қатъий назар уруш очишимииз муқаррар.

Жебе Нўён бу сўзлардан ҳаяжонланиб, сакраб турди-да, бақири:  
- Лу! Лу! Лу! Лу!..

Бошқалар ва Чингизхон ҳам қўшилди. Чодирнинг ичи анча вақтгача улиган товушларга тўлди.

Қозиқларга боғлаб қўйилган отлар бу ҳайқириқларни эшитиб қулоқларини динг қилдилар. Сўнг кетма-кет кишинаб, эгаларига қўшилдилар.

\* \* \*

Мўғул элчиси маҳрамлари билан Самарқандга кириб бораркан, шаҳар қалин девор билан ўраб олинаётганини кўрди. Усталар ўн икки фарсахлик улкан ҳисорни тез қуриб битириш учун жонини жабборга бериб тинимсиз ишламоқда эдилар. Элчи ичидан кулди. Хоразм ҳозирланмоқда. Бироқ бу муаззам деворлар мўгулларга бардош беролмайди. Ичидан ўзини фидо этишга тайёр жангчилар бўлмаганидан кейин қалъя нимага ҳам яради... Элчи Хоразмда бундай аскарлар йўқ деб ўйлар эди. Зотан сultonнинг бераҳмлигидан халқ тўйган. Элчи буни жуда яхши билади.

Мўғул элчилари келганидан сulton Алоуддин Муҳаммад хурсанд бўлди. Чингизхон ундан қўрқиши аён. Бўлмаса элчи юборармиди? Аксинча, устига қўшин тортиши керак эди.

Элчиларни куттириб қўйиш учун ўтказаётган йигилишни атайлаб анча чўзди. Сўнг уларни магрур бир қиёфада қабул қилди. Тахтининг икки томонидан жаллодлар жой олди. Сulton элчига дабдабали қўриниш ниятида эди.

Элчи ичкарига қаддини ғоз тутиб кирди. Сultonга бош эгиб таъзим қилмади ҳам. Сulton аччиқланди, аммо элчининг сўзларини жим туриб эшитди. Элчи сўзининг охирида деди:

- Тожирларимизнинг ўлдирилгани буюк хоқонимизни қаттиқ ғазаблантириди. Унинг ғазабидан қўрқинг, акс ҳолда мамлакатингиз остин-устун бўлади. Хоқонимиз Фойирхоннинг жазосини ўзи бермоқчи, шу боис уни топширасиз, бундан ташқари бу ҳодиса учун узр сўрашингизни амр этдилар.

Охири жумлани эшитиб, Хоразмшоҳнинг жон-пони чиқди. Элчи аввал бошданоқ ғаламисона тарзда сўзлаётгани сultonнинг эътиборидан қочмаган эди. Сакраб турди-да:

- Ўчир-э, нодон! - деб ҳайқирди. - Сенинг шалтоқ хоқонинг ким бўлибдики, менга амр берса?! Ҳаддидан ошмасин. Тиз чўк дарҳол!..

Элчи қимирламади. Аксинча, қўполлик билан деди:

- Тужжорларимизни ўлдирдингиз. Ўтрорда мўғул қони тўкилди, бунга мусулмон қони билан жавоб берасиз.

Тўнғич ўрнидан иргиб турди. Бирор йўлини тўсмасдан илгари ўткир ханжарини элчининг биқинига санчди. Ханжар сопигача ботиб кирди.

- Тўнғиз қўп!..

Темур Малик сакраб. Тұнғиқхонни тутди, бироқ кечиккан эди. Элчи ерда типирчилаб жон берди. Қимматбақо Бухоро гилами қонга бүялди. Элчининг маҳрамлари тислана-тислана саройдан чиқиши. Дархол отларига миниб, шаҳарни тарк этдилар. Бу ёмон хабарни тезроқ Чингизхонга етказиш учун отларини қамчиладилар.

Хабарни эшитган Чингизхон гангиди. Бунчалик бўлар деб ўйламаганди. У Хоразмшоҳ бу қадар жасорат кўрсата олишига ишонмас эди.

Қисиқ қўзларини бақрайтириб, хабарчиларга тикилиб қолди. Анчадан сўнг ҳеч нарса демай отига сакраб минди-да, тоғ томонга елиб кетди.

Бир гор олдига келиб тўхтади. Отидан тушди. Қўлини оғзига карнай қилиб, қичқириди:

- Кўкча, Кўкча!..

Ичкаридан заиф, титроқ товуш эшитилди:

- Қаттиқ қизишган кўринасан, Темучин.

- Кўкча ота, чиқ бу ёққа, Темучиннинг бошига ёғилган балолардан боҳабар бўл. Кўрмайсанми номард сultonни, элчиларимни ўлдирди...

Кексайиб қартайган, узун соқоли белига тушган паст бўйли, қотма бир чол кўринди. Қўлида ёғоч ҳасса.

У машҳур мўғул донишманди Кўкча эди. Уни барча ҳурмат қилас, ундан ҳадиксирадар эди. Одамлар Кўкча хоҳлаган вақтида истаган жойига яшин ёғдира олишига ишонишарди. Кўкча Кўктангри билан доим суҳбатда бўлади, деган миш-мishлар тарқалганди.

Чингизхон шомонлардан кўра Кўкчадан кўпроқ чўчир, айни вақтда унга астойдил ишонар ва бошига иш тушган энг мушкул вазиятларда ундан кўмак сўраб келарди.

- Не қилайлик, Кўкча ота?

Кўкча кулимсиради.

- Сен офтобнинг қучогига сиғмайдиган бир мамлакатнинг ҳукмдорисан. Сен барча душманларини тиз чўқтирган хоқонсан. Мен каби ожиз нотавон кексадан ёрдам сўраганинг нимаси, Темучин?

- Буларни сўйлашнинг ҳожати йўқ, Кўкча ота. Тутинган ўғлинг қийин аҳволда. Хоразм урушга чорляяпти. Қарши чиқмайликми?

Кўкча бироз ўйлаб олгач:

- Қани, бир бошдан айт-чи, - деди.

Биргалашиб горга кириши. Бир бурчақда гулхан ёниб турарди. Гулхан ёнида кўлга ўргатилган бўри ётибди. Ўн икки ёшлардаги бир бола бўри билан ўйнашади.

Кўкча боши билан ишора қилди.

- Булар менинг қадрдонларим, - деди у. - Икковини ҳам фарзандликка олдим. Улардан бошқа ҳеч кимим йўқ.

- Мен-чи? Мен яқинларингдан эмасманми, Кўкча ота?

- Ҳар доим ёнимда бўладиганларга эҳтиёжим бор. Ёнимда тирик жон бўлмоғи керак.

Чингизхонга юзланди.

- Қани, бошла ҳикоянгни.

Чингиз майда-чуйда тафсилотларини ҳам қолдирмай батафсил сўзлади...

Кўкча хаёлга чўмди.

Ниҳоят бошини кўтарди. Гулханга тикилди. Кўз қорачиги кенгайди. Кўзлари катта-катта очилди. Бутун борлиги кўзга айлангандек бўлди. Кўзлари порлаб, ичидаги учқун ўйнади. Кўлларини оловга узатди.

- Ўт, ўт, ўт, - дея ингради у. - Ҳар тараф ўт ичидаги. Бутун дунё ловуллаб ёнмоқда. Ҳар ер оташ ичидаги. Ўтрор, Бухоро, Самарқанду Гурганж, мағриб мамлакатлари ўт ичидаги. Қон дарё бўлиб оқмоқда... Ҳар томонда мурдалар, мурдалар...

Кўзларини гулхандан зўрга уэди.

- Бутун Хоразмга ҳоким бўласан, Темучин, - деди у. - Аммо тарихда ёмонотлик бўлиб қоласан.

Чингизхон сесканди.

- Нега энди?

- Чунки барчага зулм ўтказасан, обод шаҳарларга ўт қўясан, олимларни ўлдирасан, не-не буюк мутафаккирлар кўз нури тўкиб ёзган ноидир асарларни гулханда куйдирасан...

- Қилмайман бу ишни...

- Бу сенинг ихтиёргингда эмас, руҳингга кириб олган алвости тўймоғи лозим!

Чингиз ўрнидан турди. Кўкча ҳақиқатни айтган эди. Ичини таталаётган қонхўр алвости ҳеч тўймасди. Бир ой қон тўқмаса ақлдан озиш даражасига келиб қолади. Демак калла олиши, қон тўкиши лозим.

Чингиз оҳистагина ташқарига чиқиб, отига минди. Тепадан от чоптириб тушди-да, чодирига биқиниб олди.

\* \* \*

Хоразм мамлакати урушга ҳозирлик кўрмоқда. Шаҳар деворлари бўйлаб чуқур хандақлар қазилмоқда, қалъалар таъмиранланмоқда. Йўлларга дидбонлар қўйилди. Ўйин-кулгу юракка сифмайди. Барчанинг қовоғи солик. Ҳар ким ўзига топширилган вазифани бажариш билан банд.

Таҳсилдорлар ўлканинг ҳар тарафида изғиб, икки йиллик хирожни зўрлик билан ундирамоқда. Бу раиятда нафрат ўйғотиб, давлатдан совутган эди.

Хоразмшоҳ маъмурларининг зулм ўтказаётганидан бехабар. Бироқ кундан кунга кучайиб бораётган норозиликни сезиб турарди. Султон умумий қийинчилик сабабли шундай бўлаёттир деб ўйлар, зафар қозониши билан ҳамма нарса яна ўз изига тушиб кетишига ишончи комил эди.

Самарқанд қумурска уясига ўхшарди. Қишлоқлардан олиб келинган

усталар ва хұнармандлар шаҳар атрофида баланд ва қалин девор күтартған, әнді бўлса девор тагида чуқур хандақ қазиётган эдилар.

Султон ишнинг боришидан мамнун. У тез-тез қалъадан чиқиб, ишни назорат этиб турарди.

Бир гал хандақ қазиётган ишчиларнинг жон койитмаётганини кўриб, жаҳзли чиқди.

- Илдам бўлинг! - деб бақирди у. - Акс ҳолда мўғуллар ярим-ёрти қазиган бу хандақни мурдаларингиз билан тўлдиради.

Ишчиларнинг илдамлашиши учун шу таҳдиднинг ўзи кифоя бўлди.

Саркардалар аскар тўплашда давом этаётир. Қуролланган ва отлиқ йигитлар пешма-пеш шаҳарга келмоқда. Улар тегишли маҳкамаларга учраб, аскарликка ёзилаётган эдилар. Рўйхатлар тўлиб кетди.

Отлиқ ёйандоз қисмлардан ташқари, пиёда наизабоз қисмлар ҳам тузилди. Ишлар жадаллашди. Мўғулларнинг келишиига шай бўлишиди.

Хоразмишоҳ аввало мўғул чегарасида жойлашган барча қишлоқларни ёқтириди, аҳолисини ичкарига кўчирди.

Шу йўл билан Чингиз мабодо бу ерларни истило этса, бошпана ва озиқ-овқат тополмайдиган бўлди.

Бироқ бу қишлоқларда яшаган кишиларнинг кўпчилиги қаттиқ ранжиди. Кўчирилган жойлари уларга ёқмади. Анча-мунчаси қочиб кетди, қораҳитойлар ютидан ўтиб, Чингиз қўшинига қўшилдилар.

Бундан султон мутлақа бехабар эди. Унга қишлоқлар ёндирилгани, аҳолиси яқин қишлоқларга кўчирилгани тўғрисида ҳисобот беришиди холос.

Ниҳоят Чингизнинг қўшини йўлга тушиб, чегарадаги баъзи қишлоқлардан ўтгани, Ўтрорга суръат билан яқинлашгани тўғрисида хабар келди. Селдек ёйилган бу хабар дилларга даҳшат ва қўрқув солди.

1220 йил боши Самарқандда ҳарбий фаолиятлар ниҳоятда қизғин тус олган пайтга тўғри келди.

Шоҳ барча саркардаларини катта саройга тўплаб, сўнгги вазият ҳақида маълумот берди ва маслаҳат солди.

Ҳар ким билганини сўзлади.

Қипчоқ хонларидан бири деди:

- Султоним, Чингизхон ўз мамлакатини беш қўлдай яхши билади, аммо бу ерларни билмайди. Қўйиб беринг, мамлакат ичига кириб кела-версин. Кейин уни бўғиши осон кўчади.

Бошқа бир хон бу фикрни маъқуллади.

- Дўстимиз тўғри гап айтди. Керак бўлса қалъа девори тагига келишин. Бухоро билан Самарқанднинг деворлари жуда мустаҳкам. Бир эмас, мингта Чингиз бирлашса ҳам қўлидан ҳеч нарса келмайди.

Темур Малик ортиқ чидағ туролмади. Ўтирган жойидан ғазаб билан қичқирди:

- Хиёнат бу..

**Султон Мұхаммад унга ўғирилди:**

- Нима хиёнат?

- Бу хоннинг сўзлари. Бошдан оёқ хиёнат бу. Эси жойида бўлган бирон киши душман бемалол қалъа тагига қадар келаверсин, деб тавсия этмайди. Мўгулларни кўрганлар яхши билишади. Улар ҳамма ёқса ўт қўйиб, кулини кўкка совуради. Булар Хоразм ҳалқига зулм ўтказдиришини қайси калла билан таклиф этяпти ўзи?..

- Хўш, сенинг фикринг қандай?

- Хотинларга ўхшаб қалъа ичига бекиниб ўтириш эркакларнинг иши эмас. Кўл қовуштириб ўтирмай, душман билан урушмоқ керак. Жонидан кечмайдиганларга орамизда ўрин ийўқ.

- Кўп яхши. Аммо сен Чингизхон аскарлари билан жанг қилган вақтимизда урушга қарши чиққан эдинг-ку.

**Темур Малик аччиқ кулди.**

- Ҳа, шундай бўлганди, - деди у. - Мен ухлаб ётган илонни бозовта қилмаслик тарафдори эдим. Чингиз ҳали бизга тиш қайрамаган, балки бу ҳақда ўйламаган ҳам эди у пайтлари. Босқин қилдик, карвонини тала-дик, шунда ҳам фиқ этмади. Охири элчиларини ўлдирдик. Ўзимиз уруш тарафдори бўлиб чиқдик, уни шунга мажбурудик. Уруш тарафдори бўлган хонлар бўлса энди қалъаларга бикиниб ўтиришни тавсия этмоқдалар. Улар Хоразм мамлакатини қурбонликка келтирилган қўй каби мўғул қиличи остига ташлашга уринмоқдалар. Бу хиёнат бўлмай не?

Султон низонинг олдини олиш ниятида шоша-пиша ўғлига юзланди.

- Сен не дейсан, Жалолиддин?

**Жалолиддин ҳурмат билан ўрнидан турди.**

- Қалъада кутиб ўтирасак бўлмайди, султоним. Душманни очиқ майдонда урушишга мажбур қиласлик. Ўшанда ғолиб чиқишимиз мумкин. Қалъага бекинсак қўшинимиз нақадар кучли бўлса-да, узоқ давом этадиган қамалга дош беролмайди. Егулик ва сув ўлчоғлиқ бўлса...

- Яъни сен ҳам Темур Маликнинг фикрини қувватлаясан...

**Жалолиддин бошини эгди. Султон ўшқирди:**

- Сиз бир-бирингиздан бошқача фикрлай оласизми йўқми? Нима кин-дигингиз бирми? Демак, ҳар икковингиз очиқ майдонда жанг қилмоқчи-сиз, шундайми?

**Темур Малик иргиб турди.**

- Шундай, султоним, - деди у. - Очиқ майдонда урушишни хоҳлай-миз. Чунки очиқ майдондагина ғолиб чиқишимизга ишончимиз комил. Мўгулларни қалъа ичидан кутиб ўтириш ўлим деган гапдир. Мудофаа эмас, хужум қилмоғимиз керак. Агар жангчи мудофаадан бошқа нарса-ни билмаса у мағлубиятга маҳкум.

Хонлардан бири Темур Маликнинг сўзини бўлди.

- Бундай бўлиши мумкин эмас! Чингизга хужум этиш ақлдан эмас. Сен султонимизни хавф-хатар ичига отмоқчисан. Биз бунга рози эмас-

миз. Султонимизнинг ҳаёти биз учун азиз. Керак бўлса, тоғларга чеки-  
намиш, у ердан Фазнага кетиб, янгидан лашкар тўплаб, Чингизга ҳужум-  
га ўтамиз.

Темур Малик унга истеҳзо билан қаради.

- Шундайми? - деди у. - Сўрасам бўладими, ҳозир қўлида бор қўшини  
билан ўлкани мудофаа этолмаган султон кейинчалик қандай қилиб Фаз-  
нада янги қўшин тўплаб, Чингизни мағлуб эта оларкин? Тўгрисини айт-  
ганда, ҳайрон бўлмай илож йўқ...

Султон Алоуддин Муҳаммад жаҳл билан қаддини ростлади. Мўйна  
пўстинининг этагини ёпди. Унинг юзига қон тепган эди.

- Демак, илло майдонда урушмоқни хоҳлайсиз. Хўп, Темур Малик,  
минг кишини ол-да, Чингизнинг қароргоҳини топ. Босқин қил. Ундан  
кейин Хўжанд қалъасига кет. Сени ўша қалъага қўмондан этиб тайин-  
лайман.

- Амрингиз бош устига, султоним.

Жалолиддиннинг олдида тўхтади.

- Мендан рози бўл, жигарим.

Жалолиддин дўстини қаттиқ қучоқлади. Кўзлари ёшга тўлди. У Тे-  
мур Маликка буюрилган иш уни ажал қучогига ташлаш экалигини би-  
либ туради.

- Мен ҳам бораман, - деда пичирлади Жалолиддин.

Темур Малик секин деди:

- Сенинг жойинг отангнинг ёнида. Султонни ёмон кўзлардан аспа.

Саркарда гурс-гурс қадам ташлаб чиқиб кетди.

Уч кундан кейин султон яна қурултойни тўплади. Шаҳарга яқин қиши-  
лоқларда пакана от мингнан суворийлар пайдо бўлгани ҳақида хабар кел-  
ган эди. Султон бекларидан сўради:

- Не тадбир кўрмоқ керак?

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Султон бармоғини Жалолиддинга нуқиди.

- Сенинг фикринг қандай?

Жалолиддин ўйчан жавоб берди:

- Қўшинни қалъага қамаб ўтиришдан фойда йўқ.

- Ҳалиям ўша-ўша фикрдамисан?

- Худди шундай...

Султон ҳеч нарса демади. Беклар, хонлар, саркардаларни назардан  
ўтказди. Яна бир бор тикилди, бироқ излаган одамини топмади.

- Темур Малик қаерда?

- Ёнига минг кишини олиб, Чингизхон қароргоҳига босқин қилишини  
буюрган эдингиз, унутдингизми?

Султон афсусланиб бош чайқади.

- Биз дарҳол йўлга чиқ демагандик-ку, - деда минғиллади у.

Темур Маликнинг йўқлиги султонга жуда-жуда билинмоқда эди.

## ТҮҚҚИЗИНЧИ БҮЛИМ

Чингизхон ўтовларни йигишириб, юришга ҳозирланишини буюрди. Сүнг отига миниб, хотини Бўртанинг ёнига кетди.

Бўрта унинг биринчи хотини. У хийла қартайган ва семириб кетган. Бўрта ўтов ичидаги пўстак устида ўтиради. Ўтов туйнугидан юлдузларга боқиб, ёшлигини эслар эди. Бирдан туёқ товушини эшишиб, ўгирилди. Чингизхонни кўрди дегунча чўккалади.

- Буюк хоқон, - дейа минғиллади у.

Чингизхон отдан тушиб, Бўртанинг ёнидан жой олди.

Анчагача юлдузларни томоша қилишди. Охири хотин сўради:

- Нега бемаҳалда ўтовларни йиғдиряпсиз, буюк хоқон?

- Чунки бу кеча мен учун хайрли.

- Онангиз сизни бу кеча туққанми?

- Йўқ, онам менинг туққан кечага лаънат бўлсин. Бу кеча бўлса мен учун қувончли кечадир.

- Хабарим йўқ экан?

- Нимадан?

- Дунёга келганингиздан мамнун эмаслигингиздан. Ваҳоланки, сонсаноқсиз аскарингиз бор, улар сиз учун ўлмоққа тайёр. Ўзингиз бориб кўрмаган мамлакатларнинг эгаси бўлсангиз. Кўша-кўша хотинларингиз, бола-чақаларингиз бўлса. Ҳеч кимнинг қўлидан келмайдиган ишларни уддаладингиз. Яна нега ўзингиздан мамнун эмассиз?

Чингиз бош чайқади.

- Мамнун эмасман, Бўрта! Аҳволимдан мамнун эмасман. Айтганларингнинг ҳаммаси бор, аммо ўлим ҳам бор. Барибир ўладиган бўлганингдан кейин булар татирмиди?

- Буюк бир жаҳонгир ўлимдан қўрқиб қопти-да.

- Масхаралама, Бўрта. Мени сен тушунмасанг, ким ҳам тушунарди. Кўз очиб кўрган хотинимсан, оғир кунларда ёнимда бўлдинг. Шуни билки, эсига ўлим тушган чоқда эринг довулда қолган япроқдай титрайди. Мен ожиз қолган, ололмаган ягона қалъя бу ўлим қалъасидир. Ҳа, ўлиб кетаман. Искандар Зулқарнайн ҳам ўлган. Мен ҳам ўлиб кетаман. Ҳаф-

тафаҳм донишмандларим ўлимнинг чорасини топа олмаяпти.

Кўзлари сузилди. Анчагача кўкка тикилиб қолди. Ҳар тараф ёп-ёруғ. Тўлин ой сеҳрли нур сочарди.

- Бу кеча мен учун хайрли, - деди Чингиз ниҳоят. - Хайрли кечада, Бўрта Негалигини биласанми?

Бўрта ҳозиргина эшитган гапларидан ҳайратга тушган эди.

- Нега?

- Олдинги вақтларни, йигирма йил олдинги даврни бир эсласанг-чи. Ҳа, роппа-роса йигирма йил олдин худди мана шундай ойдин кечада эди. Ниҳоятда гўзал бўлган эди. Ўша кечаси ҳам осмонда тўлин ой бор эди. Юлдузлар жимирилаган, чор тараф кундузлек ёп-ёруғ. У вақтда ёнимда кичкина бир тўда бор эди, холос. Отамнинг ўлимидан юрагим доғланган, она айрилиғидан қалбим вайрон эди. Ёш ва соғлом эдим, кучга тўлган пайтим. Овга чиққандик. Мана шу овул этагидан бошланадиган тўқайга ўхшаш катта бир ўрмонда йигитларим билан ов қилиб роса чарчагач, дам олишга тўхтаган эдик. Оёғимизни эндиғина чўзган ҳам эдикки...

Қўлини шартта қиличига чўзи.

- Бирдан бир аёлнинг чинқиргани эшитилди. Шу заҳоти қиличимни сугуриб, от устига сакрадим.

Бўрта сеҳрлангандай қотиб қолганди. Нафасини чиқармай, эрининг сўзларини тингларди. Гап нима устида бораётганини эндиғина англаб етди. Хоқон жим қолди дегунча гапни ўзи давом эттириди.

- Мени олиб қочиши учун келган уч кишининг устига яшиндек бостириб келдингиз. Қароқчилар эс-хушини йиғиб олгунча иккитасини ўйдирдингиз. Учинчиси қочиб кетди. Ўшанда ой нурида бир-бириғимизга тикилиб қолгандик. У пайтлари ёшгина қиз эдим.

Бош чайқади.

- Йил кетидан қувиб йил ўтди. Умр Иргиз дарёсидай оқиб ўтди кетди. Сассиз-садосиз оқди кетди... Қандай ҳузунали бу... Сочимга оқ тушмасданоқ устимга хотин олдингиз. Бўртани сўриб ташланган узумдай бир четга улоқтиридингиз. Чидадим. Ичим зардобга тўлди. Энг қаттиқ хафа бўлган кунимни биласизми? Кулон Хотунни олган кунингиз эди бу кун. У ёш, гўзал эди. Энди мени бутунлай унутасиз, деб йиғлаб тонглар оттирдим. Ҳақиқатдан мени унутдингиз ҳам. Ҳафталар ўтди, ойлар ўтди, ўтовимга қадам босмадингиз. Лоақал бирорни юбориб ҳолимдан хабар олмадингиз. Оғир кунларда ёнимда бўлган Бўрта не қиляпти деб ўйламадингиз.

Бўртанинг кўзларидан шашқатор ёш оқди. Тиззаларига томчилади. Бўрта семиз қўлини орқаси билан ёноқларини артди.

- Кўп жафо чекдим, улуғ хоқон. Аммо қозонгтан ғалабаларингиз ярамга малҳам бўлди. Сиз учун доим Кўктангрига илтижо этдим.

Чингизхон Бўртанинг қўлини қўллари орасига олди.

- Бўрта, - деди у. - Сени ҳеч қачон унугтаним йўқ. Кулон Хотун хафа

бўлмасин деб ёнингга келмадим. Сен менинг дардошимсан. Сени эсдан чиқариш мумкинми ёч? Барча хотинларим бир ёнда, сен бир ёндасан, Бўрта. Кўктангри урсин уларни.

Бирданига қаттиқ шовқин-сурон кўтарилиди.

- Хоқон қаерда? Хоқон қаерда? - деган бақириқлар эшитилди.

Қиличларнинг жаранг-журунг товушлари орасида Жебенинг овозини таниди. Чақмоқдек отилиб чиқди. Бир сакрашда отига минди.

- Лу! Лу! Лу! - дея наъра тортди у. Овоз бериши:

- Буюк хоқон!

- Келдим.

- Бизни босишиди..

- Алвости олсин. Ҳа, босишиди. Қани, тез тўпланинг.

Бургулар чалинди, қиличлар шақирлади, ўқлар визиллаб учди...

- Уринг!..

- Доира шаклида тўпланинг!..

- Ўлдиринг номардларни!

- Йўлдан қоч!

Йўғон бир сас бошқа товушларни босиб кетди:

- Ўлдиринг, Хоразм арслонлари!..

Орқасидан Сарик Лагўт наъра тортди:

- Ур, Темур Малик!..

- Ур, лочиним!..

Шундан кейингина мўғуллар ким босганини билишди. Чингизхон тишларини гижирлатди.

- Атрофини ўраб олинг. Ҳаммасини қиличдан ўтказинг.

Қурт Жебе Темур Маликнинг пайига тушди. Иккови ўртасида омонсиз олишив бошланди. Рақиблар усталик билан қилич солиб, бир-бирини қўлга туширишга ҳаракат этишарди.

Қурт Жебе биринчи бор бундай кучли душманга дуч келганини ўз-ўзига эътироф қилди. Темур Маликнинг хаёлидан ҳам шундай фикр ўтди.

Жебе билганича хоразмча сўзлашга уриниб деди:

- Кимсан?

- Менга Темур Малик дейишади.

- Ўша машхур саркарда сенмисан?

- Ҳа, билдинг.

- Менга Қурт Жебе дейишади.

- Сени ҳам баҳодир жангчи деб эшигтанман.

- Ҳа, шундай ном қозондик.

- Сенинг йигитлигинг бегуноҳ болалару кексаларни ўлдиришда эмиш!

Қурт Жебе қаҳ-қаҳа отди.

- Бундай қилганим эсимда йўқ. Бу гал шундай қилсам ажаб эмас.

- Ҳа, бу сенга ярашади!

- Узоқ кетдинг йигит, ма, ол шуни!..

Темур Малик отини тезда ён томонга буриб, қутулди. Дархол қарши хужумга ўтди.

- Қўлингдан келмади, Жебе нўён. Ма, ол буни!

Бироқ Жебе ҳам бўш келмади.

- Ўхў, - деди у. - Роса айёр экан-ку.

Ярим соатча олишдилар. Иккови ҳам чарчади, бироқ ҳеч ким голиб чиқмади. Бир-бирига қойил қолиши. Бундай кучли рақибга ҳалигача дуч келишмаган. Темур Малик буни сўйлашдан тортиниб ўтиrmади.

- Моҳир қиличбоз экансан, Жебе нўён.

- Сен ҳам тузук экансан, Темур Малик.

- Сенга ўхшаган бир мард йигит бу қашқирлар ичига қандай тушиб қолди экан деб ҳайрон бўлаётirман.

Қурт Жебе жавоб ўрнига шашт билан қилич солди.

- Ол шуни, кейин ҳайрон бўлавер!

Бироқ зарба кучли эмасди. Темур Малик осонгина чап берди. Ҳеч нарса бўлмагандай сўзида давом этди:

- Ростдан ҳам ҳайронман. Мўгуллар орасида сенга ўхшаганлар ҳам бор экан-да.

- Мўгул қўшинида менга ўхшаганлар тиқилиб ётибди, йигит.

- Мурдаларингизни санаган вақtingда буни янада яхшироқ билиб оласан.

- Кутулиб кетаман деб ўйлаяпсанми ҳали?

Темур Малик фурсат топиб, атрофга кўз ташлади. Йигитлари ишини қилиб бўлган, уч-тўрт кишилик гурухлар ҳолида ўрмон томонга чекина бошлаган эдилар.

- Худонинг хоҳиши билан мен қиладиганимни қилиб бўлдим, Қурт Жебе. Яқинда кўришиб қолармиз.

Тезда отининг жиловини тортди.

- Ҳой!.. Қаёққа?

- Сени Оллоҳга топширдим, Жебе нўён, яқинда яна кўришамиз.

Жебе Темурнинг орқасидан от кўйди. Анчагача от чоптириди. Бир пайт орқасига ўғирилса ҳеч ким йўқ. У тўхтади.

- Лаънат сиздай навкарларга! - деб бақирди орқасига қараб. - Ҳақиқатдан ёш болалару қари-қартангни ўлдиришдан бошқа нарсага ярамайсиз. Нега душманни таъқиб этмайсиз?

Жавоб олмагач, тезда орқасига қайтди. Аламзадалик билан Чингиз-хондан сўради:

- Нега уларни қувмадик?

Чингиз газабдан кўкариб кетганди.

- Ўзингни бос, - деди у. - Булар озчилик экан, ҳар ҳолда Хоразм қўшинининг илғори бўлса керак. Катта қўшин орқада. Кичкина бир тўданинг орқасидан қувиб, қопқонга тушайликми?

Жебе нўённинг эси жойига тушди. Ҳоқонга қойил қолди.

- Гапингиз тўппа-тўғри, - деди у. - Ҳақиқатдан булар илғор бўлса керак. Хоразмшоҳ айёрлик қилиб, бизни орқасидан қувдириб, тузоқка туширмоқчи.

- Ҳа, шундай! Аммо бунга лаққа тушадиган аҳмоғини топиб бўлиди.

- Не қилмоқчисиз, буюк ҳоқон?

Чингизхон бошини кўтарди. Атрофини ўраган саркардаларига қарди. Соқолини тортқилади. Қисиқ қўзлари билан осмонга тикилди.

- Бу кечада хайрли бир кеча, - деди у. - Йигирма йил олдин бўлгани сингари хайрли кеча. Қўшинни жангга сафланг. Хоразм қўшини бизга хужум қиласди деб ўйлайман. Бизни анча шошириб қўйишди. Бу уларга кўл келади. Ҳаммангиз жасоратли ва сабр-чидамли бўласиз, деб ўйлайман. Очигини айтсам, Хоразмшоҳ Мұҳаммад бу қадар тез ҳаракатга киришини кутмагандим. Сусткашлигимиз бизга зарар бўлди. Урушда биринчи бор хатога йўл қўйдим. Бу эса...

“Охиришим бўлиши мумкин” демоқчи эди. Аммо саркардаларининг шижоати сўнишидан чўчиб, айтишдан воз кечди. Унинг ўрнига бошқа сўзлар айтди:

- Бу эса сизнинг жасоратингиз ва қаҳрамонлигингиз туфайли тузатилиди. Ҳозир бўлинг, олдинда бизни қанчадан-қанча яғмолар кутмоқда.

- Лу! Лу! Лу! Лу!

Орқага қайтиб кетаётган Темур Малик ва йигитларигача эшитилди бу улишлар.

- Қашқирлар улияпти, эшитдингми Лагўт?

Сариқ Лагўт отини ниқталади.

- Эшитмай бўладими? - деди у. - Аммо бир нарсага тушунмадим: улар нега бизни таъқиб этишмади?

- Кўрқдилар, - деб жавоб қилди Темур Малик. - Бизни илғор қисм деб ўйлаган бўлсалар керак. Хоразм қўшини ўрмон ичидаги пистирма қўйган, деган фикрга борган улар. Қанийди шундай бўлса...

Афсус-надоматга тўла овозда давом этди:

- Кошки эди... Бироқ Чингиз тўғрисидаги гаплар афсонга эканлигини билиб олдик. Миш-миш тарқатиб, ўзимиз уни афсонавий шахсга айлантиридик. Чингиз тўғрисида тўхтамай гапириб, ҳалқни ҳам қўрқитдик. Оқибатда қўрмаган душмандан қочишга тайёр бўлиб қолдилар. Хоразмшоҳнинг ичига ҳам қўрқув оралаган. Биз билан шу босқинга қатнашганида қандай яхши бўларди. Шу ернинг ўзида мўғул қўшинини тор-мор этган бўлармидик.

- Ҳақиқатан султонимиз қўрқиб қолганми?

Нима бўлса бўлсин, бироқ Темур Малик Хоразмшоҳни қўрқоқ дея олмасди.

- У қўрқоқ эмас. Бироқ қипчоқ хонларининг сўзидан чиқмайди. Она сидан нега ҳадиксирашини ҳозиргача билолмадим. У бир хотин, сен

бўлсанг қудратли султонсан-ку! Нимасидан ҳуркади? Билолмадим. Ҳеч бўлмаса шаҳарларини мудофаа этолса яхши бўларди. Бундай бўлмас дейман, ҳар ҳолда қўрқоқларнинг сўзига кириб чекинса керак. Балки Эрон тоғлари томонга, у ердан Ҳиндистонга ўтишни ўйлаётгандир. Бироқ Чингизхоннинг ўғли Жўжи аллақачон бу йўлни эгаллаб, пойлаб ўтирибди.

- Қаердан билдинг?

- Буни билиш учун бир неча йил қўмондон бўлиш етарлидир. Чингиз аҳмоқ эмас. Балки ақлли ҳам эмасдир, бироқ унинг ёнида ҳақиқатан ақлли қўмондонлари бор. Курт Жебени биласанми?

- Номини эшитганман.

- Мен яқиндан танишдим, жуда яқиндан. Моҳир қиличбоз, ақлли душман. Яна бир марта кўришишини қанчалик хоҳлашимни билсанг эди.

Лагўт Темур Маликнинг Жебе билан урушганини тушунди.

- Бир-бирингизни енголмадингизми? - деб сўради у.

- Енголмадик. Вақт зиқ, бунинг устига кучлар тенг эмасди. Берган қароримизга кўра, босқин қилгач, мунтазам қисмлар ҳолида тартиб билан ўрмонга чекинишимиз лозим эди. Сиз чекинаётган эдингиз. Жанг ярим қолди. Яна қаерда кўришамиз, Оллоҳнинг ўзига аён...

- Бу уруш узоқ давом этади, деб ўйлайсанми?

- Узоқ дейсанми? Қаердан билай. Бу эҳтимолдан узоқ. Чингизхоннинг қўшини бизнивидан оз. Натижага эришмоқ учун у кучи борида шиддат билан ҳужум қилса керак.

- Енгиламиз демоқчимисан?

Темур Малик жим қолди. Сўнг отининг сафрисига бир шапалоқ уриб:

- Чууу! - деб қичқирди.

- Саволимга жавоб бермадинг, Темур Малик. Бир томондан кўпчиликмиз дейсан, иккинчи томондан енгиламиз дейсан...

- Жасур ва ақлли саркардаси бўлмаган қўшин қанча кўп бўлса-да, унинг қароқчи тўдасидан фарқи йўқдир.

- Жалолиддин бор-ку...

- У отасига қарши боролмайди. Ҳатто истаган тақдирда ҳам бундай қилолмайди.

- Нега?

- Кимда ким, ҳатто султоннинг ўғли бўлса ҳам, султоннинг амрига қарши чиқса жазоси битта.

- Яъни ўлим!..

- Энг камида зинданга ташланади. Мен ҳам неча ойлаб ҳибсда ётдим-ку.

- Жалолиддин ўлимдан қўрқадими?

- Йўқ, у ўлимдан асло қўрқмайди. Бироқ отасини қипчоқ хонлари қўлига ташлаб кетса янада оғирроқ фожеалар келиб чиқишини яхши билади. Шу боис у султон ёнида бўлиб, бало-қазодан огоҳлантириб турмоги керак.

Сариқ Лагұт жим қолди.

Дарахтлар орасидан сизилиб ўтаётган ой нури йүлни ёритарди. Чирилдоқлар чириллар, гоҳо бўри, гоҳо қашқир улиб қўярди.

Йўллар чексиз ва сассиз...

\* \* \*

Хоразмшоҳ Алоуддин Мұхаммад сарой қабулхонасида у ёқдан бу ёққа юради. Ёнида ҳеч ким йўқ. Хоразмшоҳнинг кўринишидан кимнидир кутаётгани маълум.

Саҳар яқинлашиб қолган, ой эндиғина ботиб, уфқ оқара бошлаган эди. Самарқанд бедор. Шаҳар аҳли анчадан буён кечалари мижжа қоқмайди. Душман бостириб келиши хавфи бўлганда кўзга уйқу келадими. Самарқандликлар тўхтамай ишлаб, деворларни мустаҳкамлашяпти.

Султон деразага яқин борди. Атлас пардани тортиб, ташқарига назар ташлади.

Сарой олдидаги боғда қад кўтарган дарахтлар катта ўрмонни эслатади. Яқиндагина бино этилган каттакон масжиднинг элас-элас кўриниб турган миноралари самога қўл очган фариштага ўхшайди.

Ногоҳ эшик очилди. Хоразмшоҳ астагина орқага қайтди. Ичкарига эшик олдидаги саккиз соқчидан бири кирган эди. Соқчи қўл қовуштириб деди:

- Тўнгичхон амрингизга мунтазир, султоним.

Султон Мұхаммад қўлинни гўё пашиша ҳайдайтганга ўхшатиб силкиди.

Тўнгичхон кирди. Салом бериб, султонга яқин борди.

- Оллоҳ давлатингизнинг умрини узоқ қилсин, султоним.

- Қанча узоқ бўлса ҳам сўнгимиз ўлим эмасми, Тўнгичхон?

- Оллоҳ ўлимни кечидан берсинг, олампаноҳ. Сизсиз нима қиласми?

- Бошқа бир султон топасиз қўясиз. Доим шундай бўлиб келган-ку.

Ўзлоқшоҳ яхши султон бўлади деб ўйлайман.

Тўнгичхоннинг юзида хавотир аломати зоҳир бўлди.

- Биз султонимиздан мингдан минг розимиз, Оллоҳ ҳам сиздан рози бўлсин.

- Сафсатани йигиштири. Тўнгичхон. Теэроқ бир чора топмоқ даркор. Чингизхон яқинлашиб қолган дейишишмоқда. Ўтрор устига юриш қилибди. Аввало Ўтрорни олиб, Фойирхонни жазолар эмиш, ундан сўнг Самарқанд, Бухоро, Гурганжга навбат келармиш.

- Оллоҳ ўз паноҳида сақласин.

- Сақласин деб Оллоҳ бизни бу ўлканинг ҳукмдори қилди, қуллари ни қўлнимизга топширди. Аммо биз нима қилдик?..

- Давлатни кенгайтирдик, ҳазрати олийлари.

- Етарли бўлдими? Катта давлатнинг дарди ҳам катта бўлади. Оқилона тадбир олиш ўрнига, осон йўлдан бориб ҳалқдан хирож ундириши

маъқул тоңдик. Биз тўқликка шўхлик қилганимизда раиятимиз очликдан қирилди. Менга ҳамма ёқ гулистон дедилар, табаамнинг оч-яланғоч қолганини, азият чекаётганини айтмадилар. Нега бундай қилдингиз, Тўнғичхон?

Тўнғичхон ер чизиб қолди. Сўзлашнинг фойдаси йўқ. Султонга бир гап бўлган. Жим тургани яхшироқ.

- Раиятим оч-наҳор ўтирган бир вақтда мен овқатдан бездим. Раиятим азоб чекканида мен завқ-шавққа кўмилдим. Раиятим бир парча ерга зор ўтирганида мен бекларимга шаҳар устига шаҳар инъом этдим... Қани ўша беклар, қаерда улар? Нега кўринмай қолди улар?

- Биз шу ердамиз, султоним.

Алоуддин Мұҳаммад бармоғини Тўнғичнинг кўксига қадади.

- Сен-ку шу ердасан, бироқ ҳамтовоқларинг қани? Бошқа беклар, саркардалар-чи?

- Улар шаҳарларни мудофаа этиш учун жўнаб кетишли.

- Кулдирма мени... Ҳаммаси қалин деворлар орқасига пусиб, жонини қутқариш пайида. Ё нотўғрими?

Хон жавоб ўрнига ерга қаради.

- Нега индамайсан, Тўнғичхон? Ё сўйлаганларим тўғри эмасми?

- Султоним, бекларингиздан нега хафа бўляпсиз? Уларнинг ҳаммаси яхши саркарда. Шаҳарларни мудофаа этмоқ даркор, аскарларнинг бошига қўмондан керак. Ҳали кўрасиз, Чингизнинг аскарларига қон қустришишади. Ҳатто шаҳримизга хужум қилмайди ҳам...

- Илоҳо шундай бўлсин. Бўлмаса бу одамлар қалъадан ташқарига бир одим ҳам отмайдилар...

Анчагача жим қолиши. Сўнг Алоуддин Мұҳаммад сўради:

- Самарқандда қолсакмикан ё Бухорода? Не дейсан?

Тўнғич бу саволни кутган эди. Ҳаяжон билан сўзлай бошлади:

- Самарқанднинг деворлари мустаҳкам. Бу ерга Чингизнинг тиши ўтмайди. Кўшинингизни олиб бу ердан кетаверсангиз бўлади. Бухородан ҳам анча-мунча аскар олишингиз мумкин. У ерда юз минг баҳодиримиз бор. Шаҳар мудофаасига эллик минг аскар кифоя. Қолганини олиб, Хуросонга, кейин Эронга кетасиз. У ерлардан лашкар тўплаб, Чингизхонга қарши чиқасиз. Чингиз дегани қуёшда қолган бир қисм қордек эриб йўқ бўлишига ишончим комил.

- Иншооллоҳ!

- Инонинг, олампаноҳ. Бу ерда қолиш сиз учун хатарли. Оллоҳнинг ўзи сақласин, мабодо сизнинг муборак жисмингиз қазога учраса бошсиз қолган қўшиннинг қўлидан не келади? Бу ерда қолиш фалокат демакдир. Шу сабабдан бу шаҳардан кетишингиз лозим.

Алоуддин Мұҳаммад узоқ ўйлади. Соқолининг бир нечта оқ түкини юлди.

- Демак, кетишим керак, шундайми?

- Албатта кетишиңгиз керак. Биз қатра қонимиз қолгунча шаҳарни мудофаа этамиз. Яқында зафар қозонамиз. Шунда олам-олам завқ-шавққа күмиламиз. Содиқ қипчоқ әрлари фидойилик күрсатадилар...

Султон құйл сильтаб, унинг сүзини бўлди.

- Қайси қипчоқ фидойисини айтяпсан, Тўнғичхон? Билмайсанми, ўтрорга ёрдам учун юборган йигирма минг қипчоқ хиёнат қилиб душман томонга ўтди-ку!

Қипчоқ хонининг ранги кум-қув оқарди.

- Ҳалиги, олампаноҳ... Сиз... сиз бундан хабардормидингиз?

Султон жаҳл билан ер тепди.

- Ўч-э! Сен бизни аҳмоқ деб ўйлаганимидинг?!

Эшикни күрсатиб ўшқирди:

- Йўқол!..

Қипчоқ хони титраб-қақшаганича тисарила-тисарила чиқди. Алоуддин Муҳаммад ўз-ўзига сўзланди:

- Шуларнинг пасткашлигини кўра-била туриб ғофил қолгансан эй банда. Сени ғафлатдан ким уйғота олади энди?

Дераза ёнида анчагача ўйлаб қолди. Аzon ўқила бошланди. Жарангдор бир овоз оҳиста-оҳиста самога юксалаверди. Султон тиз чўқди.

Кўп ўтмай имом келади ва улар бомдод намозини ўқийдилар. Султон ҳалиям бир қарорга келмаган эди. Кетишини ҳам, қолишини ҳам билмай довдирарди. Кетса жонини қутқаради, аммо эл-юртсиз бир султонга айланади. Қипчоқларнинг баъзилари хиёнат ўйлига кирганини ҳеч тушуниб етолмади. Улар неча йиллардан бўён шу давлатнинг нон-тузини еган эдилар-ку, қайси юз билан хиёнат қилдилар, қандай қилиб бир мажусий томонга ўтдилар? Чингизхоннинг сеҳрли туки бор, кўрган одам унинг ёнига ўтади-қўяди, деган миш-мишлар ростмикан ё?

Имом ичкарига кириши билан хаёли бўлинди.

- Ассалому алайкум, буюк султонимиз...

- Ваалайкум ассалом, сенмисан Қозизода?

- Бандангиз, султоним, доим ҳақингизга дуодаман.

- Таҳорат олган эдим, намозимизни ўқийлик.

Суннатни бажо келтиришди. Узундан узоқ тасбех ўгиришди. Қозизода имоматга ўтиб, фарзни қилдирди. Дуо ўқишиди. Музаффар этишини сўраб Оллоҳга илтижо этишиди.

Нихоят оёққа турдилар. Султон имомга ҳам ичини тўкиб солгиси келди.

- Қулоқ сол, сен Оллоҳнинг севган қулисан. Диққат билан эшиш... Менга бераётган маслаҳатларига кўра, шаҳарни тарқ этиб, аскарларим билан Хурносонга кетишим, у ердан бир қанча аскар олиб, Эрон тогларига чекинишим, яхши тайёргарлик кўргач, қайтиб Чингиз қўшинини яшин ургандек яксон қилишим керак экан. Бунга не дейсан?

Имом иккиланиб ўтирумай шартта жавоб берди:

- Бунга душмандан қочиш дейишади, султоним!
- Султон ўрнидан сакраб турди.
- Бу қандай гап?!
- Ҳақиқатни айтдим.
- Сен ҳақсан, аммо бошқа чора ҳам йўқ, шекилли.
- Нега бўлмасин, олампаноҳ? Нега душманни кўрмай турибоқ қочмо-  
қчисиз? Урушиб кўринг. Ҳақ таоло нени тақдир этганини ким билади.  
Балки Чингизхон қочар. Ким билади?
- Чингиз ниҳоятда кучли дейишади.
- Неча йил уларнинг ичида бўлдим. Тўғри, мўгуллар кучли, ботир,  
аммо бизчалик кўп эмас. Улар жасур. Биз ҳам жасорат кўрсатсан мағлу-  
биятга учрамаймиз. Мен бу мамлакатнинг нон-тузини едим, сувини ич-  
дим. Қарзим кўп. Мен шахсан ўз чекимга тушган ишни қилишга ҳозир-  
ман. Бу тупроққа мусулмонлар қони тўкилган. Султоним, бу замин учун  
яна қон тўксак арзиди.

Султонга имомнинг сўзлари мақбул бўлди. Бироқ шаҳардан кетиш  
фикри миясини пармалайверди.

- Ўйлаб кўрай, - деди у.

Қозизода чиқди. Султон яна ёлғиз қолди. Узоқ ўйлади. Охири яна  
Тўнгични чақиртириди. Яна саломлашишди. Тўнгичхон шаҳардан кетиш-  
га кўндириш учун султонни роса авради, ўлимдан сўз очиб, қўрқитди. У  
қилди, бу қилди, хуллас, султонни кетишга кўндириди.

Самарқандни мудофаа этиш учун келган минглаган кишилар ўлими-  
ни бўйнига олиб, жангга шайланаётган эдилар. Султон Муҳаммад улар-  
га бош бўлиш ўрнига соқчиларини эргаштириб, туш пайтида шаҳарни  
тарк этди. Қўмондон қочгач аскар не ҳам қиласди?

Жалолиддин отасининг орқасидан қон йиғлаб кетиб борарди. Охир-  
ги марта Самарқандга боқди. Кўзларини тўлдирган ёшини кафтининг  
орқаси билан артди. Исёнкорона сўради:

- Нега, урушдан нега қочаётимиз?

Тоғу тошларнинг тил-забони йўқ-ки, жавоб берса. Отаси бўлса оғзи-  
да қатиқ ивитгандай миқ этмади.

\* \* \*

- Ўтрор таслим бўлди...
- Ўтрор таслим бўлди...
- Ўтрор Чингиз қўлига ўтди...
- Имолчиқ Фойирхон қатл этилди...

Бухоро кўчаларида бақир-чақир авжига чиқди. Ваҳима кучайиб, са-  
росима бошланди. Кишилар бир-биридан сўрашади:

- Нима бўпти, қандай бўпти?
- Пакана от мингланлар шаҳарга бостириб кириб, ёшу қарини қатл

қилибди, құлига түшгән кишини қозыққа ўтқазибди...

- Ростданми? Дақшат-ку!
- Ваҳшийларнинг иши ваҳшат сочиш-да. Бироқ сенга бир гап айтай-ми, дўстим, биз шунга лойиқмиз.
- Не бўларкин, бу ёққа ҳам келишармикан?
- Яқин кунларда кеп қолишибади...
- Йўғ-э?!..
- Келаверсин. Бир томчи қонимиз қолгунча шаҳарни ҳимоя қиласиз.
- Ўлгунча урушамиз дейсанми, нега?
- Нега-пегасига бало борми? Ахир, бу ўз юртимиз-ку!
- Бу юрт Хоразмшоҳ Муҳаммадники эмасми?
- Уники ҳам.
- Унда нега қочди?
- Душман устига босқин қилмоқчидир балки...
- Ўзи кетгани етмагандай, эллик минг аскаримизни ҳам опкетди. Қочиши билади, аммо душман билан урушгиси йўқ. Афсус...
- Бизнинг вазифамиз душман билан урушмоқ.
- Тўғри. Аммо биз маҳкум этилганмиз. Лаёқатсиз саркарда бош бўлган кўшин ўлимга маҳкумдир.

Ҳар ким оғзига келганини айтди. Лекин бирининг сўзини бошқаси олмади. Барча ўз фикрини ўтказишга уринар эди.

Бухоро бекларининг мажлиси узоқ давом этди. Бироқ бирон-бир қарор-га кела олишмади. Эртасига тўпландиган бўлиб тарқалишиди.

Эртасига жума эди. Беклар жума намозини биргаликда ўқидилар, имом дилдан қилган дуога "омин" деб қўл кўтардилар. Сўнг барчasi мажлисга кетди.

Нишобурхон сўз олди.

- Буюк хонлар, улуғ беклар. Биз Хоразм учун маъсул кишилар ўла-рок бу мажлисга тўпландик. Кеча ёмон хабар олдик: Ўтрор таслим бўлибди. Қалъа қаҳрамонона мудофаа этилган, бироқ катта кучга дош беролмаган. Чингиз бу катта шаҳарга ўт қўйибди, вайрон этиби. Эртага Бухорони ҳам урушиб олса худди шундай қилиши тайин. Бу шаҳар омон қолиши керак. Бухоро илму урфон маркази, олимлар даргоҳидир. уни сақлаб қолишимиз лозим. Султонимиз шаҳарни биэга ишониб ташлаб кетди. У янгидан кўшин тўплаб, Чингизни янчмоқчи. Энди ўз фикримни айтай: Чингизнинг шаҳарни вайрон этмаслиги учун биргина йўл бор. У ҳам бўлса...

Бироз жим қолди. Оғзида турган мудҳиш сўзни айттолмай ямланди. Гўё бу сўз дудоқларини куйдирадигандек эди. Нихоят сўзлади:

- Шаҳарни таслим этишдир...
- Не гап бу?!

Айрим бекларнинг миясига қон урди. Соқоли оппоқ кекса бир бек ёш йигитлардек қизишиб ўрнидан туриб кетди:

- Нима деяётганингни биласапми? Ёки сен ҳам анави хонилар каби хиёнат күчасига кирдингми?

Нишобур унга еб қўйгудек бўлиб, қаҳр билан тикилди.

- Не сўйлаганимни яхши биламан, отахон. Сиз ёш боладек қизишманг. Қизиқонлик қилиб кераксиз гаплар айтиб юбордингиз.

Мўйсафид қизарип кетди. Бекларга ўгирилиб, деди:

- Қаранг, эй беклар! Сизга беклик унвони берган мамлакатни душманга топширишмоқчи-ю, сиз оғзингизга талқон солиб ўтирибсиз.

- Асло!..

- Бошқа чора борми ўзи?

Кекса бек ғазаб билан қичқирди:

- Бор!

- Не экан у, айтинг...

- Урушамиз, бир томчи қонимиз қолгунча олишамиз...

- Сиз ё нима деяётганингизни билмаяпсиз, ёхуд Чингизхоннинг кимлигидан бехабарсиз. Чингизхон ўзига қарши чиққанларни шу ҷоққача ҳеч кечирган эмас. Мен уни яхши биламан, золимлигини ўз кўзим билан кўрдим. Кирган мамлакатида ҳар тарафни, ҳамма нарсани яғмолайди, қўлга тушган одамни ўлдиради, шаҳарга бошдан-оёқ ўт қўяди. Сизга шу керакми?

Кекса бек ҳалигача ғазабини босолмаган эди.

- Сен не дейсан ўзи? - деб ҳайқирди у. - Нега фақат таслим бўлиш тўғрисида дам урасан? Урушмоқни хаёлингта ҳам келтирмайсан. Бухоро мустаҳкам шаҳар. Уни олиш осон эмас. Аскарларимизнинг руҳи тетик. Шундай бўлса-да, таслим бўлишдан сўз очасиз. Бу хиёнат эмасми?

- Бошқа чора йўк...

Кекса бек янада қаттиқроқ ғазабланиб, Нишобурхонни ёқасидан олди.

- Ўлганинг яхши эмасми? Аҳмоқлигинг ўзингга сийлов, аммо ҳалқни тепкилатиб қўймайман.

Нишобурхон силтанди.

- Ол қўлингни қария! Нима, сени чопиб ташлашим керакми?

- Кошкийди... Бу сўзларни эшитганимдан кўра ўлганим яхшироқ эди.

Надоматлар бўлғай! Неча-неча йил бу мамлакатнинг нон-тузини единг, энди эса хиёнатга юз тутдинг...

- Мен ҳақиқатни тан оламан холос.

- Душманга бир ўқ отмай, таслим бўлиш ҳам ҳақиқатми?

- Ҳа, шундай. Отилган бир ўқ минглаб кишининг ҳаётига зомин бўлса, не кераги бор?

Кекса бек уларга нафрат билан бир-бир тикилди-да, деди:

- Ўлмоқни билмаган яшамоққа нолойиқдир.

Шундай деди-ю, этагини қоқиб, гурс-гурс қадам ташлаб мажлисдан чи-қиб кетди.

Қипчоқ хонларининг кўпчилиги таслим бўлиш тарафдори. Ботирлар

бўлса бир томчи қони қолгунча урушмоқчи эдилар. Ўртада низо чиқди. Пировардида бир ҳовуч ватанпарвар ичкари қалъага кириб ҳамма ёқни тамбалади. Улар жилла қурмаса аркни мардана мудофаа этмоқчи, Чингиз қўлига тириклай тушмоқчи эмас эдилар.

Бу ҳақда Куръонга қўл қўйиб қасам ичдилар.

## ҮНИНЧИ БҮЛİM

Темур Маликнинг кўнгли қаттиқ ғаш. Одатда фалокат олдидан киши ана шундай қаттиқ ғаш бўлади. Темур Малик ўзини қўярга жой тополмасди. У Чингиз устига босқин қилганидан сўнг, тўғри Хўжанд қалъаси томонга отланган, шаҳарга келиб, қўмондонликни қўлга олган эди.

Аскари оз. Аммо у бундан ташвишга тушмади. Хўжанд дарё соҳилида жойлашган. Дарё қалъа атрофидан айланиб оқади. Оқим шиддатли. Темур Малик Чингизнинг тўнгич ўғли Жўжи яқин атрофга етиб келганидан боҳабар. Ҳар эҳтимолга қарши ҳозирлик кўриб қўйган. Хўжанднинг қирғоққа туташ қисмига камончиларни жойлаштириди, манжанақлар кўйдириди.

Туман тушди. Қош қорая бошлади. Темур Малик қалъа буржларидан бирида шом намозини ўқиди, Оллоҳга узундан-узоқ илтижо қилди, сўнг буржларни айланишга чиқди.

Соқчиларининг ўзаро ҳазил-хузули қулоққа чалинади. Уларнинг руҳи тетик. Бундан қувониш керак. Аммо негадир ичига чироқ ёқса ёриш мас эди.

Ўтрор таслим бўлганини ва султон Алоуддин Муҳаммад кетма-кет бой бергаётганини эшитган онда юраги санчди, кўз ёшларини аскарларига кўрсатмаслик учун хонасига бекиниб олди. Хилватда хўнг-хўнг йиғлади. Ҳеч қачон бу қадар аччиқ кўз ёши тўкмаган эди. Пар тўшакни муштлади, аламига чидай олмай қимматбаҳо Чин кўзасини деворга уриб чил-чил қилди.

Қани энди султон ҳужумга ўтсайди. Жони ширинлик қилмасайди. Кошки қўрқоқ хонларининг сўзига кирмасайди.

Ичини ит таталайтгандек эди. Буларнинг барчаси Темур Маликнинг дилини баттар хуфтон қилди. Бир соқчининг ёнидан ўтаётуб, ҳол сўради:

- Аҳвол қалай, жигарим?

Соқчи киприк қоқиб тикилди, қўмондонини таниди. Фоз турди.

- Ҳаққингизга дуо этяпмиз, бегим.

- Яхшиси, элинг ҳақига дуо эт.

Ўтиб кетди. Соқчи орқасидан ҳайрон бўлиб қараб қолди. Сўнг бу

тапни айтиб бериш учун шерикларини чақирди.

Темур Малик уфқа назар ташлади. Атроф сукунат оғушида. Бир гап бўлиши тайин. Темур Малик ички бир сезги билан буни ҳис этди. Ўзи олдинроқ ҳаракат қилиб, босқин уюштиrsa қандай бўларки? Аммо душман қаерда эканлигини билмайди-да. Эсига бир нарса тушди. Шоша-пиша пастга тушиб, отини келтиришни буюрди. Кейин Сариқ Лагутни топди.

- Бўл тез, кетамиз.

Сариқ Лагут қаёққа деб сўрамади ҳам. Зотан, Темур Маликнинг орқасидан ҳатто ўлимга кетишга ҳозиру нозир эди. Шундай экан, қаерга боришлиарини сўрашнинг не ҳожати бор?..

Отланиб, қалъадан тез чиқишиди. Яланғоч чўлдан ўтдилар. Ўрмон ҳам ортда қолди. Ниҳоят Темур Малик қидирганини топди.

- Қара бу томонга!

Сариқ Лагут ўша ёққа диққат билан тикилди. Олисда милтиллаётган гулханлар кўринди. Не эди бу ажабо? Бир сўз билан жавоб берди:

- Кўрдим.

- Жўжихон бу.

- Ким?

- Чингизнинг ўғли Жўжи. Нақ биқинимизга етиб келибди.

Тишларини қисди, қароргоҳ томонга мушт дўйлайтириди.

- Бечора ўтрор. Душман кўлига ўтди-я!.. Ўт қўйиб, кулини кўкка совуришибди. Имолчиқ Фойирхонни Чингиз қандай жазолаган экан, ким билади дейсиз? Мўғул усулида қозиққа ўтқазганимikan ё қулогига эриган кумуш қўйдирганимikan? Обрўли бекларни бу усулда ўлдириш Чингизнинг одати. Шундай қилгач, маҳкумнинг рўпарасига туриб олиб қаҳқаҳа отади. Энг номдор душманларини эса қоплонларига ташлатади дейишади. Даҳшат!

- Кўлчилик булар...

- Шабиҳун урсакмикан?..

Сариқ Лагут тараддулданиб ўтирумай, дарҳол жавоб берди:

- Мен тайёрман.

- Мен ҳам...

Орқага қайтишиди. Аскарлари тайёр турарди. Темур Малик қисқа амр берди:

- Минг киши отлансин.

Қалъадан тез чиқиб кетишиди. Ўрмондан шовқин-суронсиз ўтдилар, тақа товуши чиқмаслиги учун отларнинг туёғига кигиз боғладилар. Худди арвоҳлардек сассиз-садосиз олға босиб боришарди.

Қароргоҳга яқин қолганда Темур Малик отлиқларни тўхтатди. Суворийларини юз кишилик бўлинмаларга ажратди. Биринчи бўлиб беш юз киши билан Сариқ Лагут ҳужумга ўтадиган бўлди. Ўзи ундан ярим соат кейин бостириб боради. Қанча қирсалар шунча соз. Бир синааб кўришади.

Сариқ Лағұтнинг елкасига қоқди.

- Үзингни күрсат. Ҳозиргача күрсатған қаҳрамонликларинг яна биттага күпайсін. Улуғлуккінг охири бўлмайди.

Сариқ Лағұт жилмайди.

- Уялтирма мени, Темур Малик. Сени учратганим учун Яратганга шукрлар. Бўлмаса ҳалигача ўтганинг ўргини, кетганинг кетмонини слиб юрган бўлармидим.

Қучоқлашдилар.

- Рози бўлгин...

- Мингдан минг розиман, сен ҳам рози бўл.

- Мингдан минг розиман.

Сариқ Лағұт суворийларнинг бошига ўтди.

- Қани кетдик, арслонларим! Жўжининг устига чақмоқдек уриб тушайлик!

Қароргоҳ устига қуюндек ёпирилдилар.

Жўжихон чодирда шаробхўрлик қилаётган эди. Саркардаларини тўплаган. Бўлғуси жангда қайси усулни қўллаш тўғрисида муҳокама авжида.

Бирдан қаттиқ шовқин-сурон кўтарилиди, қиличларнинг жаранг-журнги эшитилди. Иргиб турдилар. Жўжихон кўзларини қисиб, саркардаларига тикилди.

- Не бўлмоқда?

Ичкарига бир аскар югуриб кирди.

- Босишиди!..

Жўжи бош чаноғидан ясалган қадаҳни отди. Фазаб билан ўкирди:

- Ким журъат этди бунга?

- Билмаймиз.

Қўмондонларига қараб кўзидан ўт сочди.

- Боринг аскар бошига, ўзингизни қўлга олинг. Лоақал бирини қочирсангиз кўзимга кўринманг!

Ўзи ҳам отланди. Қоронғилиқда жанг қилаётгандар орасига от кўйди.

- "Тўплан" бургуси чалинсин! Булар қароқчи тўдаси эмас, мунтазам кўшинга ўхшайди.

Бирор наъра тортди:

- Уринг!..

Жўжихон қаҳ-қаҳа отди.

- Хоразмликлар! - деди у.

Овозининг борича бақирди:

- Соғ қўйманг, мўғул арслонлари, ўлдиринг!

Сариқ Лағұтнинг овози уни босиб кетди:

- Сариқ иблисларга кўз очирманг, қардошларим, тўнғиз қўптиринг!

Қиличларнинг шакир-шукури, отларнинг кишинаши, оҳ-воҳ, сўкиш саслари бир-бирига қоришиб кетди. Гоҳ-гоҳ "Ё Оллоҳ, ё Оллоҳ!" деган ҳайқириқлар акс-садо беради. Аҳён-аҳёнда "Лу! Лу! Лу!" деган улиш

заштилади.

Темур Малик тепаликда туриб ақволни кузатар эди. Бироқ қоронғи-да ҳеч нарсани фарқлай олмади. Фақат аскарларининг шодон қийқири-қларидан ошиғи олчи эканини билиб туради.

- Вақт етиб келгач, йигитларига буйруқ берди:

- Қани хужуум!..

Тепадан пастга отилиб тушдилар. “Ё Оллоҳ, ё Оллоҳ” дея наъра тортиб, “Оллоҳу акбар, Оллоҳу акбар!” такбирларини айтиб, жангга кирдилар. Жўжихоннинг аскарлари саросимага тушди. Улар душманни кўпчилик деб ўйлаган эдилар. Қоронғида бостириб келганлар қанча эканини санаб бўлармиди. Жўжихон бор овози билан бақирди:

- Орқага чекининг, орқага!..

Уруша-уруша чекинишиди. Темур Малик анчагача таъқиб этди.

- Босинг, зафар бизники...

Асири олишгани йўқ. Дардисарнинг не кераги бор? Асиirlарга ош-нон даркор. Қалъадаги егулик бўлса ҳисобли. Қўлга киритган гуруч қопларини отларига ортдилар, сўнг мўғул чодирларига ўт қўйдилар. Тонгга яқин қалъага қайтишди.

\* \* \*

Жўжихоннинг қўли остида ўн минг суворий бор эди. Ваҳоланки, Темур Малик атиги минг киши билан босқин уюштириди, холос. Жўжихон душман сонини ҳеч қачон билолмади. Фазабдан мўйлови титрар, кўзлари тўхтовсиз ўйнар эди.

- Бу қанақаси? - дея ўшқирди у. - Душман ўртамизга бостириб кирмагунча хабар топмасак? Беш юз киши ўлди, яна шунча ярадоримиз бор. Хоразмликларни қўрқоқ деб ўйлаб, ғафлатда қолдик. Сиз қандай қўмон-донсиз ўзи? Коровуллар қаерда? Нега дарҳол хабар беришмади?

Ҳеч ким жавоб бермади. Барча Жўжихоннинг ғазабидан қўрққани учун сукут сақлади. Жўжихон ғазаб билан давом этди.

- Егуликларимизнинг кўпини олиб кетишиди. Оч қоладиган бўлдик. Кечаги қоровулларни топинг ва калласини узинг.

Саркардаларидан бирига юзланди.

- Ўгедей нўён, дарҳол отамга одам жўнат. Ёрдамга ўн минг аскар юборсин. Тез етиб келишсин. Озиқ-овқат топиш учун чор-атрофни яғмо-ланг. Қўлимизга не тушса-да, кор-ҳолимизга ярайди. Тўхтаб турма, айт-ганларимни тез бажар.

Ўгедей нўён ўрнидан иргиб турди. Буйруқни бажариш учун аскарла-ри томонга кетди.

Жўжихон ўзини босолмай, бор овози билан бақиришда давом этди:

- Ғафлат ичидасиз, ҳаммангизни ғафлат босган! Сизга ишониб аҳмо-қлик қилган эканман.

Чодир эшигини кўрсатди:

- Чиқларинг!..

\* \* \*

Ўғли мағлубиятга учраганини эшилди дегунча Чингизхоннинг тела сочи тикка бўлди.

- Ландовур, латта ўғил! - дея бўкирди.

У ёқ бу ёққа юриб анча ўйлади. Бурқани чақиртирди. Бурқа новча, барзанги мӯғул эди. У тиз чўкиб, хоқонга салом берди.

- Амрингизга мувофиқ етиб келдим, улуф ҳоқон.

- Ўғлим Жўжихон мағлубиятга учрабди, Бурқа. Бир ҳовуч навкар кўриқлаётган Хўжандни ололмабди. Мендан кўмак сўраяпти. Ўн минг отлиқни ол-да, унга ёрдамга шош. Ёнидан жилма. Соя каби эргашиб, ўглимни кузат. Бу унинг нечанчи бор бой бериши?! Кўпдан бери бу дунёга ортиқчалик қилиб қолди. Хўжандни олгандан кейин ўзинг билган ишни қиласан.

Бурқанинг лабида маккорона табассум ўйнади.

- Тушундим, буюк ҳоқон.

- Ўн минг навкар олу, ҳамон йўлга чиқ...

Бурқа чиқди. Қўшин ичига кириб, истаган навкарларини ажратиб олди. Ўзини кузатиб турган ҳоқонни қўйл кўтариб олқишилади, сўнг навкарларга "олға" деб амр берди.

Чингиз Бурқанинг орқасидан анча қараб турди. У баъзи саркардаларини йўқ қилмоқчи бўлса Бурқани ишга соларди. Бурқа ҳоқонга итдай содиқ.

Темур Малик Жўжихон отасидан ёрдам сўраганидан хабар топди. Дарҳол бир қарорга келди. Икки минг отлиқ билан Хўжандга бориладиган ягона йўл устида пистирма қўйди.

Бир неча кун пойлашди. Аммо душман ҳа деганда кўринавермади. Аскарлар бетоқат бўла бошлишди. Сабр косалари тўлган ҳам эдики, душман келаётгани тўғрисида хабар беришди.

- Келишяпти!..

Хабарни эшитиб Темур Малик шод бўлди. Шунча вақт кута-кута, охири њеч нарса қилмай қайтиб кетиш аскарларининг руҳини туширган бўлар эди. Темур Малик ўрнидан сакраб туриб, Сариқ Лагўтга қаради.

- Келишаётганими... - деди у.

Сариқ Лагўт қиличининг дастасини силаб қўйди.

- Қани, келаверишсин-чи...

Аскарлар йўлнинг икки томонидаги ўрмонга яшириндилар. Темур Малик бир қисмга қўмондонлик қилишни яна Сариқ Лагўтга топширди, иккинчи қисмга эса ўзи бош бўлди.

Кўп ўтмай мӯгуллар кўринди. Бурқа шумлик қилиб, олдинга беш юз

кишилилк илфор қисм юборган эди.

Темур Маликнинг авзойи бузилди. Ҳужум этмаса, ўтиб кетишади. Бир лаҳза иккилангач, қарор қилди:

- Бооос!..

Ёғий устига ёпирилишди. Айни дамда Сариқ Лагутнинг йигитлари ҳам ҳужумга отилди.

- Олға йигитлар, босинг!

Душман эсанкираб қолди. Мўғуллар эс-хушини йитғиштириб олишга улгурмасданоқ хоразмликлар қиличи остида жон таслим қилди.

Ғалаба қозонишиди. Бироз кейинроқ мўғулларнинг асосий қўшини кўзга ташланди. Улар бўлиб ўтган ҳодисадан хабар топган ва керакли тадбирларни олиб, урушга шай ҳолда юриб келаётган эдилар. Бурқа ҳарсиллаб нафас олганча олдинда келарди. Темур Малик буюреди:

- Орқага чекининг.

Босқин чиппакка чиқди. Бироқ ҳар ҳолда душман илфори батамом яксон этилди. Эгасиз қолган отларни етовга олиб, тез чекиндилар. Мўғуллар отлари чарчагани боис уларга етиб ололмадилар. Темур Малик йигитлари билан эсон-омон қальяга кириб олди. Мўғул саркардаси Бурқа қальяга мушт дўлайтирди.

- Ҳаммагизни чопаман! - деб бақирди у. Қовоғидан эшак қурт ёғилган кўйи Жўжихон ёнига кириб борди.

\* \* \*

Ўша куни Бухоро аҳли яна тонгданоқ кўчаларга тошиб чиқди. Шаҳарда кўпдан бери сукунат ҳукмрон. Чингиз қўшинлари шаҳар яқинига етиб келганидан барча хабардор. Бухоро атрофидаги баъзи қишлоқларга мўғуллар киргани маълум бўлди.

Бозорлар бўм-бўш, дўконлар тамбаланган. Ҳеч ким бирон нарса сотиб олишни истамайди. Бир неча қора чақани қора кунга деб олиб қўйишган. Шаҳарни ҳимоя этишга азму қарор берган кишилар аскарларни егулик билан таъминлаш учун хайр-садақа сўрашга мажбур бўлдилар. Аммо куни билан арзимаган пул топишарди, холос. Бойлар мол дардиди, камбағаллар бўлса жон дардиди. Бироқ мамлакат дардиди бўлганлар ҳам бор эди. Улар халқ ичига кириб, мудофаа учун эҳсон сўрашарди.

Дали Дарвеш йиритиқ-ямоқ жуббасининг этакларини ҳалпиллатганича, яланг оёқлари тарс-тарс ёрилиб кетганига ҳам қарамай, кўчама-кўча юриб, эҳсон тўплашга ҳаракат қиласди.

У Бухоро бойларидан Ҳожи Зайёд ҳузурига борди.

- Жаноблари, - деди у. - Шаҳарни мудофаа этаётган аскарларнинг егулиги қолмади. Ё дон-дун, ёки бироз пул берсангиз...

Зайёд совуққина бокди. Бурнининг учига кўнгган пашшани ҳайдамоқчи бўлгандек қўл силтади.

- Худо берсин, - деди у.  
Дарвеш жойидан жилмади.
- Менга Дали Дарвеш дейишарди. Неча йил зинданда ётдим. Бу давлатдан ноз-неъмат кўрганим йўқ, аксинча, азият чекдим. Бироқ ҳозир мусулмонлар бошига келган балони даф этмоқ лозим. Ўтрорга ўт қўйишганини, Имолчиқ Фойирхонни қандай ўлдиришганини кўриб, даҳшатга тушдим. Мусулмонларни ёппасига қиришганини ўз кўзим билан кўрдим. Оллоҳ шо-ҳид, ўша вақт ўлмоққа ҳозир эдим. Мўгулларга ташландим. Биттасининг ҳиқилдоғидан олдим. Мени уриб йиқитиши, ўлди деб ўйлаб, шаҳардан ташқарига чиқариб ташлашибди. Ўлмай қолдим. Лаънат менга, ҳатто ўлишини ҳам эплай олмадим. Юра-юра Бухорога келдим. Бу шаҳар ҳам Ўтрор сингари душман қўлига ўтишини хоҳламайман. Ундан кўра ўлганим яхши. Келинг, бизга ёрдам қилинг. Акс ҳолда, ўзингиз ҳам бало-қазога дуч келишинигиз тайин. Мўгулларнинг нақадар золим эканидан бехабарсиз. Улар келса на молингиз қолади, на ному-сингиз!..

Зайёд тўнгиллади.

- Тур кет бу ердан...
- Ўлим қучоғига кетаётганингни ўзинг билмайсан, эй ғофил банда. Тасаввур ҳам этолмайдиган балоларга ўзинг сабабчи бўлаётганингдан бехабарсан...
- Кетасанми ё йўқми?
- Нега бундай дейсан? Пул сўраганим учун жаҳлинг чиқдими? Хоҳламасанг, берма. Майли, шундай бўлса-да, келиб бизга қўшил. Қалъан дарунда минглаган диндошинг бор. Шахрингни улар билан бирга ҳимоя кил...
- Мен жангчи эмасман, тужжорман.
- Ундан бўлса шунга яраша иш қил, пул ёки дон-дун бер.
- Бор кет, бошимни оғритма!

Дарвеш қўлларини очди.

- Эй Раббим, ўзроҳат-фароғати учун мамлакатини обқ ости қилдиришдан тоймайдиган бу қулларинг юрт эгаси бўлишга нолойқ бўлсада, орамизда бўлган ор-номусли кишилар хурмати мамлакатни ўз паноҳингда сақла, душманга топтатма...

Бармогини Зайёдга нуқиди.

- Булар не қилаётганини ўzlари ҳам билмайдилар, ё Раббим!  
Ҳожи Зайёднинг аччиғи чиқди. Не десалар-да индамасди, бирон унга ғофил дейишса кўтара олмасди. Фазаб билан ўрнидан турди.
- Худо ҳаққи, тепкилайман! - деб бақирди у. - Йўқол, бўлмаса тепкилайман!

Дарвеш пастроқ овоз билан жавоб берди:

- Яқинда ўзингни тепкилашибди, эй ғофил!
- Дарвеш кетди.

Кўча-кўй тирбанд. Дарвеш хайр-эҳсон сўраб кетаверди. Оқшом пайтигача лоақал бир ҳовуч чақа тўплай олмади. Буғдой солинган хуржуни эса ярим ҳам бўлмади. Диљир бўлиб қалъа дарунга қайтди. Қалъа қўмондонининг ҳузурига борди.

- Бардам бўл! - деди у. - Булар бир тўда ғофил. Ғофиллар не қилаётганини ўзи билмайди...

Кўмондон бош чайқади, алам билам юзини буриштириди. Ярим соатлардан кейин келган бир хабарчи мўғуллар қароргоҳ тиклай бошлаганини айтди. Шаҳарга ваҳима оралади. Баъзилар урушмоқ, бошқалари таслим бўлмоқни истар эди. Таслим тушишини хоҳлаётганлар Хоразмшоҳ адолатли бўлмаганини айтиб, Чингиз ундан ёмон чиқмас, деб даъво қилишарди. Наригилар бўлса адолатсизлик бўлган бўлса бордир, бироқ мусулмонлар билан мажусийлар тенг эмас, мўғуллар зулмдан бошқа нарса билмайди, дейишарди.

Қалъаи дарундаги қаҳрамонлар ҳалқ орасидан беш минг нафарга яқин черик тўплай олдилар, холос. Баъзи кишилар қочишни мўлжаллаб сақлаб қўйган, аммо Чингиз тўсаддан келиб қолгани учун энди кераги бўлмай қолган отларини топширдилар. Беш минг отлиқ ярим кечаси қалъадан чиқиб, мўғул қароргоҳига шабихун урди.

Мўғуллар кўпчилик, бироқ улар тўсаддан устига бостириб келган душман қанчада эканини билмас эдилар. Боз устига чарчаган. Шунга қарамай урушишлари керак эди. Бироқ мўғуллар урушмадилар, пакана отларини миниб, қароргоҳни ташлаб қочдилар.

Бухоро қўмондони Иончхон душманни таъқиб этишини лозим топмади. Қалъада дон-дун оз бўлгани учун ташлаб кетилган егуликни қўлга киритиш пайига тушди. Дон-дунни йигиб олиш тўғрисида буйруқ берди.

Тонггача дон-дунни йигишириб, отларга юкладилар. Қуёш эндинигина бош кўтарган пайтда Бухоро томонга пиёда йўл олдилар.

Аввалига узоқдан чанг булути кўринди. Бу булат тобора яқинлашиб, борган сари катталашди. Иончхон хавотир ола бошлади. Келаётган ким ажабо, дўстми ёки душман орқага қайтдими?

Узоқ кутишнинг ҳожати қолмади. Кўп ўтмай пакана от минган суворийлар кўзга чалинди. Бухоро аскарлари пиёда қолган эди. Шунга қарамай улар шер каби урушдилар.

Бироқ мўғулларнинг кети узилмади. "Лу! Лу! Лу!" деб наъра тортгандарича тўхтовсиз ҳужум қилдилар.

Қонли жанг бўлди. Майдонда инсон ва ҳайвон жасадлари қалашиб кетди. Бухоро ҳимоячиларидан жуда камчилиги шаҳарга етиб борди. Соғ-омон қолганлар дарҳол қалъага кириб, дарбозаларни тамбаладилар.

## ҮН БИРИНЧИ БҮЛİM

Инончхоннинг беш минг аскаридан кўпчилиги қиличдан ўтказилгани, озгинаси Бухорога қайтиб келгани шаҳар аҳлини чўчитди. Халқа бош-қош бўлиб юрганлар мажлисга тўпланди. Гап Инончхон ҳарбий хатога йўл қўйгани эмас, душманнинг куч-кудрати устида борди. Уларнинг айтишича, Чингизнинг аскари мур-малаҳдай кўп, ўлдириб охирига етиб бўлмайди. Бинобарин, Чингиз енгилмайди. Бухоронинг беш минг фидойисидан кўпини бир лаҳзада қириб ташлаган душманга қарши туриб бўлармиде?

Ватанпарварлар уларга қарши чиқиб, не бўлса-да, таслим бўлмаслик тарафдори эканлигини сўзладилар. Чингизнинг Бухорони йиқтирганини кўргандан кўра ўлган яхшироқ, деди улар...

Бироқ ватанпарварларга ҳеч ким қулоқ солмади. Таслим бўлиш тарафдорлари кўпчилик эди. Улар туяларга турли-туман ҳадялар ортдилар, заррин тўнларини кийдилар. Омонлик бериш шарти билан шаҳарни топширишга рози эканликларини Чингизга билдириш учун қалъадан чиқдилар.

Наригилар бўлса шаҳарни бир томчи қони қолгунча ҳимоя этиш нијатида қальян дарундаги фидойиларга қўшилдилар.

Чор атрофга кўклам ўз гиламини ёзган. Ёввойи ўтлар орасида эндинина очилган чечаклардан анвойи бўй таралади. Чингизхоннинг сариқ чодири қўёш нурида жимиirlайди.

Фалокат билан бошланган 1220 йилда бало-қазо тўхтамай кетма-кет ёғилди. Мусулмонларнинг фахри, дунёнинг энг илфор, энг обод шаҳри Бухоронинг ўн иккита дарбозаси мўғул отлиқларига очиладиган бўлди.

Қўёш мусулмонларнинг бу аҳволидан куйиб кетаётгандек туюларди. Мусулмонлар не қўйга тушди ўзи?

Дали Дарвиш хаёлга толган эди.

Бирга ҳаракат қилган вақтларида улар нечоғли қудратли, енгилмас эдилар. Энди эса улар парчаланиб кетган. Мусулмонлар парчалангандан бир пайтда душман бирлашган, Чингизхон борган сари кучайган эди.

Кучсизлар бирлашса голиб, кучлилар парчаланса мағлуб бўлади. Та-

рихнинг олтин қоидаси ана шундай.

Бухоро ҳайъати Чингизхоннинг чодирига етиб борди. Ораларида пушаймон бўлиб, ич-ичини еяётганлар ҳам бор эди. Аммо энди бу йўлдан қайтиб бўлмайди. Чингизхонни муросаси мадорага келтириш учун уринишдан бошқа йўл йўқ.

Ҳайъатин чодир остонасида Донишманд Ҳожиб қаршилаб, Чингиз хузурига олиб кирди. У жиддий қиёфада хоқон олдида тиэ чўқди.

- Буюк хоқон, - деди у. - Бухоро вакиллари оёғингизга бош урмоқ учун хузурингизга келишди.

Чингизхоннинг яллоқ юзи қийшайди, лабида масхараомуз табассум зоҳир бўлди.

-Босқинда уч юз баҳодирим нобуд бўлди, -деди у.

Овози муздек совуқ эди. Бухороликлар титраб, бир-бирига умидсизларча қарашди. Ораларида энг кекса мўйсафиғ сўзлашга журбаат қилди:

- Буюк хоқон, - деди у. - Биз Бухоро ҳалқи номидан вакил бўлиб келдик. Шахримизнинг қалъаси жуда баланд, деворлари мустаҳкам. Бундан ташқари қалъада жон беришга тайёр қаҳрамонлар бор.

Чингиз иликларни музлатадиган совуқ овоз билан сўради:

- Шу боисдан таслим бўлмоқчимисиз?

Мўйсафиғ ўзини эшитмаганга солиб, сўзида давом этди.

- Дон-дунимиз ҳам кўп. Қўшинингиз нечоғли кучли бўлса-да, шаҳарни олиш учун йиллаб қамал қилмогингиз керак бўлади. Бироқ биз беҳуда қон тўкилишини истамаймиз. Баъзи шартларни қабул қилсангиз, шаҳарни топширамиз. Бола-чақани ўйлашга мажбурмиз.

Чингизхон тўнғиллади:

- Шартларни айт, қария.

- Шаҳар аҳлига омонлик берасиз, динимиизга тегмайсиз.

Чингизхон элчиларни бир-бир назардан ўтказди. Қўлини узатиб, чинлик ғуломдан каттакон қадаҳни олди. Бир кўтаришда бўшатди. Сўнг элчиларга ғалати савол берди:

- Сиз шароб ичасизми?

Ҳаммаси бир оғиздан жавоб берди:

- Йўқ, ичмаймиз.

Чингизхон афтини буруштириди.

- Undай бўлса динларимиз қоришмас экан. Таслим бўлмоқчи эсангиз қабул қиласман. Фақат мағлубларнинг шарти-парти бўлмайди. Ё мағлуб бўлганингизни тан олиб, дарбозаларни очасиз, ёки урушиш учун майдонга чиқасиз.

Элчиларнинг бошлиғи аста минғиллади:

- Қалъамизнинг деворлари жуда мустаҳкам.

Чингизхон жаҳл билан қаддини ростлади, ер тепинди.

- Қалъанинг мустаҳкамлиги ҳимоячиларнинг жасоратига боғлиқ. Кўрятманки, ҳимоячилар бир ўқ ҳам отмай таслим бўлиш қайғусида. Боринг,

барча дарбозаларни очинг. Сиз тўғрингизда кейин ҳукм чиқараман.

Бироз ўйлаб олгач, илова қилди:

- Бу ҳукм мумкин қадар енгил бўлиши учун ичимдаги алвастини кўндиришга уриниб кўраман.

Яна бир бор маккорона тиржайгач, орқасига ўгирилди.

Музокара битган эди. Бухоро элчилари соқолларини тутамлаганча, ўйга толиб турадилар. Азбаройи эсанкираб қолганлари боис чодирдан чиқиш ҳеч бирининг эсига ҳам келмас эди. Агар Донишманд Ҳожиб мўйсафид элчибошининг қўлидан тортмаса, балки шу ерда кечгача қаққайиб турган бўлардилар.

Ташқарига чиқишиди. Осмонни булут қоплаган эди. Қуёш ҳам уларнинг қилмишидан уялгандай булутлар ортига бекиниб олганди. Кўк ҳўнграб йиғлашга ҳозирлик кўраётганди.

Вакиллар Бухорога қайтди дегунча, оломон тўпланди. Элчиларнинг юз-кўзидан не бўлганини англаш қийин эмасди. Шундай бўлса-да, нимадандир умидвор бўлиб кетма-кет савол ёғдириши.

- Не гап?..

- Хоқон нима деди?..

- Бизга тегмайдими?..

- Шаҳарга ўт қўймайдими?..

- Масжидларимизни йиқмайдими?..

- Хотинларимизга тегмайдими?..

Элчибоши умидсизлик билан бош чайқади. Аслида ҳар бир киши кутаётган жавобни берди.

- Ҳеч қандай ваъда бергани йўқ...

Барча бараварига уҳ тортди.

- Уфф!..

Арка бекиниб олган қўнгиллилар вазиятдан хабар топгач, ҳалқ ичига одам юбордилар. Улар “Душман номард, - дедилар. - Кўрдингизки шартларингизнинг бирортасини қабул қилмади. Тақдиримиз тўгрисида кейинроқ ҳукм чиқаришини айтди. Жойи жаҳаннамда бўлсин уларнинг! Биз қурбонликка келтирилган қўй эмасмиз. Масжидларимизнинг ичидаги шаробхўрлик қилишганига қандай қўз юмасиз? Аёлларимизни кўзимизнинг олдида ўйнатиша қандоқ чидайсиз? Болаларимиз қиличдан ўтказилса қандоқ бардош берасиз? Йўқ, йўқ! Таслим бўлсак буларнинг барчасини ўз бошимизга ўзимиз сотиб олган бўламиз. Қўйинг, яхшиси, урушиб, мардларча ўлайлик. Тиз чўкиб хор бўлгандан, мағрур ўлган яхшидир. Исломият ҳам, инсонийлик ҳам шуни тақозо этади”.

Бироқ бу гапларнинг фойдаси бўлмади. Ўша куни барча бирваракайига сўқирлашган эди. Ҳатто Чингизни олижаноб ва сулҳпарвар дегувчилар ҳам чиқди.

- Чингизхоннинг ёнида иккита мусулмон хони бор, - дейишиди улар.- Бири қарлуқлар ҳукмдори Арслонхон, иккинчиси Олмалиқ ҳукмдори

Сигноқ Тагин. Чингиз бизни ўлдирмоқчи бўлса, бу хонлар рози бўлмайдилар. Улар кучли. Албатта диндошларини ўз ҳимояларига оладилар.

- Ишонманг бу гапларга. Душман томонга ўтган киши, ким бўлишидан қатъи назар, дўст эмас. Улар Чингизнинг истило ва яғмоларини осонлаштирган сўқирдир, холос. Билиб-билмай золим билан ҳамкорлик қилишмоқда. Уларга ишониб бўлмайди. Яхиси, таслим бўлмайлик.

- Йўқ, таслим бўлган яхши. Арслонхон имони бутун мусулмон. Беш вақт намозини канда қилмайди, диндошларини эздириб қўймас. Чингизга тўсиқ бўлар...

Бухоро устига шаррос ёмғир қуя бошлаганида қалъа дарбозалари душманга ланг очилди. Кўк йиғлар, фаришталар йиғлар, кўзи очиқлар ҳўнграп эди. Таслим бўлиш тарафдори бўлмаганлар не қилиб бўлса-да, шаҳарни ҳимоя этишга аҳду паймон қилиб, шаҳристон деб аталган қалъаи дарунга чекиндилар. Арк деворлари устига камончилар жойлаштирилди, манжанақлар қурилди.

Ўша кечаси шаҳарга кимса кирмади. Халқ кўчада тонг оттирди. Чингиз ва қўшинининг йўлига кўз тикиб, эрталабгача юраклари така-пука бўлди. Чингизхон ҳам гуё бундан катта завқ-шавқ оладигандек, атайлаб тонгни кутди.

Тонг ёришиши билан юзта мўғул суворийси шаҳарга кирди. От чоптириб атрофни кўздан кечиришди, сўнгра “Лу! Лу! Лу!” деб наъра отдишлар ва хоқон томонга от чоптирилар. Унга аҳволни баён этдилар, дарбозалар очиқ эканлигини айтдилар.

Чингиз шошилмасдан, бамайлихотир чодирларни йиғдирди. Шошиб не қиласи, қурбонлик пичоқ кутиб оёқ остида ётган бўлса.

Аста-секин шаҳарга яқинлашдилар.

Қалъа девори устида туриб душман отлиқларини кузатаётган шаҳар аҳли даҳшатга тушди. Болали хотинлар ўзларини эркакларнинг оёғи остига ташладилар.

- Бизни душманга берманг, - дея зорланди улар. Нуқул бир хил жавоб бериши:

- Чўчиманг. Чингиз олижаноб. Ёнида икки мусулмон хони бор, бизни ҳимоя этишади...

Шаҳарга яқин келгач, Чингизхон навкарларини тўхтатди. Отининг устига чиқди.

- Мўғул арслонлари! - деб бақирди у. - Мана енгилмас Бухоро қўрққанидан бир ўқ ҳам отмай таслим бўлди. Истило йўли очиқ. Юз кишилиқ гурухларга бўлининг. Ҳар бир гурух бир маҳаллани згаллайди. Марказ менинг ёнимда қолади, мен тушган жойга тушади, борган жойимга боради. Тушундингизми?

Машъум овоз янгради:

- Лу! Лу! Лу! Лу!..

- Эшитинг. Талонга рухсат. Шаҳарнинг энг гўзал қизларини аввало

менга опкеласиз. Бу одатни бузганга омонлик йўқ. Бошқа аёллар сизники. Яғмоланг, ўт қўйинг, йиқинг! Урушмай таслим бўлмоқ не эканлигини уларга кўрсатиб қўйинг. Душманнинг жасури яхшироқдир.

- Лу! Лу! Лу! Лу!..

- Олга! Отларни қамчиланг!..

Чингизхон отини ниқтади, устига эгилди. Сўнг бирдан тўхтади. Қўл узатиб шаҳар дарбозаларини кўрсатди.

- Ҳужуум, йигитларим!..

Мўғул отлиқлари дарбозадан чақмоқдек ўтиб, наъра тортганча кўчаларга тарқалишиди.

Бироздан сўнг Чингизхон ҳам дарбозадан кирди. Икки томонида бу-хороликлар ишонган қарлуқ ва Олмалиқнинг мусулмон ҳукмдорлари. Орқасидан Донишманд Ҳожиб келарди. Чингиз тўпла-тўғри шаҳарнинг бош майдонига от сурди. Тўпланган халқ қўрқув ичида ўзини ерга ташлади. Омонлик сўраб йиглаб-сиқтаб ёлвора бошладилар.

Чингизхон, гарчи бир оғиз сўзни ҳам тушунмаган бўлса-да, уларнинг жони учун паст кетганларини сезиб турарди. Донишманд Ҳожибдан сўради:

- Истаги не булярнинг?

- Омонлик сўрашяпти, буюк ҳоқон.

- Ҳаа, шундайми?

Бироз тўхтаб турди. Тутқунларни кўздан кечирди. Сўнг Донишманд Ҳожибга юзланди.

- Буляр мусулмонми?

- Шундай, буюк ҳоқон.

- Китобларида душманга урушмай таслим бўл деган бирон-бир амр борми?

- Йўқ.

- Айтгандай, сен ҳам мусулмонсан-ку, яхши биласан.

- Биламан, буюк ҳоқон...

- Хўш, модомики, китобларида бундай бир амр йўқ экан, нега буляр таслим бўлди?

Чингиз катта майдоннинг қоқ ўртасида туриб сўзлар эди. Атрофи хос соқчилари билан ўралган. Улар қилич яланғочлаб, буйруқ кутиб туришарди.

- Қани, сўра-чи, Донишманд Ҳожиб, китобларида бундай гап ёзилмас-да, нега таслим бўлди буляр?

Донишманд Ҳожиб оломонга ўгирилиб, ўз тилида сўради:

- Буюк Чингизхон Қуръони каримда урушмай таслим бўлишни буюрган оят бор-йўқлигини сўраяптилар.

Оломон бир овоздан жавоб берди.

- Йўқ.

Донишманд Ҳожиб таржима қилди:

- Йўқ дейишяпти, буюк хоқон.
- Жангни ман этадиган амр борми?

Донишманд Ҳожиб таржима қилди. Оломон яна бир оғиздан жавоб берди:

- Аксинча, динимиз коғирларга қарши жиҳод қилишини буюради.
- Чингизхон жавобни эшигтгач, оломонга нафрат билан тикилди. Донишманд Ҳожибга қарамай буюрди:
  - Нега таслим бўлишганини сўра.
  - Шундай экан нега таслим бўлдингиз?

- Довдираб, жавоб бера олишмади.
- Нега таслим бўлдингиз?

Тўплланганларнинг юраги така-пука бўлди.

- Жавоб беришмаяпти, буюк хоқон.
- Чунки бунга жавоб йўқ. Ким ҳам қўрққанини эътироф этарди.

Шу пайт бир киши югуриб келди. Донишманд Ҳожибга қаратса бақирди:

- Аскарларингиз шаҳарни яғмолаяпти. Тўхтатинг.
- Донишманд Ҳожиб Чингизга қаради.
- Шаҳар яғмоланаётган эмиш, тўхтатишингизни сўраяпти.

Чингизхон қисиқ кўзини келгувчига тиқди. Хабарчининг орқасида қилич яланғочлаб турган соқчига машъум ишора берди. Соқчининг қиличи қўтарилиб шиддат билан тушди. Атрофга қон сачради. Хабарчининг боши бир томонга, гавдаси иккинчи томонга тушди.

Чингизхон бақирди.

- Мағлубларнинг шикоят этишга ҳаққи йўқ.

Отини ҳайдаб кетди. Шаҳарнинг энг катта Жоме масжидига яқинлашди. Донишманд Ҳожиб изоҳ бериб борарди.

- Бу энг катта масжидdir, буюк хоқон, Жоме масжид дейишади. Мусулмонлар бу ерда намоз ўқийдилар. Бунга ўхшаш масжид оламда йўқдир.

Чингизнинг юзи буришиди.

- Бу ерда мен биринчи бўлиб шароб ичаман!

Қарлуқ ҳукмдори Арслонхон ларзага келди.

- Асло бундай қилманг, буюк хоқон!..

Чингизхон унга ўқрайди.

- Имонинг дарз кетдими, Арслонхон? Ё жаннатга кетгинг келиб қолдими?

Арслонхоннинг боши ҳам бўлди. Жони динидан азиз чиқди. Бошқа чурқ этмади.

Бухоронинг таникли олимлари масжидга тўплланганди. “Оллоҳнинг уйи”да жони омон қолишидан умидвор эдилар. Ҳолбуки, “Ол-

лохнинг уйи"нинг ўзи ҳимояга муҳтож. Бу ҳақда ҳеч бирин ўйлаб ҳам кўрмаганди. Улар ўзларини қилич эмас, жонсиз тош деворлар ҳимоя этишини хоҳлашарди. Янада тўғрироги, ўзлари ҳимоя этмаган дин уларни сақлашига кўз тикишганди.

Чингизхон ўйлаб ҳам ўтиrmай отини тўғри жоме ичига ҳайдади. Бу хороликлар даҳшат ичидаги тисарилганига парво ҳам этмай масжидга от миниб кириб борди. Кўрқувдан иккита томонга чекиниб йўл берган жамоат орасидан меҳроб ёнига етди, жамоатга юзланди. Кўрқувдан йигилгандарнинг кўзи олайиб, ранги оқарди. Баъзиларининг ёноғидан кўз ёши думалади. Аммо энди пушаймоннинг фойдаси йўқ. Чингизнинг парвойи палак. Уламолардан бирига тикилди. Салласига ишора қилиб, сўради:

- Нега у бошига бунча кўп бўз ўраган?
- Бу киши уламо, дин одами.
- Кўктангрини биладими?
- Фақат Оллоҳни билади.
- Шу салла менга ёқиб қолди, яқинроқдан кўрсам дейман.

Бироз тўхтаб турди, кейин соқчиларидан бирига кўз қисди. Соқчи бор кучи билан қилич тортди. Олимнинг боши бўйнидан чўрт узилиб, ерга думалади. Бошқалар бақириб юборишли. Даҳшатга тушиб орқага тисарилдилар.

- Ё, Оллоҳ!..

Соқчи эгилиб томирларидан ҳануз қон оқаётган бошни олди, салланни кийдириб, тавозе билан хоқонга узатди...

Чингиз кесилган бошни қўлга олиб, синчиклаб тикилди. Қонга беланган қўлини саллага артди. Сўнг каллани масжиднинг ўртасига отди.

- Олинг олимингизни!..

Отидан тушди. Шароб келтиришни буюрди. Қорни ноғорадек шишгунча ичди.

Шу орада уч мўғул аскари бир қизни судраб олиб кирди. Қиз юришини хоҳламай ерга обёқ тирав, кўзларидан дув-дув ёш оқарди.

- Шафқат қилинг, шафқат!..
- Юр!

Чингизнинг олдига олиб келишли. Аскарлар таъзим қилишли.

- Буюк хоқонимиз! Сиз бизга Бухоронинг омборларини инъом этдингиз, қорнимиз тўйди, отларимиз ёрилгунича арпа еди. Биз ҳам сизга ҳадя олиб келдик.

Чингизхон қисиқ кўзини ёшгина қизга тикиди. Қиз бечора ярадор қушча сингари дир-дир титрар эди.

- Нега титраяпти бу?
- Сиздек буюк хоқон олдида титрамай бўлармиди?
- Айтинг, рақсга тушсин. Маъқул бўлса, эҳтимол, ҳарамимга оларман.
- Қизни қилич учи билан турткиладилар.
- Қани ўйна, капитаргинам.

Олимлар янада орқарок тисландилар. Чингизхон сезиб қолди.

- Шу мусулмон олимлар яқинроқ келсин. Қыз атрофида доира бўлишин. Рақсни томоша этишсин, буюраман.

Амир уламоларга тушунтириди. Батъзилари итоат этиб, яқин келишиди. Кўпчилиги қоқсан қозиқдай жойидан жилмади.

Чингизхон ғазаб билан ўкирди:

- Яқин келинг!..

Ҳач ким қимирламади. Уламолар қаттиқ алданганликларини тушунган, шу жазога муносиб эканникларини билиб турар эдилар. Кекса бир олим отилиб чиқди.

- Бу ер масжид! - деб қичқирди у. - Эй қонхўр Чингизхон, шаҳарни сенга топшириб, хато қилганимизни энди билдик. Бундан кўра ўлганимиз яхши эди. Жонимизнинг энди қилчалик қадри қолмади. Амри-фармонингга туфурдик. Сенга ҳам, навкарингга ҳам лаънат бўлсин! Бир ўқ отмай шаҳарни топширган бизга ҳам лаънат!

Чингизхон соф мӯғул тилида айтилган бу сўзларни охиригача киприк қоқмай тинглади. Қилт этмади. Сўзлаган кишига узоқ тикилди.

- Сенинг исминг нима? - деб сўради у ниҳоят. - Бизнинг тилимизни қаердан ўргандинг?

- Менга Дали Дарвеш дейишади. Жаҳонгашта одамман. Анча йил сенинг элингда бўлганман. Чин-Мочинни кездим. Қанчадан-қанча золимларни кўрдим. Бироқ дунёдаги золимларнинг золими рўпарамда турибди. Сенга ҳам, зулмингга ҳам лаънат!

Дали Дарвеш ўлимини бўйнига олиб гапирган эди. Шаҳар таслим бўлган. Қалъаи дарунда душман билан олишаётган йигитлар узоққа бормайди. Бу ерга Чингизхон не қилишини кўриш учун эмас, мусулмон уламоларнинг ор-номусини ҳимоя этиш ниятида чопиб келган эди.

Дали Дарвеш сўзларидан дадилланган уламолар қўзғала бошладилар. Бир нечтаси "Лаънат!" деб ҳайқирди. Сўнг барча жўр овоз бўлиб қичқирди:

- Laъnat сенга!

Ҳайқириқ масжид қуббасида акс-садо берди.

Уламолар Чингиз устига бостириб кела бошладилар.

Кўрқиб кетган Чингиз ўзини четга олди. Соқчилар атрофини ўради.

- Ҳаммасини ўлдиринг! - деб бақирди Чингиз.

Куролсиз кишиларнинг боши узра қилич ўйнади, пўлатлар қонга беланди. Яшил гиламлар қирмизи ранга кирди. Чингизхон:

- Қизга тегманг, - деди.

Қатлиом узоқ давом этмади. "Бўлди" деб хабар беришганида масжиднинг ичи жасадга тўлиб кетган эди. Ўртада қондан кўлмак ҳосил бўлди. Оппоқ кулоҳлар қонга беланиб ётарди...

Чингизхон одатдаги бир воқеа содир бўлгандек атрофга бамайлихотир кўз югуртириди. Сўнг яна қизга тикилди.

- Рақсга түшсин, -деди.

Бармоги билан мурдаларни күрсатди.

- Шу муллаларнинг жасадлари устида ўйнасин...

Икки навкар қизни қўлидан судраб ўша томонга олиб борди. Қизнинг яланг оёқлари мурдаларга тегди, қон тегиб қизил рангга кирди. Қиз сесканди. Жасадлар орасидан отасини ахтарди. Топди. Қиз олдин жасад устига ўзини ташламоқчи бўлди. сўнг фикридан қайтди.

- Динини ҳимоя этолмаган қизини ҳам, жонини ҳам сақлай олмади...

- дея шивирлади.

Бошини адл кўтарди. Нафрат тўла овозда Чингизхонга қичқирди:

- Қари қашқир! Сенга Оллоҳнинг лаънати ёғилсин!..

Чингиз Донишманд Ҳожибдан сўради:

- Не дейди бу?

- Сенга Оллоҳнинг лаънати бўлсин, деди.

- Юракдан айтдинг, эй Ҳожиб. Бу қарғиш сени ҳам эсанкиратди шекилли.

Жавоб кутмай қиз томон юрди. Икки ҳатлашда қиз ёнига етиб борди. Қиз қўрқиб тисланмоқчи бўлди, бироқ унга моне бўлишиди. Чингиз қизнинг қўлидан тутди.

- Ўйна!

Қизнинг қўлини қайирди. Чингизхон хунук тиржайиб, қах-қаҳа отди.

Қизнинг қўзи хоқоннинг белидаги ханжарда. Бирдан ташланиб, ханжарни олди.

- Мана сенга, лаънати!

Қизнинг ханжар ушлаган қўли шашт билан кўтарилиди, бироқ у зарба беролмади. Орқада ҳушёр турган мўғул соқчиси унинг қўлини тутиб қолди.

Чингиз қизни икки елкасидан тутиб ўзига тортди. Бор кучи билан ёноғидан тишлади, ўткир тишлари қаттиқ ботди. Қизнинг фарёди масжидни бошига кўтарди. Чингизхон оғзини очмай бошини бирдан орқага тортди.

Оғзида каттакон эт парчаси бор эди. Қиз додлади, ёноғини қўли билан бостиromoқчи бўлди. Бироқ аскарлар унинг икки қўлини ҳам маҳкам ушлаб турардилар. Эти қўпорилган жойдан ёноқ суяги оқариб кўринди. Сўнг тирқираб қон оқди. Қизнинг юзи тобора оқариб борарди. Қора кўзлари олайиб, Чингизнинг сариқ башарасига михланиб қолди.

Қизни анчагача оёқда ушлаб туришиди. Ҳатто мўғул навкарларининг илиги музлагандек бўлди. Чингиз қўлпакдек ириллаганича оғзидаги эт парчасини сақич каби чайнаётган эди.

Ниҳоят мажоли қолмаган қизнинг оёқлари бўшашибди. Навкарлар уни қўйиб юборишиди. Қиз ўроқ тушган жўхоридек оппоқ саллалар орасига йиқилди.

Чингизхон унинг устига борди. Ханжарини сувурди. Навниҳол қиз

устида чўқкалади. Бир зарб билан қўксини ёрди. Нақ юрагининг устига ханжар урди. Пастга тортди, сўнг ён томонга, яна юқорига, яна ён томонга. Тўртбурчак ҳосил бўлди. Кон тизиллади. Ханжарининг учи билан кесиб олган гўшт парчасини бир томонга улоқтириди. Халқоб қон ичидагизнинг юраги кўринди. Юрак охирги марта титраётган эди. Чингиз қўлини тиқиб, бир тортишда юракни суғуриб олди. Қизнинг вужуди яна бир бор силталанди, бошдан-оёқ титради. Сўнг тинчидагизнинг қолди. Навкарларининг зўрма-зўраки хоҳолашлари остида Чингиз оёққа турди. Қизнинг юраги ҳануз иссиқ. Чингизнинг бармоқлари орасидан қон чакиллаб оқарди.

Чингиз юракни оғзига олиб борди. Тишлари билан майдада майдада бўлакларга бўлди. Масжид қуббасини ларзага келтириб қаҳ-қаҳа урди.

Ховлига чиқди. Майдонга тўплланган навкарларига қўл силкиди.

- Мусулмонларнинг ҳаммасини шу тахлит жазолайман, - деб ўқирди у. - Мен Кўктангри томонидан мусулмонларни жазолаш учун юборилган буюк мўғул хоқониман. Ҳеч қандай қўшин, ҳеч қандай давлат менга бас келолмайди, маҳв бўлади. Эй, навкарларим, мен сизга Бухородек катта ва муаззам бир шаҳарнинг дарвозаларини ланг очтиридим. Сиз менга садоқат кўрсатиб, ўлимга ҳам тик бораверинг. Сизга янги-янги зафарлар қозондираман.

Навкарлар бир овоздан бақиришди:

- Сиз билан биргамиз, буюк хоқон!

- Энди катта бир гулхан ёқинг. Уйларга ўт қўйсангиз ҳам майлига. Топган китобингизни гулханга отинг. Китоб ёзадиганларни ҳам оловга ташланг. Биз жангари элмиз, бизга илм эмас, уруш керак. Қалам, китобнинг кераги йўқ. Бизга от билан қилич бўлса кифоя.

- Лу! Лу! Лу!..

- Қани, илдам бўлинг, арслонларим...

Фармонни эшишиб, Донишманд Ҳожибининг ичи зил кетди.

- Буюк хоқон, - деди у. - Биз кўчманчимиз. Бироқ бир умр кўчманчи бўлиб қолмаймиз. Бу жойлар маданият чўққесига кўтарилган. Келинг, бу китобларни ёқмайлик. Олимларнинг анча-мунчасини ўлдирдингиз. Ҳеч бўлмаса қолганларига омонлик беринг. Улардан давлат ишида фойдаланамиз. Қамчилаб турсак, бош кўтармай, бизга хизмат қилишади.

Чингизхон унга олайиб қаради.

- Эй ит Ҳожиб, сен улар тарафдамисан?

- Йўғ-э, буюк хоқон.

- Үндай бўлса, овозингни ўчир. Омадинг бор экан. Агар хизматинг сингган бўлмасайди...

Сўзини охирига етказмай қўяқолди. Донишманд Ҳожибининг қум-қув ўчган юзидан у хоқон нима демоқчи эканини тушунгани маълум бўлиб турарди.

Катта майдонга йигилган халқ оҳ-фарёд урарди. Аркдаги бир ҳовуч

ватанпарвар бўлса ҳамон жон олиб жон бераётган эди.

Шаҳарнинг у ер бу ерига ўт қўйилди. Аста-секин атрофга ўт туташиб, тобора кучайди, шаҳар устида олов гуриллай бошлади. Бухоро ўт ичидаги қолган эди.

\* \* \*

- Султоним, шон-шавкатли Хоразмшоҳ, отажон. Бу кетища қаергача қочамиз?

Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад тизгинни сал тортиб, отини секинлаштириди. Ўғлига ўқрайди.

- Жонимизни бехавотир ҳис қилгунга қадар, - деди у.

- Мамлакатимизни душман топтаётган, элимизнинг бошига қамчи тушаётган бир пайтда жонимиз шу қадар азиз бўлиб қолдими?

- Биз омон бўлсак, яна давлат барпо эта оламиз, Жалолиддин.

- Шундоғ денг, султоним. Бор давлатни, давлат учун жон фидо қилишга тайёр элини ҳимоя этмасдан қочган одамлар янгидан давлат барпо этармиш-а...

- Тилинг илонникидан ҳам заҳарли-я.

- Бошқача бўлиши мумкинми? Қўл-оёғимни ипсиз бойлаб, орқангиздан эргаштириб олиб кетяпсиз. Қўянеринг, ҳеч бўлмаса тилим ишласин...

- Истамасанг қол, сени ҳеч ким зўрлаётгани йўқ.

- Бундай бўлишини истамайман, олампаноҳ. Жалолиддин отасига қарши бош кўтарди, деб айтишларига йўл қўймайман. Бироқ душманга қарши чиқишни буюрсангиш ёлғиз бошим билан орқага қайтиб, шаҳид бўлгунча урушишга тайёрман. Ҳеч бўлмаса шон-шараф билан ўларман.

- Жалолиддин, Жалолиддин! Тақдир биздан юз ўтирган. Қўлимиздан не ҳам келарди?

- Тақдир дейсизми? Тақдир ҳеч кимдан юз ўтирмаиди, султоним. Биз ҳали тақдиримиздан қочяпмизми?

- Балли...

- Катта хатто бу. Илоҳий ирода Оллоҳнинг измида, жуэъий ирода эса инсон қўлида. Биз ҳатто жуэъий иродани ҳам ишга солмадик-ку! Пешонамизга не ёзилганини синааб кўришни ҳам лозим топмадик. Ҳайҳот...

- Сендан асло лашкарбоши чиқмайди. Тўғри, сен жасур аскарсан. Аввалбошдан шундайсан, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қоласан. Орқамиздан келаётган шу минглаб суворийларга бир қара. Уларнинг ҳаётига мен масъулман. Сен буни тушунмайсан.

Жалолиддин саф-саф бўлиб келаётган отлиқларга қаради.

- Нимага ярайди булар? - деди. - Бир тўда отлиқ, аммо ҳозир уларнинг хотинлардан фарқи йўқ. Душманга лоақал бир марта қилич солмай орқамиздан қочишаётди. Оҳ!. Қочган шаҳзода бўлгандан кўра, урушиб ўлган аскар бўлмоқни қанчалик истайман!

- Қочаётганимиз йўқ, қулай фурсатни кутиб чекинаётirmiz.
  - Үндей бўлса, Сайхун томонга қайтайлик. Ўша ерда душманни ертишлатайлик. Ҳар ҳолда улар биз ўйлаганчалик кўп эмас. Келган хабарларни эсланг. Темур Малик бир ҳовуч йигити билан Жўжини қон қустирмоқда. Душман Бухоронинг қалъаи дарунига чекинган бир неча қаҳрамонни таслим этолмаётir.
  - Ҳўш не қилишимни истайсан?
  - Қайтайлик, Сайхун бўйида душман устига бир босқин қилайлик. Қўл остиизда етарли лашкар бор. Яхши бошқарилган тақдирда катта натижаларга эришиш мумкин.
  - Чингизнинг қўл остида тўрт юз минг аскар бор эмиш...
  - Ишонманг бунга. Чингизнинг атиги юз эллик минг аскари бор. Уларнинг кўпини шаҳарларни қамал қилгани жўнатган. Марказга ҳужум қилсак мўғул хоқонини асир олишимиз мумкин.
  - Ҳомхаёл!
  - Ҳа, султоним, бу гўзал хаёл... Бироқ ҳақиқатни хаёл деб билиш ҳечам гўзал эмас.
  - Нима деяспсан? Ким билан сўзлашаётганингни унутдингми?
  - Унугтаним йўқ. Эли-юрти бўлмаган султон билан сўзлашяпман.
  - Йўқол!..
  - Ижозат беринг, султоним, ҳозирга қадар содик бандангиз ўлароқ не буюрсангиз бажардим. Той каби орқангизга эргашдим. Бироқ энди...
  - Кетсанг кетавер...
  - Афсус, бундай қилолмайман. Султонимсиз, отамсиз, ташлаб кетолмайман. Фармон беришингизни хоҳлайман. Қўл остимга озгина аскар беринг, душманнинг бошига ит кунини соламан. Худо хоҳласа, бу ишнинг уддасидан чиқаман.
  - Бир иш қилгудек кучимиэ қолмаган ҳозир. Яхшиси, жим бўлиб, менга итоат қилгин.
  - Қаёққа кетаётганимизни айтарсиз ҳеч бўлмаса.
  - Айтаман, Тусга кетаётirmiz.
- Жалолиддиннинг боши хам бўлди. Фақат ўзи эшитадиган паст товушда:
- Тусга қочаётirmiz, - деб шивирлади.
- Ҳа, қочишаётганди. Катта қўшинини эгасиз ташлаб, қандайдир афсонадан кўрқиб қочаётган эдилар.
- Тусдан Давлатободга ўтдилар. У ерда Жалолиддин қисти-бастига олгач, бир мўғул қўшини билан жангга киришди. Хоразмликлар йўл юриб ҳориб-чарчаган эди. Боз устига султон билан саркардаларнинг кўпи жанг қилиш эмас, қочиш тарафдори эдилар. Улар Жалолиддинни айбдор қилиш мақсадида мағлубиятга учраш учун не лозим бўлса қилдилар. Султон қўшинининг катта қисми ҳалок бўлди, қолганлари қочди. Кўп одам ўлди, катта талофат берилди.

Султон бу мағлубият учун Жалолиддинни айбдор деб топди, оғзига келганини сүйлади. Пировардидә бир неча садоқатлы маҳрамлари билан Абискун деңгизидаги бир оролдан паноҳ топди.

Дабдабаю асъаса билан ўтган умрининг қолган қисмини камбағаллик ва фақирлик ичида ўтказишга маҳкум бўлди.

Буни ўйлади дегунча султоннинг кўнгли бузилар, кўнгли бузилди дегунча хўнграб йиғлар эди.

## ЎН ИККИНЧИ БЎЛИМ

Аждарҳо йили (1220) эрта баҳорида Чингизхон Самарқандни олиш ниятида Бухородан чиқишига қарор қилди. Улкан шаҳар устида ҳануз тутун бурқсир эди. Қалъаи дарунга бекинган бир ҳовуч қаҳрамон ҳали-гача таслим бўлмай, жанг қилмоқда. Бундан ғазабланган хоқон сўнгги синашта усулини қўллашга қарор берди. Мўғуллар асиirlарни бир-бирига занжирбанд этиб, олдига солган ҳолда қалъаи дарунга ҳужумга ўтдилар. Қалъадагилар диндошларини ўлдиргандан кўра, ўлимни афзал билдилар. Дарбозаларни очишиди. Душман ич қалъага қуондай ёпирилиб кирди. Мужоҳидларнинг барчаси қиличдан ўтказилди.

Ниятига етган Чингизхон мамнун бўлди. Қўшини билан эрта тонгда шаҳарни тарк этиб, Самарқандга йўл олди.

Мўғуллар Зарафшон дарёси бўйлаб юрдилар. Йўл-йўлакай Добусия ва Сарипул шаҳарларини ишғол этдилар. Сон-саноқсиз асиirlарни подадек ҳайдаб, Самарқанд останасига этиб бордилар.

Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммаднинг шаҳар ташқарисида ёзги саройи бор эди. Султон гоҳо овга чиқар, ов мавсуми ўтгунча шу саройда яшарди.

Чингизхон шу саройга жойлашди. У ҳар куни тонгда деразадан Самарқанднинг баланд деворларига узундан-узоқ тикилди.

Чингиз бу мустаҳкам деворлардан ошиб ўтолмаслигини жуда яхши биларди. Ҳийла ишлатишга қарор қилди. Агар у шаҳардаги баъзи хонларни қўлга ололса, худди Бухорода бўлгани сингари, бу шаҳар дарбозалари ҳам ўз-ўзидан очилган бўлур эди.

Айтишадики, агар шаҳарга Темур Малик сингари жасур ва билимдон саркарда бошчилик қилганида эди, самарқандликлар ҳеч бўлмагандан доидуни тугагунга қадар, яъни бир-бир ярим йил истилочиларга қаршилик кўрсатган, ҳатто вақти-вақти билан ҳужумга ҳам ўтиб, душманни қочирган бўлурди.

Афсуски, Туркон Хотуннинг укаси, Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг тоғаси Тўргайхон қалъа қўмондони этиб тайинланган эди. Ҳалқ ўртасида ҳам, қўшин ўртасида ҳам унинг қора чақалик обрўси йўқ эди. Фақат

атрофидаги бир нечта хүшомадгүй уни құллаб-қувватларди, холос.

Унинг ҳашаматли ҳаёт кечиришдан бошқа ташвиши йўқ. Тўргайхон кимхоб либосларга бурканиб, ҳар бармоғида камидан иккитадан қимматбахо узук тақиб юрар эди.

Раият билан учрашишни эп кўрмас, қўшинини саройдан туриб бошқаради.

Булардан Чингизхон бохабар. У шаҳарни ҳийла билан қўрқитиб фатҳ этмоқчи бўлди. Қўшин сонини аслида боридан уч баробар кўп кўрсатса борми, Тўргайхон унинг ҳийласига учиб, таслим бўлишига шубҳа йўқ.

Чингиз яширин йўллар орқали шаҳарга бузғунчилар жўнатди, айни пайтда ўз режасини амалга оширишга киришди.

Қўлига тушган асиirlарни мунтазам қўшинга ўхшатиб қисм-қисмiga бўлиб сафлади. Хар бир қисм бошига түf тикди. Асиirlар бир-бирига боғлаб қўйилган, узоқдан қараган киши буни фарқлай олмасди. Дарҳақиқат. Тўргайхон машаққат чекиб, қалъа буржига чиқкан пайтида асиirlарни мўғул аскари деб ўйлади. Ҳайратдан "ўххў" деб юборди. Ўйга толиб, қасрига қайтди. Саркардаларни тўплади.

- Душман мўр-малаҳдек экан, - деди у. - Дош бермогимиз мушкул. Агар Чингизхоннинг газабини қўзғатсан Самарқандни Бухоро каби ёқади, вайрон этади, жумламизни қиличдан ўтказади.

Ботир саркарда Болонхон шартта ўрнидан туриб унинг сўзини бўлди.

- Бу не демак? - дея қичқирди у. - Ёғий оздир ёки кўпdir нима бўпти?! Бизга шаҳарни мудофаа этиш вазифаси юклатилган ва қатра қонимиз қолгунча шаҳарни ҳимоя этамиш.

Али Эрхон ҳам шу фикрда эди. Болонхондан кейин у сўз олди.

- Бухоро таслим бўлди. Чингиз шаҳарнинг бош майдонида қилган ишларни эшитсангиз даҳшатдан мўйингиз тиканак бўлади. Нега энди ўз ихтиёrimiz билан бошимизни кундага қўйишимиз керак? Нега ёғийдан қўрқиш керак? Йўқ, шаҳарни охиригача ҳимоя этамиш.

Тўргайхон ўз тарафдорларига қараб қўйди. Сўнг Болонхонга юзланди.

- Халқ урушишни истамаса-чи?

Болонхон бош чайқади.

- Халқ урушишни истамаса ҳам, биз олишамиз. Нега халқ урушиши керак ўзи? Хирож тўлагани етмайдими? Урушиш аскарнинг иши. Қалъада аскар етарли. Керак бўлса халқдан черик тўплаш мумкин. Қалъа халқи бунга жон-жон деб рози бўлади.

- Сен гаплашиб кўрдингми?

- Мен элимни яхши биламан, Тўргайхон.

Қипчоқ хонларидан бири орага кирди.

- Беҳудага баҳслашяпмиз. Болонхон билан Али Эрхон урушиш тарафдори. Майли бориб урушаверишсин, ҳеч ким уларнинг йўлини тўса-ётгани йўқ..

Али Эрхоннинг жаҳли чиқиб, қизариб кетди.

- Сиз бўлса хотинлардек томоша қилиб турасиз, шундайми? - деб қичқирди у.

- Не демоқчисан ўзи?

- Динимиз, мамлакатимиз, шаҳримиз, ҳалқимизнинг истиқболи хавф остида турган бир паллада орамизда ўзроҳат-фарогатини ўйлаб, қўйдай таслим бўлмоқчи бўлганлар борлиги алам қиласи кишига. Ҳатто хотинлар ҳам бу қадар кўрқоқ бўлмаса керак.

Қипчоқ хони ҳанжарини сугурди.

- Сўзингни қайтиб ол!

Али Эрхон ҳам ҳанжарига қўл юборди.

- Аскарларингни олиб, қалъадан чиққан ва душман устига ташланган заҳотинг сўзимни қайтиб оламан.

- Йўқ ҳозир қайтиб оласан.

Бир қадам яқинлашди.

- Мен эркаккагина эркак дейман, холос.

- Сўзингни қайтиб ол дедим.

Қипчоқ хони ғазаб билан ҳанжарини кўтарди. Бироқ зарб беришга улгурмади. Орқадан бироннинг темирдай қаттиқ қўли билагини қайирди. Ғазаб билан ўтирилди. Ўтирилиб Болонхон билан юзма-юз бўлди, унга нафрат билан тикилди.

- Кўпрак!..

Болонхон унинг билагини қайриб, ўзига яқин торти. Бўш қўли билан тарсаки тортиб юборди.

- Аҳмоқ!..

Ораладилар. Бу икки саркарданинг ботирлиги ҳаммага маълум. Тўргайхон вазиятни юмшатишга уриниб деди:

- Нега жанжаллашяпсиз? Биз бу ерга жанжал кўтаргани эмас, ёғийдан ҳимояланиш тўғрисида маслаҳатлашгани йифилдик. Бу борада таклифингиз бўлса айтинг.

- Ҳозиргина жасорат кўрсата олишимиз мумкинлиги айтиб ўтилган эди, - деди Болонхон.- Ҳўжакўрсинга жасорат кўрсатмоқчи эмасмиз. Шаҳар куршовга олинган. Куршовни ёриб ташлаш керак. Бунинг учун аскарларимни олиб, Чингизнинг қароргоҳини босаман.

Али Эрхон бир неча қадам ташлаб, Болонхонга яқин борди. Қўлини унинг елкасига қўйиб, деди:

- Мен ҳам шундай қиласман.

Шу чоққача жим ўтирган Ойкон сёққа қалқиб, уларнинг ёнига бордида, Болонхоннинг елкасига қўл ташлади.

У кўп гапиришни хушламас эди. Баъзан кун бўйи бир оғиз сўзламасди. У сўз сўзлашни эмас, иш қилишни афзал билар эди. Ойкон бош иргаб қўйди, холос. Шу билан у Болонхон томонида эканлигини билдириди.

Уч бек саройни тарк этди. Аскарларини ҳозирладилар. Уч кўлга бўли-

ниб, шаҳардан чиқдилар. Ҳар қўлда минг аскар бор эди...

Мўғул қароргоҳига етиб боришган вақтда тонг отиб, уфқ қизара бошлиганди.

Шиддат билан хужумга ўтишди. Мўғуллар ҳақиқатан кўпчилик эди. Уч минг киши улар учун дengиздан томчидай. Шундай бўлишига қарамай мўгуллар чекинишга мажбур бўлдилар. Хоразм суворийлари қаттиқ олишишди, уччала саркарда аскарларини маҳорат билан идора этишди. Жанг бир соатча давом этди. Мўғуллар ўзига келганини кўрган Болонхон ўраб олишаётганини сезган заҳоти чекинишни буюрди. Усталик билан қутулиб чиқишиди. Орқасидан қувган беш юзтacha мўғул суворийсини асир олиб, шаҳарга кириб олишиди.

Бу жасоратлари қалъада қолган бекларга намуна бўлар деб ўйлаб янглишгандарини мажлиста тўпланган вақтлари тушуниб етдилар. Қипчоқ хонларининг батъзилари уруш тарафдори бўлса-да, кўпчилиги ҳамон қарши эди. Кун бўйи давом эттан музокара ярим кечгача чўзилди. Бироқ натижа чиқмади. Охири умиди узилган Болонхон ўрнидан туриб, этагини қоқди.

- Кўрқоқлар! - деб қичқирди у. - Ёғий устига яна хужум қилиш учун аскарларимнинг ёнига кетдим, сизлар нас босиб ўтираверинг.

Тонгга яқин тайёргарлик охирига етди. Бу гал уларнинг сафида ҳалқдан чиққан кўнгиллilar ҳам бор. Али Эрхон билан Ойхонбек ҳам тайёр турарди. Икки қипчоқ хони ҳам аскарлари билан уларга қўшилди. Жами олти минг отлиқ.

Кўмондонликни Болонхон ўз зиммасига олди. У кўп йиллар Темур Малик билан бирга жанг қилган тажрибали саркарда. Тўргайхон нафсониятидан кечиб, қўмондонликни унга топширганида эҳтимол шаҳар қутулган бўлур эди.

Чингизхон иккинчи хужумни кутаётганди. Аввалги босқин натижасида катта талафот бергани учун бу гал чора кўрган эди.

Хужум қилиб келаётган хоразмликлар олдида чекиниш усулини қўллади. Ўнг ва сўл қанот жойидан жилмади, марказ орқага қочди. Болонхон бу ҳарбий ҳийла эканини бошқаларга ҳарчанд уқтирасин, ҳеч ким унга қулоқ солмади. Мўғулларни қувиб кетишиди. Уларнинг эс-хуши жойига тушган вақтда эса кеч бўлган - мўғулларнинг ўнг ва сўл қаноти орқа томонда бирлашиб, мусулмонларни қуршаб олган эди. Шунга қарамай қўрқмадилар, шердек олишдилар.

Мўғуллар пакана отларига қапишганча уларнинг атрофида гир айланниб, ваҳшиёна наъра торта бошладилар.

- Лу! Лу! Лу!..

Болонхон жўшиб қичқирарди:

- Ё Оллоҳ! Ё Оллоҳ! Ё Оллоҳ!..

- Оллоҳу акбар, Оллоҳу акбар!..

Тўргайхон қалъанинг энг баланд буржига чиқиб, қўлини пешонасига

қўйганча жангни кузатаётган эди.

- Аҳволлари ёмон, - деб сўзланди у. Сўнг ёрдамчиларига ўгирилди. - Уларга ёрдам керак. Агар шаҳардан йигирма минг киши хужумга ўтса мўғулларнинг ўзини қуршаб олиш мумкин.

Қипчоқ хони заҳархандалик билан жавоб берди:

- Яна йигирма минг кишини ўлим қучоғига ташламоқчимисан? Анави сўқирлар туфайли бой берган талафотимиз камми?

Тўрғайхон жим бўлди. Қипчоқ хонлари тўнғиллашда давом этдилар.

Айтишадики, қалъадан аскар чиқиб, мўғулларни босса Болонхон қуршовдан осонгина қутулган, балки Чингизхон аскарларини ҳам тор-мор келтирган бўлур эди.

Бироқ бундай бўлмади. Тўрғайхон гўё қаттиқ чарчаган одамдай ётоқ-хонасига бориб, ўзини тўшакка ташлади, бўлаётган ҳодисаларни кўрмаслик учун кўзини юмди.

Жанг тушга қадар давом этди. Болонхон бир неча бор қуршовни ёришга муваффақ бўлди. Душманга катта талафот етказди. Бироқ мўғуллар мўр-малаҳдай кўп, чопиб охирига етиб бўлмас эди. Бир пайт қараса, атрофини пакана отлиқлар ўраб олган, йигитлари кўринмайди. Кўзларидан олов сочди. Ўн икки жойидан яраланса-да, қиличини ташламади. Баданининг ҳар томонидан қон ирмоқдек оқди. Оти қизил қонга бўялди. Шунга қарамай қилич солаверди, солаверди... Кўз олди қоронғилашгуга қадар олишибди.

Оғзи қонга тўлиб, бўғилиб қолгунга қадар “Оллоҳ! Оллоҳ!” дея ҳай-қириб, қилич солди. Ниҳоят отидан йиқилиб, ерга мук тушди. Аччиқ кулимсиради. Оғзи-бурнидан қон кетди. Сўнгги бор “Оллоҳ!” деди ва ўнг елкасига ағдарилди. Шундайлигича қотди қолди.

Қалъага омон қайтган минг киши орасида Али Эрхон ҳам бор эди. Беш минг мусулмон шаҳид бўлганди.

\* \* \*

Чингизхон доим ёнида олиб юрадиган хитой ҳунармандларини ҳузурига чақиритирди. Паст бўйли хитойлар хоқон олдидা сафга турдилар. Ҳаммасининг кўзи оёқ учига тикилган, бош кўтаришга ҳеч қайсининг юраги дов бермайди.

Чингизхон ер тепинди. Сўнг жаҳлдан бўғриқиб ўшқирди:

- Нега қорин қашлаб бекор ётибсиз бетайин паканалар? Дарҳол ишга киришинг, узоққа отар ўқ-ёй ясанг. Агар икки кун ичиди иш битмаса каллангиз кетади.

Ҳунармандлар ақалли бош кўтаришга ҳам журъат эта олмадилар. Таъзим этдилар. Ҳурка-хурка саройдан чиқдилар.

Шаҳардан ташқарида бир вақтлар Хоразмшоҳнинг ёзлик кўшки бўлган саройда бу ҳодисалар юз бераётган чоқда шаҳар ичиди мажлис

борар эди.

Тұрғайхон ҳуаурида чордона қурған қипчоқ хонлари дам уришарди. Ботирлиги билан танилган қипчоқ хонлари йүқ эди. Бу ерга келгән хонлар еб-ичиш, кайфу сафодан бошқа нарсаны ўйламайдыган хонлар эди. Улардан бири бақириб деди:

- Бизнициларнинг ҳолини күрдик! Аҳмоқлик бу, аҳмоқлик... Урушамиз деб қалъадан чиқиш ақлданми? Шунча бегуноқ одамнинг ўлимига сабаб бўлди булар. Етар энди, рухсат бермаймиз. Бу шаҳарда яшаётган болалар, хотин-халажнинг ҳаёти учун биз масъулмиз. Чингизхон шаҳарни куч билан олса хотин-халаж, бола-чақа, ёшу қари деб ўтирамай, ҳаммани қиличдан ўтказади. Менга қолса не қилишни ўзим билардим.

- Не қиласдинг?

- Айтайми? Бу аҳволга тушган ҳар қандай ақли бор одам не қилса шуни қиласдим...

- Урушмоқчимисан?

- Ақлли одам қиласдиган ишни қиласман дедим, телбалик қиласман деганим йўқ!

Бир зум жим қолди, сўнг деди:

- Таслим бўлурдим.

Ориятли ёш хонлардан бири иргиб турди.

- Бу хиёнат-ку!..

Униси масхараомуз тиржайди.

- Билмадим. Не десангиз денг, аммо менга жоним ҳам, молим ҳам азиз. Беҳудага ўлиб кетишни истамайман.

- Хоин бўлиб яшамоқчимисан?

- Нега энди хоин бўларканман? Керак бўлса Чингизхон томонида урушаман. Хоразмшоҳ бизга нима берди ўзи? Неки бўлса, пешона тери билан эришдик.

Ёш хоннинг жон-пони чиқди.

- Уялмайсанми? Қандай тилинг борди? Хоразмшоҳ бизга не сўрасак берди-ку. Давлатнинг энг юксак мартабалари бизники бўлди-ку. Онасининг юзи учун, айб-нуқсонларимизни кўрмаганга олди.

- Чингиз ҳам шундай қиласди.

Ёш хон атрофдагиларга ялинчоқ назар ташлади.

- Айтинг бунга, сизнинг фикринги ўндай эмас, тўғрими?

Бирортаси фиқ этмади. Оғзида қатиқ ивитгандай жим, бошлари ҳам, гўё ердаги гиламни томоша қилишарди.

- Айтсангиз-чи, хиёнат қиласмайсиз, айтинг...

Кекса хонлардан бири бошини кўтариб, унга қаради-да:

- Бошқа чора йўқ, - деди.

Наригилари уни дарҳол қувватладилар.

- Ҳа, бошқа чора йўқ.

Ёш хон Тўрғайхонга юзланди.

- Ҳеч бўлмаса сиз айтинг, таслим бўлмаймиз, қатра қонимиз қолгунча урушамиз денг. Хон деган одамга ана шундай гап ярашади.

Тўргайхон бош чайқади.

- Масалани мен эмас, қурултой ҳал қилиди, йигит. Бошқа чора йўқ дейишса, демак шундай қилишга мажбурмиз.

- Демак, шаҳарни ҳимоя этмай, душманга топширасиз?

- Ҳимоячиларнинг аҳволи не бўлганини кўрдик.

- Мардларча ҳалок бўлдилар.

- Ҳа, ўлдилар-кетдилар, холос.

Ёш хон жаҳлдан қип-қизариб кетди. Ўрнидан туриб, турс-турс қадам ташлаганча эшикка йўналди. Бирдан тўхтаб, орқага ўгирилди. Ўтирганларни бир-бир назардан ўтказди.

- Надоматлар бўлғай! - деди. - Афсус, хоинлар ичига тушган эканман!

Шартта чиқиб кетди. Қалъани мудофаа этишга азму қарор этган хонларга қўшилди.

- Мен сиз билан биргаман! - дея ҳайқирди у. - Шу муқаддас тупроқ учун қатра қоним қолгунча мардларча урушаман.

Уни қучоқладилар. Али Эрхонга хабар етказдилар. Али Эрхон елкасидан енгил яраланган, тўшакда эди. Қувониб қаддини ростлади.

- Кел, жигарим, - деди у. - Биз айрмачилик тарафдори эмасмиз. Ҳозир мамлакат биздан фидойилик кутмоқда, бунга тайёр бўлмоқ керак.

- Мен тайёрман!

- Мен ҳам... Ҳаммамиз тайёрмиз!

Кўзлари намланди.

- Кошкийди бутун Самарқанд тайёр бўлса...

Ҳайҳот! Бутун Самарқанд тайёр эмасди. Ҳимоя қилиш керакмас, деганлар анча-мунча бор эди. Мамлакат мудофааси, дини йўлида жон беришни энг олий неъмат деб билганлар билан бир қаторда ўлим йўқлик деб, ўлимдан кўрқканлар ҳам бор эди.

Ярим кечаси шабиҳун уришга кетяпмиз, деб шаҳардан чиқдилар. Бориб Чингизхоннинг сўғига йиқилдилар.

- Биз, - деди улар, - сиз томонда урушиш шарафига ноил бўлиш учун хузурингизга келдик, ожиз бандаларингизни ёнингизга олинг.

Чингизхон тиржайди. Беписандлик билан Тўргайхоннинг бошини оёғи билан босди.

- Бу бош доим мана шундай таъзимда бўлсагина омон қолади. Майли, қабул қилдим, - деди.

Бошлари осмонга етди. Қаҳрамонларча ўлгани эмас, манфурларча тирик қолгани учун севиндишлар. Чингизнинг буйруғига кўра устидаги Хоразм саркардаларининг маҳсус либосини апил-тапил ёчиб, гулханга отдилар. Мўғулчасига кийиниб олишди. Белига эгри, калта қилич осишди. Бошининг тепасини қирдириб, орқа сочини ўрдилар.

Кўз очиб юмгунча бошқа миллатга айландилар, ғояларига туфурди-

лар. Қардошлари билан урушиш мақсадида Чингизхон қўшини қаторида саф тортдилар.

\* \* \*

Хитойлик ҳунармандлар уч кунга қолмай узоққа отар ўқ-ёйларни тайёрладилар.

- Кўринг, буюк хоқон, - дейишди усталар. - Бу ёйлар оловли ўқларни Самарқанднинг киндигигача етказа олади. Бироқ душман ўқи бизга етиб келолмайди.

Хоқон шод бўлди. Усталарга мукофот берди.

Эрта тонгдан шаҳарга ҳужум бошлади. Узоққа отар ёйлардан шаҳарга олов ёғдирди. Кўпгина жойларда ёнгин бошланди. Фозийлар ёнгинни ўчириш учун ўзларини ўту чўққа урдилар.

Бироқ айрим хонларнинг ёйий томонга ўтгани руҳиятларига салбий таъсир ўтказди. Ҳар саф ичиди бу таъсир сезилиб турарди. Барчанинг қовоги солиқ.

Мўғулларнинг узоққа отар ўқ-ёйларидан ёғилган олов натижасида ҳар ён ёнди: инсонлар ёнар, уй-жойлару боғларга ўт кетганди.

Шунга қарамай, ёнгин кишилар қалбидаги оташдан устун келолмади. Қўзалар қўлдан-қўлга ўтар, сув сепиб ўтни ўчиришарди. Баъзи кишиларнинг этагига ўт тегиб, жонли оловдек лов-лов ёнди.

Мўғуллар бир неча бор хурож қилиб кўрдилар, қалъя тагига қадар етиб келдилар. Атрофдаги қишлоқлардаги тирик жонни дарҳол қиличдан ўтказдилар. Уларнинг устидан қуш учиб ўтса қаноти куярди. Қалъя атрофида оқшом тушгунга қадар мўғуллар қумурсқа уясидай ружон ўйнадилар.

Кечқурун шаҳар улуғлари мажлисга йиғилди. Баҳсу мунозара анча давом этди. Қалъадаги аскарлар анча камайган эди. Қаршилик кўрсатиш борган сари мушкуллашиб борарди. Душман узоққа отар ёйлардан оловли ўқ ёғдеришда давом этмоқда. Кутишнинг фойдаси йўқ. Таслим бўлиш керак. Шунда бегуноҳ шаҳар аҳли омон қолар, эҳтимол.

Қалъани топширишга қарор қилиди. Кимdir йиғлади, кимdir фарёд урди. Бироқ таслим бўлмаслик кераклиги ҳеч кимнинг хаёлига келгани ҳам йўқ. Қарордан хабар топган Али Эрхон қаватидаги мингта суворий билан ярим кечаси яширинча қалъадан чиқди. Улар мўғуллар устига шердек ташландилар. Ҳатто Чингизхонни ҳам эсанкиратиб қўйган бир жасорат билан қуршовни ёриб ўтиб, ўрмон томонга от қўйдилар.

Эрта тонгда Самарқанддан бир ҳайъат чиқди. Ҳайъат тўппа-тўғри Чингиз ўтирган саройга борди. Хоқоннинг ҳузурига кириб таслим бўлмоқчи эканликларини айтдилар.

Чингизхон қисиқ кўзи билан уларга узоқ тикилди. Сўнг сўради:

- Нега таслим бўлмоқчисиз?

Элчилардан энг кексаси жавоб берди:

- Газабингизга учрамаслик учун. Шаҳар халқини ўлдирмасликка сўз берсангиз дарбозалар очилади.

Бу гал Чингиз янада узокроқ тикилди. Ўз-ўэича фудранди, сўнг маккорона тиржайди.

- Яъни шаҳар аҳлини қиличдан ўтказмаслигим керакми?

- Шундай буюк ҳоқон..

- Ишонаверинг, ҳеч кимсага тиф тегизмайман.

Элчилар ер ўшиб, қувона-қувона шаҳарга қайтиши. Хабарни шаҳарликларга етказиши. Кимдир севинди, кимдир ох-воҳ урди, кимдир қалъя буржидан ўзини ерга отди. Чингиз зулмидан кўра жаҳаннамни афзал билди...

Қамалнинг олтинчи куни. Шаҳар дарбозалари ланг очиқ. Мўғул навкарлари Чингиз бошчилигида наъра тортиб, Хоразмнинг пойтахтига кириши.

Чингизхон аҳолини Регистонга тўплади. Ким уйида қолса дарҳол ўлдирилиши тўғрисида жар солинди. Майдондаги халқни юз кишилик гурухларга ажратиб шаҳардан ташқарига ҳайдашди. Кишиларнинг қўлига белкурак бериб, катта ариқ қазишни буюриши.

Ариқ тайёр бўлгач, Чингиз бир ёш йигитга амр берди:

- Ариққа тушиб, узунасига ёт.

Йигит шундай қилди. Чингиз бошқаларига ўгирилди.

- Кўминг уни!

Тупроқ ташлай бошладилар. Бир кекса ўзини ариққа ташлади.

- Ўғлим!

Сен унинг отасимисан? - деб сўради Чингизхон.

- Ҳа, шундай.

Кўп яхши! Ўғлингни яхши кўрасанми?

- Жонимдан ортиқ.

Мамлакатингни ҳам севасанми?

- Албатта.

Чингиз бирдан тутокди.

Севар эмиш?! Ўғлингни кўмишса ўзингни устига отасан, хўш, мамла-катингни гўрга тиқишиганида нега бир четда томошабин бўлиб турдинг?

Нима ҳам дея олурди бунга? Мўйсафид оғиз очмади. Чингиз эзҳархандалик билан деди:

- Ол қўлингга белни қария, ўғлингни ўзинг кўм.

Мўйсафиднинг кўз ёшлари соқолидан думалаб, қуп-қуруқ тупроққа тўкилди.

- Бундай қилманг буюк ҳоқон.

- Бўл тез!..

- Буюк ҳоқон!

- Тез дедим!

Учига қўрошин парчаси боғланган қамчи кўтарилиб, пастга томон визиллаб тушди. Кексанинг қўйлаги йиртилди. Ёлкаси қавариб, қонталаш бўлди.

- Тез!

- Бундай қилолмайсиз, - дея исён этди ниҳоят мўйсафид. - Бизни қиличдан ўтказмасликка сўз бергансиз.

Иссиқдан қовжираган хурмо япроқларини ҳам титратиб юборган қаҳқаҳа янгради. Хохолаб бўлгач, Чингизхон деди:

- Мен сизга қиличдан ўтказмасликка сўз берган эдим. Сўзимда тураман. Хотиржам бўлинг, бир кишига ҳам тиф тегмайди.

Сўнг Чингиз бармоғи билан чуқурни кўрсатди:

- Ҳаммангиз шу ерга тириклай кўмиласиз.

Оҳ-фарёд кўкка етди, инграш товушлари тупроқ остида аста-секин сўнди. Гавда устига гавда қалашди. Ота ўғлини, ўғли отасини кўмди...

\* \* \*

Ўша жойда оҳ-фарёд товушлари ҳозиргacha эши билади дейишади. Ол-лоҳга яқин бўлган кишиларнинг қулоги бу оҳу нолаларни эши тар экан, шунда улар даҳшатдан таҳтадек қотиб қолармиш.

Хоин конларнинг қисмати қўрқинчли бўлди! Уларга шаҳардан ташқарида ўтов тикиш буюрилди. Ярим кечаси мўғуллар бирдан бостириб келиб, бола-чақа, хотин-халажни ҳам аямай ҳаммасини қириб ташладилар.

Ўлдирилганлар орасида Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммаднинг тоғаси Тўрғайхон ҳам бор зди...

Хоинлар ҳам, ғофиллар ҳам жазосини олди. Бироқ Самарқанд шундан кейин ҳеч вақт Хоразм пойтахти бўлмади.

Шоир юрагида дард қолди холос:

Бухорою, Самарқанд дер: кўздан оқар ёшларим,

Қайда қолди менинг Урал, Олтой тоғларим!

### **БИРИНЧИ КИТОБНИНГ ОХИРИ**

Явуз Баҳодирўғли  
ХОРАЗМ ЎТ ИЧИДА

Роман  
Адабий-бадиий нашр  
«Минҳожа» нашриёти  
2002

Тошкент, Буюк Турон кӯчаси, 41.

Муҳаррир: Минҳожиддин Ҳайдор

73,  
Теришга берилди: 27.06.2002й. Босишига рухсат этилди: 09.07.2002й.  
Офсет босма. Шартли босма табоби 10,0. Бичими 84/108 1/32.  
Адади 1000 нусха. Буюртма № \_\_\_\_\_.  
Баҳоси шартнома асосида.